

ҲАМДАМ СОДИҚОВ

**АМИР ТЕМУР
ХАЁТИДАГИ
ФАРОЙИБОТЛАР**

Тарихий бадиалар



«ART FLEX»
ТОШКЕНТ — 2007

63.3(5Y)4
C 75

Тақризчи
тарих фанлари доктори, профессор
Н.А. Абдуазизова


1033606
394

Содиқов, Ҳамдам.

С 75 Амир Темур ҳәётидаги гаройиботлар: Тарихий бадиалар /Х.Содиқов; Сүз боши А.Ориповники.—Т.:ART FLEX, 2007.—320 б.

Буюк тарихий шахс — А. Темур ҳақида жуда күп тарихий ва бадиий асарлар ёзилған.

Мазкур тарихий бадиалардан иборат китоб Соҳибқирон ҳәётидаги гаройиб воқеалар, унинг тақдирі ва ҳәётига оид илохий ҳодисалар, донишманд ва қароматли устоз-пирлар ҳақидадир. Мисслез ҳарбий саркарда, узоқни күра олған зиярек сиёсатчи ва адолатли донишманд күкмөрон киёғиси көңг китобханасынын оммасини албатта қызықтиради.



ББК 63.3(5Y)4

ISBN 978-9943-301-03-0

© «ART FLEX» нашриёти, 2007 й.

ТАҚРИЗЧИДАН

Тарих фанлари доктори, профессор Ҳамдам Содиқов узоқ йиллардан бери Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тарихи бўйича тадқиқотлар олиб боради. Унинг бу йўлдаги изланишлари республика матбуотида 1990—2006 йилларда эълон қилинган юзлаб лавҳа ва очеркларда акс этган. Темуршунос олимлар — Бўривой Аҳмедов, Турғун Файзиев, Ашраф Аҳмедов ва бошқалар томонидан тарихан холис деб баҳоланганд бу асарлар олимнинг Амир Темур тўғрисида ёзганлари тарихий ҳақиқатга мослигини кўрсатади.

Олим ўз изланишларида Шарқ ва Farb олимлари қўлёзмаларини ижодий ўрганиш асосида темуршуносликда янги йўналишни бошлади. У ҳам бўлса, Амир Темурнинг илоҳиёт билан боғлиқ кечмиш саргузаштларидир.

У яратган янги асар тарихий-бадиий услубда бўлиб, у шу кунгача яратилган асарлардан ўзига хос жиҳатдан ажralиб туради. Муаллиф Соҳибқирон ҳаётидаги илоҳий воқеаларни алоҳида ажратиб, ўқувчидаги Амир Темурнинг беғубор болалиги, жўшқин ёшлиги ва салобатли кексалигига рўй берган ва унга боғлиқ бўлмаган илоҳий-ғойибий воқеаларни қаламга олган.

Темуршунослар шу кунга қадар ана шу масалага эътибор беришмаган. Соҳибқирон қандай одам эди? Бола, йигит, саркарда ва ҳукмдор сифатида? Нималар уни қизиқтирган? Қандай кучлар уни доимо қўллаб-кувватлаган? Унинг толеи ва фожиаси нимада?

Ҳамдам Содиқов ана шу масалаларга ойдинлик киритади. Биз бу асар орқали буюк бобокалонимиз ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг қалбга яқин инсоний сиймосини кўрамиз.

Муаллиф Соҳибқироннинг абадий шон-шуҳратини кўрсатувчи янги манбалардан парчалар келтиргани ҳам асар аҳамиятини оширади.

Фикримча, бу асар темуршуносликда янги йўналиш очади ва минглаб ўқувчиларда улкан қизиқиш уйғотади.

Назира Абдуазизова,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги давлат ва жамият қуршилиши
Академияси қошидаги Ўзбекистон янги тарихи
маркази бош иммий ҳодими, тарих фанлари
доктори, профессор

ЮЛДУЗ ШУЪЛАЛАРИ

Тарихдаги улуғ зотларни маҳобатли тоғ чўққиларига ўхшатиш мумкин. Чўққининг салобати кўз олдимиизда доимо намоён бўлиб тургани билан унинг бағрида ва атрофида қанчадан-қанча сиру синоатлар бор. Унинг ҳудудида қўрқинчли горлар ва чечакзор адирлар, турфа жонзотлар, сайроқи қушлар мавжуддир. Тарихдаги улуғ зотлар Баҳри Уммонда кезиб юрган баҳайбат кемаларга ҳам ўхшайди. Бир қараганингизда бу кема кўзингизга яхлит ташлангани билан унинг ичида ва каюталарида қанчадан-қанча тилсимли ҳодисалар юз беради. Ва бу кеманинг изидан мавжланган из қолади. Бу из ҳатто фазодан боққандა ҳам яққол кўзга ташланиши мумкин.

Биз буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларини дунёда неки энг кучли, энг жозибали, энг маҳобатли бўлса ўшаларга қиёслашимиз мумкин. Бу улуғ зотнинг ҳаёти ва фаолияти, жўнроқ айтганда, таржимаи ҳоли бизга маълум бўлса-да, бироқ биз эслатган чўққи ёхуд улкан кема янглиғ, бу муҳташам сиймонинг номи билан боғлиқ биз билмаган, эшитмаган ривоятлар, ҳикоятлар ер юзи бўйлаб кезиб юрибди. Одамзоднинг ҳар бир авлоди ёхуд ҳар бир халқ Соҳибқирон ҳақида ўз тасаввурига эга бўлишга интилади ҳамда қўл етмас бу юлдуз ҳақида афсоналар ҳам тўқий бошлайдилар. Чунончи, Амир Темурнинг Хизр бува билан учрашгани ва ундан тегишли тавсиялар олгани, доимо пайғамбаримиз иноятларида бўлгани хусусида кўп ривоятлар бор. Темур Ҳиндистон қишлоқларидан бирида тўхтаганда ўша қишлоқ оқсоқоли унга мўъжиза кўрсатади: очиқ ҳавода ёмғир ёғдиради. Темур бунинг сирини сўраганда у узоқ аждодлари олис бир сайдердан келгани ва Ҳиндистонда ерлашиб кетганини гапиради. Оқсоқол Темур саволига савол билан жавоб қиласди:

— Сиз қай тариқа ва қандай қилиб Ҳофизи Куръон бўлдингиз? Минг йил аввал араб қавмини ҳеч ким билмаган. Пайғамбаримиз дунёга келди-ю, уларни дунё таниди.

Икки аср илгари мӯғул кимлигини башарият билмади. Чингизхон келди-ю дунё титради. Юз йил аввал Кеш ва Самарқанд кўҳна шаҳарлар бўлса ҳам, уларнинг довруғи оламшумул бўлмаган. Сиз салтанатга келдингиз-у уларнинг номи оламга кетди. Араблар ҳам, мӯғуллар ҳам тарих саҳнасидан тушиб кетди. Бирор асрдан сўнг уларни ҳеч ким танимайдиган бўлади. Аммо Сиз, Соҳибқирон юлдузи сира сўнмайди, салтанатингиз шарафи асрдан асрга кўчаверади. Чунки Сиз биз каби самовият олами билан боғлангансиз.

Форсда, Гуржистонда, Русда, Европада ва бошқа ўлкаларда Темур билан боғлиқ кўп ривоятлар, афсонавий мўъжизалар ҳақида гап боради. Бу воқеалар бўлиб ўтганми ё йўқми номаълум. Бироқ буларнинг моҳияти Соҳибқирон ҳақида мантиқан тўғри таассурот уйғотиши мумкин. Айни чоғда ушбу ҳикоятларда уни тўқиб чиқарганларнинг аҳвол-руҳијаси намоён бўлиб туради.

Тарихимизнинг зукко билимдони ва синчков изқувари Ҳамдам Содиқов узоқ йиллардан буён миллатимизнинг улуғ намояндалари ҳақида ҳам илмий, ҳам бадиий рисолалар ёзиб келмоқда. «Амир Темур ҳаётидаги гаройиботлар» китоби унинг кўп йиллик изланишлари самараси бўлиб, унда Соҳибқирон тақдиридаги сирли воқеалар ва турли ривоятлар қаламга олинган.

Ҳазрат Соҳибқироннинг серқирра фаолияти ҳали кўп тадқиқотларга асос бўлади. Бу улуғ зотнинг шахсияти, хатти-ҳаракатлари, феълу атвори, албатта, ҳар кимни қизиқтиради. Балки ҳалқ орасидаги гаройиб ҳикоятлар ҳам ўша қизиқиш ила туғилгандир. Ахир жўн одам ҳақида латифа ҳам тўқишимайди-ку!

Буюк Темурга, Мовароуннаҳр осмони порлоқ юлдузига эҳтиромимиз миллатимизга, улуғ тарихимизга эҳтиромимиздир. Дикқатингизга ҳавола этилаётган ушбу китобда ўша порлоқ юлдузнинг ўчмас шуълалари чақнаб турибди.

Абдулла Орипов,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ҳалқ шоири
2006 йил 24 май

МУҚАДДИМА

Лашкар сафини ёриб ўтган Шоҳ Мансур Музабфарий сара суворилари билан тўғри Амир Темур қароргоҳи томон от қўйди.

Барлос беклари дарҳол Соҳибқирон ҳимоясига ташландилар. Лекин Шоҳ Мансур йўлида дуч келганини йиқитиб, Темур билан тўқнаш келди.

Пайғамбар ёшидаги Соҳибқирон қиличи навқирон ёшдаги рақиби шамширига урилди.

Кўзлари қонга тўлган, бутун жуссасидан куч ва қувват ёғилиб турган Шоҳ Мансур ҳамласи даҳшатли эди. Оғир Исфахон қиличи Темурнинг дубулғасига урилди. Бир зум гангид қолган Соҳибқирон жавоб зарбига ултуролмай қилич яна бошига тушди.

— Мансур! Тенгинг билан олиш! — Кимнингдир янгроқ хитобидан Мансур беихтиёр сесканиб аланглади.

— Болагинам!

Бу Темурбек хитоби эди. Шоҳ Мансур томон елдек учиб келган Шоҳруҳ Мирзо Соҳибқироннинг 17 ёшли фарзанди эди. Художўй, беш вақт намозни сира канда қилмайдиган, қилич ўрнига кўпроқ қўлида Куръон ушлаб мутолаа қилишни афзал кўрувчи тақводор Шоҳруҳ бутун умрини жанг жадалда ўтказган тажрибали ва жангари форс ҳукмдори Шоҳ Мансурга рўпара келди-я!

Олишув чиндан ҳам қаттиқ ва беаёв борарди.

Ёшлик ёшлик билан жанг қиляпти. Мансур арслон бўлса, Шоҳруҳ мисоли шер эди.

Соҳибқирон илтижо билан нималарнидир ўзича шивирларди. У ўғли учун фойибдан мадад тиларди. Шу кунгача доимо уни қўллаб келган Парвардигор наҳот ундан юз ўғирса?

Мовароуннаҳр қўшини тезда ўзини ўнглаб, форс сувориларини қуршов ҳалқасига олди. Ёш шаҳзода нинг фидокорлиги уларни ғоят руҳлантириб юборган эди. Шоҳ Мансур эса бутун ғазабини шаҳзодага қаратиб, зўр бериб ҳамла қиласади.

Соҳибқироннинг қилич дастасини ушлаган қўли қаттиқ қисилди. У ўғли жуда тажрибали ва маккор қиличбозга дуч келганидан ғоят хавотирда эди. Йўқ, Шоҳрух ҳам анойи эмас, зўр устозлар сабогини олган йигит. Аммо у жангга ишқибоз эмас. Шунинг учун Темур уни бошқа ўғил ва набиралари орасида унча хушламас эди.

Қарангки, мана шу художўй ўғли унинг жонига ора кириб, ҳаётини сақлаб қолди. Бунинг учун ҳозир жонини фидо этмоқда. Кекса саркарда қалбидা фарзандидан ифтихор ва ўзидан ўқинч туйғулари туғён урди. Жигарбанди, пушти камари, кенжатои унинг ҳаётигина эмас, балки бутун салтанат тақдиди учун ҳам жонини гаровга қўйди.

Шоҳ Мансурнинг кучли зарбидан Шоҳрух эгарда чайқалиб кетди. Ваҳшиёна қийқириб Мансур қиличини баланд кўтарди.

— Болагинам! — Соҳибқироннинг — отанинг қалбидан юлқинган фарёди бутун жанггоҳда кучли акс садо берди.

Шу вақт кутилмаган воқеа юз берди. Чеҳрасига қараганда араб, найза билан қуролланган бир отлик югуриб келиб:

— Аллоҳумма ансур Темурхон! — дея баралла қичқирди. Шоҳ Мансур бу қичқириқдан кўрқиб, ҳушидан кетди ва отидан йиқилиб тушди. Шоҳрух уни кўтариб отига ўтқазиб олиб кетди. «Ё Аллоҳ, Темурга зафар ато эт!» дея қичқирган отлик эса қаергадир ғойиб бўлди.

Бу Амир Темур ҳаётидаги биринчи ғаройибот эмас эди.

ФАРОЙИБ ТУШ

Такина бегим ой-куни яқинлашган ўша эрта баҳорнинг намхуш кунида Амир Тарагай Баҳодир дўстлари даврасида ишкомда сұхбат қурди.

Амир ниҳоятда ҳаяжонга тушган эди. Баҳодирлар уни ҳеч қачон бундай аҳволда кўришмаган. Узоқ йиллар давомида неча-неча даҳшатли жангларда ҳам, оғир дақиқаларда ҳам у бундай аҳволга тушмаган. Қуролдош дўстлари ҳайрон. Амирга не бўлди? Наҳот у фарзанд кўраётган хотинига шунча ачиниб бундай куйиб-пишса?

Тарагай дўстлари саволини тушунгандай ниҳоят сўз қотди:

— Биродарлар! Ажабланманг. Бугун-эрта сизларни ҳайратга соглан жумбоққа жавоб бераман.

Супада ўтирган баҳодирлар унга далда бера бошлишиди:

— Қизми, ўғилми — бари фарзанд. Амирзода бўлишади.

— Эсон-омон қутулади.

Тарагай дам қизариб, дам бўзариб, ўзича нималарнидир пичирлайди. Дуо ўқимоқда.

— Амир, амир! Суюнчи, суюнчи!

Доя хотинлардан бири ҳаллослаганча амирга яқинлашиди.

— Нима, нима? — довдираб сўз қотди амир. Кўзларида қувонч, ҳайрат ва қўрқув.

— Қизми ё ўғил! — бақириб юборишиди сабрлари чидамаган баҳодирлар.

— Ўғил, ўғил! — шодон хитоб қилди доя.

— Ўғил!!! — хурсанд қийқириб ўринларидан туриб кетишиди баҳодирлар.

— Наҳотки? — амирнинг кўзларида фавқулодда шодлик ўти чақнади.

Бир ҳовуч тилла тангалар доя хотиннинг бошига сочилди.

— Азизларим! Энди баралла айтаман дилимдаги сиримни. Кароматгўй шайхимиз Шамсуддин Кулолнинг башорати ўнгидан келди.

— Қандай каромат? — қизиқсиниб сўрашди баҳодирлар.

— Аввал томоқларингизни ҳўллаб олинглар, — деди эшилиб кетган амир.

Хизматкор келтирган патнисдаги ўрдак шаклидаги қимиз идишни қўлга олган амир заранг косаларни тўлдирди. Ўртага ташланган бир халта қурт баҳодирлар учун эрмак бўлди.

— Катта базм олдидан буниси хамир учидан патир, биродарларим.

Баҳодирлар қизишиб олганларидан сўнг амир коғасига қўл ҳам тегизмай сўзида давом этди:

— Бир йилча муқаддам ғалати туш кўриб уйғониб кетдим. Қизиқ туш. Ялангликда турган эмишман. Арабга ўхшаш хушсурат йигит қўлида қилич билан олдимда пайдо бўлди. Менга яқинлашиб пўлат қилични узатди. «Қуёшга қараб силкит!» дея қичқирди. Индамай айтганини бажардим. Қилич ёғдусида бутун олам ёришиб кетса бўладими? Борлиқни мағрибдан машриққача кўрдим. Ажойиб ўлкаларни. Узоқ вақт хаёл суриб юрдим. Кейин шайх дўстимизнинг олдига бориб тушим таъбирини сўрадим. Кароматли дўстимиз мен яқинда ўғил кўришим ва у бутун дунёнинг фотиҳи бўлишини айтди. Бугун мен агар ўғил кўрсам, чиндан ҳам шайх башорати амалга ошади, қиз бўлса у ёлгон, деб дилимдан ўтказган эдим. Иншоолло, шайх Шамсуддин каромати чиндан ҳам Парвардигори олам инояти экан. Худога шукр!

— Боракалло!

— Фаришта омин дебди!

Амир Тарагай баҳтиёр ҳолда сафдошларига боқди. Ўзи майни лабига ҳам тегизмаган ҳолда дўстларига тўлатиб-тўлатиб қуяди. Баҳодирлар қизишиб, хурсанд ҳолда табрик устига табрик ёғдиришади.

Шундай қилиб ҳижрий 736 йил 25 шаърон — се-шанба куни — милодий 1336 йил 9 апрелда Шаҳрисабз яқинида Хожа Илғор қишлоғида Барлос беги Амир Тарагай оиласида фарзанд дунёга келди. Уни қирқ кун давомида намакоб сувда чўмилтириб, ба-данини ёғ билан муолажа қилишди. Бола баҳодирдек улғайсин дея энага-ю мураббийлар астойдил парва-ришни бошлишди.

Ташқарида боғ-роғлару экинзорларга туташ қўрғончада эса базм наволари янграб турди. Амир Тарагай меҳмондўстлик дарвозасини кенг очиб, қўй-қўзилар сўйди. Қўрғончада аҳил яшовчи баҳодирлар оиласидан ташқари ўтган-кетган йўловчилар ҳам дастурхонга таклиф қилинди. Қирқ кечаю кундуз эл-юрга ош-нон берган амир чиндан ҳам бағрини кенг очган эди.

Кеш (Шаҳрисабз) аҳолиси ўртасида ўзининг жа-сурлиги, саховати ва художўйлиги билан обрў қозон-ган Амир Тарагай аслзодаларга ҳам, оддий деҳқон ва ҳунармандларга ҳам бирдек муомалада бўлгани, айниқса шайх, дарвеш, қаландарлар билан яқинли-ги туфайли унинг қўрғончасига қадамранжида қил-ганлар ҳам беҳисоб эди. Меҳмон келар эшикдан, риз-қи келар тешикдан деганларидек, табрикка келган-ларнинг кўпчилигининг қўллари қуруқ эмас. Ўнлаб қўй, молларни олиб келишаётган зиёратчилар жой-жойларига ўтқазилади. Шўрва, кабоб ва паловнинг ёқимли ҳидлари атрофдаги одамларни беихтиёр қўрғонча тарафга етаклайди. Бундай зиёфат турмуш-да камдан-кам учрайди.

Кеп қолинг, Тархон Тарагай хонадонига!

Камбағаллар, гадойлар, дарвешларга ўша кун байрам бўлди.

Босқинчи мўғуллар ҳукмронлиги остида далалари қуриган, чорваларидан ажраган, ариқлари кўмилиб хонавайрон бўлганлар умуман ҳаробага айланган Мовароуннаҳрда кўп. Мўғул ҳонлари-ю ҳонзодалар ўзаро урушида экинзорлар топталади, ҳунармандлар, тижорат аҳли таланади, хотин-қизлар зўрланади. Бозорлар нотинч, нарх-наво осмонда. Ҳамма ерда тақчиллик. Тартиб-интизом деган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳеч кимнинг ҳаёти қонун томонидан ҳимояда эмас, зотан қонуннинг ўзи ҳам йўқ. Қачонлардир гуллаб-яшнаган ўлкада кўхна тарихдан фақат мусулмончилик қолган. Шунисига ҳам шукр!

Тўп-тўп одамлар орасида савдогарлар, карвонбушилар ҳам кўзга ташланади. Амир Тарагай ва унинг баҳодирлари кўпинча Кеш атрофидан ўтувчи савдо карвонларини ҳимоя қилишади. Қуролли соқчилик вазифасини бажариб туришади. Йўллар хатарли, лекин Амир Тарагай карвонни қўриқласа унга ҳар қандай қароқчи ҳам, шу жумладан, мўғул зўравонлари ҳам ҳужум қилишга ҳайиқади.

Бутун ёшлигини ҳонлар қўшинида ўтказиб, беҳисоб жангларда ўзини кўрсатган Тарагай кўп ярадор бўлганидан истеъфога чиқсан ва хизматга яраша тархон ёрлигини олган. Солиқлардан озод қилинган ва каттагина имтиёзларга эга бўлган тархон ўзи каби жангларда умрини ўтказган биродарлари билан ўзига инъом этилган катта ер-сувли қўргончада яшайди. Аҳил оиласадек бирга яшовчи бу баҳодирлар жамоасини бутун воҳа танийди. Зотан Шаҳрисабз вилояти ҳокими Ҳожи Барлос эса Тарагайнинг укасидир.

Қўргончада зиёфат кетига зиёфат уланди. Ҳамманинг қорни тўйиб, дастурхонларда гўдак шаънига дуолар ўқилди.

БОЛАЛИК САБОҚЛАРИ

Ташқарид қор гупиллаб ёғмоқда. Ичкарида эса иссиқ сандал атрофида баҳодирлар ўтиришибди. Ўртада қуруқ мевалар тортилган патнис. Сандалнинг бир четида кўрпага оёқларини суққанича болакай ёстиққа ёнбошлаган. Ёнида эса сўзга чечан энага. Барча шу аёл оғзига қараган. У достон-ривоятлар сўзлайди. Аждодлар мардлиги ва жасоратидан баҳс этувчи қаҳрамонлик достонларини айтади.

Болакайнинг кўзлари катта очилиб, сеҳрли эртаклар олами уни ўз бағрига олади. Афсонавий Рустам, доно Зол, золим Заҳҳок, сахийликда тенги йўқ Ҳотам Той ҳақидаги ривоятлар, Искандар Зулқарнайн юришлари унинг тасаввуррида ўзга дунёни очади.

Болакайга, айниқса, «Ур тўқмоқ» эртаги ёқишини энагаси яхши билади. Бу эртак катталарнинг ҳам диққатини жалб этиши унга аён. Шунинг учун энага ҳар гал бу эртакка янги-янги тасвирлар қўшади.

— Бир бор экан, бир йўқ экан, жуда қадим замонда бир камбағал бева яшар экан. Кўз очиб кўргани бир боласи экан. Тўқиган калавасини бозорда сотиб тирикчилик қиласр экан. Иттифоқо, бир куни у калавани боласига бериб, бозорга юборибди. Бола калавани сотиб, энди унга нон олиш учун йўл олганда қизиқ томошага дуч келибди. Бир тўда болалар калтаклар билан кичик илонни уришмоқда. Боланинг раҳми келиб, болаларни инсофга чақирибди. Йўлингдан қолма, дейишибди улар. Шунда бола пул чиқарган экан, дарров илонни унга тутқазишибди.

— Пул бўлса чангальда шўрва, — гап ташлайди аллаким.

— Отанг ҳам пул, онанг ҳам, — дейди яна кимдир.

Болакай эса эртак бўлинганидан ғаши келиб, қандайдир пул тўғрисида гапирган баҳодирга ижирғаниб тикилади.

Шундай қилиб, бола илонни қўйнига солганча уйига ҳомуш қайтибди. Улар энди бугун нима ейди? Онаси нима деркин?

Шундай хаёллар билан уйига келганини ҳам сезмай қолибди. Воқеани эшитган онасининг жаҳли чунонам чиқибдик, у боласини ҳам, илонни ҳам ўқлов билан уриб, уйидан ҳайдабди. Бола йиғлаб-йиғлаб илонни ёнига солганча боши оққан томонга кетибди.

Бу чўпчакни кўп эшлишган бўлса ҳам баҳодирлар ҳар гал энаганинг илҳом ила бой тасаввури остида гавдаланган эртак оламига сеҳрланиб ўтиришади. Айниқса, болакай кўзларини катта очиб, энага оғзиға қарайди.

— Боланинг қорни очиб чуқур ютинибди. «Қорнинг очдими?» — одам тилида гапирибди илон. Кейин оғзидан олтин танга чиқарибди. Бола эса бу тангага бозордан кўнгли тусаган нарсаларни олиб, илон олдига қайтибди. Қорни тўйган бола илон билан унинг отаси Илоншоҳ қароргоҳига жўнабди.

— Отам мукофот учун таклиф қилган нарсаларни олма, — дебди илон болага, — сен ундан фақат «Ур тўқмоқ»ни сўра.

Бола Илоншоҳ олдига келганда шундай қилибди.

Эртакнинг шу жойи келганда баҳодирлар юзларида зўр қизиқиш кўринарди. Қани энди «Ур тўқмоқ» уларда бўлса! Ҳар ким бу хусусда ўз фикрини айтарди. Мўғуллар асоратида эзилган Мовароуннаҳр халқи учун «Ур тўқмоқ» ҳозир қандоқ зарур!

— Бола сеҳрли тўқмоқ билан шайтонни калтаклаб, ундан «Очил дастурхон»ни, «Қайнар хумча»ни

олибди. Жуда бойиб, онаси билан фаровон яшай бошлиби. «Ур түқмоқ» билан бола ҳеч кимдан күркмайдиган бўлиб қолибди.

— Бўлмасам-чи, — завқи ошиб луқма ташлайди юзида катта чандиқ бўлган Ислом баҳодир. — Шундай қуроли бўлган одамга ким ҳам бас келади?

— Бир куни ҳасадгўйлар улғайиб қолган боланинг уйини тунашмоқчи бўлишибди. Ўспирин бўлиб қолган бола «Ур түқмоқ»ни ёрдамга чақирибди. Обдан калтакланган ҳасадгўйлар хонга арз қилишибди.

— Хон ким? — сўрайди ажабланиб болакай. Баҳодирлар бир-бирларига маънодор боқишиади.

— Ҳали кўрасан уни, ўғлим, — дейди хаёлга чўмиб ўтирган амир Тарагай, — мен сени хон саройига олиб бораман. Сен ахир тархонсан. Унинг паловини ейишинг лозим.

Баҳодирлар эҳтиром ила болакайга қарашади. Ҳамманинг эсида шайх каромати. Бу бола келгусида бутун дунёни забт этадиган баҳодир бўлади. Жасоратга чорловчи эртагу ривоятлар бекорга айтилмаяпти. Амир Тарагай Искандар Зулқарнайнинг устози Арасту бўлганини гапириб, уларга ўғлининг устози бўлишларини уқтирган эди. Сиз, жанг жадалларда пишган баҳодирлар Арастудан ҳам зўр тарбия берасизлар, деб уларни қувонтирган эди.

Ҳасадгўйлар туҳматига учган хон ўспиринни ушлашга фармон бериб, ясовулларини юборибди.

Энага чуқур энтикиб, тингловчиларга қараб қўйди.

— Қуруқ туҳмат балосидан асрасин!

— Хон ҳам шунча лақма бўладими?

Болакай бу луқмаларни тинглаб ўйга чўмади. Демак, дунёда туҳмат дегани бор. Ундан қўрқиш кепрак. Хон эса адолатли бўлмоғи лозим.

— Ясовуллар шовқин-сурон билан ўспирин уйига бостириб келишибди. Аммо «Ур түқмоқ»дан кал-

так еб зўрға қочиб қолишибди. Бундан хабардор хон лашкари билан келибди. «Ур тўқмоқ» эса хонни ҳам, лашкарини ҳам дўппослаб ўлдирибди. Золим хондан қутулган ҳалқ қувончидан ўспиринни ҳукмдор қилиб тахтга кўтаришибди. Шундай қилиб, бева хотин ва ўғли мурод-мақсадларига етишибди. Улар ўтган кунларини унумтмай ҳар куни бева-бечораларга, камба-ғалларга хайр-эҳсон улашар эканлар.

Эртак хотимасида барча хаёлга чўмади. Иссик сандал оромга чорлаб, киприкларга мудроқ солса ҳам, болакайда баҳодирларнинг саргузаштларини эшитиш иштиёқи устун келади.

Заранг косаларда айланган бўза дил қулфини очади. Баҳодирлар эртакдан ўз хуласаларини ўзларича чиқаришади. Дунё зўравонники! Куч кучни енгади. Ҳамма гап «Ур тўқмоқ» каби қудратли кучга эга бўлишда! Аммо ўша «Ур тўқмоқ»ни қаердан топса бўлади? Илонлар одам тилида гаплашадиган замонлар ўтиб кетган.

— Амаки, сизни ҳам «Ур тўқмоқ» урганими? — бехосдан сўрайди болакай косани ҳузур ила бўшатиб, туршак кавиштаётган чандиқ юзли Ислом баҳодирдан. Бир зум даврага чўккан сукунатни баҳодирларнинг баланд қаҳқаҳаси бузади.

— Йўқ, ўғлим. Бу мўфул юзбошиси қиличининг Исломга ёдгорлиги, — дейди Қорача баҳодир.

Гап энди амир Тарагай ва унинг сафдошларининг жанговар саргузаштларига тақалди. Хонларнинг ўзаро урушларида қатнашган ҳар бир баҳодирнинг ўз жангномаси бор. Суҳбат аста-секин араблар билан курашган Мовароуннаҳр саркардаси Абу Муслим, мўғулларнинг додини берган Жалолиддин Мангуберди, Бухорода ҳалқни кўтариб, мўғулларга қирон келтирган Маҳмуд Торобийга ўтди.

Болакай эл оғзида достон бу қаҳрамонларнинг жасоратномаларини тингларкан, хаёл уни олисларга олиб кетарди.

Амир Тарагай бўлса ўғлининг мана шу жангу жадалларга қизиқишини сезиб, сұхбатнинг ана шу томонида ибратга лойиқ ишларга урғу берарди. У фарзандини бўлғуси синовларга обдан тайёрлашга қаттиқ киришган эди. Албатта, шайх каромати амалга ошади. Бунга шубҳа йўқ. Лекин Аллоҳ бандасидан саъӣ-ҳаракат, ўзидан баракат дейди. Шунинг учун у ўғлининг чавандозликка, қиличбозлик санъатини ўрганишига астойдил кириши. Баҳодирлар бу соҳада ўз маҳоратларини беришлари лозим.

Амир Тарагай ўғлини келгусида жиддий синовлар кутишини сезиб, унинг билимли бўлиши лозимлигини ҳам тушунарди.

ЖУДОЛИК СИТАМИ

Шамсуддин Кулол болалик дўсти, жанговар сафлоши Амир Тарагай ўғли билан ҳузурига келганини эшишиб ўрнидан турди.

У ахир худди шу боланинг порлоқ истиқболи ҳақида башорат қилган. Башоратгўй сифатида ном чиқарган шайх муридлари билан мозор олдидаги баланд тепаликда жойлашган ҳужрада яшар эди. Зиёратчилар билан гавжум қароргоҳда Тарагайнини ҳурмат билан қаршилашди. Шайх болани тиззасига ўтқазди, куф-суфлаб бошидан дон сочди, тупроқ олиб юз-кўзига суртди. Кейин нималарнидир пичирлаб, юзига фотиҳа тортди. Юзлаб зиёратчилар кўз ўнгида у болага узоқ умр ва баҳт тилади. Ўз ҳаётида Қуръони Карими юз марта ўқиб туширган шайх Амир Тарагай ўғлига исм кўйиш учун Қуръонни очди. «Темур!» — деди, Шамсуддин Қуръон саҳифаларидан бирига тикилиб.

Болакайни шу исм билан аташди.

Амир Тарагай ўғлини таништириш учун хон саройига йўл олди. Ёнида синалган баҳодирлари борарди.

Сарой мулозимлари эски одатни унугаётган бўлишса ҳам, басавлат амирга беихтиёр ҳурмат кўрсатиб, олдига палов киритиши. Бу ғалати «қишлоқилар» дарагини эшишиб, хон ўғилларидан бири уларни кўргани кирди. Шаҳзода ош устида ўтирган ота-болани мазах қилиб кулди.

Темур қўғирчоқдай ясантирилган бу масхарабозга лагандан устухонни олиб улоқтириди. Мулозимлар даҳшат ила донг қотиши. Тарагай эса шаҳзодадан тап тортмай суюк отган ўғлидан, унинг дадиллигидан завқланди.

Суяк теккан инжиқ шаҳзода ер тепиб, соқчиларни чақирди. Аммо Амир Тарагай ўғлини олдинга ўтқазиб, амирона ҳайқирди:

— Мен Тархонман, йўл бўшатинглар! Ўғлим ҳам тархон, унга ким қўл теккизса, боши кетади!

Шундай дея амир йўлда учраган мулозимларни итариб ташлаб, ташқарида отларини шай қилиб турган баҳодирлари олдига чиқди. Темур отасини бундай аҳволда ҳеч кўрмаган эди. Одатда мулойим ва босиқ Амир Тарагайнин таниб бўлмас эди. У қиличи ни яланғочлаган ҳолда дуч келган мўғулни чопар ва ўлдирар эди. Унинг қиличи душман қалқони ва шамширини кесиб ўтар, ким унга дуч келса муқаррар ажалга маҳкум эди. Кўзлари ваҳшат ва қонга тўлган Тарагай даҳшатли эди.

Улар ташқарига чиққанда баҳодирлар атрофдан йиғилиб келаётган мўғуллар билан олишаётган эди.

— Амирим, отларга мининг!


Ислом барлос икки отни уларга рўпара қилди.

— Тезроқ кетинглар, амирим!

Тарагай бақувват қўллари билан ўғлини отга ўтқазди.

— Кетдик, ўғлим!

Темур мўғуллар билан қилич уриштириб жанг қилаётган баҳодирларга қараб ҳайрон қолди. Улар



дushman билан хотиржам ва хушчақчақ олишар эдилар.

— Омон бўлинг, амирзодам!

— Бизни эслаб қолинг, амирзодам!

Тарағай отига қамчи босди. Темур эса унинг ортидан тўрт баҳодир ҳамроҳлигига эргашди.

У жанг тобора қизиб бораётганини, баҳодирлар бирин-кетин отдан қулаётганини кўрарди.

Мўғулларнинг бир қисми улар ортидан от қўйди.

— Амирим! Сизлар кетаберинг. Биз уларни ушлаб турамиз.

Қорача барлос шундай дея отини мўғуллар томон бурди. Уч баҳодир унга эргашди.

Тарағай ўғлига буюрди:

— Қамчила отингни, ўғлим!

— Амакиларим-чи, ота?!

— Ишинг бўлмасин, ўғлим. Тезроқ кетайлик!

— Йўқ, падари бузрукворим. Мен ҳам жанг қилгайман.

Тарағай меҳр ила ўғлига тикилиб жим қолди. Темур эса мўғуллар сафини тўзитиб, уларни бирин-кетин отдан қулатаётган баҳодирларга ҳавас билан қараганча қўлини баланд кўтарди. Тарағай эса унга ваҳшат ила бақирди:

— Ортга! Орқамдан югор!

Темур беихтиёр ота ортидан эргашиб отига қамчи урди. Улар уйларига етиб келгач, Тарағай қўрғонча дарвозасини ёпиш ва мудофаага тайёrlаниш ҳақида буйруқ берди.

Кечқурун эса қирқ баҳодирдан атиги ўн киши қайтиб келди.

— Амирим! Амирзодам!

Улар Тарағай ва Темур билан йиглаб кўришиши.

Темур уларнинг тенгсиз жангда дushmanни чалфитиб, таъқибга йўл қўймаслик учун қилган ишлар

ри-ю, кўрсатган жасоратларини эшитиб, юрагидан йиғлади.

— Ислом амаким! Қорача барлос! Эвоҳ! Эвоҳ!

— Йиғлама, ўғлим, — деди Амир Тарагай, — улар нима учун ва ким учун жонларини фидо этишларини билар эдилар.

Темур отасининг кўзлари намланганини кўрди. Сочлари оқарган баҳодирлар эса бошларини эгганча сукут сақлаб, амир сўзларининг маънисини тасдиқлар эдилар.

— Отажон! Қадрдон амакиларим, — деди кўз ёшлирини артиб Темур, — биламан. Улар мени деб ҳалок бўлишди. Куръони Каримни ўртага қўйиб сўз бераман. Мен уларнинг ўчини оладурман. Мўғул зотини она тупроғимиздан ҳайдаб чиқармагунча жанг қиласавераман.

— Илоҳи омин!

Баҳодирлар фотиҳага қўл кўтаришди. Темур дастурхон атрофига бўшаб қолган ўттиз баҳодир ўрнини кўриб яна йиғлаб юборди.

— Энди мен ҳеч қачон Ислом, Қорача барлос ва бошқа устозларим ҳикояларини эшитмайман. Во дариф! Наҳот дунё шунчалар бешафқат! Наҳот адолат бўлмаса!

— Куч — адолатда, ўғлим! — деди Амир Тарагай чуқур хўрсиниб.

— Мана шу менинг шиорим бўлади, ота! — деди Темур.

Баҳодирлар Тарагайга маъноли нигоҳ ташлашди.

— Амирим, эртага тоқقا кетсангизлар. Ҳар эҳтимолга қарши.

Музффар барлос шундай дея Темурнинг бошини силади.

— Биз ким учун ва нима учун жанг қилишимизни яхши биламиз. Буюк мақсад йўлида қурбон бўлган дўстларимиз хотираси дилимизда мангу, амирим!

МАКТАБДОРНИНГ БАШОРАТИ

Мулла Алибек дастлабки кунлардаёқ Мұҳаммад Тарагай ўғлининг одобу ахлоқи ва ўткир зеҳнига эътиборни қаратди.

Темурнинг баъзан чап, баъзан ўнг қўли билан ёзиши қизиқ ҳолат эди. У домласининг ҳар бир топширигини мукаммал адо қиласарди. Шунинг учун ҳам домланинг калтагидан бенасиб қолган худди шу бола эди.

Такина бегим бир куни Амир Тарагайга шундай деди:

— Бу бола чапақай бўлиб қолибди. Сўл қўли билан иш қилмоқда.

Ота ўғлини кузатиб, у ўнг қўлини ҳам чап қўлидек ишлата олишини кўриб хотиржам бўлди. У навбатдаги пайшанбаликни домлага олиб келганида ўғлининг икки қўлда ёза олиши сабабини сўради. Мулла Алибек бир зум ўйга чўмди.

— Бу ўғлингни хуш ҳофизасига кўра икки қўллаб хат ёзиши ажабтовур ҳодиса. Ривоятларга қараганда, бундай киши дунёning кунчиқаридан кунботарига қадар ҳукмфармо ва фармонбардор бўлади.

Амир Тарагай тўлқинланиб кетди. У бугун ўғли ҳақида яна бир башорат эшитган эди. У ўзининг шодлигини яширолмай пири Шамсуддин Фахурий хузурига ошиқди. Шайх уни диққат билан тинглади.

— Ўғлингнинг тарбиясига ғоғил бўлма. У хат ёзишдан ташқари Қуръони Каримни ўқисин. Энг муҳими эса у қурол ишлатмоқни билсин.

Пир ўғитига амал қилиб эртасига амир Тарагай пешин намозидан сўнг ўғлини Кеш атрофидаги яйловга олиб кетди. Бу жойда амирнинг йилқилари ўтлар эди.

Темур от минишни ўрганиши, чавандозлик сирларидан огоҳ бўлиши даркор. Бу соҳада ота ўз ўғлига шахсан устозлик қилишга аҳд қилди.

Чўпонлар ота-болани ҳурмат ила қарши олиб, ўтовга бошлашди. Дастурхон устида об-ҳаво, йилқи-лар аҳволи хусусида сұхбат бошланди.

Темур айрондан ҳўплаб, чўпонларга ажабланиб боқарди. Отаси эса худди чорвадордек шундай гапларни айтардики, чўпонлар уни жон қулоқлари билан тинглардилар. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, улар ташқарига чиқишли. Амир Тарагай отларни завқ билан томоша қилаётган ўғлига меҳр ила бокди.

— Ўғлим, энди сен чавандозлик сирларини ўрганасан. Биринчи сабоғим: отнинг орқасидан борсанг тепади, олдидан борсанг тишлайди. Бундай отни ёнбошидан бориб, чап томондан бўлса чап қўл билан, ўнг томондан бўлса ўнг қўл билан отни ёлидан тутиб, тезлик билан ўзингни устига ол. Отни ҳар қанча юргурганига қарама, ёлни қўлдан чиқарма, агар ёл қўлдан чиқса ерга қаттиқ йиқилиш ёки оёғи остида қолиш хатари бор. Отнинг устида ўрнашиб олгандан кейин икки тиззалаб отни ситиб туриб, ёлини қўйиб юборилса, қанча ваҳший от бўлса ҳам чопиб-чопиб бориб ўзи ювошланиб қолади.

Темур ота ўгитини тинглар ва ўйлар эди. Қари билганни пари билмас. Энди ҳар куни мактабхонадаги сабоқлардан сўнг Темур яйловга келиб машқ қиласидиган бўлди. Мадрасага борганда ҳам таҳсилдан сўнг яйловга бориб машқ қилишда давом этди.

ХОФИЗ ТЕМУР

Темур уч йил ичиди Куръони Каримни тамом ёд олгани тезда бутун Кешда овоза бўлиб кетди. Амир Тарагай бу қувончли воқеа муносабати билан шаҳар уламолари ва баобрў кишиларга зиёфат уюштириди.

— Ўғлимни имтиҳон қилинглар, — деди баҳтиёр ота.

Биринчи саволни шайх Шамсаддин берди:

- Куръоннинг 36-сураси қандай аталади?
- Ёсин.
- Унинг маъноси недур?
- Расууллоҳ ўз ҳадисларида бу ҳақда шундай деганлар: «Албатта, ҳар бир нарсанинг қалби бордир. Куръоннинг қалби эса Ёсиндир. Мен бу сурани умматларимдан ҳар бир кишининг қалбидаги бўлишини истар эдим».

Кейинги саволни мулла Алибек берди:

- Шу суранинг 69—70-оятларида нималар ҳақида сўз боради?

— Бу оятларда шоирлар ҳақида гаплар бор. Нега пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссалом худди Зардўшт каби шоир бўлмаган, деган саволга ҳам жавоб бор. Бинобарин, ўз умматларига дин арконларини ўргатадиган ва ғайб олами, охират диёри ҳақида хабар берадиган пайғамбар шоир бўлиши дуруст эмасдур.

Меҳмонлар даврасида кучли олқиш кўтарилиди. Мулла Алибек ва шайх Шамсуддин бир-бирларига мамнун боқишиди. Киройи шогирд шундай бўлса!

— Темур, ўтириш одоби қандай? — луқма ташлади меҳмонлардан бири.

— Энг афзали икки тиззалаб чўкка тушиб ўтириш.

— Нега?

— Чунки Худога ибодат қилганда икки тиззалаб ўтирилади. Шунинг учун бу хилда ўтириш яхшидир.

Меҳмонлар мана шу воқеадан сўнг Темурга ҳофиз унвонини беришга бир овоздан қарор қилишиди.

СЕҲРЛИ НАРВОН

Бу гал Амир Тарагай яйловга ўғли билан бирга эски жанговар дўсти Самир Тархонни ҳам олиб борди. Меҳмон шарафига қўй-қўзилар сўйилди. Жангу жа-

далларда суяги қотган ва бутун умри ҳарбий хизматга бағишенгендеги Самир Тархон дүстининг ўғлига ҳавас билан тикилди.

— Қани, Темур, — деди Тарагай ҳаяжон ичра, — хунарингни бир кўрсат-чи...

Темур уч отни ёндоштириб чоптириб кетди. У биринчи отдан учинчисига ва учинчи отдан биринчисига сапчиб миниш маҳоратини кўрсатди. У отаси ўргатган каманд ташлашни ҳам намойиш қилди. Ярим ёввойи отлардан бирини назарга олиб, унга тўғри отсолиб бормасдан, ўзини «гўё» бошқа отни қасдидек кўрсатиб, пайтни қочирмасдан ўша мўлжалланган отнинг бўйнига камандни отганида от каманд ҳалқаси бўйнига қандоқ тушиб қолганини ҳам билмай қолди.

Темур камондан отиш бўйича олган сабоқларини ҳам кўрсатиб, отасини хурсанд қилди.

— Самир, — деди Тарагай, — энди ўғлимни сенинг измингга топширгаймен. Қиличбозлик санъатини унга астойдил ўргатсанг. Ўттиз йил жангларда орттирган тажрибангни ўғлимга бер. У сендан Қарздор бўлиб қолмайди.

— Мени ким деб ўйлаяпсан, Муҳаммад, — деди Самир Тархон, — Қирқ йиллик қадрдоним бўла туриб...

Чўпоннинг дастурхонга таклифи унинг гапини чала қолдирди. Атрофни тандир кабобнинг ёқимли ҳиди тутиб кетди. Қимиз тўла косалар даврада бир неча бор айлангач, Самир Тархон сўзида давом этди:

— Ўғлинг таърифини кўп эшитганман. Икки қўлида хат ёзармиш. Демак, у икки қўлида ҳам қилич ўйнатишга қодирдир. Мен буни ўз зиммамга оламан.

Темур кекса баҳодирга эҳтиром билан қараб қўяр, отаси эса лагандаги гўштлар сарасини дўсти томон суриб, унинг гапларини эътибор ила тингларди. Самир Тархон олтмишдан ошган, лекин соchlарида би-

рон оқи йўқ. Жуссасидан куч-куват ёғилиб туради. Ўн косадан ортиқ қимиз, бир лаган кабобни кўрдим демади. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, икки амир сұхбати узоқ давом этди. Жанговар ёшлиқ хотиралари бир-бирига уланди. Темур уларни жон қулоғи билан тингларди. Моҳир қиличбозлар, мерғанлар, пистирмалар, қонли жанглар, ботирлару қўрқоқлар, ҳиммату хиёнатлар — бари-бари у, Темур учун гапирилаётгани унга аён эди. Бу ҳам бир сабоқ. Тарих сабоқлари.

Эртасига эса машқлар бошланди. Самир Тархон ўз чорбоғида Темурни қиличбозлик бобида синааб кўрди. Сўнг унинг ўнг қўлини баданига боғлади.

— Амирзодам, энди сиз бир қўллик киши бўлдингиз. Жанг майдонида душман қиличлашар экан, нариги тарафнинг керакли бўлган ўнг қўлини ишдан чиқаришга интилади. Бунга бир ўқ ё бир найза ҳамласи кифоя қиласди. Шундай вақтда ўнг қўлни ишлатиб юрганлар қанчалик баҳодир бўлмасин, уларнинг ўликдан фарқи бўлмай қолади. Аммо чап қўл билан ҳам қилич чопа билган кишилар бундай пайтда шошмайди. Иккинчи қўлни ишлатиш билан икки кишилик ўринни эгаллайди.

Темур чап қўлида қилични моҳирлик билан ишлата олишини кўриб, Самир Тархон ҳайратини яширмади.

— Энди, амирзодам, ўнг қўлингизни синааб кўрамиз.

У Темурнинг чап қўлини боғлаб, ўнг қўлига қилич тутқазди. Бир-икки зарбдан сўнг қилич қўлидан тушиб кетди.

— Ўнг қўлингиз нўноқроқ экан, амирзодам. Машқни кўпайтирамиз.

Икки ойлик машқдан сўнг ўнг қўл кўнгилдаги-дек қилич чопди.

Самир Тархон энди Темурнинг икки қўлига икки қилич тутқазди. У шогирдини қунт билан икки қўлда қилични бирдек ишлатишга ўргатди. Темурдаги ғайрат ва иштиёқ устознинг ҳам ҳавасини қўзғади.

Самир Тархон бир куни шогирдининг авзойида ўзгариш сезди.

— Сизга нима бўлди, амирзодам?

Темур хомуш тарзда кеча кўрган тушини устозига баён қилди:

— Тушимда рўпарамда бир шоти турганмиш. Шотининг икки оёғи ерда турган бўлса ҳам юқориси ҳеч нарсага суялмаган — ҳавода муаллақ турармиш. Ўзимча, ажабо, бу шотининг тепаси бир нарсага сувалмаса ҳам йиқилмай турибди-я, деб ўйладим. Шунда фойибдан овоз келди: «Эй Темур! Юқорига чиқгил!» Мен унга жавобан: «Шотининг тепаси бирон нарсага суялмаганини кўрмаяпсанми? Бу ҳолда юқорига чиқиб бўлмайди, йиқилиб кетади», дедим. Ҳалиги овоз қайтадан бундай деди: «Эй Темур, кўрқасанми?» Жавоб қилдим: «Кимки ақл изидан юрар экан, уни қўрқоқ дейишмайди. Шунингдек, ботирман деб киши ўзини ўтга ҳам ташламайди», дедим.

Самир Тархон шогирди ҳикоясини тингларкан, унинг ҳақида эшигтанларини ёдига келтирди. Шайх Шамсуддин, Амир Саид Кулол башоратлари. Етти иқлим ҳукмдори бўлади. Уни пайғамбар ноиби қўллаб-кувватлайди. Чиндан ҳам унда қандайдир самовий қувват ва идрок сезилади. Машқлардаги топқирлиги, тез илғаш қобилияти ва қиличининг зарби.

Темур ҳикоясида давом этди:

— Товуш эгаси такроран: «Мен сенга шотидан юқорига чиқ деб айтаман. Шоти йиқилмайди». Мен эҳтиёт билан оёғимни шотига қўйиб кўрдим. Маҳкам эканлигига ишониб юқорига чиқа бошладим. Лекин ўнг оёғимнинг ишламаётганини сездим. Шун-

да овоз яна эшитилди: «Нимага тўхтадинг?» — «Үнг оёғим ишламай қолди», дедим. Овоз: «Бу сенга халал бермайди. Юқорига чиқавер». Мен унга бўйсуниб юқорига чиқишга интилдим. Ўнг оёғимни судраб тепага чиқа бошладим. Шунда бирдан ўнг қўлим иш бермай қолди. Тиришиб юриб панжаларим иш бермаса ҳам юқорига чиқдим. Поялар тугади. Ҳалиги овоз: «Қанча поя чиққанингни биласанми? Билмаганинг яхши. Чунки шотининг ҳар пояси бир йиллик умрингдир. То ҳаёт борсан, қадр-манзилатинг ошади, паст бўлмайди. Ҳамиша уламо ва аҳли илмни ва шуароларнинг кўнглини кўтариб, уларга эҳтиром билан муомала қилғил! Агар сенга душманлик қилсалар ҳам гина қилма, озор берма, ҳатто кофир бўлса ҳам ҳурмат қил!» деди.

Бу насиҳатларни товуш соҳибидан эшитганимдан сўнг уйғониб кетдим.

— Бу хосиятли туш, амирзодам, — деди Самир Тархон чукур ўйга чўмид.

Темур вақти келиб ўнг оёғи ва ўнг қўли жароҳатланганида ўша туши бежиз бўлмаганига иқрор бўлади ва шу ҳолатини ўз таржимаи ҳолида, орадан қирқ саккиз йил ўтгандан сўнг ёзигб қўяди.

ОТА ФАТВОСИ

1352 йилнинг ёз кунларидан бирида Амир Тарағай тархон ўғлини Шаҳрисабз шаҳридаги кўҳна масжид ёнидаги қабристонга олиб борди. Ота-бона бир қабр олдидаги тўхтаб узоқ тиловат қилишди.

— Эй Темур, — деди ота юзига фотиҳа тортганидан сўнг, — билиб қўйгилки, биз Чифатой аймоғидан бўламиз. Бобокалонимиз эса Ёфас, Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғилларидирлар. Бизларда энг аввало мусулмон бўлган одам «Қорачар нўён» деган бир кишидир. Чифатойхон-

га күёв бўлгани учун «Кўрагон» атойдурлар. Бу мақтов хонадонимизга маҳсус бўлгани учун сен ҳам мендан кейин «Кўрагон» лақабини кўтарасан.

Ота қатор ётган қабрларни кўрсатиб сўзида давом этди:

— Булар бизларнинг аждодларимиз бўладилар. Ҳаммалари чуқур мусулмон бўлишган. Сен ҳам шулардек ислом динига чиндан содик бўлишинг керак. Дунёда дини Муҳаммадий (саллаллоҳу алайҳи вассаллам)дан ўзга яхши дин йўқдур. Ислом дунё ва охирни назарда тутган диндор. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламга умматликни бажо қилмоқ учун ҳаракат қилгил, уламои киромларни ҳурмат қилгил. Оқил ва донишманд кишиларнинг сұхбатида бўлгил. Қўлингдан келса масжид ва мадрасалар бино қилгил. Бойликларингдан масжид ва мадрасага вақф чиқаргил. Бу дунёning зоҳир жилvasига алданма, зар деб қувонганинг заҳар бўлиб чиқадур.

Кимсасиз қабристонда отаси айтаётган сўзлар ўсмирнинг очиқ қалбига булоқ сувидек сингиб борарди. Кекса баҳодирнинг улкан ҳаёт тажрибасидан келиб чиққан бу ўгитлар унинг келгусидаги ҳаёти учун темир қонунга айланишини Темур ботинан ҳис этарди: «Дунё жилvasига алданма! Уламоларни ҳурмат қил! Оқилу донишмандлар сұхбатида бўл! Бинолар бунёд қил!».

Ота ўйга чўмган ўғлининг алп қоматига ҳавас ва фурур ила тикилди.

— Ўн олти баҳорингни ўтказиб турсанг ҳам қадди-қоматинг йигирма ёшдаги йигитлардан ҳам кўркамроқ кўринади. Кўкрагингнинг кенглиги, билакларинг йўғон ва кучлилиги аймоғимизнинг пойдеворлигидан намуна. Энди сен уйланишинг керак.

Отанинг сўнгги гапи Темурни ҳайраттга солди. Уйланишга не ҳожат?

— Хотинларга рағбатим йўқ, ота. Таҳсили илм, чавандозлик, қиличбозлик ва найзага шавқ қила-мен.

Амир Тарағай чеҳрасида кувонч нури балқиди. Қиличга меҳр баридан устун!

Темур мударрислар ўйлаганидек олим эмас, балки баҳодир бўлиб, қўлида қилич ушлаб ўзига йўл очиш ниятини эшитганда эса ўзини чинакам баҳтиёр ҳис этди. Башоратгўй дўсти шайх Шамсуддин каромати энди рўй-рост амалга ошмоқда. Темур аллома эмас, жаҳонгир бўлади.

Амир Тарағай унга эндиликда барча мол-мулкини, қўргончаю бутун ерлари, чорваларини беришини айтди. Кейин, бир неча кундан сўнг, уни масжидга олиб келиб, барча жамоа олдида ўз ниятини ошкор қилди.

— Мен Амир Тарағай... — деди у ўз аждодларини бирма-бир санаб, — шуни маълум қиласманки, ўғлим Темур балофат ёшига етди, унга энди барча мол-мулкимни топширгайман. Аҳли жамоага ва бутун халққа айтаманки, ўғлим Темур чиндан ҳам ажойиб йигит...

Уни барча қутлади. Ёшлар эса унда ўз етакчиларини кўришди.

— Темур! Керак бўлганда шуни билки, қиличларимиз дастаси сенинг қўлингладур.

Амир Тарағай ўғли ҳаётдаги биринчи қадамини ўзига маънавий устозларни танлашдан бошлади. У тойбодлик шайх Зайниддин Абубакр Тойбодийга қўл берди.

— Умримнинг охиригача пиrim бўлинг, — деди у тарки дунё қилган шайхга, — тахтда бўламанми ё зинданда, бошимга нима тушса ҳам доимо марҳаматингизни мендан дариф тутманг.

— Адолатли бўл, — деди шайх унга жавобан, — зотан фақат адолатгина улуғ мақсадга етаклайди. Адо-

лат йўлидан тоймай борган ҳар бир киши пайғамбар ноиби ҳам бўлиши мумкин.

Шайх Зайниддин алоҳида илтифот белгиси сифатида ўз белбоини унга боғлаб, бошидаги тоқияси-ни ҳам кийгазди. Кейин қўлидаги узугини унга тұхфа қилди. Бу узукда «Рости русти», яъни «Ҳақиқат адолатда» деган сўзлар ўйилган эди.

Орадан анча йиллар ўтгач, ана шу узукдаги сўзларга Темур номи ва уч доира қўшилади. Бу муҳр ўйилган нишонлар олдида донгдор ва қудратли ҳукмдорлар ҳам бўйин эгишини ўшанда ким ҳам билган дейсиз?

Темур катта ишга бел боғлаб, Мовароуннаҳрда обрў-эътибор қозонган шайх Мир Сайд Кулолнинг оқ фотиҳасини олишга қарор қилди.

У бир неча қўйни ҳайдаб, ҳазрат истиқомат қилиб турган манзил сари йўл олди.

Қоронғи туша бошлагандан бирдан жала қўйди. Темур ёмғирдан ўзини панага олиш учун қўйларни ўз ҳолига ташлаб қишлоққа чопди.

Эрталаб қуёш чараклагандан, у хижолат чекиб, шайх яшайдиган мозор томон йўл олди. Қайси кўз билан кўрсинки, кеча ташлаб кетган йигирма қўйнинг бари мозор атрофида ўтлаб юрибди.

— Ё ҳазрат! Қудратингга қойилман!

Темур Мир Сайд Кулол хужрасида бир неча кишини кўрди.

— Муҳаммад Тарагай ўғли билан танишинглар, — деди пир ва Темурга ёнидан жой кўрсатди. Мир Сайд Кулол етмишлардан ошган, узун оқ соқоли ўзига ярашган, кўзлари чақнаб турган жозибадор мўйса-фид эди. У қандайдир масала устида яқин муридлари билан мажлис қилмоқда эди.

— Эшлишишмча, сен Қуръони Каримни тамом ёд билар эмишсан. Ва яна донғи чиққан араб ажам шоирлари шеърларини ўқирмишсан.

— Ҳа, тақсир, — бош ирғади Темур хижолатомуз. Мир Сайд Кулол қўлига ҳарир Самарқанд қоғозини олиб, бир шеърни ўқий бошлади:

*Қаро кўзларни ишқи то абад чиқмас бу кўнглимдан,
Бўлунмас ўзга тадбири, қазои осмондур бу ...*

Етти байтча давом этган ғазални эшитгандан сўнг Темур беихтиёр кўнглини ром этган бу ғазални ёддан айтиб юборганини ҳам сезмай қолди.

Мажлис аҳли тамом сукутга кетди. Шайх Мир Сайд Кулол қўлини Темурнинг бошига қўйган ҳолда юзига дикқат ила тикилди.

— Мен бу йигитнинг пешонасида улуғворлик кўраман. Бу йигит шундай мақомга етгайки, бундан илгари ҳеч кишига муяссар бўлмаган бўлгай. Мен каби кекса одамга бу йигит шон-шуҳрати ва довруғини кўришлиқ имкони бўлмаса ҳам аҳли мажлисдан тирик қолғонлари Темур номлик йигитнинг оламгирилгини кўрган ва эшитганлар бўлғай.

Мир Сайд Кулол шундай дея токчадан етти кулчани олиб Темурга узатди.

— Кешга борганингда уларнинг ҳар биридан бир оз еб, қолганини сақлаб қўйгил. Келажакда дунёнинг етти иқлими сеники бўлгай. Омин Аллоҳу Акбар!

Ҳамма фотиҳага қўл кўтарди. Темур ниҳоятда ҳаяжонланиб кетди.

— У Соҳибқирон, — деди бир йигит жиддий оҳангда.

— Тўғри айтдинг, Баҳоуддин, — деди Мир Сайд Кулол, — бу йигитнинг тақдирига огоҳ бўлишни сенга топширгайман, бўтам.

Баҳоуддин Темурга хайриҳоҳ нигоҳ ташлаб бош ирғади. Бўлғуси нақшбандийлар тариқати асосчиси

Баҳоуддин Нақшбандийнинг юзлари нурли эди. Темур унинг боши узра ҳам шундай нурни кўра олди.

. Қандайдир сеҳрли куч уни жойига михлаб қўйди.

— Темур, — деди Баҳоуддин табассум ичра, — етти кулча — бу етти иқлим, унинг устидаги талқонлар униб-ўсадиган авлод, майизлар эса давлат ва тожу тахт белгиси. Пирим Мир Саид Кулол башорати шул.

Шайх Кулолнинг бундай ажойиб башоратидан бениҳоя руҳланган Темур энди Туркистонга йўл олди. Ўша ерда дафн этилган машҳур авлиё ҳазрат Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилди.

Хожа Аҳмад Яссавий муридлари яшайдиган сағана харобалигидан кўнгли бузилди. Наҳот шунча қашшоқ бўлсалар! Мутавалли унинг назрини мамнуният билан қабул қилди. Темур тиз чўкканча нола қилди:

— Зим-зиё тунни чароғон, чўлни бўстон этишга қодир ҳазрат! Мушкулимни осон қилгин!

Ҳамма баробар фотиҳа қилгач, Темур атрофида турган қаландарларга қаратса хитоб қилди:

— Ишим ўнгидан келиб, давлат қуши бошимга кўнса, сизларга бутун умрларингизга етиб ортувчи вақф инъом этурмен!

— Иншоолло, иншоолло! — бараварига хитоб айлади қаландарлар.

— Фаришта омин десин. Омин Аллоҳу Акбар!

— Аллоҳу Акбар! — фотиҳа тортди барча. Темур атрофида турган қаландарлар ва дарвешлар унинг кўзлаган буюк мақсадини амалга оширишда содик иттифоқчилар бўлиши мумкинлигини ўлади.

Шу ерда муқим ҳаёт кечирувчи қаландарлар ва жойдан жойга кўчиб юрувчи дарвешлар Яссавий тариқатига бирлашган катта куч эди. Дарвешлар учун барча шаҳар, қалъа дарвозалари, исталган хонадон эшиклари очиқ. Демак, улар ажойиб даракчи, ай-

гоқчи, ташвиқотчи ва омманинг кайфияти ҳамда руҳининг ташкилотчиси бўладилар.

— Қасамёд қилиб айтаманки, — деди Темур қўлини баланд кўтариб, — агар дуоларингиз қабул бўлиб мартабам ошса, жанг жадалларда нимаики қўлга киритсам, сизлар бебаҳра қолмайсизлар. Мен сайдлар, уламолар ва шайхлардан ҳеч қачон марҳаматимни дариғ тутмаймен.

— О, Темур! — ҳайқирди дарвешлар...

— О, Темур! — хитоб айлашди қаландарлар.

— Агар Аллоҳ таоло инояти билан ғанимлар билан жангда ғолиб чиқсан, биринчи ўлжам ҳисобидан катта қаландархона қурдириб берамен.

— Иншоолло, иншоолло!

Қаландарлар зикр бошлишди.

ЎЛИМ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Мадрасадаги машғулотлардан сўнг пешин намози ўқилгач, одат бўйича Темур яйловга йўл олди. Манзилга етгач, у устози Самир Тархон номаълум кишилар билан сұхбатлашиб ўтирганини кўрди. Маълум бўлишича, улар чўпонлар бўлиб, Самир Тархондан ёрдам сўраб келишган экан. Самарқанднинг шимол томонида яшовчи қорахитой тоифаси уларнинг чорва моллари ўтлайдиган жойга бостириб келиб, олти минг қўйни ҳайдаб кетишибди. Қаршилик кўрсатган уч чўпонни ўлдиришибди. Жабрдийдалар қорахитойлардан ўч олиш ва молларини қайтариш учун икки юз навкар ёллашибди. Уларга бошлиқ бўлишни Самир Тархондан илтимос қилишибди. Жасур ва тажрибали Самир Тархон кўпинча савдо карвонларини қўриқловчи соқчиларга бош бўлганини ва қўплаб қароқчиларнинг додини берганини улар билишар экан.

— Нима дейсан, Темур? — сўради устоз шогирдига синовчан тикилиб. — Машқдан амалий ишга ўтиш фурсати етмадими, а?

Темурнинг юраги уриб кетди.

— Қорахитойлар қанча?

— Йигирма мингга боради, — деди чўпонлардан бири.

— Йигирма мингга қарши икки юз отлик?

— Йўқ, — деди шўх оҳангда Темур, — икки юз икки.

Самир Тархон чеҳрасида ҳайрат акс этди.

— Йўл бошланглар, — деди у чўпонларга ва Темурга юзланди.

— Кетдик, амирзодам!

Улар икки юз навкарлар тўпланган жойга оқшом етиб боришли.

Самир Тархон шарафига қўйлар сўйилиб, дошқозонлар осилди. Эртанги сафар олдидан навкарлар куч йиғиши. Тўйимли овқатлардан сўнг устоз ва шогирд алламаҳалгача гаплашиб ётишди.

Саҳар чоғида кичик қўшин йўлга тушди. Самарқанддан йигирма тош нарида жойлашган ўн бир қабилага мансуб қорахитойлар манзилгоҳига етишганда қуёш тиккага кўтарилган эди.

Самир Тархон қабила оқсоқолларини ҳузурига чақирирди. Улар келгач, у воқеани баён қилиб, ўғрилар кимлар эканлигини сўради.

Оқсоқоллар ўзларини гўлликка солишли. Самир Тархон важоҳат билан уларга юзланди.

— Мен сизларга бир карра сураи фотиҳани ўқиб тутатгунимча фурсат бераман. Агар шу фурсатда ўғриларингизнинг исми шарифи билан жойларини айтмасангиз, ҳаммангизни қиличдан ўтказаман.

Оқсоқоллар ичидан қизил юзли узун соқол чол қаҳқаҳа уриб деди:

— Сабр қил, ҳовлиқма. Қачон соқолинг бизнекига етади, шундагина бундай лоф урасан.

Самир Тархон ишораси билан икки навкар уни құлтиғидан ушлаб ўтов ташқарисига судрашди. Бошка оқсоқоллар ҳам унга әргашишди.

Самир Тархон қиличини қинидан чиқарди.

— Мен бир марта гапираман. Кейин эса қиличим гапиради.

Бу вақт атрофдан етиб келган қорахитойлар уларга ҳужум қилишди. Темур икки құлиға икки қилични олиб қархисига келган түрт йигиттә ташланды. У қүшқилични шундай усталик ва чаққонлик билан ишлатдикі, моҳир тикувчилар ҳам ўз игнасини бундай ишлата олмас әди.

— Офарин, амирзодам!

Самир Тархон навбатдаги рақибини чопиб ташлаб, Темурға завқ ила яқинлашды.

Оқсоқоллар омонлик тиляб, туркий тилда таслим бўлганликларини айтгач, Самир Тархонга иқорор бўлишди:

— Ўғрилар Оқ Марбурж қабиласидан. Бир тош нарида, оқ ўтовларда туришади.

Қабила бошлиғи ўтовида улар уни икки ўғли билан ўтирганини кўришди.

Самир Тархон ва Темур одоб ила салом беришли. Олтмишлардан ошган қабила бошлиғи алик олиб, уларга кўрпачадан жой кўрсатди. Дуога қўл очди.

— Мабодо сен Самир Тархон эмасму? — деди туркча. Тасдиқ ишорасини олгач, ўғилларига имо қилди.

Тезда дастурхон ёзилиб, нонлар ушатилди. Косаларга қимизлар қуйилди.

— Довруинг бизга ҳам етиб келган, баҳодир. Жасурлигинг ва одамгарчилигинг хусусида кўп эшитганмиз.

Қабила бошлиғи воқеани эшитгач, афсус ила бош чайқади.

— Талончиларни бизлар ўрдugoҳимиздан қувиб юборғанмиз, Тархон. Қўйларингизни қайтариб, чўпонлар хунини шариат бўйича тўлаймиз.

У Темурга ҳавас ила тикилиб қолди.

— Зап ўғлинг бор экан, баҳодир. Унинг юзида мардлик ва жаҳонгирлик ўтини кўряпман.

Сўнг яна нигоҳини Самирга қаратди.

— Бир саволимга жавоб бер, баҳодир. Қабиламда беш минг қуроллик одамларимни била туриб, қандай журъат этдинг бу ерга келишга? Фикримча, шу ўғлонинг борлиги ва далдаси бўлса керак?

— Ҳа, — деди Самир Тархон гапни чўзмай. Қабиля бошлиғи дастурхонга фотиҳа ўқиди.

— Жасоратинглар таҳсинга лойик. Шариат бўйича ҳар одам учун юз түя хун тўланмоғи лозим. Шунга кўра уч чўпон хунини оласизлар.

Самир Тархон ўша қуни юз навкарни моллар билан олдинга жўнатди. Ўзи эса Темур ва қолган навкарлар билан эҳтиёт чораларини кўрди.

— Баъзан қилич ўрнига муроса-ю мадора ва яхши муомала-одоб ила мақсадга эришса бўлади, амирзодам.

У Темурдаги ҳолатни зийраклик билан пайқади. Темур умрида биринчи тўкилган одам қонини кўрди. Илк бор ўзи ҳам жанг қилиб, тўрт рақибини бартараф қилди. Ўлим олдида довдираб қолмади. Унга дадил пешвоз чиқди.

Самир Тархон эндиликда Темурнинг чин маънода Соҳибқирон бўлишига ишона бошлади.

БИРИНЧИ ҒАЛАБА

Бўладиган бола бошидан маълум. Такина бегим ҳар гал қўрғончада тўпланиб ҳарбий машқлар бошланганда ана шу нақлни эсларди. Ўғлининг тенгқур лўйстлари, мактабдош ўртоқлари, шу қўрғончада

яшовчи баҳодирларнинг фарзандлари Темурга етакчи сифатида қарапашлари ва кўрсатаётган эҳтиромларидан боши кўкка етарди. Она кўпинча шайх кароматини эслаб, ўғлиниң порлоқ келажагидан мамнун бўлар, баъзида эса кўнглига ғулғула тушарди. Илойим ўзи арасасин! Куруқ туҳмат, ўт-сув балосидан, фалокатдан!

Эри Амир Тарагай бўлса кексайиб қолганига қарамай, ёнидаги баҳодирлари билан ёшларнинг «урушуруш» ўйинларида завқ-шавқ ила қатнашади. Бу кекса жангчилар ўз фарзандларига чавандозлик, қиличбозлик, ўқ отиш, душманни чалғитиш, пистирма кўйиш илмини сабот билан ўргатишар, машқлар бобida уларга ўз маҳоратларини кўрсатишар эди.

Темур фавқулодда қобилияти билан уларни ҳайратга соларди. Аммо талабчан Амир Тарагай ҳарбий илмда ўғли ва унинг бўлғуси сафдошлари ҳали ғўр эканлигини биларди.

Келажакда кутилмаган тасодифлар, оғир синовлар кўп. Гарчанд у кароматга ишонса-да, уни амалга ошириш учун зўр меҳнат, машқ, қийин сабоқлар зарурлигини анларди. Ёшлар эса кекса баҳодирлар ўғитларини ёшликка хос ғуур-виқор билан тинглашар ва ўzlарича баҳсли мунозаралар бошлашар эди.

Уларга ҳомий керак! Амир Тарагай шундай фикрга келди. У Темур ва унинг дўстлари ўzlарича мустақил иш тутиб қанотлари қайрилиб қолишидан хавотирда эди.

Бир куни у Темурни амир Қозоғон хузурига олиб келди. Самарқанд ҳукмдори баобрў Барлос бегининг ўғлини ёқтириб қолди ва уни ўз хизматига олиш истагини билдириди. Амир Тарагайга у келгусида Темурни ўзига куёв қилиб олиш ниятини ҳам яширмай уни ғоят хурсанд қилди.

Кексайиб қолган Мовароуннаҳр ҳукмдори амир Қозогонхоннинг суюкли набираси Камолой — Ўлжой билан Темур ов маҳалида танишганди. Унинг акаси Ҳусайн Темурни овга таклиф қилиш баҳонасида ўз тарафига оғдириб олиш ниятида эди.

Ўлжой Темурни фақат шаҳло кўзлари, тимқора сочлари — умуман, ҳусн-малоҳати билангина эмас, балки дадиллиги, ўз қадр-қимматини тушуниши ва но-муси учун курашга қодирлиги билан мафтун қилди.

Йигит унинг сиймосида гўзал ёрдан ташқари са-доқатли дўст, баҳтда ҳам, кулфатда ҳам ҳамиша бирга бўла оладиган сафдошини кўрган эди.

— Синглимнинг қалини учун Балх шаҳрини сўрайман, — деди Ҳусайн совчиларга.

Балх мустақил шаҳар бўлиб, Қозогонхонга бўйсунмас эди. Уни ҳужум билан олиш зарур. Темур рози бўлди.

Тез орада Шаҳрисабз атрофида овоза тарқалди. Қан-дайдир савдогар ҳажга бориш учун талабгорларни тўпла-ётган эмиш.

Зиёратчилар сафида кексаларга қараганда ёшлар кўпроқ эди. Барчаси яхши қуролланган. Ҳажга бо-риш йўлида хавф-хатар кўп. Шунинг учун қуролли зиёратчиларга ҳеч ким ажабланмади. Карвондан анча олдин йўлга тушган қаландарлар зиёрат ҳақида ово-за қилиб боришар эди.

Кешдан анча узоқлашган карвон биринчи ман-зилда бироз камайиб қолди. Заиф, ёмон қуроллан-ганлар, кексаларни карвон шайхи сафдан чиқарди.

— Йўл узоқ, толиқиб қоласизлар, — деди шайх.

Йўл-йўлакай карвонга ёшлар қўшилиб борди. Иккинчи манзилда шайх зиёратчиларни бир сафга тизди. Ўнбоши ва юзбошилар тайинланиб, туялар-даги юклар очилди. Дон-дунлар солинган қоплардан қиличлар ва ўқ-ёйлар олинди. Энди карвон зиёрат-

чилар тўдасидан бус-бутун лашкарга, шайх эса саркардага айланди.

— Биз ҳажга эмас, балки Балхни олишга кетаяпмиз. Эшигинг. Шаҳарга бориш билан дарҳол бозор эгаллансин. Ҳамма жангга шай бўлсин.

Бу вақтда Балхга кирган қаландарлар зикр тушиб, яқинлашиб келаётган зиёратчиларни мадҳ этишарди.

— Ислом қиличлари келаяпти, ғозийлар келаяпти! Енгилмас лашкар келаяпти!

Балхликлар қулиб, қаландарларга садақа бериши. Қандай лашкар бўларди, қаланғи-қасанғи зиёратчилар!

Карвон шиддат ила дарвозадан ичкарига кирганда барча ҳайратдан ёқа ушлади. Мўмин-қобил зиёратчилар ўрнига бошдан-оёқ қуролланган важоҳатли навкарлар пайдо бўлган эди.

Карвонсарой ҳеч қандай қаршиликсиз эгалланди. Бозор атрофини икки ҳалқа навкар қуршади.

— Аҳли жамоа!

Балхликлар саркарданинг янгроқ овозини эшитишди.

— Буюк амир Қозоғонхон амрини эшитиш учун хузуримга оқсоқолларни чорланг!

Бозордаги одамлар нафаслари ичларига тушиб, ҳайкалдек қотган. Ҳеч ким ўрнидан жилмаганини кўрган саркарда сўзида давом этди:

— Оқсоқоллар йўқми? Бўлмаса шаҳарни эгаси йўқ деб ҳисоблаб, баҳодирларимга буюрамен.

— О, амир!

Оломон ўртасидан бир неча киши олдинга чиқиб буш эгишди.

— Мен, — деди Темур уларга қаратса, — Тарағай ўғли Темур, сизларга шуни маълум қилғайменки, эндиликда Балх менинг қўлим ва ҳукмим остида. Мовароуннаҳрнинг чинакам ҳукмдори буюк амир Қозоғон-

хон шаҳрингизни итоатга келтириб, дарвозаларингизга муҳрини босишни менга буюрдилар. Эндиликда буюк амирнинг набираси ноибингиз бўлади.

Ўлжой бўлғуси эридан кўз узмай маҳлиё боқарди. Тақдир унга шундай баҳодир ва саҳоватли эрни тухфа қилмоқда. У акаси Ҳусайнга сира ўхшамайди.

— Ҳусайн! Мана сизга қалиним — Балҳ!

Темур шундай дея бўлғуси хотини Ўлжойга нигоҳ ташлади.

— Сизга андек насиҳатим бор, Ҳусайн, одамларимизга адолагли бўлинг, ёмон одатингизни ташланг.

Ҳусайн хўмрайди. Очкўз ва ҳисислиги билан бутун Мовароуннаҳрда танилгани ва Темур худди шуни назарда туттанини яхши фаҳмлади.

— Агар одамларга қоқ сүякларни ташлайверсангиз, улар қопағон итдек сизни ғажиб ташлашлари мумкин.

— Жуда тўғри гап, ака, — хандон ташлаб қулди Ўлжой. У эркакча либосда ҳам ғоят хушбичим ва гўзал эди. Ҳусайн беихтиёр бу икки ёшга, узукка мос ёқутдек бир-бирига мос бўлажак эр-хотинга маҳлиё қараб қолди.

— Дарвешлар! — деди баҳтиёр Темур, — мен вадамга мувофиқ ўлжамни сизларга туҳфа қилурмен.

— О, Темур! — баҳтиёр ҳайқириши дарвешлар.

— Зафар сенга доим ёр бўлсин!

Шаҳрисабз масжидларига ҳам бой улуш ажратилиди.

Нақшбандийлар тариқати бутун ўлкага Темур ғалабаси ва муруватини мадҳ этиб, унинг тарафдорлари сафини кенгайтира бошлишди.

Эрталаб Темур ўзининг хос навкарлари билан орқага қайтди. Ҳусайн эса Балҳда қолди.

Темур 22 ёшда эришган бу ғалабаси шодлигини онаси Такина бегимнинг вафоти қайғуга алмаштириди.

Она ўғли ва унинг камолотидан хурсанд ҳолда оламдан кўз юмди. Лекин бир нарса унинг кўнглини овутди. Темур волидасининг рози-ризолигини олишга мусассар бўлди.

ЧЎЛДА БЎЛГАН ОЛИШУВ

Куз кунларининг бирида Темур бир неча навкарлари билан овга чиқди. Ўша жойда яшовчи қабила йигитлари ҳам шундай мақсадда тўпланишган экан. Уларнинг важоҳати яхшиликдан дарак бермас эди.

— Бу ер бизнинг ерларимиздир, ҳар ким рухсатимизсиз ов қиласа жарима тўлайди. Бўлмаса, ўлдирилади.

Темур босиқлик билан уларга жавоб қилди:

— Ундоғ бўлса қилган широрларимизни сизларга ташлаб кетайлик, шу билан сизлар биздан рози бўлсангизлар.

— Широрингга муҳтож эмасмиз, аммо еримиздан фойдаланганинг учун минг тилло жарима берасан. Бўлмаса, қўл-оёқларингизни боғлаб, қабиламизга олиб кетамиз.

Темур атрофидаги етти навкари, ўз мадрасадош дўстлари Азизиддин, Жоқу, Иқу, Рустам ва Озодларга унсиз «отларга мининглар» ишорасини қилди. Бир неча ўқни оғзига тишлаган ҳолда ўзини отга олди. Етти ҳамроҳи ўзи каби тез отга мина олмаслигини, рақиблар уларнинг отларни минишларига йўл қўймасликка урина бошлаганини кўрди. Шиддат ила ўқ отди. У рақиб танасига михланиб, ерга фарёд билан йиқилди. Иккинчи ўқ эса яна бирининг бўғзига қадалди. Темур устози Самир Тархон ўгитларини эсда тутиб, кўз очиб юмгунча душманга фурсат бермай кетма-кет ўқ уза бошлади. Уч душман ерга қулади. Яна бири отига осилиб қолди. Темур шитоб ила унинг

белидаги қиличини сугуриб олди. Душманлари билан икки құлда қилич билан жангга киришди. Унинг ҳамроҳлари душманлар диққати Темурга қараганидан фойдаланиб, отларига мингап ҳолда камонлардан ўқ уза бошладилар. Тизгинни тишлаб олганча ўнг-сүлга идора қилишга ўнғайлик яратиб олган Темур қиличларни шундай урап эдикі, бошқаларнинг қилич чопиши болалар ўйинига ўхшар эди. Унинг қиличи душман қиличига зарби билан тегиб ултурмасданоқ душманни ерга йиқитар, унинг ўрнидан туришга ҳоли қолмас эди.

Темур бу жангда ўз қудратини тұла ҳис қилди. У тушундикі, унинг құшқилич уриш маҳорати Аллоҳнинг унга аталған инъомидир. Эллик кишига ҳамма қилишдан құрқмаганлиги, күра-била туриб ўлим истиқболига пешвоз чиққаніда бир ғаройиб сир бор.

Душман даҳшатта тушиб майдонни тарқ эта бошлади. Темур бир ўзи қиличларини ишлатиб, душман билан олишди, ҳамроҳлари эса ularни ўқса тутиб, сардорларига күмак беришdi.

Бу жанг Темур онгіда инқилоб ясады. У Соҳибқирон, Аллоҳ унга етти иқтим ҳукмронлигини ато этганды, эндилекда у шунга яраша ғайратни ошириш тадбирларини кучайтириши лозим. У энди оддий қүшин қўмондони эмас, балки бутун Мовароуннаҳр ҳукмронлигини қўлга киритиши лозим.

Ўша куни у фарзанд кўрди. Буни ҳам у Тангри иноятига йўйди ва ўғлига Муҳаммад Жаҳонгир исмини қўйди.

УЧ ЮЗ БИРИНЧИ НАВКАР

Чопар келтирған хабарни у диққат билан ўқиди.

— Шуни мамнуният билан хабар қиласанки, — деб ёзибди амир Ҳусайн. — Ҳирот аҳолиси бизни

шоду хурсандлик билан кутиб олди. Тупроққа бош қўйиб биздан узр сўрашдеки, аларнинг гуноҳларидан ўтиб, марҳаматимиз дарвозасини кенг очиб юбордик. Буюк бобомизга қўш-қўш туяларда совғасаломлар қатори Сиз, азиз дўстимизга ҳам муносиб туҳфа — ҳазрат Довуд ясаттирган пўлат совутни юборяпмиз. Бутун аҳли Ҳирот Сизни ана шу совутда кўрмоқни қандай исташини билсангиз эди! Ҳамма гап шундаки, йўлимиизда бир ғаним ғов бўлдики, уни даф этишга ёрдамингиз даркор...

Номани келтирган дарвеш тасбеҳ ўгириганча сукт сақлаб турди.

— Ўзи не гап? — сўради Темур.

У қайноғаси Балхда кўтарилган исён натижасида шаҳардан қочиб, ён-атрофдан кўнгиллилар тўплаб, Ҳирот сари от соганини биларди.

— Ҳусайннинг хасислиги ва беш бармоғини оғзига тикиши бошига етди, — деди дарвеш истеҳзо билан. — Сизга пирим ростини айтишни буюрганлар. Воқеа асли шундай.

Ҳусайн Ҳиротга келиб, ўзига бўйсунишни талаб қилганида унинг ҳокими амир Бакир қаршилик кўрсатди. Шаҳар карvonсаройида жойлашган Ҳусайн қамалда қолади. Ўрдада турган ҳоким агар Ҳусайн тез орада Ҳиротдан қорасини ўчирмаса, уни дарвоза устунига осиб ўлдиражагини айтган.

— Агар сиз тезликда мададга бормасангиз, Ҳусайннинг ҳолига маймунлар йиғлайди, амирзодам.

Кейинги сўзни дарвеш алоҳида меҳр билан айтди. Ҳа, дарвешлар уни ҳар кўйда мақташмоқда, унинг байробига юзлаб ёшларни чорлашмоқда.

Темур сафар ҳозирлигини кўра бошлади. Биргина Шаҳрисабздан эмас, балки Самарқанд, Бухоро ва Тошкентдан ҳам келган кўнгиллилар сони 300 га

етди. Уч юз биринчи навкар эркакча либосда тұла қуролланған Ылжой бўлди.

Дарвешлар ҳарбий даракчи — синчи вазифасини бу гал ҳам аъло даражада ало этишди. Амударёдан қандай ўтиш ҳақида бош қотирган саркардага яқин атрофдаги қишлоқни күрсатиши. Бир неча соат ичида каттагина обод қишлоқ ўрнида вайрона қолди, холос. Уйларнинг бари ёғочлари, қамишлари соллар ясашга кетди. Одамларнинг дод-войи, бошпанасиз қолганлар фарёдига бир Ылжойгина эътибор берди, холос.

— Уруш қурбонсиз ва кўз ёшларисиз бўлмайди, маликам, — леди Темур хотинининг намланған кўзларига қараб, — ҳали олдинда қанча қон, бошлар кетиши мумкин...

Темур лашкари Ҳиротга шитоб ила яқинлашди. Бу вақтда Ҳусайн айғоқчиларидан мадад келаётганини эшитиб, руҳланған ҳолда Ўрдага тўсатдан ҳужум бошлаган эди. Амир Бакир тарафдорлари эндиғина қарши ҳужумга ўтишганда Темур навкарлари келганини эшитиши. Кучлар тенг эмаслигини пайқаб таслим бўлишдан бошқа чоралари қолмайди.

— Азиз оғам, муҳтарам дўстим, хуш келибсиз, — леди ғолиб Ҳусайн тантанавор қиёфада қариндоши ни қаршилаб. — Сизни кутавериб, кўзим тўрт бўлгач, таваккалнинг боши кал, дея душманга ташланиб, уни маҳв этдим. Эндиликда Ҳирот аҳли мендан ўзга ҳукмдорга зор эмас.

Темур Ҳусайн бу билан нима демоқчи эканлигини тушунди. Мунофиқларча қулиб турган қайноғасига чурқ этмай бошини қуий солди.

— Сиз бешикда ҳам ёлғончи бўлгансиз! — алам ила қичқирди кимдир. — Момомнинг ўнг кўкрагиги ни эма туриб, чап кўкрагига ҳам човут согансиз.

Хусайн сесканиб, бундай дадил айбловни қўйган навкарга ажабланиб қаради. Навкар либосидаги синглисига ҳайрат ичра бокди.

Ўлжой отига сакраб миниб дарвоза томон йўл олди. Темур бой ўлжа ваъда қилиб, энди қуруқ қолган кўнгилли лашкари олдида хижолат бўлиб, Ҳиротдан яширинча чиқиб кетишга мажбур бўлди. Гўё Ўлжояга эргашгандек бўлиб отига қамчи урди.

Уч юз навкардан атиги уч киши Ҳиротдан орқага қайтмоқда эди. Темурдан бир қадам ҳам нари силжимай изма-из юрувчи болаликдаги дўсти Азизиддин эр-хотин орқасидан маъюс эргашиб борарди. Дуч келган биринчи овулдаги туркман чўпонлари уларни меҳмондўстлик билан қаршилади. Ўлжой мезбонларга қараша бошлади. Чўпонлар келишган ёш навкарнинг эпчиллик билан сигирни согишини завқланиб томоша қилишди. Фақат хотин-қиз қўлидан келадиган бу ишни навкар жуда маҳорат ила бажарганидан ажабланмай бўладими?

Темур ва Азизиддин зўр иштаҳа билан Ўлжой сувизиб келтирган қўй гўштини туширгач, туркман чол фотиҳага қўл очди. Меҳмон дастурхонга ташлаган кумуш тангалаарга қараб бош чайқади.

— Кам бўлса, мана, яна, — деди Темур бир ҳовуч танга тўкиб.

— Уят бўлади, — деди чол тангалаарни йиғиб Ўлжойга узатаркан, — меҳмон атойи худо деганлар.

— Кечиринг, ота, — деди Азизиддин қўлларини кўксига қўйиб, — сабоғингиз учун раҳмат.

— Илойим юзга киринг, — дуо қилди Ўлжой. Улар отга мингашар эканлар, чол Азизиддиннинг қулоғига ниманидир шипшиди.

— Нима деди у? — деди Темур улар ўтовдан узоқлашгач.

— Эҳтиёт бўларканмиз, аламзада туркманлар биздан ўч олишга аҳд қилишибди.

Темур бу гапга эътибор бермади. Унинг руҳи бардам ва кайфияти кўтарилиган. Ҳусайннинг мунофиқлиги уни эркин ҳаракат қилишига йўл очган, у эндиликда ундан қарздор эмас эди.

Мовароуннаҳрга бир неча кунлик йўл қолганда тўсатдан уларни фалокат босди. Вақт пешиндан оғиб, дам олишга тўхташган маҳалда бир тўда чўпонлар устларига ёпирилиб келганча, уларни қуролсизлантириб, қўл-оёқларини боғлашди.

— Қилмиш-қидирмиш, — заҳарханда кулди чўпонлар сардори, ўрта яшар туркман, — Ҳиротга кетаётганда нималар қилганларингизни эслайсизларми? Ана, энди кўрасанлар, қандай аҳволга тушганингни!

Кўл-оёқлари боғланган Ўлжой билан Темурни пахса минорага қамаб қўйишиди.

— Байрамда уларни қатл қиласиз, — деди сардор, — отларга боғлаб шундай чоптирайликки, бунақа томошани ҳеч ким кўрмаган.

Чўпонлар хахолаб кулишди. Ўлжойнинг бадани сесканиб кетди. Ҳозир ёнида Азизиддин йўқлигини кўриб Темур чуқур хўрсинди.

— Азизиддин қайдакин?

Ўлжойнинг кўзларида умид учқунлади.

— Шояд тирик бўлса. Кимдир олишиб, бақириб-чақиргандай эди.

Ташқарида шамол ғувуллар, аҳён-аҳёнда соқчининг йўтали эшитиларди.

Темур рўй берган воқеани сира тушунмас, бари кўрқинч тушдек туюларди. Наҳот шундоқ ўлиб кетаверса? Орзу-умидлари, буюк мақсад-чи?

Зим-зиё тун чўқди. Бундай зулмат фақат туркман чўлидагина бўлади. Зах ерда чалқанча ётган Темур-

нинг кўнгли ҳам қоронғи. У биринчи марта ўлим шарпасини сезиб вужуди сесканди. Мудҳиш ўлим кутмоқда. Кўл-оёқларини асов отларга боғлаб, ҳар томонга чоптиришади. Этлари парча-парча бўлади. Лаънати сардор айтгандек, минг бир бўлакка бўлишиади.

Беихтиёр инграб юборди. Ўлжой чўчиб ёнбошга ағдарилди.

— Сизга нима бўлди? Тинчланинг, бегим.

Темурнинг кўзи бурчакда ялтиллаб кетган нарсага тушди. Илон? Минг лаънат! На қўли, на оёғини қимирлата олади. Бирдан енгил тортди. Чақса чақа қолсин. Тинчгина ўлади. Отга бойланиб ўлгандан минг бор афзал бу. Бирдан эшик гурсиллаб ағанади.

— Амирзодам! Ўлжой!

— Азизиддин!

Қоронгида ханжар ялтиллади. Кўл-оёқлари бўшаган бандилар ташқарида соқчининг мурдасини кўришиди.

— Тезроқ отларга мининглар!

Қаёқцандир келиб қолган Азизиддин ва отлар ўлимни бўйниларига олган эр-хотинга мўъжизадек туюлди. Тун қоронилигида от чоптириб кетаётган уч чавандоз ортидан ҳеч ким қувмади. Хурсондан чиқиб Мовароуннаҳр чегарасига етишганда улар қанчалик чарчашганларини сезишли.

— Азизиддин, — деди отдан тушиб Темур, — мен бу хизматингни ўла-ўлгунимча унумтмаймен.

Кейин лўстининг пешонасидағи фурра, елкасидағи қотган қонни кўриб ўзини унинг қучоғига отди. Ўлжой ҳам хўрлиги келиб, уларнинг елкалари узрабош қўйиб, тўйиб-тўйиб йиглади.

— Бўлди энди, бўлди, — дерди Азизиддин уларни қучоқлаб.

Темур ёшли кўзларини унга тикиб яна такрорлади:

— Бу яхшилигингни қиёматгача сира унугтаймен.

Орадан йиллар ўтади. Қудратли жаҳонгир бўлиб танилган Темур олдила барча тиз чўкканда, подшолар ҳам эмаклаб этагини ўпганда Азизиддин тик турали. Барча жаҳонгир ғазабидан титраганла ҳам биргина у Темурга тик қарайди.

Темур мактаблош дўстидан ҳеч нарсани аямайди. Аммо Азизиддин на бойликка, на мартабага учади. Камтар инсонлигича қолади. Чунки Азизиддин оддий ҳалқ вакили эди. Шунинг учун ҳам ҳалқ унга қайишар, унга дардини очар эди.

Мана ҳозир, халоскор сифатида у миннатдор кўзлардаги ёшлиарни кўриб, ўзини баҳтиёр ва жула енгил сезди. Ҳеч қачон у бундай туйғуни ҳис қилмаган эди.

ҚИЛИЧ ВА ТУЗ

Мовароуннаҳр ҳукмдори амир Қозоғон набираси Ўлжойнинг бошдан кўрган-кечиргандарини тинглаб ўйга чўмди. Ўлжой акаси Ҳусайннинг мунофиқ, олчоқлигини, эри Темурнинг мардлиги ва саҳоватини ҳикоя қилган сари амирнинг фикри қатъийлашиб борарди. Мана, у тахтга ўтиргандан бери 15 йил ўтибди. Ўғли Абдуллоҳ қулай пайт келишини пойлаб юрибди. Набираси Ҳусайн эса очиқдан-очиқ унинг ўлимини сабрсизлик билан кутмоқда. Амир Қозоғоннинг кўҳна Самарқанддаги тахти қайнотаси Туғлуқ Темурхон нигоҳини ҳам ўзига қаратмоқда. Туғлуқ Темурхон ўғли Илёсхожага Мовароуннаҳр тахтини мўлжаллагани ҳам сир эмас. Мўғул хони бошчилигидаги жеталар — кўчманчи мўғул қабилаларининг энг кучли уруғи

тез-тез бой ўлкага босқин қилиб туришларидан ҳам хабардор.

Саройда фитналар ҳам бўлиб турди. Гоҳ овда, гоҳ шу Самарқандда дайди ўқлар бехосдан учеб қолади. Бундай шароитда куёви Темурдек садоқатли амир ёнида бўлса айни муддао.

— Темурбек хос навкарларим сардори бўлади, — деди амир Қозоғон сарой аъёнларига, — унинг буйруғи менинг амрим дегани. У энди Темурбек!

Сарой мулозимлари унинг бу сўзларини кекса ҳукмдорнинг навбатдаги инжиқлиги деб қабул қилишиди. Аммо Темурбек кўп ўтмай улар қандоқ янглишганини исбот қилди. Дарвешлар, қаландарлардан иборат кенг маҳфий хизмат тармоғини вужудга келтирган саркарда саройдаги фитналарга ўз вақтида чоралар кўра бошлади. Бир неча марта амир ҳаётига қилинган суюқасднинг олдини олди.

Амир Қозоғон шикорга чиққанида бир гуруҳ қуролли фитначилар унга ёпирилди. Темурбек навкарлари уларни зудлик билан чопиб ташлади.

Сарой фитначилари энди ғоят эҳтиёткорлик билан суюқасд тайёрлашди.

Амирнинг қабул маросимида беш саркарда ичкарига қадам босди. Улар кийими остида совут борлиги Темурбекнинг назаридан қочмади.

— Дастурхонга марҳамат, — деди у саркардаларни ноз-неъматлар тузатилган хонага бошлаб.

Фитначилар тўкин дастурхон олдида ниятларини унутиб, обдан шароб ва лазиз таомларга тўйгач, улар олдида амир Қозоғон пайдо бўлди. Улар гапга оғиз жуфтлар-жуфтламас амир қўл кўтарди.

— Тузимни тотгач, наҳот ҳаётимга қасд қилишга журъят қилсангиз?

— Мусулмончиликда бундай шаккоклик ўлимга мустаҳиқ, — деди Темурбек қиличи дастасини ушлаб.

Фитначилар хижолат бўлиб, саройдан чиқиб кетишиди.

Амир Қозоғон Темурбекка мукофот тариқасида Шодмонбек қалъасини инъом қилди. Махсус фармон билан унга Мовароуннаҳрдан ажраб чиқсан Хоразм ва гарб вилоятларини бўйсундириш ва уларга ноиблик қилиш хуқуқи берилди.

Бу вилоятларни итоатга келтирган Темурбек Самарқандга қайтганида хуфя хизматидаги одамлари амирга қарши фитна тайёрланаётгани ва унга Қозоғоннинг ўғли Абдуллоҳ раҳбар эканлигини хабар қилишиди. Дарвешлар Темурга фитначилар мӯғул хони Туғлуқ Темурхон билан алоқа боғлашиб, Самарқанд таҳтига Абдуллоҳни ўтқазишга келишганини ҳам маълум қилишиди.

Темурбекнинг садоқатидан ғоят эриб кетган амир Қозоғон суюкли набираси Ўлжойнинг севимли эрига вафотидан сўнг бутун Мовароуннаҳрни ваъда қилди ва шул ҳақда васиятнома ёзди.

Аммо уни амалга оширишнинг ўзи бўлмаслигиги ни у яхши тушунган. Темурбек бунинг учун бир неча йил жангу жадаллар қилишига тўғри келди. Кимларнидир қилич, кимларнидир туз билан сийлаб, ўзига таянч кучлар ҳозирлай бошлади.

Кейинчалик Темурбек амир Қозоғоннинг хизмагида тутган мавқеи ва қудратини ўз «Таржимаи ҳол»ида шундай сатрлар билан ифодалайди:

— У айтарлик даражада қудратли ҳоким эмас эди, унинг қўлидан осонлик билан подшоликни тортиб олишим мумкин эди. Лекин менга қилинган лутфу карамга нисбатан кўрнамаклик қилмоқчи эмасдим.

МУРОСАГА ЯШИРИНГАН ҲИЙЛА

Бу гал қўрғончага ўтганида Темурбек отасини ўлим тўшагида кўрди. Амир Тарагай ўғлини кўриб кўзлари чақнаб кетди.

— Тангримга шукроналар айтаманки, кароматгўй, жаннатмакон пири Амир Сайд Кулол башорати рўёбга чиқяпти. Тириклигимда бунинг шоҳиди бўлганимдан Парвардигори оламга қайта-қайта шукроналар айтурмен.

Тарағай Темурбекнинг пешонасидан ўпиб, бошини ёстиқقا ташлади. Унинг қандай жон таслим қилганини ўғил сезмай қолди. Амир Тарагай чехрасида табассум қотган ҳолда оламдан кўз юмди.

Даракчилар худди шу жойда Темурбекка яна мудхиш хабар етказишиди. Самарқандда янги фитна уюштирилиб, Қозоғонхон қотиллар қўлида шаҳид бўлибди.

Чиндан ҳам Мовароуннаҳр ҳукмдори амир Қозоғонхон Самарқанд атрофида овда юрган маҳали фитначилар томонидан ўлдирилди. Бу фитнага мўфул хони Туғлуқ Темурхон раҳбарлик қилган эди. Унинг беҳисоб қўшини қуюндеқ Мовароуннаҳрга босқин бошлади. Кўчманчилик билан даштларни кезиб юрувчи, талончилик ва қароқчиликни касб-корга айлантирган «жеталар» Мўгулистон ва Жунғориядан Мовароуннаҳрга бой ўлжа дардиде ёпирилиб кела бошлади. Худди Чингизхон давридаги, юз эллик йил муқаддам рўй берган офат Ўрта Осиёда яна такрорланиши турган гап эди. Эндиликда Чингизхон авлодлари бир-бирлари билан уруш қилмоқда эдилар.

Самарқанд тахтини эгаллаган Абдуллоҳ, унинг атрофида изғиб юрган Ҳусайн босқинчиларга қарши уюшган ҳолда чиқа олмадилар. Ҳар бир вилоят

хокими ўзига мустақил бўлиб, умумий душманга қарши курашишни хаёлларига ҳам келтиришмади.

Шаҳрисабз ҳокими Ҳожи Барлос Темурбекнинг амакиси эди, у жеталар келаётганини эшлитиб, Хурсонга қочди, Темурбек ўз тарафдорлари билан Самарқандда ўрнашиб, қариндошлари — Барлос уруғига мансуб йигитларидан мунтазам қўшин ташкил қилди.

Туғлуқ Темурхон вазиятни чамалаб, Мовароуннаҳрдаги ҳукмдорларга номалар юборди:

«Мен, Туғлуқ Темурхон, хоқон ўғли хоқон, сенга бутун элатинг ва лашкаринг билан менга қўшилишингни буюраман».

Бу номалардаги мудҳиш маънони сон-саноқсиз, чигирткадек бостириб келаётган жеталар ваҳшийлиги ҳам тўлдириб турди.

Темурбек қўл берган пири — Шамсаддин Кулолнинг ўғитларини эслади. Душман қўли баланд келса не қилиш даркор, деганда шайх «Бўйсуниш керак, бўйсуниш» жавобини бежиз айтмаган.

Хоқондан иккинчи марта нома келиши Темурбекнинг қарорини тезлаштириди. У эгилган бошни қилич кесмас қабилида иш кўриб, совға-саломлар билан йўлга тушди. Унга дуч келган биринчи лашкарбошилар хоқонга мўлжалланган туҳфаларнинг кўпчилигини тортиб олишди. Муросаю мадора нима эканлигини тушунган Темурбек ғазабини ичига ютиб, қолган-қутган совғаларини кўтариб даҳшатли Туғлуқ Темурхон хузурида бош эгди. У бу важоҳатли душман лашкарида заиф томонни кўра билди. Жеталар интизомсиз, озгина ихтилоф чиқса тарқалиб, зарбдор кучни йўқотади. Хоқон хузурида у бор билими ва уқувини ишга солиб, унинг ишончини қозонишга ҳамда хоқон саркардалари ўртасига нифоқ солишга уринди.

— Хоқонларнинг хоқони, — таъзим қилди Темурбек, — қутлуғ пойқадамингиз юртимизга етгунча

юртимизда ёнғинлар күпайиб, қашшоқликка юз тут-дик. Сиз ташриф буюордингизу ёнғинлар алантаси ўчди-күйди. Миннатдор улусимиздан тортиғимизни қабул қилғайсиз.

Түглүқ Темурхон зотдор тулпорларни күриб, оғзи очилиб қолди. Даشت султони от қадри-ю нархини яхши биларди.

— Зафар йўлларингизга пойандоз бўлсин бу ги-ламлар!

Бутун Шарққа донғи кетган туркман, эрон ги-ламлари қаторасига ёйиб ташланди. Саҳройи хоқон ва унинг мулозимлари ром бўлганча дам Темурбек-ка, дам совғаларга қараб қолишли.

— Надоматлар бўлсинким, — давом этди Темурбек фурсатни ғанимат билиб, — туҳфаларимизнинг кўпини саркардаларингиз тортиб олишмаганида биз бундай арзимас совғалар билан ҳузурингизда хижо-лат чекмас эдик.

Бир-биридан чиройли, турли тасвиру нақшлар битилган гиламлар устида қадам босиб, завқ ичра чапак чалаётган хоқон бирдан тўхтаб қолди.

— Нима дединг? Кимнинг ҳадди сиғди менинг совғаларимни олишга!

У жаҳл билан тепинди. Кулиб турган чехраси яна важоҳатли тус олди.

— Туманбоши! — Қарс урди у жаҳл ичра. — Дар-ҳол мингбошиларга фармон юбор. Темурбек совғалиридан барчасини битта қўймай юборишсин. Кейин рұксатимсиз фуқаро молларига тегишимасин...

Хоқон қаршисида тиз чўкиб итоаткорона бош эгиб турган Темурбекка юзланди:

— Амакинг Ҳожи Барлос ўрнига сени Шаҳрисабз-га ҳоким этаман. Фармони олий ҳозирлансин.

Түглүқ Темурхоннинг ўғли Илёсхожа Темурбекни алоҳида илтифот белгиси сифатида шикорга так-

лиф қилди. Абжир чавандоз, мерған ва моҳир қиличбоз Илёсхожа бу йигит олдидаги ўз истеъодини на мойиш қилишни истади.

Саҳройи хонзоданинг ниятини пайқаган Темурбек миннатдорчилик билан унинг таклифини қабул қилди.

ОЗОДЛИК ВА АДОЛАТ ЙЎЛИДА

Темурбекнинг ҳийласи иш берди. Хоқоннинг совғаларини қайтариш тўғрисидаги буйруғи қароқчи жеталар саркардаларининг ғазабини қўзғатди. Талаб олишга ўрганганд, лекин беришни сира билмаган саҳройи лашкарбошилар қўзғолон кўтариб, юртларига қайтиб кета бошлишди. Даشت ҳаракатга келиб, Туғлуқ Темурхон душманлари ғимирлаб қолишиди.

Хоқон бу хабарни эшитгач, газаб отига қамчи уриб, даشت томон жўнади. Хонзода Илёсхожа Мовароуннаҳр ҳукмдори, Темур эса унинг вазири бўлиб қолди. Янги ҳукмдор ўз лашкарига ҳалқ ҳисобидан кун кечиришга рухсат бериб, қароқчи жеталарни жуда хурсанд қилди. Зўравонлик, талончилик ва бебошлик авжига чиқди. Биргина Самарқанднинг ўзида бир кечада тўрт юз қизни ўғирлаб кетган жеталар қаршилик кўрсатганларнинг барчасини қиличдан ўтказишиди. Уларни адолатга чақирган уламоларни эса зиндонларга ташлашиди. Бу ҳам етмагандек, Илёсхожанинг буйруғи билан пайғамбаримиз Мұҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам авлодлари саналмиш саййидлардан етмиш киши исёнга ундашда айбланиб, заҳ ертўла — зиндонга қамалди. Хонзода уларни ту́тун билан бўғиб ўлдиришга ҳукм қилди. Босқинчиларга қарши зидан иш кўраётган Темурбек ҳал қилувчи фурсат етиб келганини пайқади. Кўп сонли айғоқчи ва қаландарлар унинг амри билан ўлгадаги

кatta-кичик қишлоқ-шаҳарларда қасоскор йигитлардан иборат анчагина тўдалар тузган ва улар жеталарни хуфя равишда йўқ қиласди. Биронта босқинчи эндиликда қуролсиз ташқарига чиқолмайдиган бўлди.

Самарқанд аҳли катта йифин қилиб, Темурбекка нома юборди. Унда халқ номидан қўзғолон кўтариш ва босқинчиларни юртдан қувиш ишига унинг бошқош бўлиши сўралган эди.

«Чор ёрлар ибратига амал қилиб, биз уламолар, сарбозлар ва халқ, — ёзилган эди номада, — сиз, куч-қудратнинг порлоқ юлдузига ваъда берамизки, мусулмонлар мол-мулки тугул уларнинг қонуни-юшону шарафи ва номусига ҳам очкўзлик билан тажовуз қилаётган манфур зўравонлар бўлмиш жеталарни қириш, ҳайдаш ва йўқотиш учун боримизни ва ҳаётимизни ҳам аямаймиз. Бу қасамни бузганлар Олло таоло қаҳрига учрасинлар...»

Темурбек номани келтирган вакилларга тантанали ваъда берди:

— Саййидлар ҳимояси учун жонимни ҳам аямайман. Қароримни аҳли жамоага маълум қилинг. Фазотга тайёр туришсин!

Дарвешлар ўша куниёқ Самарқандда Темурбек байробги остида сон-саноқсиз жангчиларни тайёрлашга киришишди. Қўрқиб кетган жеталар бор-йўқларини ташлаб ўрдага беркиниб олишди. Илёсхожа довдираф нима қилишни билмай қолди.

Темурбек эса ўша кечаси ғалати туш кўрди. Бу ҳақида у ўзининг «Таржимаи ҳол»ида шундай ёзди:

— Шу кечанинг ўзидаёқ тушимга Расулуллоҳ кириб, деди:

— Сен менинг авлодларимдан етмиш кишини тутқунликдан қутқардинг. Шу жасоратинг учун сен мукофотланасан. Аллоҳ мўъжизакордир, энди сенинг етмиш авлодинг ҳоким бўлади.

Зиндонлардан озод қилинган саййидлар ва бошқа бандиларни халқ шодон олқишилади. Ҳамманинг оғзида Темурбек, дилида ҳам, тилида ҳам Темурбек эди. У бир кунда халқ қаҳрамонига айланди. Уни дуо қилаётганлар, ҳузурига келиб табриклаётганлар сонсаноқсиз эди. Катта мукофот эвазига Самарқандга юборилган ғоят айёр ва тажрибали қотиллар зиёратчи мухлислар сифатида Темурбекка суиқасд қилишга уринишди. Аммо улар қилни қирқ ёрадиган нақшбандийлар тариқатининг зийрак вакиллари томонидан қўлга олинди. Дарвешлар кўзга кўринмас ҳимоя ҳалқаси билан халқ катта умид боғлаган саркардани ўраб, унинг ҳаётини кўз қорачиғидек асрашар эди.

Темурбекка Еттисувдан улкан қўшин билан Туғлук Темурхон йўлга чиққанини хабар қилишди. Пир унга вақтинча ғарб томон, Хоразм тарафга чекиниши, сўнг куч тўплашни маслаҳат берди. Дарвешлар душман тарафда зимдан иш кўриб, унга ёрдам беришларини тайинлади. Яссавий ва нақшбандий тариқатларининг қандай мўъжизаларга қодирлиги Темурбекка жуда яхши маълум эди. У ўзининг жанг жадаллардан иборат узоқ жанговар ҳаёти йўлида нақшбандийларнинг кўп холис хизматларига гувоҳ бўлди. Тез орада хавфли рақиби Туғлуқ Темур тўсатдан ўлиб қолади. Кўп ўтмай унга кўп жафо келтирган Илёсхожа ўлдирилади, ўзи эса туркман Алибек зиндонида икки ойдан ортиқ ётганидан сўнг мўъжиза билан озодликка чиқади, хавфли рақиблари биринкетин унинг йўлидан суреб ташланаверади. Буларнинг барини Темурбек ўз таржимаи ҳолида Аллоҳнинг марҳамати деб битади. Унинг шаънига ҳамду санолар битган муаррихлар ҳам шундай ёзишади. Ҳамма зафарлар унинг истеъоди ва жасоратига боғланади. Ҳеч ким кўзга кўринмас, сирли жумбоқлар-

га бой нақшбандийлар фаолиятини, минглаб хабарчиларга эга, бутун Шарққа түр ёйған құдратли тариқат ишини хатта олмайды. Нақшбандийлар силқидилдан хизмат қылған буюк ғоя — озодлик ва адолат учун кураш бутун халқнинг шиорига айланиб, худди шу Темурбекка оқибат-натижада ғалаба келтирғанини ҳеч бир солномачи, ҳеч бир муаррих тилга олмайды. Узоққа бормай бир мисол келтирайлик.

Темурбек бор-йүғи 243 отлиқ билан 12 минг кишилик Қаршидаги қўшинга ҳужум қилиб, шаҳарни эгаллаганида барча буни ёш саркарда омадидан деб билди. Аммо саркарда бунинг сири олдига келиб-кешиб юрган дарвешлар хизматида эканлигини яхши англаған эди.

Жеталар билан ҳаёт-мамот жангига отланган Темурбек содиқ навкарлари билан Мовароуннаұрдан чекиниб, Амударё бўйида қўр ташлади. У турли жойларга юборган чопарларидан жавоб кутди. Кунлар кетидан кунлар ўта бошлади. Бирин-кетин нохуш хабарлар кела бошлади. Хоразмшоҳ унинг таклифини рад қилиб, ҳатто уни ҳибсга олишга фармон берибди. Биргина амир Ҳусайн қўшини билан етиб келди. Темурбекнинг Хоразмга юраётганини эшитган Иллөсхожа Хива ҳокими Тўқал-баҳодирга хат ёзиб, Темурбекни тутиб ўлдиришни буяради. Тўқал-баҳодир минг отлиқ аскари билан Темурбекнинг олтмиш отлиқ йигити устига бостириб келгач, аёвсиз жанг бўлди. Тўқал-баҳодирнинг минг кишисидан эллик, Темурбекнинг аскарларидан ўн киши тирик қолди.

Амир Темурбек билан Амир Ҳусайн зафар кучиб, туркманлар ерига чекинишди. Бу ерда эса уларни янги бир фалокат кутиб турарди. Туркманлардан Моҳон ҳокими Алибек амирларни ўраб олиб, уларни зах ертўла — зиндонга ташлади. 1362 йилда рўй берган бу воқеа унинг умрига хотима бериши мумкин эди.

Темурбек ўзининг тадбиркорлиги туфайли 62 кундан сўнг туркман зиндонидан озод бўлиб, озодлик қураши байроғини баланд кўтариб Сеистонда пайдо бўлади. Худди шу жойда, қальага ҳужум вақтида у ўнг қўли ва ўнг оёғидан оғир ярадор бўлади. Шу тариқа 1362 йил 29 ёшида бир умрга оқсоклашиб қолади.

1363 йилда Туғлуқ Темурхон жеталардан катта қўшинни бир жойга жамлаб, амир Ҳусайн ва Темурнинг бирлашган қўшинига рўпара келади. Сирдарё ортидан беҳисоб мадад кучларини тўплаб келган жеталар отлиқларининг ўзи 30 минг киши эди.

Темурбек ва Ҳусайн лашкари эса бор-йўғи олти мингдан ортмасди.

Саркардалар шунда ўзига хос йўл тутиб, душманни чалғитишга оид режа тузишди. Жеталар узоқ йўл босиб келганлари учун ҳориган, шунинг учун рақиблари кетидан от қўйишмайди. Улар ташлаб кетилган майдонда чодиру ўтовлар тикиб дам ола бошлишади.

Темурбек тўрт-беш чақирим йўл босишгач, қўшинни тўхтатди.

— Душман ҳозир бизни кутмаяпти. Уларни гафлатда қолдириб, бирдан босамиз.

— Улар жуда кўп, — эътиroz билдиришиб мингбошилар, — дарров ўзларини ўнглаб, бизни қуршаб олишади.

— Йўқ, — деди кескин Темурбек, — биз ўз юртимиз тупроғида ҳоким эканлигимизни унутманг. Келгинди жеталарга буни кўрсатиш лозим. Улар тупроғимизда сира дам ололмасин.

Хотиржам ҳордиқ чиқараётган жеталар устларига тўсатдан ур-сур билан бостириб келган душман олдида эсанкираб қолишли. Қулга қурол олиб, отига мингунча бўлмай қилич, найза зарбидан қулай бошлади.

Темурбек билан Ҳусайн порлоқ ғалаба қозонди.
Жуда күп ўлжа, асирлар қўлга кирди.

Дарвешлар бу ғалабани бутун Мовароуннаҳр бўйлаб кенг овоза қилишди. Оз қўшин билан улкан душман лашкарини даф этган Темурбекни «Ислом қиличи» дея мадҳ этишди. Йўлда тўсатдан ўлиб қолган Туғлуқ Темурхонни эса Аллоҳ қаҳрига учради, дея талқин қилишди. Жеталарни уриш, ўлдириш, енгиш мумкин. Аллоҳ таоло Темурга мададкор! Дарвешлар, қаландарлар тарғиботи кучайиб, жеталарга ҳар томондан зарбалар ёғила бошлади.

Шаҳарлар ва қалъалар дарвозалари халоскорлар қўшини яқинлашган заҳоти уларга ўз-ўзидан очиладиган, жеталарга эса сичқон ини минг танга бўлиб қолди.

Темурбек кўринган жойларда босқинчилар «Омон, омон!» дея қўл қўтаришди. Шаҳрисабз ва Самарқандни таянч марказларига айлантирган иттифоқчи саркардалар Туғлуқ Темурхон ўрнини эгаллаган Илёсхожага кескин зарбалар бериб, унинг қўшинларини мағлубиятга учрата бошлашди.

Илёсхожа асосий кучлари билан янги кўмакчи қўшин ёллаш учун даштга жўнаганда Мовароуннаҳрда ҳали жеталар кўп эди. Улар турли шаҳар ва қишлоқларда мустаҳкам мэрраларни ушлаб туришарди. Шунда Темурбек ҳийла ишлатиб, кам қурбон эвазига ғалаба қозониш йўлини топди.

Жеталар лашкарбошилари Илёсхожа номидан унинг муҳри босилган фармонлар олишди. Уларда даштга қайтиш ҳақида буйруқ бор эди. Ўзлари ҳам юртларига тезроқ қочиш ниятида юрганлари учун бу жуда яхши баҳона бўлди.

Илёсхожа даштда катта куч тўплаб юрган маҳалда Мовароуннаҳрдаги таянч нуқталарини ташлаб келаётган жеталардан қаттиқ ғазабланди. Ке-

йин воқеанинг тагига етиб, Темурбек ҳийласига учган лашкарбошиларни кечирди. Шафқатсиз ўчишга қасамёд қилиб, Мовароуннаҳр сари юриш бошлади.

МАҒЛУБИЯТГА АЙЛАНГАН ФАЛАБА

1365 йил баҳорида Илёсхожанинг келаётгани тўғрисидаги хабарни етказган дарвешлар бутун Мовароуннаҳр ва Ҳурисондаги сарбадорлар Темурбекка ёрдам беришга тайёр эканликларини ҳам билдиришибди. Сабзавордаги сарбадорлар раҳбарларидан бири шайх Ҳасаннинг дуойи саломини етказган дарвешлар қурол-яроғ карвонини ҳам ўзлари билан олиб келишди.

Она юртини босқинчилардан озод қилиш учун озодлик курашини бошлаган кезларидаёқ, Темурбек қўшинига худди шу озодлик учун аллақачоноқ бошини тиккан сарбадорлар қўшилган эдилар. Амир Ҳусайн уларни ёқтирмас, шубҳа-хавотир ила сарбадорлардан кўз-кулоқ бўлиб турарди. Темурбек эса, аксинча, улардан унумли фойдаланиб, энг қалтис ва хавфли жойларга ташлар эди. У сарбадорлар қўшинининг зарбдор куч эканлигини, ҳар қандай қалтис вазиятда ҳам довдираб қолмасликларини билар эди.

Илёсхожа қўшини билан Чиноз яқинидаги жанг ҳам буни яна бир карра исботлади. Амир Ҳусайн умумий қўмондонликни ўз қўлига олишни айтиб, Темурбекнинг ғазабини қўзғатди. Ўлжойга бўлган муҳаббати туфайли зўрға ўзини босди.

Жанг қизиб кетганда бирдан жала қуйиб кетди. Отлар тийғаниб, жангчилар лойга беланарди. Темурбекнинг сара навкарлари душман қанотини янчиб, қўллари баланд кела бошлади. Айниқса, сарбадор-

лардан иборат пиёдалар узун найзалари билан жета отлиқларини устма-уст қулатарди.

Илёсхожа эҳтиётда сақлаган туманни жангта солди. Амир Ҳусайн қўшини бу янги куч зарбасига чидаш бермай орқага чекина бошлади. Темурбекнинг маслаҳатига қулоқ солмай, ўзбошимча иш кўрган Ҳусайн орқа-ўнгига қарамай қочишга тушди. Бу билан у эришилаётган ғалабани мағлубиятга айлантириди.

«Лой жанги» сифатида тарихга кирган бу жанг Илёсхожанинг ғалабаси билан тугади. Ғолиб учун эндиликда пойтакт Самарқанд томон йўл очилган эди.

Амир Ҳусайн ва Темурбек қолган-қутган аскарлари билан Самарқандга келиб нафас ростладилар.

Сарбадорлар билан суҳбат қурган Темурбек Ҳусайнга шаҳарда мудофаа учун маълум миқдорда куч, курол-яроf қолдиришини маслаҳат қилди. Аммо Амир Ҳусайн бу таклифни рад қилиб, Амударё сари тезроқ сафарга тараддуд кўра бошлади.

Ғазабланган Темурбек икки юз отлиқ навкари билан Қарши тарафга от қўйди. У ғалабани бой берган, сарбадорлар олдида юзини шувут қилган иттифоқчисидан фоят аччиқланган эди.

БАЙРАМДА ТЎКИЛГАН ҚОН

Темурбек бошлаган хайрли ишни — юртни босқинчи мўғуллардан озод қилишни халқнинг ўзи — сарбадорлар фаолияти билан ниҳоясига етказди.

Илёсхожа «Лой жанги»даги ғалабадан сўнг Самарқандга ғолиб сифатида кирмоқчи эди. Унинг отлиқлари қий-чувлашиб ланг очиқ дарвозадан шаҳарга бостириб киришди. Улар бой ўлжа илинжида бемалол шаҳар кўчаларидан гердайиб ўтиб боришли. Бир-

дан дарвозалар таққа ёпилиб, икки девор ортидан мүғулларга ўқлар, тошлар ёғилди.

Отлиқлар тор күчадан ҳаракат қилолмай, бир-бирларига урилиб, отлардан уча бошлашди.

Минглаб чавандозлару отлардан ажраган мүғуллар шаҳардан чекиниши. Бу мағлубият Илёсхожага шундай қатгиқ таъсир қилдикى, у Самарқанд атрофини, кейин эса бутун Мовароуннахрни ташлаб, даштга келди. Омад ундан бутунлай юз ўгириб, Илёсхожа ўз юртида душманлари томонидан ўлдирилди.

Самарқанд жеталар устидан қозонилган ғалабани кенг нишонлади. Икки тажрибали амир Ҳусайн ва Темурбек қилолмаган ишни оддий омма вакиллари — мадраса талабаси Мавлонозода ва ҳунарманл Абубакр Калавий уддалашди. Улар амирлар дақки еган душман устидан ғалаба қозониши. Сарбадорларнинг бу икки раҳбари 1366 йил баҳорида Самарқанд атрофида қўр тўккан амир Ҳусайн ва Темурбек ҳузурига келдилар. Амирлар уларни ҳурмат ва эҳтиром ила кутиб олиб, жеталар устидан эришилган ғалаба билан табриклишди.

Бутун шаҳар ва унинг атрофига катта сайл бўлди. Баҳор байрами ғалаба байрамига уланган. Орзиқиб кутилган озодлик қўёши бутун ўлкада нур сочмоқда эди.

Мўғуллар зулмидан халос бўлганликларидан бойлар ҳам, йўқсуллар ҳам бирдек хурсанд. Энди ҳеч ким уларнинг мулкига зўравонлик қилмайди. Қизларини, бола-чақаларини тортиб олиб қул қилиб сотмайди. Жеталар зўравонлиги барҳам топди. Ҳеч ким энди уларнинг турмушига дахл қилмайди.

Бемалол экин экиб, деҳқончилик қилабер. Ҳунарманд нарсасини сота берсин. Савдогар эркин савдосини қила берсин.

Жеталар устидан қозонилган ғалаба шарафига бойлар камбағалларга туялар, қўй-қўзилар эҳсон қилишди. Улар эса ўз навбатида қаровсиз ҳолга тушган далаларга ариқ очишга, ташландик жойларда боғроғлар барпо этишга киришишди.

Зиндоңлардаги барча бандилар озодликка чиқарилди. Одамлар эски гиналару адноватларни унутиб, бир-бирларини меҳмон қила бошлишди. Дарвешлар ва қаландарларнинг ҳам овлари юришиб, бой хайру садақалар тўплашди. Байрам тўдаларида қаҳрамонлар номлари тилдан-тилга кўчарди. Ҳунармандлар Самарқандни мудофаа қилишда зўр мардлик кўрсатган Абубакр Калавийни, зиёлилар эса мадраса талабаси Мавлонозоданинг шиҷоатини мадҳ этишади. Дарвешлар эса Темурбекка ҳамду санолар ўқишишди. Узоқ йиллардан бери мўғуллар билан урушиб машаққат чеккан ким? Бу лаънати жеталар билан жангларда ҳаммадан кўп қон тўккан Темурбек эмасми?

Фақат амир Ҳусайн номини ҳеч ким тилга олмас эди. Унинг олчоқлиги, очкўз-мунофиқлиги барчага аён эди. Темур! Мавлонозода! Абубакр! Бу номлар янги туғилган чақалоқларга қўйила бошлади. Бу уч халқ қаҳрамони ишлари эл ичида достон бўлиб кетди.

Биргина амир Ҳусайннинг қовоғи солиқ. У халқ қувончидан қувонмас эди. Зотан халқ нимага қувонмоқда? Мўғуллар зулмидан халос бўлгани учун. Унинг ўзи эса мўғул авлоди. Ҳусайн бошқа мўғул улуси — жеталар билан ўз тахти учун курашди. Мовароуннаҳр элини мўғуллардан озод қилиш учун эмас. Мутлақ унинг учун эмас.

Куёви Темурбек мана бу қаланғи-қасанғи дарвешлару сарбадорлар билан ана шу мақсадда курашди, сарбадорлар! Мана шулар амир Ҳусайн учун ғоят хавфли душман. Дастреб шуларни даф қилмоқ керак. Кейин навбат Темурга келади.

Ҳусайннинг юзи ёришди. Ҳаёлига келган мудҳиш фикрдан ўзида йўқ қувониб, қарсак чалади.

— Сарбадорлар банди қилинсин!

Девон амири гангиб фармоннинг давомини эши-тади:

— Дарҳол қатл қилинсин!

Темурбек чодирда баҳодирлар билан зиёфатда ўтирганида дарвешлар етказган хабардан сакраб ўрнидан туради. Хос навкарлари қуршовида Ҳусайн ҳузурига келганида жаллодлар иши қизиган эди.

— Қатл тўхтатилсан!

Темурбек ғазаб остида Ҳусайн олдида пайдо бўла-ди.

— Қатл тўхтатилсан!

Амир Ҳусайн тантана билан иттифоқчисига ти-килади. Сўнг ундан фармойиш кутаётган девон ами-рига қарайди.

— Темурбек амири бажарилсан! Энди хурсандми-сиз, куёвим?

Темурбек мунофиқ қайнағасининг лўттибозли-гига ўрганган бўлса ҳам ундан бундай хиёнатни кут-маган эди. Ҳусайн бир ўқ билан икки қуённи урган эди. Сарбадорларни ўлимга буюриб, ҳалқ ўртасида эътибори зўр рақибларни йўқотиш, шу билан бир-галикда тахт учун даъвогар Темурбекни ёмон отликча чиқариш ҳамда унинг содик иттифоқчилари — сар-бадорлар мададидан маҳрум қилиш эди.

Фишт қолипдан кўчган эди. Жаллодлар ўнлаб сар-бадорлар қатори Абубакр Калавийнинг ҳам бошини танидан жудо қилган эди. Фақат Мавлонозодагина жаллод болтасидан омон қолди. Уни Темурбек ўз қароргоҳига олиб кетди.

1366 йил май фаслидаги бу катта байрам кунлари тўкилган қон ҳалқнинг қордан қутулиб ёмғирга ту-тилганидан дарак берди. Босқинчилар ўрнини бир-

биридан хундор ҳокиму бек амирлар эгаллабди. Мард сарбадорлар қони улар ўзаро тож-тахт учун курашда тўкилувчи дарё-дарё қонлардан бир томчи, холос.

УЗИЛГАН РИШТА

Ўлжой Туркон оғонинг тўсатдан вафот этиши Темурбекни ларзага солди. У нафақат гўзал, вафодор ёридан, балки сирдоши, содик дўсти — маслакдошидан ҳам ажраган эди.

Ўлжой унинг бегубор ёшлиги, кураш, жанг жадалларга, зафару мағлубиятларга тўла жўшқин ёшлигини ҳам ўзи билан олиб кетди.

Темурбек 35 ёшида бева қолди. У шу кунга қадар Ўлжойдан бошқа аёлга қарамаган, бошқа беку амирларга ўхшаб қўша-кўша хотину канизакларга тўла ҳарамлар тутмаган. Чунки у Ўлжой муҳаббати билан баҳтли, унинг сиймосидаги гўзаллик, латофат ва меҳрга қониқкан эди. Шунинг учун шу ёрига муҳаббати, ҳурмати учун Ўлжойнинг акаси Ҳусайнни кўп марта кечирган эди. Ўлжойнинг ўлими эндиликда уни Ҳусайн билан боғлаб турган сўнгги қариндошлиқ ипларини узиб ташлади.

Собиқ иттифоқчилар эндиликда душманларга айланиб, ўзаро ҳаёт-мамот жангига тайёргарлик кўра бошлашди.

Дастлабки олишув жанг майдонида эмас, балки сиёsat саҳнасида рўй берди.

Темурбек Нақшбандий тариқатига мансуб дарвешлардан бири, зоти Чингизхон авлодларига туташ Қобулшоҳдан ўз мақсади йўлида фойдаланишга қарор қилди. Нақшбандий тариқатига шайх Шамсуддин Фахурий вафотидан сўнг раҳбарлик қилаётган Мир Саид Барака муриди Темурбекнинг фикрини қизғин равишда қўллаб-кувватлади. Асли маккалик Мир

Сайд Барака ўзига қўл берган бу саркардага ёрдам беришга ваъда қилди.

— Мен фақат қурултой сайлаган ҳукмдорларни тан оламан!

Амир Ҳусайн шундай деб ўзининг мўғул хонлари авлоди эканлигини уқтириб, эгасиз турган Мовароуннаҳр таҳтига даъвогарлигини зўр бериб ошкор қиласарди. Чингизхон Марказий Осиёни босиб олганидан буён юз эллик йилдан бери Чигатой улусига ҳукмдорларни қурултой сайлар ва тасдиқлар эди. Ҳусайн қурултой чақиришни талаб қилиб, Мовароуннаҳрда мўғул ҳукмронлигининг давомий эканлигини кўрсатмоқчи бўлди. Мўғуллар ҳукмронлигига агадул-абад барҳам бермоқчи бўлган Темурбекка бу қарор оғир ботса ҳам муроса қилишга тўғри келди. Чунки ўлкадаги катта-кичик ҳукмдорлар ҳам узоқдан қонларига сингиб кетган бу одатга мойил эдилар. Қачонлардир Чигатой улусига қарашли барча ерлардан келган вакиллар қурултойда Амир Ҳусайннинг узундан-узоқ маърузасини тинглашди. У ўз авлодларини мақтаб, Чигатой улуси учун кўрсатган хизматларини ошириб-тошириб гапираётганда шовқин-сурон билан даврага дарвешлар бостириб киришди.

— Мана сизга Чингизхоннинг асл авлоди, — деди Мир Сайд Барака қаландар либосидаги озғин йигитни даврага чақириб, — мана сизга Мовароуннаҳр султони!

Қурултой қатнашчилари ҳайрат ила ёқа ушлашди. Нақшбандийлар пири бу билан босқинчи Чингиз авлодларининг таназзулга юз тутиб, дарвеш ҳолига тушганини назарда тутмоқчими? Ё умуман Чингиз улуси эндиликда барҳам топиб, юзи шувут эканлигини на мойиш қилмоқчи ё мазах қилмоқчими?

— Сизлар унинг қаландар кулоҳига ҳайронмисиз? — деди эҳтирос ила пир. — Ҳа, у қаландар. У

дарвеш! Шунинг учун ҳам мўмин-мусулмонлар ундан паноҳ топишади. Таркидунё қилган тақводор бу инсон фақат Аллоҳ таоло билан мулоқотда бўлиб, мол-дунё ё давлатингизга тажовуз солмайди, хотин-қизларингизга кўз олайтирмай, очкўз бўлмай, ҳаммага адолат қиласди.

Пир Саид Барака ҳеч кимдан эътиroz эшишига тоқати йўқ ҳолда барадла хитоб қилди:

— Қобулшоҳ! Сизни нақшбандийлар тариқати Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатида қутлайди!

Ҳамма диққат билан давра ўртасида пирига жавдираф қараб турган қаландарга тикилганча жим қолди. Наҳот шундай нимжон, кўримсиз ва ҳароб кимса султон бўлса? Қизиқ, у қаландар кулоҳини ташлаб шоҳона кийимда тахтга чиқармикан? Унинг вазирлари, амиру беклари ва ўз ҳарами бўладими?

Худди шу саволларга жавоб тариқасида пирнинг хитоби эшишилди:

— Ҳазратнинг ўзи унга ёрдам бергай. Эсингида бўлсин, султон, сиз тахтда ўтирангиз ҳам руҳингиз дарвеш бўлиб қолаверади. Нақшбандийнинг ўзи мададкор бўлгай сизга!

Қобулшоҳ сесканиб, атрофга аланглаб ҳассасини ерга урди.

— Ҳақ дўст, ё Аллоҳ!

Унинг кўзлари Темурбек билан тўқнашди. Қобулшоҳ чеҳраси улуғвор тус олди. Ҳа, у иниси Темурбек башорат қилганидек Чигатой тахтига ўтирди.

Темурбек Қобулшоҳ билан эски қадрдон эканлигини кўпчилик яхши билар эди. Бир неча йил аввал Амир Саид Кулол тавсияси билан Темурбек пири Абу Бакр Тойбодий даргоҳида дарвеш кулоҳини кийиб, фойиб сирларини ўргангандага Қобулшоҳ билан танишган ва бу танишув кейинчалик қалин дўстликка айланган эди.

— Ҳофиз эканлигингни биламен. Аммо сен Қуръонни ёд билсанг ҳам уни қалбингга тўла жо қилмагансен. Мен буни ўргатамен.

Улар икковлари ёнма-ён туриб намоз ўқишиганда, Аллоҳ билан мулоқотда Темурбек ўзини ўзга оламда сезар, ҳали дунёда кўп нарсани билмаслиги ва ғойиб сирларидан воқиф бўлиш учун астайдил ибодат қилиши зарурлигини англаган эди. Табиатан шоир, чин маънода ўзини Аллоҳга бағишлаган Қобулшоҳ бу соҳада унга устоз бўлди.

Пир ҳузуридаги хизмати тугаб уйига қайтишга рухсат олганида Қобулшоҳ унга оға-ини тутинишганини айтиб узоқ фотиҳа қилди. Темурбек ўшанда чин дилидан беихтиёр шундай деган эди:

— Мен, оға, сизни, худо хоҳласа, албатта Чигатой тахтига ўтқазамен.

Қурултой уни яқдиллик билан ҳукмдор сифатида сайлади. Қобулшоҳ саройга кўчиб ўтишни истамади. Пир уни узоқ бир қаландархонага жойлаб қўйди. Ўлкада тожу тахт учун ҳукмдорлар кураши эндиликда унинг номи билан давом этди.

Мовароуннаҳрда ажал уруғи кўпайиб, ўзаро қирғин авжига минди.

САРОЙМУЛК ХОНИМ

Икки амир ўртасидаги бешинчи уруш Балхнинг олиниши ва Ҳусайннинг ўлдирилиши билан тугалланди.

Халқ энди ўзаро уруш, катта-кичик ҳокимларнинг бебошликлари тугаб, ўлкада осойишталик ўрнатилишига умидвор бўлиб енгил нафас олди. Мўғулларни юртдан қувган ва қирғин-барот жанжалларга чек кўйган амир Темурбек халқ қаҳрамонига айланди.

— Сизни буюк ишлар кутмоқда, — деди Нақшбандийлар пири Мир Сайд Барака унга муқадлас матодан ўралган саллани тұхфа этиб. Сайдлар эҳтиром ила унга ноғора ва олий ҳокимият нишони байроқни ҳам топширишди. Шаҳрисабз аҳолиси эса ўзининг буюк юртдошига ажойиб шамшир инъом этди. Темурбек ҳам саховат ва муруватдан ўз сафдошларини бебаҳра қолдирмади. Амир Ҳусайн Балхда беркитган бой хазинани амиру беклари, содиқ сарбозларига улашды. Дарвешу қаландарларга ҳам бой совғалар тегди. Ҳусайндан қолган ҳарамдаги гүзал аёллар, беҳисоб канизаклар баҳодирларга тұхфа этилди. Темурбек Ўлжойнинг вафотидан кейин унга ўхашини тополмай күнгли вайрон эди. Күз олдиdan ўтаётган гүзалларга бефарқ қараётган Темурбекнинг диққатини бир аёл жалб этди. Унинг мағбур ногоҳи ва ўзини виқор ила тутиши унга нимаси биландир марҳума Ўлжойни эслатди.

— Сен қол, — деди Темурбек амирана, — менинг оёқларимга сув құясан!

Аёлнинг шаҳло күzlари яшиндек унга бокди.

— Хоқон қызини чўри қилмоқчимисиз, бегим! — деди аёл. — Мен бундай хўрликка чидай олмайман.

Аёлнинг қўлида ханжар ялтиллади. Ундан күз узмай турган хос навкарлардан бири дарҳол ханжарни тортиб олди.

Темурбекнинг чехраси ёришди.

— Чиндан ҳам хонзода экансиз, — деди мулойим оҳангда ва аёлни тўсиб турган навкару баҳодирларга хитоб қилди: — Хоқон қизига йўл берингизлар! Сиз озодсиз, хонзода!

Аёл унга таъзим қилди ва меҳрли ногоҳ ташлади.

Темурбекни қачонлардир биринчи бор забт этиб қалбига чўғ ташлаган Ўлжой ногоҳини эслатди бу. Назарida унинг Ўлжойи тирилиб олдига қайтгандек эди.

Темурбек қархисида турган аёл — Қозонхоннинг авлоди, хон қизи Сароймулк хоним Ҳусайн ҳарамининг юлдузи эди. Бу юлдуз энди унинг ҳаёт йўлини ёритиши лозим. Унга катта малика — Бибихоним унвони берилди.

ТЕМУРБЕКНИНГ ФОЯСИ

Мунажжимлар Темурбек жадда юлдузи паноҳида эканлигини, бу эса узоқ умр, давлат ва қудратдан дарак бериши, етти иқлим унга тобе бўлишини башорат қилишди. Дарвешлар, қаландарлар ҳамма-ёқда уни Аллоҳнинг Ердаги элчиси, Ислом қиличи, мусулмонлар халоскори сифатида улуғлай бошлишди. Савдогарлар эса энди карвон йўллари тинч бўлади, дея Темурбекнинг ягона мутлақ ҳукмдор бўлишини истаб, унга ҳамёнлари-ю карвонлари хизматини таклиф қилишди. Деҳқонлар эса янги ерларни ўзлаштириш, ҳувиллаб ётган экинзорларга сув чиқариш учун осойишталик барқарор бўлишини тилашди. Ҳунармандлар ҳам шундай ниятда эдилар. Қаттиққўл, адолатли ва бақувват ҳокимиyat зарур! Бунга фақат Темурбеккина қодир!

Вазиятнинг ўзи ҳам уни Чифатой тахтини эгаллашга ундар эди. Аммо узоқ иккиланишлар ва чуқур ўйлардан сўнг Темурбек мулоҳаза юритиб, бошқача қарорга келди.

У шу умрининг қирқинчи баҳорига яқинлашган паллада фаолиятига холисона баҳо бериб, тегишли хулоса чиқарди. Ҳаётининг бетакрор йилларини юртини мўғул босқинчиларидан озод қилиш учун курашга сарфлади. Эндиликда эса яна мўғул ҳукмронлиги рамзи — Чифатой тахтига ўтириб Чингизхон идорасини давом эттирадими? Йўқ, асло! Мўғул ҳукмронлигига нафрат ҳаётининг мазмуни эди. Де-

мак, у шундай иш қилиши лозимки, Чингиз авлоди шарманда бўлсин! Унинг қўлида улар бамисоли қўғирчоқ бўлсин! Темурбек қиладиган ишлари олдида лол бўлсин?

— Ўзингизни хон эмас, балки ҳукмдор деб эълон қилинг, бегим, — деди хотини Сароймулк хоним, — чунки сиз биргина Мовароуннаҳр билан чекланмайсиз.

Темурбек суюкли рафиқасининг бу сўзлари нақадар кўнглидаги ниятига мос тушганидан ғоят ажабланди. Чиндан ҳам бу гўзал аёл тақдир инъом этган унинг юлдузи. Унинг маёғи бўлгай!

— Удумга кўра қурутой чақиринг, бегим, — деди Сароймулк хоним унинг кўкрагига бош қўйиб, — агар шундай қилсангиз, қурутойда халқ томонидан сайлансангиз бутун дунё сизга пойандоз бўлгай.

— Хон сифатидами? — хўмрайди Темурбек.

— Йўқ, бегим. Ҳукмдор сифатида, хон куёви, яъни менинг эрим сифатида.

Аёлнинг гапларидаги жуда чуқур маъно уни ўйга солди. Ҳа, хон куёви у. Шундоқ камтарона ном билан чинакам ҳукмронлик қилса чакки эмас. Ўлган Қобулшоҳ ўрнига анови катта Чингиз авлоди Сујортғамишни хон деб тахтга ўтқазамиз. Унингномидан танглар зарб этамиз. Вақти-замон келгунча қўғирчоқ-хон тахтда ўтираверсин. Ўзи эса хон куёви кўрагон сифатида ҳокимиятни ўз қўлида ушлайди.

— Ҳазратим ҳам шундай фикрда, — давом этди хотини, — қурутойни Балхда ўтказишга тараддуд кўрмоқдалар.

— Балх! — Яшин ургандек сесканди Темурбек. Худди шу шаҳардан унинг саркардалик йўли бошланган эди. Биринчи ўлжа, биринчи ғалаба шаҳри эди у!

Энди бўлса Балх уни ҳукмдор сифатида сайлайди. Бунда тарих, Аллоҳ таоло инояти мужассам!

Аллоҳнинг ўзи, нақ ўзи уни олға етакламоқда.
Янги шуҳрат, янги ғалабалар сари унданмоқда! Пири
Мир Сайд бежиз шу Балхни танламаган.

ЎНИНЧИ РАМАЗОН ТУНИДА

Бутун Мовароуннаҳр ўлкасидан келган вакилларга кўҳна Балх бағрини кенг очди. Саййидлар, уламолар, дарвешлар, савдогарлар тилидан Темурбек номи тушмас эди. Шу билан бирга ўз мустақиллигини сақлашни истаган Хоразм, Ҳирот, Марв ва бошқа шаҳарлардан келган вакиллар очиқдан-очиқ Темурбекни «ўғри», «қароқчи» сифатида мазах қилишди. Ҷўлоқ, оқсоқ, дея устидан кулганлар ҳам бўлди.

Аммо улар жойларда зикр тушганча Темурбек дея ҳайқираётган қаландарлар, дарвешлар важоҳатидан дамлари ичларига тушиб кетди. Совет кийган баҳодирлар авзойи ҳам яхшиликдан далолат бермасди.

— Ким ислом динимиз ғалабасини тиласа, ўша Темур учун овоз берсин!

Бундай ҳайқириқлар Балх шаҳрининг ҳар бурчагидан янграрди. Мунажжимлар эса атрофларига одамларни тўплаб, тунги осмонда чараклаб турган юлдузларни кўрсатиб, Темурбек юлзузи порлаётганига ишора қилишарди.

— Соҳиб-ул-қирон! — Мунажжимлар Темурбекка шундай унвонни, яъни юлдузлар султони унвонини тақдим қилишди.

Асрий чинорлар атрофида йигилган қурултой қатнашчилари ерга тўшалган кигизга қараб туришганда нақшбандийлар пири Мир Сайд Барака Темурбекни улар олдига етаклаб келди.

— Темурбек! — деди пир унга. — Халқдан сўрангчи, у Сизни истайдими?

Минглаб ҳайқириқлар унинг товушини босиб кетди:

- Сен бизнинг султонимиз!
- Сен — ислом қиличи!
- Соҳиб-ул-қирон!

Мир Саид Барака Темурбекни кигиз олдига келтириб, баланд овоз билан унга мурожаат қилди:

— Халқ номидан шуни айтаман сенга, Темурбек! Сенга фақат Аллоҳ иродаси-ю адолатгина қонун бўлсин. Ёдингда тут: Аллоҳ таоло иродасига риоя қил, борди-ю адолатдан чекинсанг, мана шу кўз олдингда турган кигиз парчасидан маҳрум бўлгайсан.

Темурбек пир гапини тугатгач, халқقا қараб ўз сўзини айтди:

- Сизларни чорлаганимда олдимга келасизларми?
- Ҳа, ҳа, албатта! — жўр бўлишди минглаб овозлар.
- Қаерга етакласам ўша ёққа борасизларми?
- Борамиз! Борамиз!

Қасамёд маросими якунида Мир Саид Барака унга олтин камар, ҳашамдор қилич ва ёқут исирға топширди. Ноғоралар, карнай-сурнайлар садоси остида саййидлар ва саркардалар Темурбекни кигизга солиб, осмонга баланд кўтаришди.

— Аллоҳу Акбар! — дея уч марта тепага кўтариб пастга туширишди. Шундай қилиб ҳижрий 771 йил (милодий 1369 й.) 10-рамазон тунида Темурбек Мовароуннаҳр ҳукмдори қилиб сайланди.

— Биз саййидлар, жангчилар ва халқ Темурбекни Кўрагон қилиб кўтардик, — деб ёзилган эди қурултой ҳақидаги турли элларга юборилган хабарномада, — ва биз унга барчамиз итоат қилишимиз ҳақида қасамёд қилдик.

Темурбек Балхдан Кешга ўтиб, отаси амир Тарағай қабрини зиёрат қилди. Сўнг ўзи пойтахт деб эълон қилган Самарқанд сари йўл олди. Мовароуннаҳрда

тарқоқлик тугаб, марказлашган ҳокимият вужудга келмоқда эди. У тарихга темурийлар давлати сифатида кирди.

ҚАРОҚЧИЛАР ЖАЗОСИ

«Мен фотиҳликка эришмасдан илгари ҳам ўғри-қароқчиларга қарши чора қўриш, доруғаларнинг очиқ кўзлик бўлиши учун зўр ташаббус қилганман. Чунончи, бир доруға шаҳар осойишталигини ўз устига қабул қилиб олдими, у қуруқ номга вазифахўр эмас, балки масъулиятлик бир ўринда турганини билмоғи, кечакундуз ўз вазифасининг ижросида огоҳ бўлмоғи зарур. Агар бир ўғрилик ҳодисаси зоҳир бўлса ҳаммадан аввал доруғанинг ўзи масъул тутилади. Ўғри топилмаса доруғанинг қўли кесилади, ўғрининг ўрнига жазоланади... Сўнгра мамлакатни хунук кўрсатувчи омилнинг яна бири гадоликдир. Гадоларни йўқ қилмоқ учун унинг иқтисодий аҳволини таъминлаш лозимдир. Шу мақсадда кўр, чўлоқ, кексалик туфайли ишдан қолганлар, турмуши ночор гадоларни етарли маош билан таъминладим. Ишлашга қурати етган гадоларни иш билан таъминлаш чорасини кўрдим. Пул-маош бўла туриб, гадоликни санъат-хунар қилганларга шафқат қилмадим.

Эй ўғилларим, мен сизларга васият қиласман. Қайси бирларингиз салтанатга эришсангиз, қароқчиларга, доруғаларга, ясовулларга ҳушёр бўлингиз. Булар ҳукумат маъмурлари бўлсалар ҳам ўғри-қароқчилар билан тил бириктиришлари кўп кўрилган. Агар уларга ўлим жазоси берилмаса, бутун давлатни ҳароб қилишади».

«Мен, фотиҳ Темур» қўлёзмасидан.

Хижозга бораётган карвонлар Кичик Лурдан ўта-ётганларида бу мамлакатнинг ҳукмдори уларни талон-торож қилгани ҳақидаги хабар ҳам ҳордиқ чиқаришга улгурмаган Мовароуннаҳр лашкирини ҳаяжонга солди.

— Уларнинг қилмишлари, айниқса, Байтуллоҳга бораётган ҳожиларга нисбатан қилган номаъқулчилклари мени ранжитди, — деди Темурбек. — Раият Тангри таолонинг бизга топширган омонатидур. У биздан тонгла қиёматда сўрайди-ку! Қандай раво бўладики, мамлакат ўртасида шундай бузуқ бир жамоа бўлса ва биз уларни йўқотиш ва илдизидан қўпариб ташлашга қодир бўла туриб, бу бобда бепарвонлик қислак! Шундай экан, вақти келганда уларнинг бузуқлигини даф қилиш, вилоят ва мамлакатни у бадкирдорлардан тозалаш бизнинг ҳимматимиз зими масига вожиб ва лозимдир.

Саркардалар тасдиқ ишорасида бош ирғашди. Улардан бири Усмон баҳодир яна бир хабарни маълум қилди. Луристон сultonи Атобек Афросиёб бин Юсуфшоҳ ўз мулкидан ўтаётган юз эллик Мовароуннаҳр сарбозларини ўлдирибди.

Темурбек ҳозир барча саркардалар интиқом ўтига тушганини сезди. Уни лашкарнинг отаси, Аллоҳ шамшири деб улуғлашади. Ўлдирилган ҳар бир сарбоз унинг фарзанди. У ота сифатида ўз фарзандлари қотилларини жазолаш учун ҳаялламай Луристон томон от суради. Машварат унинг азми қарорини маъқуллади.

... Баланд тоғлар билан ўралган Луристон сарҳадида лашкар қўр ташлади. Даракчилар яқин орада бир неча кулба ва тоштегирмон кўринганини айтиб ўтиб, шу жойлик бир одамни бу ерга олиб келишганини билдиришди.

Темурбек қархисида бошига катта қалпоқ кийган баланд қомат ва узун оқ соқолли қария ҳозир бўлди.

Салом-аликдан сўнг билиндики, бу одам эллик йилдан бери шу «Ийзатегирмон» деб аталувчи қишлоқда тегирмончилик қилади. Ёши юз йигирмада.

— Тишларингиз борми, отахон? — сўради Махмуд Шахобиддин.

— Мен от эмасманки, тишларимни кўрасизлар, — кулди қария. Икки қатор тишлари садафдек ялтиллаб кетди.

Барча ажабланиб унга қараб қолди. У бўлса бу манзарадан завқланиб сўзида давом этди:

— Отамнинг ёшлари эса юз етмиш.

Темурбек атрофдаги аъёнларига савол назари билан қаради.

— Шундай табаррук одамни бориб зиёрат қиласак.

Ўзини Гаё деб таништирган қариянинг отаси юролмай қолгани учун кулбада ётар экан. Ёши масаласида у шундай жавоб қилди:

— Саводим йўқ, ҳисоб-китобни билмайман. Факат ҳар йили қор ёқсан замон баллут дарахтига бир чизиқ тортиб қўяман. Уларнинг сони 150 га етганида оёғим юролмай қолди. Ўғлим ўрнимга бориб ҳар йили чизиқ тортиб қўяди.

Чиндан ҳам ўша дарахтга бориб келган ўнбоши чизиқлар сони 170 та эканлигини тасдиқлади.

— Отахон, сизнинг қандай орзуларингиз бор? — деди эҳтиром ила Темурбек.

— Орзуларим йўқ, — деди мўйсафид.

Гаё отасига нималарнидир шипшиди. Уларнинг гаплари тушунарсиз тилда эди.

— Сиз ўлимдан қўрқмайсизми? — сўради Темурбек.

— Эй яхши йигит! Ўлим қўрқадиган нарсамикин, ундан инсон қўрқай?

Темурбек мўйсафиднинг жавобидан ўйланиб қолди. У доим ўлим билан юзма-юз юради. Унинг ҳақида

ўз мuloҳазалари борки, уларни қофозга тушириб кўяди. Бу қариянинг гаплари ҳам ундан ўз ўрнини топади. Қари билганни пари билмас.

— Эй дунёни узоқ кўрган одам, — деди Темурбек мўйсафидга тақлидона оҳангда, — мен бир мусофири мен. Сиздан бир юз етмиш йил ичидаги кўрган-билганларингиздан сўраб ҳаёт учун дарс олмоқчиман.

Мўйсафид унга ажабланиб қаради.

— Шу чоққача ҳеч кимга сабоқ бермаганман. Сен биринчиси, улуғ сардор! Мен кечирган йиллар ва мен билан бирга бўлган бу кўзларим тоғлар, жилғалар, баллут дараҳтлар, тоғларнинг ёввойи қўй сувулваридан бошқа нарса кўрмаган. Бундан ҳаёт дарси чиқадими?

Темурбек унинг жавобидан ўзича шундай хулоса чиқарди:

— Инсоннинг узоқ яшashi ҳамма нарсадан бехабар юришига боғлиқмикан?

У мўйсафиднинг кулбасидан чиққанида миясида яна кўп саволлар ғужон ўйнади. Улуғвор табиат манзараси кўнглини ажиб ҳисларга тўлдирди.

Чодирда уни кутиб турган аъёнлару саркардалар Соҳибқирондаги ўзгаришни пайқашди. Темурбек уларнинг ҳар бирининг ёши билан қизиққанида эса баттар ажабланишиди.

— Юз йигирмага кирган йўлбошловчимиз Гаё, — деди Темур, — мен ҳадя этган отни олмади. Ўз оёқларини кўрсатиб, менинг отим шулардир, бу отларим жуда тез ҳаракат қиласди. Бошқа отга ҳожат йўқ, деди. Сизларнинг оёқларингиз қандай?

Даврада кулгу кўтарилиди. Темурбек ҳам астойдил кулар эди. Гаё рост айтган экан. Ийзатегирмондан чиқишганида отликлар билан баробар ҳаракат қилас, сира чарвоқ нималигини билмас эди. Темурбекнинг унга меҳри тушиб қолди. У Гаёning отасига қараш

учун қўшнилардан бирини тайинлаб, унга бир халта олтин ҳадя қилди. Гаёning сўзларида, ҳаракатларида ва муомалалирида ҳийла-найранг сезилмас эди. У Луристон ҳукмдоридан нафратини яширмас ва унинг зулмидан жафо кўрган юртдошлари учун ундан ўч олиш имконияти туғилганидан хурсандлиги-ни очиқ айтар эди.

Лашкар ўтиб бўлмас жангага тўқнаш келганида Гаё отлардан тушиш зарурлигини айтди. У бъязи баллут дараҳтларини кўрсатиб, «Бу дараҳт минг йил умр кўрган», деганида ҳеч ким бунга шубҳа қилмади. Улар отларни тизгинидан етаклаб олганича юқорига чиқа бошлишди. Тоғнинг ерлари тупроғлик бўлгани учун отларнинг туёғи сирпанмас эди.

— Бу тоғдан ўтмасак, Ҳусайнободга етолмаймиз, — деди Гаё, — аммо бу тоққа чиқмоқдан тушмоқ қийин.

Пешинда лашкар тоғ устига чиқиб олди. Энди йўлнинг усти дараҳтлар билан қопланган баландлигидан пастга тушмоқ керак эди. Гаёning маслаҳати билан Темурбек лашкарга амр берди:

— От бўйнидан арқон боғлаб, арқоннинг бир учини ўzlари ушлаб олгач, дараҳтга яқин туриб олсинлар. Агар отнинг юмалаб кетиш хавфи бўлса дарҳол арқоннинг уни дараҳтга ўраб олинсин.

Ярим кечада лашкар пастга тушиб олди. Эллик от ва юз киши ҳалок бўлди. Ўн тўрт кечалик ой лашкар йўлини ёритар эди.

Темурбек уларга ҳордиқ беришни буюрди. Саҳар олдидаги уйқу нималигини у яхши билар эди. Баковуллар қўй ва от гўштларини пишириб, аскарларни астойдил меҳмон қилишди.

Темурбек шахсан ўзи оловда пиширилаётган қўй таналари олдидаги уймаланишиб турган аскарлар олдига борар ва ўткир ханжари билан гўштдан бироз қирқиб

оғзига солғанча кейинги даврага ошиқар эди. Ҳар чодир атрофидаги ўнбоши, юзбоши ва мингбошилар Соҳибқирон ханжари теккан тана гўштига ёпирилар эди.

Тонг ёришганда эса душман лашкари пайдо бўлди. Темурбек оддий бир аскар каби улар устига от қўйди. У оддий аскар сифатида лашкарнинг олдинги сафида борар эди. Кейинчалик ўз таржимаи ҳолида бунинг сабабини у шундай изоҳлаган эди:

«Мен аскарларим олдида ҳар доимгидай фидокорлик билан от чопиб борар эдим. Мен ўз жонимни бошқа бир сарбознинг жонидан азиз деб ҳисобламас эдим. Шарқдан Farбгача ҳукм сурмоқда эканман, бугун ҳам ўз жонимни бир аскарнинг жонидан ортиқ деб эътиқод қилмадим. Шу билан бирга ўлимдан ҳам қўрқиб турмадим. Шу сабабдан ажал мени йўқлаб келмаган бўлса керак. Киши нақадар ўлимдан қўрқса, унга ўлим шу қадар тез келади».

Икки лашкар бир-бирига тўқнашди. Луристон сарбозларининг аксарияти гурзи билан қуролланган эди. Улардан бири Мовароуннаҳр отлиқларидан бирига гурзи уриб ерга йиқитди. Иккинчи гурзи билан эса уни ўлдирди. Шу топда унга рўпара келган Темурбекнинг болтаси белига урилди. У фарёд ила ерга йиқилди. Кимдир эса Темурбекка ўнг томондан қилич урди. Аммо унинг зарбаси совутга урилиб қайтди. У урган қилич Луристон сарбозининг қўлини танасидан ажратиб ташлади.

— Темуршоҳ ким?

Луристон отабегининг ҳайқириғи майдон узра таралди.

— Мен ўзим Темуршоҳ билан урушмоқчиман. Мен Атобек Афросиёбман.

Узун қора соқол, бошига қимматбаҳо бурк кийган, қўлида гурзи ушлаган киши лашкар ўртасига кириб келди.

Темурбек унга жавобан қўл кутарди.

— Мен, Тангри қули Темур, сенинг таклифингни қабул қиласмен. Сарбозларингга айт, майдонни бўшатишин.

— Эй Темуршоҳ! — қичқирди Атобек. — Сен икки қўлингда қилич ушлабсан. Мен эса бир қўлимда қурол ушлаганман. Сен ҳам бир қўлингдаги яроқни ташла.

— Қайси қўлимдаги қуролни ташлай, — деди Темур хотиржам.

— Ўнг қўлингдагини! — деди Афросиёб.

Темурбек беихтиёр устози Самир Тархон ўгитларини эслади: «Душман доимо ўнг қўлингни ишдан чиқаришни ўйлади. Чунки ўнг қўлсиз ҳар қандай баҳодир ҳам ўлик жондир, амирзодам». Темурбек ўнг қўлидаги қиличини филофига солар экан, душмани унинг бу қўли мажруҳ эканидан бехабар эканлигини ўйлаб хурсанд бўлди. Чап қўлига болтасини олди.

Икки лашкар ўз саркардалари жангини кузатиб лол туришар эди. Атобек отини жилдириб Темурбекка яқинлашди. Гурзисини баланд кўтарди. Темурбек ҳам отини елдирди. Лекин унинг ҳаракати Атобекка тескари эди. У оти юганини юқори тортди. От икки оёқлаб тик турди. Атобекнинг гурзиси бошига эмас, чап оёғига урилди. Темурбек узун сопли болтасини душманга қараб солди. Бу зарба шундай кучли эдики, Луристон отабегисининг йўғон сўнгагини кесиб ташлади. Унинг қўлидаги гурзи ерга тушиб, ўзи эгарининг қошига мункиб қолди. Луристон қўшини ўз қўмондони жасадини олиб кетиш учун хужум бошлади. Икки ўртада жанг қизиб кетди. Шунда Темурнинг янгроқ овози урушни тўхтатди:

— Луристон халқи! Мен сизлар билан урушмоқни истамаймен. Ўлдирилган сарбозларим хуни учун Афросиёбни ўлдирдим. Сизлар энди уйларингизга

бориб, тирикчиликларингизни қила беринглар. Атобек жасадини олиб кетишинглар мумкин.

Гаё унинг сўзларини улар лаҗжасида такрорлади. Қиличлар жаранги тинди. Майдон узра сукунат чўмди. Оқшом сукунати.

Луристонликлар таслим бўлганликларини билдириб, қуролларини ташладилар. Ҳукмдорлари жасадини олиб, манзилларига жўнадилар.

Ўн беш кунлик ой нури уруш майдонида ётган мингларча ўликларни ёритар эди. Бу кечанинг ой шуъласидаги манзараси Темурбекни ғалати ҳолга солди. Аллоҳ таолонинг жонларни оловчи ва уларни тирилтирувчи қудратини ҳис этди. «Эй Темур! Сен қанча қудратли жаҳонгир бўлма, шу ўликлардан бирортасини тирилтира оласанми?» дея ўзига савол берди. Ва қудратли Аллоҳ олдида ўзининг ожиз кимсалигини чуқур ҳис этди.

Икки тараф жангда ўлганларни йифишириб дафн этгач, Темурбек ортга қайтишга фармон берди. Вазифа бажарилган, кўнгли тўқ эди. Сарбозлари учун адолатли интиқом олинди.

Йўлбошловчи Гаё Темурбек билан хайрлашар экан, унга ўз илтимосини айтди:

— Мен сиз билан юз ўпишмоқчи эдим, улуғ амир. Бундай баҳт ҳаммага ҳам насиб қиласермас.

Темурбек ижозати билан Гаё ёнига келиб, манглайи ва юзидан ўпди. Юз йигирма ёшдаги қариянинг бу содда илтимоси Темурбекнинг қалбини тўлқинлантириб юборди. У Гаёга юртидан кўчиб кетиши зарурлигини айтиб, унга Форс ўлкасидан катта ер ва рўзгори учун икки минг динор ҳадя этди.

ФОРС ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

«Султон шоҳ Мансур Музаффарий Шероз шаҳридаги Масжиди Атиқга кириб, худодан мени йўқолмогимни тилаб, дуо қилишга бошлади. Форс халқининг Масжиди Атиқ тўғрисида хийла кўп афсона ва хурофотдан иборат ақидалари бор эди. Гўёки ҳар кимнинг ҳожати бўлса, шу масжидга кириб тиласа, меҳроб билан минбарнинг орасидан неъмат туриб, ўз мақсадига етади. Форс султони ўзига ғалаба ҳосил қилмоқ учун худодан мени унинг қўлига тушириб бермоини, икки қўли билан икки кўзимни ўйиб, тилимни ҳам ўз қўли билан кесиб, икки қўлимни ҳам кесганидан кейин бошимни олмоққа худованди каримдан ёрдам сўрабди. Эй мусулмонлар! Дуо билан душман устидан ғалаба қозонмоқ муқаррар бўлса эди, пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам зирҳ кийиб, қилич тутиб уруш майдонига кириш ўрнига масжидда ўтириб душманларининг устидан зафар тилаган бўлур эди. Бу ҳолда Аллоҳ ўз расулининг дуосини султон Музаффардан кўра ижобат қилмоғи муқаррар эди. Масжиддан чиқмай, уруш майдонига бормай туриб, фотиҳ бўлур эди. Аммо пайғамбаримиз катта урушлардан Ухуд, Хайбар жантларида иштирок этдилар. Уммати муҳаммадияни дуо билан эмас, уруш билан ўз душмани устидан ғалаба қозонмоғи мумкин эканлигига суннати шарифларини барпо қилдилар».

«Мен, фотиҳ Темур» қўлёзмасидан.

Жангари Форс ҳукмдори Шоҳ Мансур билан жангла муқаррар ўлимдан қолган Темурбек Аллоҳга шукроналар айтиб, одамларга марҳамат дарвозаси-

ни кенг очди. У Шероз аҳолисига умумий афвнома эълон қилди. Кейин ҳузурига олиму уламоларни таклиф қилди. У дастлаб ўз тарихини ёзаётган Низомиддин Шомийни кўришни истади. Форс ҳукмдори билан жангда Темурнинг оти йиқилиб пиёда қолганда унга от келтирган ва ёнида қолган шоир ва муаррихга миннатдорлик билан Шероз гўзалларидан ўнтасини совға қилишга ваъда берган эди.

— Бир адад қиз менга кифоя қиласди, — деган эди Низомиддин ўшанда.

Низомиддин ёнида ҳозир бўлганда Темурбек кулиб ўз ваъдасини эслатди.

— Улуғ амир, — дея қўлини қўксига қўйди Шомий, — Сиз Шероз халқини афв қилдингиз, ўлжа ҳам йўқ, қиз ҳам йўқ, нимани ҳадя қиласиз?

— Бу тўғрида ғам ема. Ҳозир Шероз ҳокимини чақиртириб шаҳарга жарчи чақиртираман. Сента маъқул бўлган қизга икки минг динор бериб сотиб оламан. Ким ўз қизини сенга ёқтиrolса мендан пулинни олади, сен эса қизни оласан. Маъқулми?

Низомиддин қизариб уятчан қизлардек бошини ерга тикди. Бу ризо аломати эди.

Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий Темурбек қабулига кирганда уни яхши кайфиятда кўриб кўркуви анча босилди.

— Мана, кўринглар, — деди хушчақчақ оҳангда Темурбек, — дунёда Ҳотамтойдан ҳам улуғ инсон. У олтинларни ҳам эмас ва балки бус-бутун шаҳарларни ҳам ҳадя қилаверади.

Кейин юзига важоҳатли тус бериб сўради:

— Қандайдир бир гўзалнинг холига пойтахтим жаннатмакон Самарқанд ва Бухорои шарифни ҳам совға этишга қандай журъат этдинг?

Ҳофиз Шерозий қўлини қўксига қўйганча улуғ амирнинг юзига қарашга ботинолмади.

— Сен шундай сахиймисан, шоир?

Шерозий энди Темурбекнинг товушида таҳдид сезмади. Шоир кўнгли Соҳибқирон қалбидағи яширин хайриҳоҳликни сезди.

— Шунинг учун ҳам, улуғ амирим, шундай аҳволга тушиб қолдим, — деди у фақирона лиbosига имо қилиб.

Даврада қаҳқаҳа кўтарилди. Уни Темурбекнинг ўзи бошлаб берди. У шоирга ёнидаги кўрпачага ўтиришни имо қилди. Кейин баланд овоз билан байт ўқиди:

— Сокинони ҳарами сатру афори малакут
Боман роҳ нишин бодаи мастона заданд.

Бу шеърни қачон ва қандай ёзганингни айтиб бер-чи, токи бу куфр сўзларинг маънисини чақиб олай.

Шамсуддин Мұхаммад Шерозий Темурбек хоти-раси ўткирлиги ҳақида эшитган ва бугун унинг жонли гувоҳи бўлмоқда эди.

— Мен бу шеъримни, — деди у оҳиста, — бир баҳор мавсуми саҳар чоғида айтганман. Ўша саҳарда ҳаво кўп матлуб эди. Бутун Шероз ҳавоси гул ҳиди билан тўлган эди. Бу илоҳий манзара мени маст қилди, булбуллар нағмасини эшитар эканман, хурсандлигимдан ҳаяжонга дуч келдим. Гўё мен коинотнинг ҳамма нарсасига шерикдек эдим. Фаришталар вужудимга киргандек эди. Ва ўшанда шу шеърни битдим.

— Сенинг сўзингга қараганда фаришталар сен билан май ичиб маст бўлмишлар. Аё май ҳаром эканлигини билмайсенми?

— Эй, улуғ амир, бу май ичмоқ сўзининг маъноси аҳли камол, олим кишилардан маърифат, маориф ўрганиш маъносидадир. Оддий шароб ичганлар

маст бўлади. Камол аҳларидан маърифат ҳосил қилган одам ҳам маст бўлади. Майхона деганда урафолар ўша илм-маърифат ҳосил қиласиган жойни қасд қиласидир. Ўша баҳор саҳар чоғида мен фаришталар билан гурунгдаман деб тасаввур қилиб, «шароб ичдилар», дедим.

— Ўша сенга айтган сирлар нима эди?

— Ўша саҳарда фаришталар хилқат асрорини менга очмоқдалар, деб тасаввур қилиб, ғалати ғайб оламига тушиб қолдимки, ҳолатимни қай тариқа шеър қолипига туширишни билмадим. Орифлар қаттиқ зикр қилишади, кўп нарсаларни билишади, тилга келтирмоқ учун ўзларини ноқис кўрадилар. Шунинг учун бу ҳиссий кечинмаларни баён қилмоқ қийиндир. Шеър қолипига киргизмоқ ҳам мумкин эмасдур. Биз бир нарсани қаттиқ-юмшоқ, иссиқ-совуқ деб айта оламиз. Тингловчилар ҳам буни тушунадилар. Бироқ маънавий маҳсулотларни баён қилмоқ бу каби қулай эмасдур. Ориф бўлмаган оддий бир инсон баҳор фаслининг саҳар чоғида эслан шабада олиб келган атрий гулларнинг ҳиди димофини муаттар қилган булбулнинг нағмаси, бомдод намозига муazzиннинг азони қулоқларига кириши билан бир кайфият эҳсос қиласиди. Ана шу эҳсосни ким мукаммал ҳолда тасвир қила олади? Агар тасвир қилдим деса мингдан бирини айтган бўлиб, руҳига етган таъсирини комилан таъриф қилолмайди. Мана шундай экан, фаришталар билан нималарни баҳс қилдик, улар нималар деди, мен нималарни сўрадим, буларни тилимга чиқармоққа ожизмен.

Ҳофиз Шерозий бошини қути солди. Темурбек ўйчан унга сўз қотди:

— Эй ширин сўз шоир! Яхши сўзладинг. Қуръони Каримни ҳам шеър каби ёд билишингни синааб

күрмөқчимен. Айт-чи, Арофат сурасини оят-оят ўқиб берса оласанми?

— Мен бунга ожизмен, улуғ амир.

— Бўлмаса, қулоқ сол. Мен айтамен.

Ҳофиз Шерозий диққат ила Темурбек ёддан ўқиган етти оятни эшилди.

— Улуғ амир, сиздек бир донишманд кишининг олдида ўзимнинг ожизлигимни эътироф этамен. Гарчи мен Ҳофизи Куръон бўлсан ҳам олдингизда ўзимни қори эканлигимни ҳам айта олмаймен.

Темурбек атрофидаги аъёнларига мамнун нигоҳ ташлади. Бу нигоҳда ўзига хос шоирлик-ҳофизлик ва муаллиф ғурури барқ уради.

— Хотамтой шоирга биз ҳам хотамтой бўламиш.

Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий боши узра олтин танглар сочилди.

ФОЗИЛ ШАҲАР ОДАМЛАРИ

«Эй, менинг саргузаштимни ўқувчилар! Мен Темур Кўрагон шу қадар шавкатим билан Гилон хотунларидан қочганимга ва улар мени қочирганини эътироф этмай туролмайман... Агар дунёни жаннат деб, бу хотунларни ҳур деб таъриф қилсан муболага қилмаган бўламан».

«Мен, фотих Темур» қўллэзмасидан.

Лашкар Форс ўлкаси шаҳарларидан бири Гилон остонасида ҳордиқقا тўхтади. Бу шаҳар ҳақида даракчи келтирган хабар Темурбекни ғоят қизиқтириб қолди:

— Гил қавми ўзини мусулмон ҳисоблайди. Лекин ўлкаларидан ўтадиган Сафид Рӯҳ дарёchasига сифи нишади. Хотинлари ниҳоят гўзал. Кошлари қаро, кўзлари сув рангидек. Уларнинг бўйига ярашган тўлиққина жисмлари гавҳар каби порлаб туради.

- Мабодо шоир эмасмисен? — кулди Темур.
- Эй, улуғ амир! Уларни бир кўрсангиз эди, ўзингиз ҳам шоир бўлиб кетасиз.
- Нима бўпти, кўрамиз уларни. Сен нима дейсан, Азизиддин?

Амир Азизиддин тасдиқ ишорасида бош ирғади. Унинг кўз олдига Бишруяда кўришган ажойиботла-ри келди.

У Темурбек билан шаҳар остонасида бир гуруҳ салла ўраган оқсоқолларни кўришди.

— Эй, Амир, — деди улардан бири, — қадамин-гиз Бишруяга муборак бўлсин. Ушбу шаҳардаги биз мискин халқ қўлимиздан келганча сизни хуш ке-либсиз деб истиқбол қилмоқ билан шарафланамиз.

- Амирингиз ким? — сўради Темурбек.
- Шаҳримизнинг амири йўқ.
- Амирсиз шаҳар бўладими? Аҳкомлар қандай ижро қилинади?

— Эй улуғлик ярашган Амир! Шаҳримизда амир бўлмаса ҳам аҳкомларни урф-одат бўйича ўзимиз ижро қиласкерамиз. Ўз кўзингиз билан буни кўринг. Марҳабо, шаҳримизга!

Ўшанда Азизиддин Темурбек ва унинг танмаҳ-рамлари билан шаҳарга киришди. Кўчаларнинг кенг-лиги уларни ҳайрон қолдирди. Шаҳар аҳли улар ис-тиқболига чиқиб йўлнинг икки чеккасида турар эди-лар. Ҳар одамда бир донадан тўрва бор эди. Тўрва ичидан бир нарсани олиб, бир қисмини бир чўнта-гига, яна бир қисмини бир чўнтағига солишар эди.

— Бу одамлар нима учун елкаларига тўрва осиб олган? Тўрваларидаги нарсаларни икки чўнтаклари-га айрим-айрим қўйишлари сабаби нима? — сўради Темурбек.

Шаҳар имоми Ҳусайн бин Исҳоқ шундай жавоб қилди:

— Тўрваларидаги нарса эчки юнгидир. Ундан бир сиқим олиб тивит қисмини айриб бир чўнтақка, қолган қисмини яна бир чўнтақка солурлар. Унинг мулойим патларидан мато тўқиладур. Шол, гилам...

Имом уларни тўқимачилик корхонасига олиб борди.

— Ҳалиги эчки юнгларидан тўқиладиган матони кўринг.

Бу мато Самарқандда кўп сотиладиган хитой ипагидан латифроқ эди.

— Унинг нархи қанча?

— Ярим динор.

Бу Самарқанд ва умуман Мовароуннаҳрдаги бозорлар нархидан уч баробар арzon эди. Темурбек бир халта олтин тангаларни уларга тарқатишни буюрди. Лекин улар бу ҳадяни олмадилар.

— Эй улуғ Амир! Сизнинг чеҳрангизни кўрмоқ биз учун олтин хазинасидан ортиқ қийматлидур. Биз ўз меҳнатимиздан қозонган жузъий нарсага қаноат қиласиз. Ортиқасига эҳтиёжимиз йўқ.

Улар бозорга киришганида эса Азизиддин яна бир қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлди. Баққол харидорга молни тортиб, Қуръондан бир оят ўқиди. Темурбек унинг олдига бориб шу оят маъносини сўради. Баққол ҳозиржавоблик билан унинг маъносини тушунтириди.

— Эй, амирлар амири, — деди баққол, — мен ҳар вақт қўлимга тарози олсам, Аллоҳ таолонинг ҳозир ва нозир билиб, Аллоҳнинг бандаларига нуқсон этиб кўймайин, деб бу оятни такрорлаб тураман.

Темурбек ва Азизиддин пешин намози яқинлашганда яна бир қизиқ воқеанинг шоҳиди бўлишди. Дўкондорлар ўз кийимларини ечиб, покиза оқ кийимларни кийишга бошлашди. Темурбек қизиқсиниб, улардан бирини саволга тутди:

— Нима учун либосларингни алмаштирмоқдасен? У одам эса сураи Аърофдан бир оят ўқиди: «Эй одам фарзанди! Ибодат қилмоқчи бўлганларингда ҳар масжид олдида безакларингиздан холи бўлинглар, Аллоҳ таоло неъматларидан енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар, чунки Аллоҳ таоло исроф қилувчиларни севмайдур! Бу оятга мувофиқ Аллоҳ таолонинг таълимини амалга ошириб, масжидга боришимизда янги либосларимизни киямиз ва шу тартибда Аллоҳ таоло ҳузурига бориб ибодатимизни қиласиз».

Азизиддин ўшанда Темурбекнинг мулзам ҳолда айтган сўзларини яхши эслайди:

— Менга яхши дарс бердинг. Гарчи мен Ҳофизи Қуръон ва фақиҳ бўлатуриб, сизлар каби амал қилмас эканман. Сен бу ҳақида мени огоҳлантириб кўйдинг.

Улар ўз қароргоҳларига қайтишар экан, йўлда бир атторнинг дўкони олдидан ўтишди. Атторнинг гаплари қизиқ, аммо унинг сўzlари маъноли эди:

— Авфул-кайла изо килтум ва зину билқистосил-мустақим.

Темурбек ундан оят мазмунини сўради.

— Ҳар қачон ўлчов билан бир нарса сотсангизлар, ўлчовнинг комил бўлишига диққат қилинглар. Агар тарози билан тортиб сотадиган нарса бўлса, икки палласи баробар бўлган тарозида тортиб сотинглар.

Шаҳар имоми шайх Ҳусайн бин Исҳоқ суҳбатидан шу нарса маълум бўлдики, Бишруяда ҳозиргacha на ўғрилик, на қотиллик ва бирон мулк можароси бўлган. Шайхнинг ўзи деҳқончилик қиласар экан. Улар шаҳардан кетиш олдиларидан Темурбек фармон берди. Темурбек хонадонига мансуб ҳукумат бу шаҳардан хирож олишмайди. Шаҳарга «дорул-

и́лм вал-амон», я́ни и́лм ва о́монлик даргоҳи ун-
вони берилади.

Амир Азизиддин ана шуларни эслаб Темурбек
ишораси билан ортидан юрди. У дарвеш лиbosлари-
ни унинг олдига сурди.

— Дарвеш бўлиб шаҳарга кирамиз.

Азизиддин унинг чехрасида бир зум хомушлик
кўрди.

— Эсингдами, бундан ўттиз йил аввал шундай
лиbosда Самарқандда юрганимиз?

Азизиддин эслай бошлади. 1363 йил. Илёсҳожа
жосусларидан яшириниб 48 кун Темурбекнинг поч-
часи Довуд барлос қўргонида ўтган кунлар. Улар
ўшанда ёш ва навқирон эдилар. Темурбек салтанат
ҳавасида ёниб-куйиб қилган ишлар... Опаси Қутлуғ
Туркон оғо пиширган таомлар. Шатранж ўйнаб ўтказ-
ган бекорчи кунлар.

Улар дарвеш қиёфасида Гilonга кириб бориши-
ганда кун пешиндан оққан эди. Шаҳар аҳолисининг
кўпчилиги тўкувчи экан.

Азизиддин билан Темурбек бир тўқимачилик устахонаси га киришди. У ерда нозик панжалик, ҳусн-
жамол соҳибалари бўлган аёлларни кўришди. Улар тўқиб чиқараётган ипак матоларидан кўра тўкувчи-
ларнинг ўзлари гўзалроқ эди. Уларнинг мовий кўзла-
рига боқиб эс-хушдан ажралиш мумкин. Бу гўзал-
лик сири недур? Бу саволларга жавоблар турлича эди.
Гilon хотунларини гўзаллаштирган омил балиқ
гўшти билан анбар бўйлик гуручдан. Сувдан, иқлим-
дан.

— Жалолиддин Румий янгишган экан, — деди
Темурбек ўз ҳайратини яширмай, — у ясалган нарса
ясовчидан гўзалроқ дея байт битган эди. Маснууъ аз
сониъ зеботараст.

Агар шоир, Азизиддин, тирик бўлганда, уни Куниядан Гилонга юборар эдим, токи мен курган ишхоналарни кўриб сониъ гўзалми, маснуб гўзалми, ўз хатосини ўзига кўрсатар эдим.

Темурбек шундай дея кетишга ишора қилди. Йўл-йўлакай тап ора Азизиддин унга шу гўзаллардан олиб кетишни маслаҳат қилди.

— Йўқ, дўстим, — деди оҳиста Темурбек, — гўзалик жуда катта балодур. Сипоҳга ҳам, сultonга ҳам. Айниқса, сultonларнинг офати айшу ишрат ва гўзал хотинлардир. Мен буни ўз бошимдан кечирганимен. Салтанатни қўлга киритганимдан кейин бир неча йил мишиштга берилдим. Бир куни ўз одатим бўйича майдонга чиқиб қиличбозлик қилгим келиб қолди. Амир Жоқуга таклиф қилдим. У бир зарбда қўлимдаги қилични уриб юборди.

Мен, икки қилич сардори, қўлимдаги қилич оғирлигини биринчи бор ҳис қилдим. Унинг оғирлиги ва қўтара олмаслигимни сезиб, Аллоҳга нола қилдим. Шунда товуш келди менга: «Эй Темур! Ҳақ сўзлашдан қочма! Нима учун қиличбозлик, ўқ отишлик, найзабозлик машқларини тўхтатиб қўйдинг? Үйламайсанми, қўлингда мағлуб бўлган, салтанати, мол-мулкидан ажраган, ширин жонларидан айрилганларнинг ҳаммаси уларнинг танбалликлари, қўшинларидан бехабарлиги натижаси эмасмиди?» Ўша соатдаёқ отимни келтиришларини буюрдим. Аъёнларимга ўрдугоҳимни Самарқанддан олти тош узоқликка тикмоқликларини буюрдим. Кенг саҳронинг ўрталарида туриб икки қўлимни кўтариб Аллоҳ таолога ёлвордим: «Эй, Тангрим! Ўзингни шоҳид қиласмен. То урушдан қайтиб келмагунимча хотинлар билан алоқа қилмаймен. Урушдан қайтганимдан кейин ҳам ҳафтада бир мартадан зиёд хотинлар билан вақт кечирмаймен. Қолган умримда танбаллик

қилмаймен. Ҳеч бир кун уруш машқларини қазо қилмаймен... Бундан бүён доимий турар жойим Үрдugoҳ бўлсин. Агар бир зарурат бўлмаса, шаҳарга бормаймен». Биласен, Азизиддин, бу онтимга риоя қилиб келаётирмен. Ана шунга мувофиқ ҳам биз бу шаҳардан эртагаёқ кетамиз. Лашкар Гилон гўзаллари билан тўқнаш келмасин. Улар бу хотинларга боғланиб қолгудек бўлса, руҳлари бузилиб, иликлари сустлашади ва роҳатпарвар бўлиб қолишади.

ЎЗГА ТОҒЛАР ЗАҲРИ

Лашкар Бишруя — уламо ва фузалолар шаҳридан ўтиб, Работи Хон мавзуида тўхтади. Қалъа шаклидаги катта карвонсарой кўзга ташланди.

— Аҳоли шу жойда қароқчилардан ўзини ҳимоя қилади, — деди йўл бошловчи, — бу манзил қароқчилар ўтадиган йўлнинг устида бўлгани учун улар ўзларига лозим сувни олиш учун бу ерга келадилар.

Атроф обод ва хушманзара. Темурбекнинг ҳузурига бир гуруҳ оқсоқоллар ташриф буюришди.

— Қадамларига ҳасанот, улуғ амир, — деди уларнинг бошлиғи кадҳудо, — шарофатингиз билан ўри-қароқчилардан қутуладиган бўлдик.

Темурбек оқсоқоллар олдига дастурхон тузатишни буюрди. Таомлардан сўнг оқсоқоллар билан суҳбат бошланди. Қароқчилар Боер қабиласидан бўлиб, доимо карвонларни талаб кетиши маълум бўлди. Улар кенг бир тоғлиқ жойда истиқомат қилишади. Бу тоғларда табиий ўсан улкан дарахтлар кўп. Деҳқончиликка қулай ер, сув кўп. Лекин қабила аҳли меҳнатга майли йўқ.

— Улуғ амир, бизни бу қароқчилардан қутқаринг. Фақат Сиздангина умидимиз.

Темурбекнинг ҳам кўнглида ана шу қароқчи-ларни йўқ қилиш, ўзига тобе Форс ўлкасида худди Мовароуннаҳрдек тинчлик, осойишталиқ ўрнатиши нияти туғилган эди. У Ҳиндистон сафари олдидан ортида тинч ўлкалар қолиши зарурлигини яхши англар эди.

Кадхудо ҳикоясига кўра, Боер ўлкасига икки тор йўл олиб боради. Бу йўллар жуда тор тоғ йўли бўлгани учун у минтақага кирмоқчи бўлганлар қароқчи-лар назарида туради. Хўш, қандай тадбир қўллаш кепрак?

Оқсоқоллар уйларига умидвор ҳолда кетишгач, Темурбек чодирига қадам босди. Шу вақт бир илон унга ҳамла қилди. Темурбек ҳушини йигар-йигмас оёғида тикан босгандек оғриқ сезди. У илонни қочишига йўл қўймай, оёғи билан белини босди. Югуриб кирган соқчилар илонни уриб ўлдиришди. Кимдир кадхудони бошлаб келди. У илон жасадини кўриб, юзи оқариб кетди.

— Тез арқон келтиринг, — қичқирди у, — бу найча илон.

Кадхудо соқчининг ханжарини олиб, Темурбек-ка юзланди. Келтирилган арқон билан чап оёғининг тиззасидан маҳкам боғлаб, ханжар учини илон чақ-кан жойга қадади. Тилинган жойдан қон чиқа бошлади. У ана шу ёрилган жойга оғзини қўйиб сўра бошлади. Қонни тупуриб яна сўриб, бир муддат тин олди. Сўнг яна ишини давом эттириди.

— Баданингиздаги илон заҳри юрагингизга бор-масин. Заҳар чиқиб кетгунча оғриқقا чидайсиз.

Темурбек ўзича кулиб қўйди. У шу кунга қадар юздан ортиқ яраланган ва оғриқларга буткул кўни-киб кетган эди.

— Бу илон чаққан одам муқаррар ўлади, — деди кадхудо навбатдаги қонни туфлаб ташларкан.

— Демак, ажалим шу ерда экан-да, — ҳазиллашди Темурбек. Лекин баданида иситма бошланганини сезиб, хавотир аралаш сўради:

— Илон чаққанидан сўнг иситма бўладими?

— Ҳа, — бош иргади кадхудо, — шу иситма кучайиб одамни ўлдиради. Иншооллоҳ, сиз бундай ўлимдан қолган биринчи одам бўласиз.

— Мен ўлимдан қўрқмаймен, кадхудо, — деди Темурбек хомуш оҳангда, — неча-неча йиллардан бери ўлим орқамдан юради. Мен тўшакда ўлишдан кўра жангда ўлишни истар эдим.

Кадхудо ўзи билан олиб келган халтадан қандайдир гиёҳларни чиқариб Темурбек ярасини боғлади.

— Энди қимирламай ётасиз, улуғим.

Кадхудо уч кун муолажани давом эттириди. Беморнинг чап оёғида пайдо бўлган шиш ёрилгач, иситма ҳам тушди.

— Мен бир нарсага ҳайронман, — деди кадхудо, — илонлар иссиқ ҳавода ташқарига чиқмайди. Уларнинг терилари юпқа, ёз фаслининг офтобига дуч келса ўлади. Бу тоғ орқасида найча илон кўп. Аммо иссиқда ташқарига чиқишимайди. Бу сизни чаққан илон қай тариқа иссиққа чиқди, қандай қилиб чодирингизга кириб қолди?

Унинг гаплари Темурбекни чуқур ўйга солди. Ҳаётида унга кўп суиқасдлар бўлган. Аммо яқинлари даврасида унинг ўлимини истаганлар бўлмаган. Чодири атрофида содик танмаҳрамлари ва синалган саркардалари бўлган ҳолда суиқасдга ким журъат қилди экан? Ўзингдан чиққан балога, қайга борурсан давога? Ички душман ташқисидан хавфли. Ўша оқшом Темурбек махфий даракчилар хизмати бошлиғи билан узоқ гаплашди.

Боер қабиласи қароқчилари Шероздан қимматбаҳо моллар ортилган карвон йўлга чиққани ва у

Исфахонга бораётгани ҳақида хабар олди. Улар минг кишилик гурухни карвон йўлига олиб чиқишиди. Беш юз тия ва отдан иборат карвонни юз кишилик соқчилар кўриқлаб келаётганини кўриб уларга қуюндеқ ёпирилишиди. Соқчилар унча қаршилик кўрсатмай, ҳар тарафга қочишга бошлашди. Ҳимоясиз карвондаги юкларга ёпишган қароқчилар ўзларига яқинлашган балони пайқамай қолишиди. Қаёқданир қуюндеқ ёпирилган отлиқлар уларни ўраб олди. Олишув қисқа ва шиддатли бўлди. Қилич ва найзалардан омон қолган қароқчилар таслим бўлишиди.

Асиrlарни шахсан Темурбекнинг ўзи сўроқ қилди. Аниқланишича, Боер ўлкасига кириш учун икки жойдаги тор йўлдан бошқа йўл йўқ. Ўлкани ўраб олган баланд тоғларнинг бари миңтақага олиб боради. Аммо бу тоғлардан кийикларгина ўтиши мумкин. Тоғдаги хатарли жарлар, бетартиб ўрнашган қиррали тоғлар одамларнинг юришига имкон бермайди.

Тажрибали қўймондон сифатида Темурбек икки тадбирни қўллашга қарор қилди. Кўпроқ порох халтачаларини тайёрлаш. Асиrl босмачиларни олдинги сафга қўйиш. Темурбекнинг ўзи биринчи даста аскарларга бош бўлиб йўлга тушди. Нисбатан текис кўринган йўл билан юқорига чиқаётган аскарлар порохли халталар кўтариб олишган. Улар лашкар учун йўл очади. Порох отиб душманларни тўзитади. Совут кийган жангчиларга кутилмагандан ҳар ёқдан ўқлар ёғилди. Улар олдинда кетаётган асиrlарга тегиб, кўпини ҳалок ва мажруҳ қилди. Ўқ отувчиларнинг ўзлари дарахтлар устида туриб, йўлдаги жангчиларни яққол кўриб туришар эди. Борудчилар чарм халталарни қалин япроқлар билан беркинган қароқчилар устига отишиди. Қалин дарахтлар туташиб кетган жанггал устидан тутун кўтарилди. Сўнг кучли аланга кўтарилди. Жанггал дарахтлари ёғли бўлгани учун ўт тез тарқаб кетди. Ўқ

отувчилар ўзларини дарахтлардан пастга ота бошладилар, лекин беомон аланга уларни ўз домига тортди. Бутун ўлка аланга ичида қолди.

Темурбек лашкари баландликда турганча бу даҳшатли манзарани кузатар эди. Бирдан ёмғир бошланди. Лекин у алангани ўчиришга ожиз эди. Ўн кун ёқсан ёмғирдан сўнг аланга ҳарорати пасайди. Юришга имкон туғилди. Ниҳоят, Боер ўлкаси худудига кирган лашкар кўз ўнгидаги кўм-кўк яйлов намоён бўлди. Аммо унда бирон қўй-эчки кўринмас эди. Икки кунлик йўл босилгач, олдинда дарёча кўринди. Унинг икки қирғоғидаги ерлар деҳқончилик ва боғдорчиликка қулай бўлса ҳам уларда экин, боғ йўқлиги маҳаллий халқнинг унга муносабатини яққол кўрсатар эди.

Дарёчадан бешикаст ўтган лашкар олдидан юборилган даракчилар хабар келтиришиди.

— Биз бир тоғли миңтақага етиб келдик.

— Тоғдан тўғридан-тўғри ўтиш мумкин эмас.

— Тоғнинг шарқ томонида бир сўқмоқ бор. Уни қароқчилар тўсиб турибди. Ким ундан ўтмоқчи бўлса тепадан тош отиб ўлдиришади.

Темурбек амир Латифбекни ёнига чақирди.

— Икки минг аскар билан ўша сўқмоқ сари боргин. Вазиятни ўрганиб, хабарчиларни ҳузуримга юбор.

Сўнг махфий хизматчилардан бирининг фикрини сўради. Унинг ахбороти аниқ ва атрофлича эди.

— Бу қароқчи тоифа манзилгоҳлари сувга сероб, ов учун ҳайвонлар сероб. Унинг нони баллут дарахтлари меваларидир. Янчидонга айлантириб нон ёпишади. Бу ерга ҳали бирон лашкар келмаган.

Амир Муҳаммад Озоднинг таклифи ҳам қизиқ бўлди:

— Менга рухсат берсангиз, улуғ амир. Камина хаёлига келган фикрини баён этса... Йигирма йигитим билан шу лаънати сўқмоқдан ўтиб кўрсам.

Махфий даракчи эътиroz билдири:

— Улар сизларга тош отмай ўтказади. Лекин асосий лашкар ўтишида тошбўрон қилишади. Шундай мисоллар бўлган.

Муҳаммад Озод фикрида маҳкам турди:

— Эй, улуғ амир? Агар ўтмишда шу йўлдан ўтган кўшин билан фалокат юз берган бўлса унинг асроратлари кўринган бўлар эди. От ёки одам суяклари қолар эди. Ҳалигача бирор суяк кўрмадик. Агар биздан олдин кимлар келган бўлса ҳам биз ўтган жангдан қайтган.

Темурбек таваккал қилишга қарор қилиб, унга ижозат берди. Муҳаммад Озод йигирма отлиқни олиб йўлга тушди. Барча уларнинг ортидан кузатиб қолди. Амир билан ўн олти отлиқ сўқмоқдан ўтиб, тўрт отлиқ қолганда улар устига тошлар думалади. Тўрт отлиқ жасадлари билан йўл тўсилиб қолди. Тошлар тушган нуқтани белгилаган Темурбек сара аскарларидан ўн кишини ажратиб, жасадларни олиб келишни буюрди. Отлиқлар фалокат жойига хушёр тарзда етиб боришганда тоғдан юмалаб тушаётган тошларнинг даҳшатли овози эшитилди. Огоҳ турган отлиқлар орқага қочдилар. Тошлар яна ўликлар устига тушди. Бу тажриба натижасида қароқчилар шу нуқтадан бошқа жойдан лашкар устига тош ташлай олмаслиги маълум бўлди.

Темурбекнинг сўқмоқ тепасидаги тоғ учида нисбатан текис нуқтада бир кишининг ишорат қилаётганига нигоҳи тушиб ажабланди. Яхшироқ разм қолганида унинг Муҳаммад Озод эканини кўрди. Душман уни кўрмаса ҳам лашкарни кўриб турибди. У чап тарафга қараб ишорат қилар эди. Унинг бу ишоратидан чап томонга яқин келинглар маъноси англанди. Демак, душман ўнг томонда.

Темурбек ёнида турган яроқбардорига буюрди:

— Амир ишорат қилган томонга борасан. У билан сўзлашмоқ имкони бўлмаса, ингичка узун ипни ўқ билан у томонга отасан. Ип охирига арқон боғлайсан. Улар сени тепага тортиб олишади. Тепага тортишганда ўзингни арғамчига боғлайсан.

Буйруқ аниқ бажарилгач, ўрдugoҳ билан Муҳаммад Озод ўртасида арғамчи билан алоқа боғланди. Аскарлар бирин-кетин арқон орқали тоғ устига чиқиб, амир қўшини билан бирлашди. Бир қисм аскарлар эса ўнг томонда қолиб, душманни чалғитиб туришди.

Тоғ устида бошланган жанг садоси Темурбекка эшитилиб турарди. Шу вақтгача у тоғ уруши ва унинг оқибатларини кўрмаган. Тоғ устидан ерга учиб тушаётган одамларнинг мудҳиш фарёди янграйди. Буларнинг жасадлари ерга тушиши билан суюклари синиб янчилмоқда. Табиий, уруш майдонида ўлим борлиги муқаррар. Бундан чекиниш имкони йўқ. Қилич зарбаси, найза билан бадани тешилиб азоб чекиб ўлганидан кўра тоғдан учиб ўлиш нақадар тез ва осон экан. Бир вақт амир Муҳаммад Озоднинг ҳайқириғи янгради:

— Сўқмоқдан ўтаверинг, улуғ амир. Бу ерда барча қароқчи қириб ташланди. Йўлингиз очик!

Темурбек бу хабардан қувонган бўлса ҳам тажрибали саркарда сифатида эҳтиёт чорасини қўллади. Аванфордаги қўшиннинг бир қисмини сўқмоқдан ўтишга юборди. Улар ҳар лаҳзада йўлнинг омонлигидан хабар бериб туришди. Сўнг асосий қўшин йўлга тушди.

Оқшом чўкканда лашкар сўқмоқдан ўтиб, бир жилға остида тўхтади. Олдинда баланд тепаликлар қад ростлаб турарди.

Худди шу жойда Темурбек ўрдugoҳ ҳозирлашни буюрди. Унинг атрофига уч қатор қоровул қўйилди.

Кечки овқат учун лашкарга рухсат берилди. Беҳисоб гулханлар ёқилди. Ўнбоши ва юзбошилар чодирлари атрофида қайнаётган қозонлар, қўраларда пиширилаётган кабобларнинг иштаҳани қитиқловчи ҳидлари атрофга тарала бошлади.

Темурбек тоғдан тушиб келган амир Муҳаммад Озод ҳикоясини берилиб тинглади.

— Мен ўн олти фидойи билан сўқмоқдан ўтиб, тоғ тепасига чиқдим. Душманлар икки қисмга бўлинган эди. Бир қисмининг қўлларида қарға тумшуқ лўм, темир чўкич, белкурак. Улар тош қўпоришмоқда. Иккинчи қисми эса қўпорилган тошларни жарлик лабига элтишмоқда. Ўрдugoҳдан юборилган беш юз киши бизга қўшилгач, улар устига ҳужум бошладик. Улар ниҳоят қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Биздан икки юз қирқ киши нобуд бўлди. Душманлардан юзтасини асир олдик, қолганларининг бари ўлдирилди.

Темурбек унинг олдига ўн минг динор солинган халта ташлади.

— Бугун барча фидойиларингни дастурхонимга таклиф қиласмен, амир.

Бу оддий сарбоздан мингбоши-ю амирларгача бериладиган энг олий мукофот эди. Эрта саҳарда, бомдод намозидан сўнг тўйиб ҳордиқ чиқарган лашкар йўлга чиқди. Пешинга яқин бир тепаликка етишганида бирдан чор атрофдан ўқ ёмғири бошланди. Боер қароқчиларининг асосий қўшини кўзга ташланди. Қиличбозлик ва найзабозликда моҳир Мовароуннаҳр лашкари биринчи тўқнашувдаёқ душманнинг шаштини синдириди. Бирин-кетин портлаётган боруд эса қароқчилар ўртасида ваҳима туғдирди. Намоз асрга келиб жанг тугади. Энди ғолиб лашкар Боер шаҳри сари йўл олди. Шаҳар аҳолиси — эркаклардан тортиб хотин-қизларгача тўла қуролланиб қаршилик кўрсатишга ҳозир эканлиги билинди. Жангда Темур-

бекни ажаблантирган бир воқеа юз берди. Бир сарбоз ўзига қилич урган аёлга чап бериб, узун болтасини күттарди. Аёл букри эди. Лекин кутилмаган тарзда чаққонлик билан сарбоз болтасидан сақланиб, рақиби елкасига қилич солди. Фалабасидан рухланиб иккинчи отлиққа қиличини күттарди. Аммо, бошига теккан ўқдан ерга қулади. Шу вакт бир гўдакнинг чинқириғи эшитилди. Сарбозлари қатори жанг қилаётган Темурбек бу хотинни букри қилиб кўрсатган орқасига юклаб олган боласи эканлигини кўриб даҳшатга тушди. Жанг суронига қарамай отдан туша солиб туёқлар остида янчилиб кетиши муқаррар гўдакни кўтариб олди.

Жангда ҳеч кимга омонлик берилмади. Боер шаҳри аҳолисининг бари очиқ майдонда ҳалок бўлди. Лашкар шаҳарга киргандага бўм-бўш уйларни кўрди.

Шаҳар ҳам бутун ўлка каби қароқчилардан тозаланган эди.

Темурбек лашкарга катта зиёфат бериб, ғолибларни тақдирлади.

— Сени нима билан тақдирлай? — деди у ўзини илон заҳридан кутқарган ва сидқидилдан йўлбошловчилик вазифасини бажарган кадхудога.

— Сиз мени истаганимдан зиёд мукофотладингиз, улуғ амир. Юртимизни ўғри, босқинчи, қароқчи зотидан халос қилдингиз. Мана шу менга олий мукофот.

— Айтавер, яна қандай тилагинг бор?

— Бўлмаса, ўша сиз кутқарган гўдакни менга бering. Сиз уни ўлимдан сақлаб, бир савоб қилган бўлсангиз, мен ҳам уни боқиб ўз ўғлимдай катта қилай.

Темурбек кадхудога ўн минг динор ва от-улов беришни буюрди.

Энди жаннатмакон Самарқандга қайтса бўлади. У ўзидан, қилган ишидан мамнун эди.

Боердаги жанглар унга күп нарсаларни ўргатди. Айниқса, тоғ шароитидаги урушни. Бу сабоқлар унга келгусида жуда асқатиши мумкин.

Хиндистон сафари буни рўй-рост тасдиқлади.

МУРУВВАТ ВА ХИЁНАТ

«... Ўз құдратимни сақлаш учун мен бир қўлимга адолат шаъмини ва иккинчи қўлимга беғаразлиқ шаъмини олиб, бу икки шаъм билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қоидаларига риоя қилдим. Мен ўзимга шундай ғояларга амал қиласданган тўрт вазирни тандадим. Улардан иккиси Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний ва Насириддин Маҳмуд ал-Аромий эрди. Бу икки вазиримга доимо мени кузатиб туришни ва агар мен адолатсизлик қиласданган бўлсан, дарҳол мени тўхтатишни, кимнингдир ёлғон сўзларига ишонсан ёки бегона кимсанинг мулкидан фойдаланадиган бўлсан, дарҳол мени огоҳлантиришларини таъкидлаб қўйдим».

Амир Темурнинг «Таржимаи ҳол»идан.

Олтин Ўрда хони Тўхтамиш кумуш тахтида ўтирганча мўғул шаҳзодалари — ўғлонларнинг сўзларини диққат билан эшитар эди.

— Темур ўз манфаатини кўзлаб сизга ёрдам берди. Энди эса ўзгача ниятда тахтингизга қўз тикмоқда.

— Бас, шундай экан, нега энди ундан юз-хотир қиласпиз?

Чингизхон авлодидан бўлган аслзода ўғлонлар бирин-кетин Темурбекни ёмонлашга тушишди.

Тўхтамишхон эса тахтда ўтирганча хаёлга чўмди. Кўз олдида эса бундан 16 йил муқаддам — 1375 йилги бўлиб ўтган воқеалар жонланди. Ўшанда отаси —

Манғишлоқ ҳокими амир Тўйхўжа Олтин Ўрда ва Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрусхон томонидан ўлдирилгач, паноҳ истаб, отаси хуни учун курашга чоғланниб Мовароуннаҳрга қочиб борди. Амир Темурбек мўғулларнинг ашаддий душмани эканлигини Тўхтамиш яхши билар эди. Темурбек таҳтга чиққан 1370 йилиёқ Тибет ва Иртиш ўртасидаги ерларда ҳукмдор жеталар хони Султон Қамариддинга қарши уруш очди. Пойтаҳти Қашқар бўлган жеталар давлати кучли бўлса ҳам Темурбек зарбига дош беролмади. Бешинчи юришдан сўнг султон Қамариддин Кўктепа атрофига узил-кесил енгилиб, давлати Темурбек қўлига ўтди. Унинг гўзал қизи Дилшод ҳукмдорнинг хотинига айланди.

Тўхтамиш оч, юпун ва руҳи сўниқ ҳолда Темурбек ҳузурига келиб бош эгди. Мовароуннаҳр ҳукмдори у сира кутмаган меҳмондўстликни кўрсатди.

— Меҳмон атойи худо дейдилар, иним. — Темурбек шундай дея уни фахрий ўринга ўтказиб, елкасига кимхоб тўн ёпди. Қимматбаҳо ҳадялар тутиб, зиёфатга чорлади.

— Камбағалман деб қисинманг. Сизга Ўтрор ва Саброн вилоятларини инъом этурмен.

Тўхтамиш тезда ўнгланиб, ўзини тўлақонли мўғул шаҳзодаси сифатида ҳис этди. Бир неча минг сувориларни тўплаб, душмани Ўрусхонга қарши юриш қилди. Олтин Ўрда ва Оқ Ўрда хони қўшинлари билан биринчи тўқнашувдаёқ Тўхтамиш чучварани хом санаганини сезди. Унинг суворилари батамом қириб ташланиб, ўзи ўқ теккан қўли билан Сирдарёдан сузиб ўтишга зўрға муваффақ бўлди. Ўшанда Темурбек қароргоҳида саркардалар уни мазах қилиб кулишди, лашкар ўртасида эса уни қўрқоқ, ёрдам беришга арзимас, енгилтак шаҳзода эканлиги тўғри-

сида овозалар тарқалди. Ўрусхон ва унинг фарзандлари тўғрисида эса улар ҳурмат билан жангга муносаб рақиб сифатида гапиришди. Бунинг устига Ўрусхондан элчи келиб Темурбекдан уни, Тўхтамиши тутиб беришни талаб қилди.

Элчи жуда дағал ва қалондимоғ оҳангда хон талабини такрорлади. Баҳодирлар, саркардалар ва амирбеклар Олтин Ўрда вакилининг бундай муомаласидан ғоят ғазабга келишди.

— Биз, мусулмонларда меҳмон отадан улуғ ҳисобланади, — деди Темурбек ўзини осойишта тутиб. — Тўхтамиш меҳмонимиз. Бас, шундай экан, изоҳнинг ҳожати йўқ.

— Демак, хонҳазратларининг талаби ерда қолар экан-да, — деди элчи ғазабланиб, — ҳали бу қилмисхингиз сизга жуда қимматга тушади.

Темурбек хотиржамлик билан унинг дағдағала-рини тинглаб қўл силтади.

— Ит ҳуради, карвон ўтаверади, — деди у Қўлини қилич дастасига юборган амирга қараб, — элчига ўлим йўқ.

Ўшанда Тўхтамиш Темурбекнинг меҳмондўстлиги ва иттифоқчиларига олий ҳимматига тан берган эди.

Темурбек ҳимматини баланд қилиб, меҳмоннавозлик вожиби билан лашкар бошига келиб, шахсан ўзи Ўрусхонга қарши уруш эълон қилди.

Тўхтамиш ўшанда синчков нигоҳи ила унинг кўшини, жанг усули, тартиб-интизомига эътиборни қаратди. Темурбек ҳарб илмида Чингизхон издоши эмас, балки ундан илгарилаб кетганига иқрор бўлди. Чингизхоннинг ҳарб илми мажмуаси «Ясоқ», Темурбек яратган ҳарб қонунлари тўплами — «Тузуклар» (Устав) олдида ип эшолмай қолгани унга аён бўлди. Темурбек тузукларига кўра ҳар бир жангчи ўзи билан бирга бир йилга етадиган озиқ-овқат, қурол-аслаҳа —

30 та ўқи билан камон, совут, найза ва қалқон олиб келиши керак. Ҳар икки отлиқ жангчидан битта эҳтиёт от, ҳар 10 кишида бир чодир, 2 та темир курак, 1 та тўқмоқ, болта, бигиз, пишиқ тери, қозон, 100 та игна ва йўғон арқон бўлиши лозим.

Тузукларга кўра, тинчлик даврида қўшинга кўнгиллилар олинган, уруш маҳалида эса мажбурий хизмат амал қилиниб, эркаклар сафарбар этилган. Ҳар икки-уч хонадон тўла қуролланган отлиқ бериши лозим. Тўхтамишни Темурбек қўшинидаги тартиб, амалдорлар тайинлаш усули қойил қолдирди. Биринчи жанговар бирлик — ўнликнинг бошлиғи «ўнбоши» қуролдошлари томонидан сайланади. Ўнбоши учун муҳим фазилат битта — жасурлик. Юзбоши учун эса бу етарли эмас. У мулоҳазакор ҳам бўлиши лозим. Мингбошига эса уқув ва ташаббускорлик зарур. Туманбоши бўлса, ҳарб илмида етук билимдон, кўникмали ҳамда макр-ҳийлага уста, пистирма-тузоқлар қўйишни улдалайдиган, душман одамлари орасидан жосуслар ёллай оладиган саркарда бўлиши керак. Оддий жангчи маоши бир от баҳосига тенг. Баҳодир уч от, ўнбоши эса 10 от баҳосига тенг маош олади. Шуниси қизиқки, аскарлар маоши миқдори бозордаги нарх-наволарга мослашган бўлиб, бозорга кўра кўтарилиб-пасайиб туради. Қирқ мингдан ортиқ лашкарига Темурбекнинг ўзи қўмондон, 12 мингдан ортиғига унинг ўғиллари ва яқин сафдошлари раҳбар. Жанг олдиндан қўрбошилар душман ҳақида, жойи, ўрнашган шароити, зўр, заиф томонлари ҳақида олдиндан маълумот йиққан бўлади. Отлиқлар, пиёдалардан ташқари кўприксозлар, тўфангозлар, қўргонбузарлар, ўточар ва қуролсозлар ҳам лашкарда ўз вазифаси ва ўрнига эга.

Тўхтамиш ўша 1375 йил қишида Ўтрор остонасида баттол душмани Ўрусхоннинг лашкари билан Темурбек қўшини тўқнашганда шиддатли жанглар давомида ҳарб илми устунлигига гувоҳ бўлди. Ўрусхон батамом мағлуб бўлиб, Олтин Ўрда мўгулларидан жуда озгинаси Уралга қочишга муваффақ бўлди.

1376 йил баҳорида Ўрусхон ўлганини эшишиб, у яна ўз омадини синаш учун жангга отланди. Темурбекдан олган лашкари билан Оқ Ўрда тарафга от сурди. Ўрусхоннинг ўғли катта қўшин билан унга пешвоз чиқди. Тўхтамиш енгилиб, яна Темурбек хузурига кўмак истаб келди.

Мовароуннаҳр ҳукмдори бу гал ҳам унинг бошини силади. Ҳимматини яна баланд кўтариб, энди унинг учун ҳам ўзи урушга боришини айтди. Қоратол ёнидаги ҳал қилувчи жангда Олтин Ўрда ва Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрусхоннинг ўғли Темурмалик енгилиб асирга тушди ва Тўхтамиш талаби билан қатл этилди. Шу тариқа 1376 йилда Оқ Ўрда ва Олтин Ўрданинг шарқ қисми унинг тасарруфига ўтди. Волга бўйидаги ерларда эса туманбоши Мамай ҳукмдор бўлиб, у билан тўқнашувга Тўхтамишнинг юраги дов бермади. Москванинг буюк князи Дмитрий Донской 1380 йилда Куликово майдонида Мамай туманларини тор-мор қилгач, Тўхтамиш фурсатни ғанимат билиб, унга қарши от сурди. Мамай ўзига келмаган қўшини билан унга дош беролмай қочди ва бутун Олтин Ўрда унинг мулкига айланди.

— Бу кимнинг замони?

— Тўхтамишхоннинг!

Мўгул шаҳзодалари — ўғлонларнинг ҳамду саноларидан у хаёлини жойига келтирди.

— Москвани ёндириб лак-лак ўлжа олган ким?

— Буюк хонимиз Тўхтамиш ўғлон.

Тўхтамишнинг қисиқ кўзларида мағрур ўт чақнади. У беихтиёр 1382 йилги сафарини эслади. Запиш бўлган эди-да! У Темурбек қароргоҳида ортирган бой тажрибасини ишга солиб, Москвани тўсатдан босди. Кулиководаги ғалабасидан сўнг хотиржамликка берилган буюк князь Дмитрий Донской ғафлатда қолди. Москвани ҳимоя қилишга иложи йўқлигидан Переяславлга, сўнг Костромага чекинди. У қўшин тўплаб орқадан зарба беришни ўйлаган эди.

Москвадан митрополит Киприан ҳам қочиб қолди. Бошлиқларсиз ўз ҳолига ташлаб кетилган москваликлар кўзғолон кўтаришиди. Бойлар, савдогарлар уйларидан бочкалаб вино, ароқлар кўчага чиқарилиб оломон, базми жамшид бошлади.

Тўхтамиш Рязань князи Олег ёрдамида Ока дарёсидан кечиб, Серпуховни эгаллади ва Москва остонасида пайдо бўлди. Бу вақтда Литва князи Остей Москвага келиб, шаҳар мудофаасини ўз қўлига олган эди. Тўхтамиш ўшандада ўруслар қўлида номаълум қурол кўрди. Пиёдалар узун нарвонларни кўтариб, Москва деворларига яқинлашганларида бирдан гумбурлаган овоз янграб, тутун кўтарилиди. Ўнлаб сипоҳлар номаълум зарбдан қулади.

Тўхтамиш бу қурол ўтсоchar тўғанғ эканлигини англади. Москвани куч билан олиб бўлмаслигини англаб, ҳийла ишлатишга аҳд қилди. Князь Олег маслаҳатига кўра, Москвадан аламзада Нижний Новгород княzlари ака-ука Симеон ва Дмитрий Кирдяпаларни хузурига чорлади. Москва қаршиликсиз таслим бўлса, аҳолига зарар етказмай ўлпон олиб ортига қайтажагини уларга айтди. Сўзларига ишонч учун онт иҷди. Жасур князь Симеон Кирдяпани Москва аҳли билар ва унга ишонар эди. Дарвозалар очилиб, шаҳар боярлари князь Остей бошчилигига унинг ис-

тиқболига пешвоз чиқдилар. Ана шунда Тұхтамиш ишораси билан Олтин Үрда отлиқлари ва сипоҳлари шаҳарга босқын қилиб, дуч келганини чопишиди, асир олишди. Москва обдан таланиб, ўтга дучор бўлди. Владимир, Звенигород, Можайск, Волок, Переяславъ шаҳарлари ҳам олиниб, ўлжалар ва асиrlар шундай кўпайиб кетдик, уларни ортиш ва боғлашта ҳам арқонлар етишмай қолди.

— Бизни Мовароуннаҳр чорламоқда!

— Унинг бойликлари беҳисоб!

Ўғлонлар ҳайқириғи Тұхтамиш юрагининг бир чеккасида кўмилиб ётган ҳасад чўғини ёндириди. Ҳа, у устози Темурбекнинг Шарқда эришаётган ғалабаларидан ҳасади қўзгади. Унга ғайиrlиги тобора ортиб борарди. Махфий равишда у Хоразм ҳукмдори билан Темурбекка қарши битим тузган ҳам эди. Шунинг учун ҳам Темурбек Хоразм сари юриш қилганида, дастлаб унинг ҳукмдорларидан бож тўлашни талаб қилганида Ҳусайн унга рад жавобини берди.

— Мен, — деди Ҳусайн Сўфи Темурбек элчисига, — мамлакатни қилич билан фатҳ этганман, шунинг учун ҳам уни фақат қилич билан олиш мумкин. Олтин Үрда хонига бўйсунсам бўлади, аммо зўравонга сира бош эгмайман.

Шундан сўнг шиддатли жанг бўлиб, Хоразм ҳукмдори енгилгани, унинг ўрнига ҳукмдор бўлган Юсуф Сўфи Темурбекдан сулҳ сўрагани унга маълум бўлди.

Тұхтамиш Темурбекка ҳасадгўй Хутталон — Жилён ҳокими Кайхусравни ишга солиб, Хоразм ҳукмдорини йўлдан уришга муваффақ бўлди. Юсуф Сўфи аҳдини бузиб, Темурбекка қарши уруш очди. Маглуб бўлгач, сулҳ тузди. Жияни гўзал Суюнни Темурбекнинг тўнғич ўғли Жаҳонгирга берди. Тұхтамиш икки йилдан кейин яна Юсуфни унга қарши

күтаришга муваффақ бўлди. Унга катта ёрдам кўрсатди. Темурбекнинг заиф тарафларини айтиб, ожиз томонига зарба беришни ўргатди.

Юсуф Сўфи ўз кучига бино қўйиб, Темурбекка таклиф юборди.

— Икки одам учун қачонгача бутун олам азобукубат чекади, — ёзган эди у риёкорона тарзда, — инсоният ва мамлакатнинг хайрияти бу икки одамнинг бир-бирига олишувларини, майдонда баҳс қилишларини талаб қилади.

Юсуф Сўфи Темурбекнинг оқсоқлиги, ўнг қўли яхши ишламаслигини назарда тутиб, осонликча уни енгаман деб ўйлади. Тўхтамиш ҳам шундай фикрда эди. Аммо Темур кутилмагандан яккама-якка олишув ҳақидаги таклифни қабул қилди. У жанг майдонига биринчи бўлиб келди ва жуда қаттиқ товуш билан душманни чақирди. Аммо Юсуф майдонга тушишдан чўчиди. Кўрқув ва саросимада таклифидан воз кечиб, умумий ҳарбни талаб қилди.

Жанг вақтида эса тўсатдан ўлиб қолди. Хоразм бутун бойлиги, ҳунарманд уламолари билан ғолиб ўлжаси бўлди.

— Хон ҳазратлари Боту ва Ўзбекхон йўлидан бориб, Чингизхон шуҳратини тикляяжаклар.

— Оқсоқ Темур ким бўпти бизга!

Ўғлонлар шундай қийқириқлар билан Тўхтамиш кўнглидаги оловни алсанга олдира бошлишди. Хуросон, Эрон, Сейистон, Белужистонни забт этган Темурбек ғалабаларидан ҳасади тобора қучайиб кетган Тўхтамиш кўнглига мос тушган ўғлонлар гапларидан руҳланди:

— Қарорим шундай...

Ўғлонлар қувонч ила хон режасини маъқуллашди.

ТОШКЕНТДАГИ МАСЛАҲАТ

«Менга бўйсунгандан янги давлатларда ҳурматга лойиқ одамларга ҳурмат кўрсатдим. Мен пайғамбар авлодларига, қонун тарғиботчиларига, олимлар ва кексаларга нисбатан буюк ҳурмат ҳамда эҳтиром билан муносабатда бўлдим: уларга нафақа белгиладим. Бу мамлакатнинг бадавлат кишилари менинг оға-инимдек, етим-есир ва камбағаллари эса болаларимдек бўлиб қолди. Мағлуб бўлган мамлакат қўшинлари менинг қўшинларимга қўшиларди. Мен бу мамлакатларда ҳалқ ҳурматини қозонишга ҳараткат қилдим. Шунга қарамасдан фуқарони қўрқинч ва умид орасида сақладим. Яхшиларга, улар қайси миллатдан бўлишларидан қатъи назар, мен ҳам яхшилик қилдим; ғаразли кишилар ва сотқинлар эса менинг давлатимдан қувилди!»

«*Амир Темур тузуклари*»дан.

Темурбек махфий даракчиси келтирган хабарни эшишиб бош чайқади:

— Бўрини қанча боқма, барибир ўрмонга қарапкан.

Дарвеш либосидаги даракчи эса қўшимча қилди:

— Кутурган ит даставвал ўз эгасини қопади, Соҳибқирон. Қулингиз яна шуни билдирадики...

Темурбекнинг бутун вужуди қулоққа айланган эди. Даракчи бутун махфий хизмат тармоғидаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда Олтин Ўрда хони тузган режани баён қилди.

— Хизматинг юксак мукофотга лойиқ. Сенга рухсат, ўғлим.

Темурбек эҳтиётдаги барча лашкар билан йўлга чиқишини амр этди.

Тўхтамишнинг Мовароуннаҳр чегарасига яқинлашган икки туман қўшини илғор қисм эканлиги ва яқин орада у асосий қўшин билан келиши аён бўлди. Олтин Ўрда хони уни чалғитиш учун Дофистон тарафга 12 ўғлон раҳбарлигига 100 минг отлик аскар йўллади.

Темурбек шошилиши лозим эди. Дофистон тарафдаги лашкари душманга нисбатан уч баробар оз. Тезроқ қўмакка бориш даркор.

Дофистонга етиб келган Темурбек лашкарининг руҳи сўниқ эканлигини кўрди. Кура дарёсининг ўнг қирғоғида мэррани эгаллаган Мовароуннаҳр лашкари ўз Соҳибқиронининг шахсий туғи ва катта байробини кўриб руҳланиб кетди. Чап соҳилда уларни мазахлаётган қўшинига шиддатли ҳужум бошлади.

Темурбек ўнг қирғоқдаги чодиридан туриб жангни кузата бошлади. Саҳро ўғлонларининг урушда суяги қотган суворилари чиндан ҳам моҳир жангчи эканликларини кўрсатишиди. Темурбек отлиқларининг кўпчилиги кўз ўнгидага қирилмоқда эди.

— Мадад беринг, Соҳибқирон!

Шайх Нуриддин чопари шундай мурожаат қилди. Аммо Темурбек қимир этмай қаршисидаги саркардадан сўради:

— Ўғлонларнинг пистирмадаги кучлари ҳам ташландими?

— Шундай, Соҳибқирон.

Темурбек чопарга юзланди:

— Нуриддинга фармони олийни етказ. Орқага чекинмай душманни ушлаб тураверсин!

Чопар ҳайрон бўлганча орқасига от қўйди. Ўғлонлар шоду хуррам бўлиб ғалаба нашидасини суриш иштиёқида ҳужумни кучайтириб, орқани унутиб, фақат олға — Темурбек турган соҳилга интилишиди.

Темурбек олдиндан душман орқасига юборган ўғли Мироншоҳ ва Туман оға Хўжа Сайфуддиннинг ўттиз мингдан зиёд сараланган баҳодирлари зарбаси ўғлонлар қўшини учун сира кутилмаган фалокат бўлди. Бу зарба жанг тақдирини ҳал қилди. Тўхтамишнинг Доғистон қўшини батамом қириб ташланди. Фурсатни ғанимат билган Темур шитоб ила Сирдарё воҳасига от қўйди. Лашкарга дам берилмай йўл босилди. Гўё Мовароуннаҳда рўй бертаётган воқеаларни сезганидек, чиндан ҳам илғор кучлари билан Сирдарёга келган Тўхтамиш қўшини қўли баланд ҳолда жанг қилар эди. Сифноқни эгаллаган Олтин Ўрда аскарлари Хўқандни қамал қила бошлади. Темурбекнинг ўғли Умаршайх қўмондонлигидаги лашкар тор-мор бўлди. Орқада эса ҳали асосий кучлари билан Тўхтамишнинг ўзи катта зарбага ҳозирланмоқда эди.

Темурбек етиб келаётганини кўрган мўғул аскарлари ўлжаларини юклаб Олтин Ўрда томон чекинишиди. Улар Тўхтамишнинг асосий қўшинига қўшилиб олишга уринишиди.

Темурбек уларни қувишга шошилмади. Хуфя одамлари унга Тўхтамишнинг улкан қўшини ҳал қилувчи жангга шай экани тўғрисида вақтида хабар берди. У рақиби имкониятларини чамалаб, ўз кучларини бир жойга тўплашни лозим топди. Мұҳим иш кенгашни талаб қиласди. Темурбек қурутой чақирди.

— Душманни ўз уясида янчиб ташлаш керак, — деди амир Жоқу ғазаби ичра, — қачонгача бу Олтин Ўрда оёғимизга тиканак бўлиб ётади?

У қурутой қатнашчиларига ўз режасини баён қилди.

— Энди муруватни йиғишириб, хиёнаткорларга ҳаммага ўрнак бўлиши учун қатлиом уюштира-

миз, — деди шафқатсизлиги билан танилган амир Довуд.

— Соҳибқирон жуда муруватли ва ишонувчан, — қўшимча қилди шайх Нуриддин, — Тўхтамиш буни билади ва нонкўрлик қиласеради.

Темурбек ёшлигидаги ўртоқлари, кўп йиллик жангу жадаллардаги сафдошларининг очиқ ва дангал ўз фикрларини айтаверишга ўргатгани учун улар сира тортинмай аччиқ ҳақиқатни унинг бетига айтишиди. «Куч адолатда» деган сўзларни шахсий муҳрига ўйиб ёздирган Темурбек уларга амалда риоя қиласеради. Хато қилмаслик, хушомадга учиб, керилиб кетмаслик учун у ўзига халқ ва лашкар ўртасида эътиборли, ҳақиқатпарварлиги билан танилган одамлардан раис — нақиб тайинлаган эди. Раис — нақиблар иккита бўлиб, бири ҳукмдорнинг фуқароларга доир ишларини назорат қилса, иккинчиси лашкарга оид сиёsatни тафтиш этар эди.

Темурбек фуқаро бўйича нақибини обдан синаб, сўнг тайинлаган, чунки бу одам ҳукмдор қаҳридан, ҳатто ҳақиқат йўлида ўлимдан қўрқмаслиги керак. Халқдан чиққан, унинг орасида адолатпарварлиги билан танилган Насриддин Аромир шундай фахрий вазифага тайинланган эди.

— Жазо берилганда адолатли бўлиш учун қандай иш тутиш лозим? — деб сўрашганда у шундай жавоб қилган:

— Қозиларда одатда тарозининг икки палласи кўрилади. Бирида жиноят, иккинчисида жазо тортилади. Адолат тарозиси эса уч палладан иборат бўлиши керак. Бирида жиноят, иккинчисида жазо, учинчисида эса жиноятчининг ўзи тортилсин. Қозиларга учинчи паллани бериш керак.

Насриддин бу билан одил ҳукмда даставвал инсон шахси кўрилишига нозик ишора қилган эди.

Ҳарбий ишлар бўйича раис — нақибликка жангларда суяги қотган, оддий навкарликдан саркардагача кўтарилиган Маҳмуд Шаҳобиддин тайинланган эди. Бу икки раис — нақибга ҳукмдор ҳамма қилаётган ишни кўриш, маҳфий кенгашларда қатнашиш ҳуқуқини берган эди. Фақат улар хушомад қилмаслиги, ҳақиқатни яширмаслиги, ҳукмдор кўнглига қараб иш тутмасликлари лозим эди.

— Тўхтамишни енгиш осон эмас, — деди амир Шоҳмалик, — шунинг учун зўр тараддуд кўрмоқ даркор.

Темурбек қурултойда сукут сақлаб, сафдошлари маслаҳатларини тинглар ва ўйлар эди.

Қурултой барча кучларни бир жойга йифиш ва қишини Тошкентда ўтказиб, баҳорда Олтин Ўрдага юриш қилишга қарор қабул қилди. 1391 йил қишида Тошкентга ҳар тарафдан туман-туман пиёда-ю отлиқлар оқими кела бошлади. Тошкент бунчалик кўп аскарни ўз остонасида сира кўрмаган эди. Бозор қиши совуғига қарамай одамларга тўлиб, ҳунарманду деҳқоннинг савдоси қизиди. Темур ҳар куни саркардаларнинг қўшин аҳволи ва кайфияти ҳақидаги ахборотларни эшитар, хуфя ишлар саркорининг душман томонидан олинган хабарларини тинглар эди. Тўхтамиш Литвадан, рус князларидан кўнгилли кучларни тўпламоқда. Жойларга яширин пистирмалар уюштирган. Унинг қўшини 200 мингдан зиёд отлиқ-пиёдадан иборат.

Ха, Тўхтамиш анойи эмас. Уни енгиш учун бор тажрибасини ишга солиш даркор.

ВОЛГА БЎЙИДАГИ БАЗМ

1391 йил май ойида Тошкентдан Орол денгизи томон улкан карвон йўлга тушди. Узоқ ва хатарли

сафар бошланган эди. Эртаклардаги «Борса келмас», «Борса хатар» муюлишларини эслатувчи бу йўлдан кўплар қайтмаслиги аниқ эди.

Кишининг узоқ кечаларида ўйланган, обдан пиширилган, ипидан игнасиғача саркарда кўригидан ўтказилган сафар режаси амалга оша бошлади.

Икки юз минглик лашкар, олти юз минг от ва озиқ-овқатлар ортилган юзлаб туялар Оролдан шимолга, Қирғиз-қайсок чўлларига бурилди.

Улуғ тоғ этагида бир-бирига уланиб бораётган улкан карвон тўхташга буйруқ олди.

Темурбек шоҳона безатилган баландликда туриб, икки юз минглик қўшин сафларини кўздан кечира бошлади.

Ҳар бир жангчи биттадан тош олиб, кўрсатилган жойга қўя бошлади. Туман бошлиқларидан ҳар бири Темурбек олдига келиб, отдан тушар, ер ўпиб таъзим бажо қилгач, мақтов сўzlари — мадҳи сано айтиб, ўзини ва қўл остидаги аскарларни амирнинг хайрли ишига содик эканликларини билдираш эди.

У бу гапларни айтиётган кишиларни шахсан билар, узоқ йиллар давомидаги кўпдан-кўп жангларда синаган. Улар болаликдан, бетакрор ёшлигига бирга бўлган ўртоқлари ҳам эди.

Темурбек қимматбаҳо ипакдан тикилган либосда, узун, учли бошли кигиз бўркда мағрур турарди. Бўрк учига чўзинчоқ ёқут қадалган, унинг атрофи дурлар ва ноёб жавоҳирлар билан безатилган эди. Аскарлар жанговар мусиқа садолари остида равон қадамлар ташлаганча уруш худосидек мағрур турган ҳукмдорларига эҳтиром ила қараб борардилар.

Темурбек уларни кузатаркан, хаёл кўзгусидан ёшлигидаги манзаралар, орзу-умидлар билан тўлиб-тошган, қувонч-ташвиш, ғалаба-мағлубият, висол ва жудоликларга бой ўтган ҳаёти ўтар эди. Шундай лак-

лак лашкарга бош бўлиб, улкан зафарлар қозонишини отаси амир Тарағай орзу қилган эмасмиди?

Ўзи ҳам оғир пайтларда, туркман Алибекнинг заҳзиндонида ўтган кунларида ана шуни ўйлаган эмасмиди?

Ўзидан, ишларидан, эришган самараларидан баҳтиёрик туйғуси илк бор қалбida ниш урди. У жангчиларга тўхтаб дам олишни буюрди. Шу бугунги юришни, ўзини баҳтиёр санаган кунни тарихда қолдиришни ўйлаб, тошкесар ва наққош ҳунармандлар тошга унинг номини мухрлашларини истади.

«Турон Султони Темур Тўхтамишдан интиқом олиш учун урушга кетди». Тошга ўйилган бу ёзув 600 йилдан кейин Россиядаги улкан хазинахона — Эрмитаждан ўрин олиб, бутун дунё аҳли ўқишини балки у хаёлига ҳам келтирмагандир, ўшанда?

Ҳордиқ олаётган жангчиларга ўнбошилар, уларга эса юзбошилар Темурбек номидан хазинадаги кумуш тангалардан мукофотлар улашишди. Руҳи кўтарилган, бели бақувват бўлган лашкар шитоб ила йўлга тушиб, Тўхтамиш пистирмаларини янчганча олға интилди.

1391 йил 13 июнда икки қўшин бир-бирига Қундузча деган жойда тўқнаш келди.

Соҳибқироннинг содиқ дўсти Мир Сайд Барака фотиҳа ўқиб, жангчилар руҳини янада баланд кўтарди. Ўн минглаб одамлар юзларига фотиҳа тортгач, пир ердан бир ҳовуч тупроқ аралаш тош олиб душман тарафга отди. Ноғоралар чалиниб, жангга киришга фармон берилди.

Хўжа Сайфиддин ва шаҳзода Мироншоҳ туманлари мўғуллар сафига зарбдор куч сифатида ташландилар.

Темурбек бу жангда кутилмаган янги усулни қўллади. Қўшинни етти кулга (корпус) бўлиш таж-

рибасини жорий қилди. Эски жанговар тартибдаги қанотларга зўр эътибор берилиб, марказий қисмга тезкор куч, орқасида бош қўмондон қароргоҳи жойлаширилди. Қароргоҳда эса катта ёрдамчи кучлар — заҳиралар жамланди. Яна бир мўгуллар кутмаган янгилик шундан иборат бўлдики, пиёда қисмлар ҳужумкор маррага ташланди. Лашкарнинг чап ва ўнг қанотларидағи туманларнинг амирлари пиёдалар ва навкарларни жанговар тартибга сафладилар.

Тўхтамиш нўёнлари (туман бошлиқлари) бой тажрибаси ва жасурлигига, саҳройи отлиқлар шиддатига қарамай мўгуллар жанг майдонида ташаббусни қўлга ололмадилар. Биринчи ва иккинчи кунлардаги қонли олишувда икки тарафдан кўп талафот кўрилди.

Ўғлонлар руҳи сўна бошлади. Тўхтамишга зафар қозонамиз дея онт ичганларига қарамай, энди галабага умидлар йўқола бошлади. Учинчи кунги жангда Тўхтамишнинг байроғи пастга тушганини кўрганларида эса отларини орқага бурдилар.

Байроқдор аслида Темурбек томонидан сотиб олинган киши эканлигини ҳеч ким билмас эди. У қулай фурсатда усталик билан байроқни ерга тушириши лозим эди ва у бу ишни ўринлатди. Чекиниш аста-секин бетартиб қочишга айланди.

Тўхтамиш ва унинг туманбошлиқлари Волга томон отларини буриб, жон-жаҳдлари билан изма-из келаётган душмандан қутулишни ўйлардилар. Бошлиқларсиз қолган минглаб мўфул, рус, литва аскарлари Волга дарёсига ғарқ бўлишди.

Улкан майдон душман жasadларига тўлиб кетган эди. Тўхтамиш шошганидан хазинасини ҳам, нўёнлар ҳарамларини ҳам унутиб қочган эди. Минглаб аскарлар омонлик тилаб қўл кўтаришиди.

Темурбек лашкари жуда кўп ўлжалар ва ўн минглаб асиirlарга эга бўлди. Волга бўйида катта тантана ўтказишга қарор қилинди. Дарёning бепоён уфқа туташ баланд қирғоидаги ям-яшил яланглигига беҳисоб чодирлар тикилди.

Ҳар бир ўнбоши, юзбоши, мингбоши ва туман бошлиқлари белгиланган аниқликда расмий унвонига тегишли чодир жойлаштириди. Чодирларнинг аксарияти доира сифат кигиздан иборат. Гоҳо арабий, иброҳимий чодирлар, эроний аъло сарпардалар кўзга ташланади.

Хотин-қизлар учун ҳам алоҳида чодирлар қад кўтарди. Улар сариқ рангда, олтин нақшлар ипак билан тикилган, ташқи томонига эса уқалар тутилган. Ҳаммасининг эшиги катта-катта, уларнинг барчасига от миниб кириш мумкин. Чодирнинг ҳавосини янгилаш учун деразалари ташқарига очилган, ипак тизимча билан тортиб қўйилади. Унинг ҳарир пардадалири қўёш нурини тўсисб туради.

Соҳибқирон чодиргоҳи ўрдага тикилиб, ўз ҳашамати билан барчасидан ажралиб туради. Унинг атрофига душмандан ўлжа туғлар, хазинадаги нодир буюмлар уюб ташланган.

Базм жуда улкан миқёсда ташкил қилинди. Фолибларга хизмат қилиш учун беш минг асиirlанди. Минглаб асира хотин-қизлар зиёфат давраларида хизмат қилишга олинди.

Баковулларнинг иши қизиган, қўл-қўлига тегмайди. Кўй гўштидан қовурма, от гўшти, палов, хамир овқатлар, чучук лочиралар тайёрланди.

Темурбек бу гал одатига хилоф равишда шароб ичишга рухсат берди. Улфатчиликда ўзининг жойини билган баҳодирлар ҳукмдор буйруғини шоду хуррам олқишлишади.

Темурбек чодиргоҳининг олдига катта чоғир чирпитлар тизисб қўйила бошланди. Бошқа чодирларнинг

турли жойларыда шароб ва шакарли сут билан тұла чирпитлар пайдо бўлди.

Қимматбаҳо кийимлар кийдирилган хизматкору чўрилар ғолиблар кўнглини овларди. Машшоқлар, хонанда-ю созандалар ғалаба мадҳини куйлашмоқда. Севги-муҳаббатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар бепоён ўрмонзорлар қаърида ҳам акс-садо беради.

Баҳодирлар губорини тарқатувчи уч нарса улар хизматида муҳайё эди. Шилдираб оқувчи сув, ям-яшил кўклар ва гўзал чеҳралар.

Темурбек чодиргоҳдаги тахтида салобат тўкиб ўтирибди. Атрофида вазирлари, уламолар ва яқин мулозимлари жой олишган. Тўғралган қовурмалар чарм дастурхонларга терилган. Шароб, чоғир, бўза, шакарли қаймоқ ва қимизлар қўйилган чирпитлар кўзни қамаштиради.

Соқийлар чўк тушиб бир қўлларидаги лаганчада қадаҳ тақдим этмоқда, иккинчи қўлларида ипак сочиқ. Таомил бўйича қадаҳлар бир неча давра тутилгач, таклиф тўхтатилади, катта қадаҳлар қўлга олинади. Уларни Темурбекнинг соғлиғига кўтарадиган одам сўнгги томчисини қолдирмай ичмоғи лозим. Баҳодирлар, амиру уламолар шуни яхши билишадики, кимки маст бўлиб йиқилса, қизиқ қилиқлар қила бошласа уни масхаралашади. Ичкиликни кўтарган кишилар эса кенг майдонда бўлгани сингари ботир номини олади.

Кеч бўлишига қарамай атроф чароғон. Минглаб машъаллар порлаб турибди. Узоқда ўрмон ловуллаб ёнмоқда. Чор атрофда шўх кулгу, қаҳқаҳалар янграйди.

Тонг отганда эса рус тупроғида биринчи марта «Қипчоқлар устидан ғалаба» деб номланган мусиқавий драматик томоша бошланди. Унда куй-қўшиқлар садоси остида минглаб жангчилар ғалаба жангларини такрор этувчи томоша кўрсатдилар.

Базмнинг йигирма олтинчи куни Темурбек ҳузурига қимматбаҳо туҳфалар билан Олтин Ўрда хони Тўхтамишдан элчилар келди.

Улар ҳукмдор оёқларига бош уриб, Тўхтамишнинг тавба-тазаррусини қабул қилишини сўрадилар.

— Агар иккинчи марта валинеъматим Темурбек ҳазрати олийларига қўл кўтарсам дўзах азобига мустаҳиқман.

Бу Тўхтамишнинг Қуръони Каримни ушлаб берган қасами эди.

— Бу тулкига ишонманг, Соҳибқирон!

Амирлар, саркардалар шундай дейишди.

— Барқу Саройга от қўйиб, бу малъун пойтахтини яксон қиласмиш!

Мир Сайд Барака саркардалар ҳайқириқлари тингач қўл кўтарди.

— Қуръони Карим ўртага қўйилган экан, биз унинг тавбасини қабул қилмоққа мажбурмиз.

Темурбек савол назари билан ҳарбий ишлар бўйича раис-нақиб Маҳмуд Шаҳобиддинга қаради. У тасдиқ ишорасида бош эгди. Шундан сўнг у ўрнидан турди.

— Мен, Тангри қули Темур, пиrimнинг фикрларига қўшилган ҳолда Тўхтамиш тавбасини қабул қиласмен. Лашкарга фармони олий тайёрлансан.

Базм тўхтатилсин. Пойтахтимиз — жаннатмакон Самарқандга қайтурмиз.

УЛАМОЛАР ҚУРУЛТОЙИ

Дамашқда осойишталик ўрнатилгандан сўнг Темурбек Шерозда ўтган уламолар мажлисида кўтарилилган масалани шу ерда ҳал қилишга қарор қилди. Унинг буйруғи билан мусулмон ўлкаларидағи машҳур уламолар маҳсус даъватномалар олишди. Султон

ва ҳокимларга уламоларнинг йўл харажатлари учун барча тегишли маблағлар ажратиш буюрилди.

Бир ойдан сўнг Дамашқда чақирилган уламоларнинг барчаси ҳозир бўлди. Май ойининг биринчи фаслида ислом уламоларининг мажлисига Темурбекнинг ўзи ташриф буюорди. У билан фақат кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзо бор эди. Темурбек уламолар билан танишувни саволдан бошлади:

— Куръонда Аллоҳ таолонинг сифатларидан қайси сифати кўп зикр қилинган? — деб Имомиддин Мағрибийга мурожаат қилди.

— Қодир сифатидир.

— Ундан кейин-чи?

— Алим.

Темурбек тасдиқ ишорасида бош ирғаб, Ибн Халдунга юзланди.

— Аллоҳ таолони васф қилғил!

— Бани Исроил анбиёларидан баъзилари Аллоҳ таолони инсон каби кўз, қулоқ соҳиби деб тасаввур қиласилар. Масиҳ дини келгандан кейин Аллоҳни уч — ота, ўғил, руҳ деб таъриф қиласилар.

Башариятга ҳаммадан илгари Аллоҳ таоло ёлғиздир, ягонадир, кўрмак-эшитмакка, сийпаламоқ, тотиб кўрмоққа ҳожати йўқдир, деган ислом динидир. Аллоҳ таолонинг васфида шунчалик дея оламанки, Аллоҳ таоло қудратнинг ўзи, илмнинг ўзидир. Бундан ортиқ бир нима деб васф этолмайман.

Темурбек унга табассум билан боқди.

— Офарин, тақсир! Шуҳратингга яраша илминг борлиги билинди. Биз ўз ақлимиизча, Аллоҳ таолонинг сифати, қудратига бир нимани тасаввур қилолмаймиз. Ўзинг айтган каби Аллоҳ жалла жалолуҳу қудрат, илми мутлақдир. Демак, ҳар нарсани билиди, ҳар нарсага кучи етади.

У Баҳоулдин Халабийга юзланди:

— Куръонда шаън нузули бор оятлар қанча ва қайсилари маҳсус сабаблар билан нозил бўлган?

— Эй улуғ амир! Сиз Куръонда шаън нузули бўлмаган оятни кўрсатиб беринг. Куръонда шаън нузули бўлмаган оят йўқдир. Аллоҳ тарафидан туширилган ҳар бир оятнинг нузулига сабаб бордир.

— Марҳабо, эй Баҳоуддин Ҳалабий, — деди Темур ва навбатдаги уламо Сирож Искандарийга юзланди: — Мусулмонларнинг қибласи нима учун ўзгарди?

— Ислом дини келгандан кейин, — деди уламо, — эски динлар, яхудий, насроний динларининг баъзи муқарратлари ўз ҳолида қолган эди. Шулардан бири шаробдир. Куръонда шароб ҳақида тўрт марта оят нозил бўлган. Буларнинг аввалгисида шароб ичувчи ўз ақлига зиён етказувчидир, дейилган бўлса ҳам қатъий ҳаром деб айтилмаган. Чунки ўша вақтда илгариги динлар ўргатиб қўйган шаробхўрликни бирдан тарк этолмас эдилар. Аста-секинлик билан у нарсалар ислом лини қонунлари билан ишдан чиқарилди. Ана шу эски динлардан келиб чиқиб, ислом динида ҳам давом этиб келган ишларнинг бири Байтул муқаддасга қараб намоз ўқимоқлик эди. Ислом динининг ибтидоий даври ўтгандан кейин ибодат тўғрисида мусулмонларнинг ўзга динга эргашиб юришини ҳам Аллоҳ таоло қиблани ўзgartирмоқ ила ҳал этдики, ҳеч қандай мунозара га йўл қўйилмаган ҳолда улуғ саждагоҳ — байтуллоҳил ҳаромга қараб намоз ўқисинлар деб амр қилди. Мусулмонлар учун қибланинг ўзгаришидан Аллоҳ таолонинг Каъбада бўлиб, Байтул муқаддасда бўлмайди деган маъно чиқмайди. Аллоҳ таоло ҳамма жойдадир, ҳозиру нозирдир. Аллоҳ таоло Куръонда ҳар тарафга қараб намоз ўқисангизлар Аллоҳ таолога намоз ўқиган бўласизлар, деди.

Умар ибн Хаттоб Дамашққа кирганида шу ердаги калисога кириб қиблага қараб намоз ўқиди.

Бир мусулмон оташкадада, бошқалари бутхонада намоз ўқыйди. Агар бу ўринларда намоз ўқимоқ ножоиз деганлар бўлса, ерларининг нопок бўлишидан эҳтиёт учун дегандирлар. Агар пок бўлса, намоз ўқувчига ҳеч бир монелик йўқдир. Ундай ерларда Каъбага юзланиб намоз ўқимоқликдан бошқа шарт йўқдир.

— Яхшиликларни кўргин, эй Сирож Искандарий. Сенинг қалбингни илм нуридан шундай ёруғ кўраманки, Искандария фонусидек товланади.

Навбат Арабшоҳга етди:

— Эй Арабшоҳ! Айт-чи, оятларнинг нозил бўлиши ўрта ҳисоб билан қанча муддатга боради? Яъни, аникроқ айтсак, ҳар оятнинг нузули қанча вақтга тўғри келади?

— Эй улуғвор амир! Бунда бир ярим кун муддат чиқади. Масалан, пайғамбаримизга пайғамбарлик хабари берилгандан вафотларигача саккиз минг уч юз тўқсон беш кун умр кечирганлар. Шу 23 йил ичida бир юз ўн тўрт сура нозил бўлди. Шуни тақсим қилганда ҳар бир ярим кун ичida бир оят нозил бўлди, деб ўрта ҳисоб чиқармоқ мумкин.

— Офарин сенга, эй Арабшоҳ, ярим исминг арабий, ярми форсий.

Уламолар аста қулиб қўйишиди. Темурбек кейинги уламога савол ташлади:

— Мусулмонлар намоз ўқиганда тупроқقا бош қўйиб, сажда қилишларининг ҳикмати нима?

— Эй, улуғвор амирим, — сўз бошлади Низомиддин Шомий, — Аллоҳ таоло инсонни тупроқдан яратди. У ҳам жуда чиройли тупроқ бўлмай, балки бир балчиқ эди. Аллоҳ таоло мусулмонларни тупроқка сажда қилмоқقا буюрмоғининг сабаби шудирки, бошларини тупроқка қўйиш билан ўзларининг тупроқдан яратилганларни ёлларига келсин. Шу би-

лан бир вақтида бошларидаги ғуурп-кибрни ташлаб, ўзларини тупроққа бориб қўшилгувчи деб билгайлар. Тупроққа бош қўйишнинг ҳикматлари кўпdir. Инсон ўзини хоксор сезади. Ҳақир эканлигини ҳис қилади. Бошқаларга ҳақорат кўзи билан қарамагай, чунки тупроқдан яралганлиги ёдида бўлади. Беозор бўлишига ҳаракат қилади.

Темурбек «офарин» деб қўл қовуштириб турган Мұхаммад ибн Муслим Лозиқийга нигоҳ ташлади:

— Мусулмон киши таҳорат олганида қўл-оёқларини неча марта ювмоғи лозим?

— Эй, буюк Амир, бу саволингиз мураккаб. Қишила совуқ бўлса, намоз ўқувчининг оёқлари покиза бўлса, бир марта ювмоғи кифоя. Ёз мавсумида эса ҳаво иссиқ бўлиб, таҳорат олувчининг қўл-оёғи чиркин бўлса, беш марта ювса ҳам кифоя қилмаса керак. Аллоҳ таолонинг таҳорат олишга буюрмогидан қасди покизаликдир. Шунинг учун намозхон гул қилган бўлса, таҳорат олмоққа ҳожат йўқдир. Агар таҳорат олувчининг юзида, қўлида, оёғида чиркинлик кўп бўлса, сув ҳам етарли бўлса саноқсиз ҳолда, покиза бўлгунча ювмоғи керак. Агар таҳорат олувчининг қўл-оёғи ва юзида чиркинлик бўлмаса бир марта ювмоғи кифоядир. Бу жиддий масалаларда мусулмонлар бир-бири билан ихтилофда бўлмаслиги ҳаммадан аҳамиятлидир.

Темурбек бу жавобдан мамнун ҳолда барча уламоларга хитоб қилди:

— Худога шукрки, барчангиз билимдон ва донишманд экансиз. Энди қурутойга чақиришим сабабини сизларга изҳор этамен. Бугун ислом дунёсининг донишманд алломалари сизлардурсизлар. Куръон оятларини ўшал нозил бўлган тартибда мавзуларнинг бир-бирига боғланишини назарда тутиб, янгидан ёзиб чиқмоқ мумкинми ёки бу ишимииз бидъат бўлиб

қоладими? Бу саволим атрофида диққат билан ўзаро машварат қилсангиз. Муқаррар бир қарорга келишларингизни истайман. Агар бу ишимиз бидъатга хизмат қиласурғон бўлса, оятларни ўз жойидан жилдирмаслик лозим. Биздан кейин яна бир кишининг Аллоҳ таолонинг китобига қўл урмоғи сабаб бўладими? Бу йиғиннинг биринчи кўрадиган моддасига «Куръони Карим оятларини таҳрир қўлмоқ мумкинми?» саволини қўяман. Биласизларки, Аллоҳ таолонинг каломи ҳазрат Усмон замонларида тўпланиб китоб шаклига келди. Оятларнинг баъзилари чармга ё тия сўнгакларига ёзилган бўлса, айримлари сахобалар ёдларида сақланган. Уларни тўпламоқ зарурати сезилгандан кейин бирмунча аҳли савод мусулмон кишиларни халифа Усмон ибн Аффон билан бирга туриб Куръонни жамламоқча маъмур қилдилар. Токи Куръон оятлари ҳофизларнинг ўлими билан ёки урушда шаҳид бўлишлари билан ўртадан кўтарилиб кетмаслиги учун шундай қилинди.

Курултой қатнашчилари мақсадга тушунгандаридан сўнг баҳслар олиб бормоқ ва далиллар ахтармоқ учун тарқалишди.

Бир ҳафтадан сўнг қурултойнинг иккинчи мажлиси халифа Умар масжидида очилди. Темурбекнинг амри билан мирзолар ҳар бир уламо фикрлари ва курултой қарорини қоғозга туширишди.

Баҳоуддин Ҳалабий

Куръони Карим то қиёматгача ушбу шаклда қолгай. Ҳеч бир киши бу шаклга дахл қилолмайди. Магар Аллоҳнинг расули қиёмат куни бу Куръонга тағир бериб, бошқадан радиф қила олади. Биз фақат оятларни Маккада, Мадинада нозил бўлганлигини биламиз. Аммо кунлари, вақт-соатларини билмай-

миз. Шунинг учун биз оятларга тартиб бермоқчи эканмиз, қайсилари аввал, қайсилари кейин нозил бўлганини ташбеҳ этолмаймиз. Оятларни янгидан тузиб чиққанда, бу далил билан тузулмоғи мумкин бўлса ҳам биз у далилга эга эмасмиз. Дунёда оятларнинг нузул тарихини билгувчи киши йўқ.

Ибн Халдун

Куръон оятларига радиф бериш, матнидан ташқари чиқаришга ёлғиз пайғамбаримиз қодир. Куръонда шундай оятлар борки, исломнинг бошланишида нозил бўлган, яна оятлар борки, улар ислом дини кенг ёйилгандан кейин нозил бўлган. Бирор маслаҳат учун илгариги оят ҳукмини улар ё кучайтирган, ё заифлаган. Улардан бири зоний-зонияларни жазолаш ҳукмидир. Исломнинг бошланиш даврларида Аллоҳ таоло тарафидан зинокор эркак-хотинни жазолаш учун тушган оядта тошга тутмоқ ҳукми берилган эди. Кейин эса Сураи Нурда зинокорларни жазолашга қаратилган ҳукмни нозил қилди. Сўнгги оят ҳукми билан зинокорлар қамчин билан саваланишга маҳкум қилинди. Бу оятни аввалги тошбўрон оядидан кейин нозил бўлганига шак-шубҳа йўқ. Шу кунгача зинокорларга бериладиган жазо сўнгги оят бўйича ижро қилинади. Ҳақиқат шундай экан, биз, тошбўронга буюрган оятни бекор қилиб ташқарига чиқара олмаймиз. Ҳудди шу вақтида Аллоҳ таоло қаломини бир-биридан ажратиб юбора олмаймиз. Буни қилмоқ Пайғамбар алайҳиссаломга хос иқтидордир.

Имомиддин Мағрибий

Усмон ибн Аффон разияллоҳу анху ҳукмронликлари 12 йилга борди. Ўшандан беш йили ёки бошқа

ривоятда етти йили Қуръони Каримни түпламоқча сарф бўлди. Ҳазрати Усмон араб ўлкаларида, Эрон билан Мисрда Қуръонни ёд билган одамларни топиб, ёзиб келмоқ учун бир қанча одамларни йўлга солди. Сўнгги йилларда Макка ва Мадинада яшаган сахобалардан бирмунчаси бу жойларга бориб, муқим бўлиши билан ўша жойда вафот этган. Қуръонни тўплаш ҳайъати юборган одамлар ўлкалардаги маълумотли одамларни топди. Қорилардан билғанларини ёзиб олишди. Атрофга тарқаган Қуръони Карим оятлари ўша Мадинада тўпланган эди. Уларни ўрганишдан маълум бўлдики, айрим аввал нозил бўлганлари кейингиларидан фарқ қилган. Бу, жумладан, зинокорлар ва шаробхўрлар ҳақидаги оятларда ҳам аёндир. Ичкиликни ҳаромлигига оид тўрт оят мавжуддир. Агар Аллоҳ таоло қаломини ёзмай, ташлаб қўйиш имкони бўлса эди, котиблар такрор оятлардан илгари нозил бўлган оятларни ташлаб қўяр эдилар. Аммо улар худонинг қаломининг бир қисмини яна бир қисмидан ажратиб бўлмасликни билар эдилар. Расулуллоҳнинг вафотларидан 14 йил ўтган бир замонда Қуръон оятларини радиф этмаган бўлсалар, қандай қилиб ҳозир биз бунга журъат этамиш?

Муҳаммад ибн Муслим Лозиқий

Бизлар ўзаро етишган қарорни сизга эълон қиласман. Садри Исломда қуръоншунослик илми йўқ эди. Ҳар кимнинг Қуръон оятларидан бирор саволи бўлса, тўғридан-тўғри Расулуллоҳга мурожаат қилгани учун бу илмга эҳтиёж сезилмас эди. Қуръон оятларини билиб тушуниш пайғамбаримиз вафотларидан кейин вужудга келди. Мусулмонлар илгари Арабистон ҳудудидан ташқари чиқмаган эдилар. Кейинчалик Шом, Миср, Эронга қадар бориб, араб тилини билмаган қавмлар билан бирлашилганда Қуръонни таржима

қылжыл тушунтиришга түғри келди. Мана бу вақтда араб тиili қоидаси, Қуръон маъносини билдиримоқ учун тафсир илмини ўрганиш, бунинг учун Қуръон матнига жуда яхши тушунмоқ каби мураккаб илмларга ҳожат туғилди.

Шу тариқа Қуръон илми ривожланаёттанига етти юз йил бўлди. Ўша даврдан буён берилган таълим ва тарбия билан уламолар Қуръонни ҳозирги ҳолида таржима ва тафсир қилдилар. Ўша радифга мувофиқ китоблар ёзилди. Дунёга кенг тарқалди. Агар биз яна бир янги радиф чиқаргудек бўлсак, Қуръон мухлисларини иккига бўлиб ташлаймиз. Натижада ҳозирги мавжудини ҳам заифластириб қўямиз.

Шунинг учун Қуръон радифлари ўзгартирилмаглиги керак деган қарорга келдик.

* * *

Уламолар Темурбек чеҳрасида чуқур ўй кўриши.

— Уламоларимизнинг тадқиқлари ва чиқарган хуносаларига қўшиламен. Бу шакл қиёматгача қолади.

Мен, Тангри қули Темур, шуни комил ишонч билан айтаменки, ҳеч вақт, ҳеч ким, ҳеч замонда бунга қарши чиқолмайди. Менинг авлодларим ҳам шу қарорга итоат қилғай. Қуръони Карим оятларини ўзгартироқ Расуулulloҳга хос бўлгани учун унга ҳеч кимнинг қўл теккизмоққа ҳақи йўқ. Ушбу қарорни тасдиқлаш билан ислом донишмандларининг қурултойи хотима топди, деб ҳисоблаймен.

Темурбек қурултой қатнашчиларига катта зиёфат берди. Шундан сўнг уламолар елкаларига зарбоғ тўйнлар ёпилди ва мавқеларига яраша миқдорда олтинлар ҳадя қилинди.

КУЛ ОСТИДАГИ ЧҮР

«Қандай бўлса-да, бир мамлакатда зулм ва ҳақсизлик кўпайса, омманинг тинчлиги ва осойишталиги ни муҳофаза қилиш учун, ҳар қанақа фитначиларни ва қонун бузувчиларни тугатиш учун у мамлакатга ҳужум қилиш керак. Ҳақиқий ҳукмдор ҳар бир қавм ва қабилани уларга зулм қилувчилардан озод этишга ҳуқуқлидир. Ушбу нуқтаи назардан қараб, мен Ҳоросонни фатҳ этдим. Форс, Ироқ, Шом мамлакатларини бўйсундирдим».

«Амир Темур тузуклари»дан.

Қачонлардир, Чингизхон набираси Боту даврида Жўжилар улуси Олтин Ўрданинг пойтахти Волга ирмоғи Оқтўба соҳилида жойлашган эди. Ботунинг укаси Барқу эса Оқбўтанинг бошланадиган баланд яланглигида янги шаҳарни бунёд қилди. Ўзбекхон даврида эса ана шу Барқу қурган шаҳарга Олтин Ўрданинг пойтахти кўчирилди. Шаҳар асосчисининг номига у Барқу-Сарой деб аталди.

Ўзбекхон бежиз пойтахтни бу шаҳарга кўчирмаган эди. Барқу-Сарой Муғулистон, Хитой, Ҳиндистон, Эронга борадиган, иккинчи тарафда эса Крим, Ўрта Ер денгизи ва Ғарбий Европа савдо тармоқларига туташ карвон йўллари чорраҳасига яқин ерларда жойлашган эди. Мағрур Жўжи улусининг пойтахти кони фойда келтирувчи қулай манзилдан ярим дунё билан алоқа ўрнатган. Пойтахт чегараси, маркази қаерда эканлигини илғаш қийин, чунки Барқу-Сарой деворлар билан ўралмаган.

Мўғуллар такаббурона нигоҳ билан қўшниларига ўз қудратларини кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек, биз ҳеч кимдан қўрқмаймиз, ҳеч бир қўшин олдимизга келолмайди дегандек туюларди. Пойтахт аҳолиси юз

йилдан бери ташқи мудофаа деворларисиз яшаб келади. Улар душман отлиқлари туёғи пойтахт останасыга тегишини хаёлларига ҳам келтирмайди.

Ҳамма бу ерга таъзим қилгани келади. Буюк Чингизхон авлоди пойтахтига бош уриб қадам қўяди.

Шаҳарда анҳор, кўл ё қудуқ суви ҳам йўқ. Сувни Оқтўбадан араваларда, катта хумларда келтиришади. Пойтахтнинг ҳар кўчасида катта бозор учрайди. Бу ерда ҳамма нарса сотилади, олинади. Карвонсаройларда доимо одамлар гавжум. Мағрибдан Машриқ-қача бўлган ерлардан келган савдогарлар Барқу-Саройдан сира аримайди. Бозорлардаги энг мўл мол — бу қуллар эди. Шаҳар гўё қуллар омборини эслатади. Зотан ана шу қул савдосидан тушган мўмай даромад Олтин Ўрда хазинасини доимо тўлдириб турарди. Шу ердан олиб кетиладиган қуллар Крим, Генуя, Венеция бозорларида сотилади. Савдогарлар Барқу-Саройда кўпроқ рус қизларини харид қилишади. Рус қизларини улар бир неча баробар нархда чет элларда пуллашади.

Минглаб қуллар лаънатига учраган, минглаб оҳу фарёдларни қаърига сингдирган шаҳарда савдо-сотиқ авжида. Олтин Ўрдага пул керак. Кўпроқ олтин даркор. Тўхтамишон ўз қудратини яна тиклаш учун улкан лашкар тўпламоқда.

Рус князликларидаги босқоқлар бож келтиришмоқда. Биргина Москванинг буюк князи Василий беш минг рубл олтин тўлайди. Литванинг буюк князи ҳам иттифоқчиси Тўхтамишга қурол-яроғ бераяпти. Мовароуннаҳрдан Темурбек қаҳридан қочган ўғри-қароқчилар, порахўрлиги, мансабини суиистеъмол қилгани учун жазоланган, истеъфога чиқарилган мансабдорлар, мингбошию ҳокимлар, аламзода саркардалар ҳам Тўхтамишдан паноҳ истаб Барқу-Саройга келганлар. Олтин Ўрда хони марҳаматли ни-

гоҳини улардан узмай ҳикояларини тинглайди. Уларга илтифот кўрсатиб, зиёфатларига чорлайди. Мақсади Темурбекнинг ҳарбий усуллари, зўр ва заиф томонларини аниқлаш. Шунинг учун Тўхтамиш урушларда собиқ Мовароуннаҳр саркардаларининг ҳикояларини диққат ила тинглайди.

— Султон Аҳмад курдлар ва Озарбайжон суворилари билан Султонияда бизга қарши чиқди, — сўз бошлади Темурбекнинг собиқ мингбошиси, — аммо Соҳибқирон бир зарб ила уни мағлуб этди. Нахчавон, Урён, Тифлис ва Ширвонга бостириб кириб, ғоят катта ўлжа олдик. Арманистон подшоҳи Тоҳиржон машҳур Ван қалъасини вайрон қилганимиздан сўнг бош уриб, Соҳибқирон остонасига келди.

Собиқ мингбошининг кўзларида алам акс этди. Улжасини беркитгани учун Темурбек қаҳрига учраганини эслаб жим қолди.

— Шоҳ Мансур Музаффарий билан жангда Темурбекнинг жони таҳликада қолганини биласизми? — гап бошлади собиқ сарҳант. — Жанубий Форс, Исфахонда беш хонликни бирлаштириб, қудратли қўшин тўплаган бу ҳукмдор Темурбекка қарши туролган мард одам. Потил деган жойда қаттиқ, ғоят даҳшатли уруш бўлди. Шоҳ Мансур ажабтовур усулда сафимизни ёриб ўтиб тўғри Темурбек турган қароргоҳга от чоптирди. Шердек ҳамла билан дуч келган сувори-ю пиёдани йиқитиб, янчиб, Соҳибқирон чодири олдига яқинлашди.

— Хўш, хўш? — Тўхтамиш қизиқсиниб сархангга тикилди, — кейин-чи, кейин?

Шу дейман, қаёқдандир анави тирранча, Темурбекнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо олдида пайдо бўлди. 17 га тўлган бу тирранча тўғри ўзини Шоҳ Мансурга отса бўладими! Иккови қиличбозликка тушиб кетиб, Темурбекнинг атрофида ҳимоя ҳалқаси пайдо

бўлди. Иккови ҳам тоза олишди. Бири шер бўлса, иккинчиси арслон дейсиз! Шоҳрухнинг омади бор экан. Нима бўлди-ю, шарт этиб Шоҳ Мансурнинг боши учиди кетди. Тирранча ўғли отасининг олдига бориб шўрлик Шоҳ Мансурнинг калласини Темурбек оёқларига ташлади. Баралла хитоб билан:

— Ҳамма душманларингизнинг бошлари отингизнинг туёқлари остига мана шундай тушсин, — деди.

— Бас қилинг! — Тўхтамишнинг ранги ўчди. Сарҳанг бош эгиб жим қолди.

— Ҳозир қаёқда у? — ваҳшат ила сўроқлади уни Тўхтамиш.

— Гуржистоннинг Мангул даласида байрам қилишмоқда, — деди синиқ оҳангда сарҳанг.

Тўхтамишнинг қовоғи осилиб, муштлари қисилди. У Волга бўйидаги бундан тўрт йил бурунги базмабайрамни, хор-зор бўлиб ичган қасамини эслади. Кўнглида тугилган қасос чўғини кул босмаган.

У даҳшатли интиқомга зимдан тайёргарлик кўтарди. Шу мақсадда у Литванинг буюк князи Витовт, Миср султони Барқуқ ва Туркиянинг қудратли ҳукмдори Елдирим Боязид билан яширин битим тузди. Ана шунинг учун ҳам Миср султони ҳузурига келган Темурбек элчиси қатл этилган.

— Айни пайт экан, — деди Оқтой нўён, — тўсатдан босиш керак.

— Тўғри, тўғри, — бир овоздан маъқуллашди ўғлонлар, — биз гуноҳимизни ювамиз олдингизда! Конга қон, жонга жон оламиз!

— Туманларим жангга шай, — деди Исабек нўён, — буюр, ҳукмдор!

Оқтой шубҳали нигоҳини унга қаратди. Исабекнинг укаси Эдиқуд-Едигей Темурбек ҳузурида хизмат қилишини у яхши билади. Балки, Исабек Темурнинг жосусидир?

Тўхтамиш ўйга чўмганча мулозимлар ва саркардалар таклифларини эшитар ва ўзича фикр юритарди. У энди ўз қарорини айтишга шошилмас эди. Чунки қароргоҳда ҳам Темурбек жосуслари борлигидан чўчириди. Унинг бу чўчишида жон борлигини Темурбекдан келган элчи ҳам тасдиқлади.

Тўхтамиш улкан қўшинини Шимолий Кавказ сари суриб, қай тариқа жанг бошлаш тўғрисида бош қотираётганида Темурбек ҳузуридан Шамсиддин Олмалиқ бошчилигига элчилар келишди.

Одатдаги элчилик маросимларида қўлланиладиган тафсилотлардан сўнг мақсадга кўчилди.

— Хон нечук катта лашкар билан Кавказга ташриф буюрди? Бу жойларни забт этиб, Гуржистон, Арманистон ва Озарбайжон подшоҳларини тобе этган Соҳибқирон уни чақирмади-ку?

Тўхтамиш унга очиқдан-очиқ мақсадини баён қилди. У қудратда ўзини Темурбекдан кам демас, шунинг учун хоҳлаган жойига, исталган юртга сафар қиласверади.

Шамсиддин тажрибали элчи сифатида одоб саклаган ҳолда музокаралар юрита бошлади. У Темур буйруғини аъло даражада бажариб, вақтдан ютишга интилди. Катта қўшин тўплаган Тўхтамиш жанговар ҳаракатлар режасини пухта ишлаб чиқмагани учун бу музокараларни тўхтатмай, давом эттиришни маъқул кўрди. Яқин мулозими Ўтроқни Темурбек ҳузурига жўнатиб, унинг режаларини аниқлашга уринди. Ўтроқ Мовароуннаҳр аскарларининг кўплиги, юксак интизоми ва уюшқоқлигининг гувоҳи бўлди. Тезда вазифасини бажариб орқага қайтди. Томонлар ўзаро олишувга тараддуд кўра бошладилар.

СҮНГГИ ЖАНГ

Терек дарёсининг ўнг қирғоғида марра эгаллаган Темурбек чап қирғоқда жойлашган Тўхтамиш лашкарига қараб кулди:

— Ов қопқонга ўзи келиб тушгани яхши. Уни излаб юрсанг, овлаш фурсати узоқقا чўзилади. Қари товуқ қарчигайдан қўрқмайди. Агар чигирткада қизил қанот ўсса, у ҳар қадамда ўзини қарғадан ҳимоя қиласди.

— Офарин, Темур, — деди Азизиддин дўстига ҳавас билан термилиб, — лекин ўзингни товуққа ўхшатиб камситма. Сен доимо хўроздсан!

Саркардалар доимо Соҳибқиронга ҳазил қилувчи, кўпинча унга дангал гапириб, юз-хотир қилмайдиган Азизиддиннинг бу сўзларидан кулиб юборишидан ўзларини зўрга тийишиди. Темурбек болаликдаги ўртоғининг ҳар қандай эркалигини кўтариши уларга аён. Қани, унинг қилиқларидан мингдан бирини бошқаси қилиб кўрсинг-чи?

— Ёшлигимиз ҳам дарёдек тез ўтди-кетди, — деди Темурбек қўлини Азизиддин елкасига қўйиб, — қара, қандай тезоқар!

— Аммо сен ўша-ўшасан, Темурбек. Ҳамон шулаънати мўғуллар билан урушасан. Ўттиз йилдан бери...

— Ҳа, Азиз. Лекин бу жанг сўнггиси бўлади.

— Агар яна Тўхтамишга алданмассанг.

— Йўқ, — деди қатъий Темурбек, — унга икки марта ишондим. Энди эса йўқ. Лаънати Олтин Ўрданни нақ пойтахтида илондек бошини янчамен. Бу менинг мўғуллар билан сўнгги жангим бўлади.

Саркардалар эҳтиром ва қизиқиш билан ҳукмдорни тинглашди.

— Соҳибқирон, ижозат берсангиз, қулингизда бир арз бор.

Туманбоши Қутлуг Темур икки қадам юриб таъзим ила бош эгди.

— Сўйлайвер, амир.

— Тўхтамишнинг бошини олиб, сизга тұхфа этиш шарафини қулингизга раво кўрсангиз.

Темурбекнинг чеҳрасида кулгу ййнади:

— Оббо, айёр-е, биламен ниятингни. Аммо бу шарафни биз Эдиқудга берган эдик. Майли, икковингизга ҳам шундай шарафни лойиқ кўурмиз. Зотан голиб Олтин Ўрда тахтига ҳам эга бўлар...

Эдиқуд бошини қуи солиб, қўлини кўксига қўйди:

— Миннатдорман, Соҳибқирон.

Мўғуллардан иборат туман сардори Эдиқуднинг асл мақсади Тўхтамиш ўрнига Олтин Ўрда тахтига ўтириш. Шу мақсадда Темурбек хизматида чаққон. Ақлли, айёр ва жасур бу лашкарбоши ҳийлаю найранг бобида устаси фаранг. У қудратли, келиб чиқиши билан Жўжи улусининг донгдор кишиларидан бўлган, тажрибали саркарда Қутлуг билан беллаша олмаслигини яхши тушунгани учун хўмрайиб турган рақибининг олдига келди.

— Мени рақобатчи деманг, балки буюк мақсадингизни амалга оширишда ёрдамчи деб билинг, хонзодам!

Қутлугнинг юзи ёришди:

— Жанг хусусида андак мuloҳазаларим борки, уни авваламбор сиз билан келишиб, сўнг Соҳибқирон ҳузурида баён қилғаймен.

Орадан кўп ўтмай Эдиқуд билан Қутлуг ҳукмдор чодирига киришди. Темурбек уларнинг режасини қизғин маъқуллади.

Эдиқуднинг укаси Исабек Тўхтамиш қўшинида туман бошлиғи. У мўғул лашкарбошиси Оқтой билан маҳфий равишда келишиб олган. Жанг бош-

ланганда Исабек атайлаб чекинади. Оқтой эса жанжал күтариб, Тўхтамиш қўшинидан ажраб кетади.

Темурбек мўғул аслзодаларининг нифоқидан доимо фойдаланиб келгани учун бу режани ҳам ишга солишни лозим топди. Аммо у мўғул шаҳзода-аслзодаларига тўла ишонмас эди. Тўхтамишнинг хиёнати унга катта сабоқ берган.

Темурбек ўйлагандек, душманнинг ўзи бетоқат бўлиб ҳужум бошлади. 1395 йил 14 апрель тунида Тўхтамиш отлиқлари тўсатдан бостириб келишди. Улар аввалдан эҳтиёт юзасидан қазилган чоҳларга тушиб қолишли. Шунда кутилмаган хиёнат рўй берди. Темур лашкаридаги отлиқ туман бошлиғи, Тўхтамишнинг душмани Ўрусхон ўғли Хонзода ўғлон Кунжа Олтин Ўрда хони тарафига ўтиб кетди. Тўхтамишнинг қўшини яна ўн минг суворига кўпайиб, мўғуллар руҳи кўтарилиб кетди. 15 апрель эрталаб улар ёппасига ҳужумга ўтди. Бу жанг 1391 йилги Қундузчадаги каби тартибга солинмади. Тўхтамиш Темурбек усулини кўллаб, лашкарини етти кул (корпус)га бўлди.

Темурбек лашкарини сафлаётганда Тўхтамиш қўшинининг Кунжа ўғлон, Бек Ёриқ ўғлон, Довуд Сўфи ва Оқтой бошчилигидаги туманлар Мовароуннаҳр лашкарининг сўл қанотига ҳужум бошлади.

Темурбек шунда атрофини ўраб турган эҳтиётдаги кул — корпудан каттагина қисмини ёрдамга ташлади. Мўғуллар атайлаб ўз қўшинларининг марказига чекиниб бордилар ва бирдан орқаларига қайрилиб қарши ҳужумга ташландилар. Ниҳоятда кучли ҳамладан Мовароуннаҳр лашкари тўзиб кетди. Мўғуллар қийқириқ билан Темурбек қароргоҳига ёриб ўтдилар. Соҳибқирон ҳимоясида турган отлиқлар қириб ташланди. Темурбек олдида унинг танмаҳрамлари ва яксуворлардан иборат озгина ҳимоячиларгина қолган эди.

Асосий қүшин бошқарувсиз қолиб, танг вазият вужудга келди.

— Ўтсочарлар, буёкқа!

Темурбек шахсий соқчилари бошлиғи Азизиддин шундай хитоб билан от-аравалардан Темурбек атрофига ҳимоя ҳалқасини вужудга келтирди. Уларда ўтирган жангчилар ҳали ҳеч ким кўрмаган қурол — мушкетларни елкаларига тираганча оловли ўқ ота бошладилар. Жуда яқинлашиб қолган мўгуллар бирин-кетин кўрғошин ўқлардан қулай бошлашди. «Ўт сочувчи найза» деб аталган мушкетлар тинимсиз гумбурлаб турса ҳам ҳужумчилар шашти пасаймас эди.

Ҳукмдор ҳаёти хавф остидалигини пайқаган Шайх Нуриддин Сабуқа биринчи бўлиб Темурбек қароргоҳи сари от солди. У отлиқларига отдан тушиб, камонлардан душманни ўққа тутишни буюрди. Саркарда Муҳаммад Озод ва унинг укаси Алишоҳ пиёда аскарлар билан араваларни бир-бирига боғлаб, иккинчи ҳимоя ҳалқасини ташкил этишиди.

Аллоҳдод, Вафодор каби саркардалар қўшини ҳам Шайх Нуриддин атрофига йиғилишиб, Темурбекни ҳимоя қилишга шошилишди.

Биринчи жангдаёқ ташаббусни қўлига олган Тўхтамиш ҳимояда қолиб кетган, қўшинлари бошқарувини қўлдан чиқариб юборган Темурбекка қарши янги-янги лашкарларни ташлайверди. Мўғул отлиқлари шиддатли ҳужум билан Мовароуннаҳрнинг сараланган жангчиларини бирин-кетин сафдан чиқара бошладилар. Муҳаммад Султон қуршовда қолган бобосига ёрдам учун шошилиб марказий корпуснинг кучли тўдасини ҳужумга бошлади. Аммо унинг ҳужуми мўғулларнинг кучли зарбига учраб барбод бўлди.

Темурбек мушкул аҳволда қолди. У қўшинлар бошқарувини қўлдан берган эди. Энди ягона умид лаш-

карбошилар ташаббуси ва тадбиркорлигига қолди. Узоқ йиллар давомида у билан жуда күп жангларда қатнашган баҳодирлар, доимо таңг вазиятларда ҳам ўзини йўқотмай мустақил иш тутишга кўнинкан, жавобгарликдан чўчимайдиган саркардалар, бутун умрини урушда ўтказиб, баҳтини фақат шунда кўрувчи амирлар бу гал ҳам панд беришмади. Улар жанг ҳалқасини чамалаб, ўзларича мустақил ҳаракат бошладилар.

Амир Ҳудод Ҳусайн пиёдалари билан Кунжа ўғлон ва Оқтой лашкарининг орқасига ўтиб, уларни ўқса тутди. Жаҳоншоҳ ва Хўжа Сайфиддин эса пистирмадан чиқиб, Тўхтамишнинг сўл қанотига тўсатдан ҳужум қилди. Куршов барбод қилинди.

Биринчи кун жанг шундай тугаб, Темур учун жиддий синов бўлди.

Иккинчи кунда ҳам ташабbus мўғуллар тарафида турди. Тўхтамиш сўл қанотидаги Исабек ва Бахши ҳожи корпусларини ҳужумга ташлади. Темур лашкарининг ўнг қанотида турган Хўжа Сайфиддин аскарлари бу ҳужум зарбига дош беролмай орқага чекина бошлашди. Шунда тадбиркор саркарда жанг усулини ўзгартди. Амир отдан тушиб қолтан отлиқларга ҳам шундай қилишни буюрди. Улар қалқонларни олға тутиб, камонлардан ўқ ота бошлашди. Чекинган аскарлар уялиб, яна марраларига қайтишди. Хўжа Сайфиддин жангчилари қалқонни олдга қўйиб, чўккалаб душманни ўқ ёмғирига тутишди. Уларга Жаҳоншоҳ баҳодир ўз тумани билан ёрдамга келди.

Темур ҳожи Оқбуға билан Темурбекнинг набираси Рустам қўмондонлигидаги туманлар ҳам шиддатли жангга киришди. Икки томондан пиёдалар, отлиқлар тутдек тўкила бошлади. Улар гоҳ олға ташланиб, гоҳ чекиниб ҳолдан тоя бошлашди. Иккинчи кун муҳорабаси дуранг натижага олиб келди.

Үша күн кечаси Тұхтамиш чодирига Оқтой кириб келди. У Олтин Үрда лашкари ўңг қаноти қүшинлари бошлиқларидан бўлиб, ўз истеъдоди ва тадбиркорлиги билан бошқа нўёнлардан ажралиб турарди.

— Дарҳол Исадек хоинни тутиб менга топширинг, — деди Оқтой хонга.

Тұхтамиш мулойим оҳангда гап бошлади:

— Бу илтимосингни жантдан кейинга қолдирамиз, Оқтой. Ҳозир оғир аҳволдамиз, ҳисоб-китоб вақти эмас.

— Йўқ, — деди ўжарлик билан Оқтой, — ҳозир шу ишни қиласиз. Бўлмаса амрингиздан чиқиб, сизга итоат этмайман.

Тұхтамиш чўчиб яна уни овута бошлади:

— Оқтой, тушун бизни. Сабр қилгин. Кўряпсан, қандай мушкул аҳволдамиз. Сенинг талабинг кўр одамнинг жарликдан паноҳ исташи билан баробар.

Оқтой индамади. Ҳўмрайганча чодирни тарк этди. Үша кеча у маслакдошлари Ёриқ ўғлон ва Тоштемир ўғлонлар билан биргаликда Тұхтамиш қўшинин ташлаб кетди.

Эдиқуд режаси амалга оширилган эди. Тұхтамиш оғир аҳволда қолди. У ташаббусни қўлга олиш мақсадида қўшинни қайта сафлаб, отлиқларни ва пиёдаларни қанотларга, марказга тақсимлади. Тажрибали саркардаси Ёғлибойни сўл қанотга бош қилди ва жангга ташлади. Темурбек лашкаридан унга қарши Усмон баҳодир юзма-юз бўлди. Икки саркарда қилич уриштириб, яккама-якка олиша бошлади. Баҳодирлар ниҳоят қаттиқ жанг қилишди. Усмон баҳодирнинг қўли баланд келиб, рақиби отдан қулади. Унинг бошини олиш учун кураш қизиб кетди.

Темурбек душманнинг заиф ниқтаси сўл қанот эканлигини фаҳмлаб, зарбдор кучларни худди шу жойга ташлади. Усмон баҳодир қонли жанглар оловида ниҳоят сўл қанотни тўзитиб юборди. Ёғлибой

баҳодир жасадини 800 жангчи ўліклари тагидан чиқарып олишди. Унинг туғға қадалган калласини күрган Олтин Ўрда жангчиларининг руҳи тушиб кетди. Сўл қанот қоча бошлади. Темурбек бутун майдон бўйлаб кенг хужумга ўтиб, душман лашкарини парчалаб юборди. Тўхтамиш лашкаридаги мўғул шаҳзода — ўғлонлари, нўёнлару навкарлар ваҳимага тушиб, ҳар тарафга қоча бошлашди. Уларниң бир гурӯҳи Дон, Днепр ва Кримга, бошқалари Марказий Кавказ тоғларига от қўйди. Тўхтамиш эса ўз яқинлари билан Волганинг қўйи қўлтиғига қочиб, Булғорияга, сўнг Литвага чекинди.

Бу жанг юз эллик йилдан зиёд Русь ерларига хўжайин бўлиб, князларни итоат ва даҳшатда туттган Олтин Ўрда хонлиги қудратига чек қўйиб, унинг умуртқа поғонасини синдирган эди.

ТЕМУРБЕККА СИФИНГАН КНЯЗЬ

«Агар сиз Кремлнинг кўҳна Успения собори саждагоҳига кирсангиз, нигоҳингиз подшо эшиклиарининг чап томонида жавоҳирлар билан безатилган хочга ва унинг атрофида православлар келтирган беҳисоб шамлар ёғдусида порлаб турувчи санамга кўзингиз тушади. Бу муқаддас санам Темур даҳшат билан Дон қирғозларидан Москва томон юрганда Владимирдан келтирилган эди. Унинг қаршисида аждодларимиз ибодат қилишган, унинг рўпарасида русларнинг қайноқ кўз ёшлари тўкилган».

*Н.А.ПОЛЕВОЙ,
XIX асрда яшаган рус адаби.*

Амир Темур лашкари Барқу Саройга ўт қўйиб, пойтахтнинг, даҳшатли Олтин Ўрда пойтахтининг кулини кўкка совурибди. Ҳеч ақл бовар қилмас воқеа! Бу хабар Москванинг буюк князи Василий Дмитриевични ларзага солди.

Бундан ўн икки йил муқаддам у отасининг, Дмитрий Донскойнинг амри билан ўша машъум шаҳарга боярлар ҳамроҳлигида борган эди. Ўша шаҳарда Москва князи манфаатларини ҳимоя қилиш учун уч йил муддат тургани ёдида. Қачонлардир, Ботухон даврида Олтин Ўрда пойтахти Волга ирмоғи Оқтўба соҳилида эди. Ботунинг укаси Барқу эса Оқтўбанинг олд яланглигида янги шаҳар қурди. Ўзбекхон эса худди шу Барқу шаҳрига пойтахтини кўчирди. Чунки Барқу Сарой Мўгулистон, Хитой, Ҳиндистон, Эронга борадиган, иккинчи тарафдан эса Крим, Ўрта ер денгизи ва Фарбий Европага элтадиган йўл ёқасида жойлашган эди. Бу шаҳарда яшаган кезлари Василий унинг деворлари, тўсиқлари, хандаклари мутлақ кўринмаганидан ажабланган. Яна шуниси қизиқ эдик, Барқу Саройда рус шаҳарларида бўлганидек бозор майдони алоҳида ажратилмаган эди. Бозор ҳар қадамда учрайди. Чанг-тўзонли шаҳар ари уясидек фувиллар эди. Гўё ҳамма нарса савдо-сотиқ учун яратилгандек эди.

Барқу Саройда кўпчилик аҳоли савдогарлар бўлиб, шаҳарнинг озчилик қисми муқим яшайди. Жанубий чеккада славян қуллар яшайдиган даҳа. Уларга оила қуриш тақиқланган. Улар ертўлаларда яшайди, шаҳар савдогарларига хизмат қилишади. Улкан қул савдоси қизийдиган шаҳардан озмунча қул ўзга ўлкаларга олиб кетилмаганми? Уларнинг кўпчилиги рус йигит-қизларидан ташкил топган.

Князь Василий ўз кўзи билан неча бор бу қул бозоридаги ҳангомаларни кўрган. Рус қуллари

қаерларга ҳам олиб кетилмади, дейсиз? Хитой пойтахти Хонбалиқдаги хон хизматида турувчи бутун бир полк ана шу руслардан иборат. Улардан неча минги Миср султонлари лашкарида хизматда.

Бахтсиз қуллар лаънатига учраган, минглаб оху фарёдларни қаърига сингдирган Барқу Сарой худо қаҳрига учраши аниқ эди.

Василий Барқу Саройда яшовчи, табиб либосида иш кўрувчи маҳфий даракчиси юборган номани миrzага узатиб, баланд товушда ўқишни буюрди.

« — Давлатпаноҳим, олиҳиммат князга шуни шитоб ила хабар қиласманки, Темурхон ғолиб келиб, Олтин Ўрда тақдири ҳал бўлди. Тўхтамиш қочди, лашкари ҳар ёққа тўзиб кетди. Шаҳарда катта-ю кичик бари ҳалок бўлди. Менинг уйим ҳам култепа бўлди. Ҳаммаёқда қон, ўликлар, Темурхон лашкарлари чигирткадек Волга бўйларини босиб кетди. Ҳеч кимга шафқат қилинмади.

Шуни сизга маълум қиласманки, баланд ҳиммат давлатпаноҳ, Темурхон инсониятга худонинг қаҳрини ўзида ифодалаган куч сифатида юборилганки, унинг олдини тоғлар ҳам тўсолмайди, дарёлар эса тўғаноқ бўлолмайди. Айтишларича, у туғилган кунда осмондан уч юлдуз тушиб, уч бор момақалдироқ гулдираган. Темур океан тубларидан тортиб бутун дунёни забт этишга киришган. Ҳозиргача у Оссурия, Бобил подшоҳликларини, Севастия, Арманистонни эгаллаган. Темур иккинчи Римни ҳам, муҳташам Византияни ҳам истило қилмоқчи. Темур даҳшатли, ғазабда шердек, қаерга оёқ қўйса барчани даҳшатта солади...»

Василий аста чўқиниб қўиди. Темурхон худо юборган офат экан. Демак, уни даф этиш ҳам худодан.

Боярлар билан кенгаш ҳам шундай фикрга келди. Москванинг буюк князи улар билан бирга митрополит Киприан хузурига йўл олишди.

— Энди нима қиласиз, ҳазрат?

Киприан князга оҳиста жавоб қилди:

— Князь, сен худога илтижо қил, унга ўз ташвишингни баён эт. Астойдил ибодат айла. Зотан Парвардигорнинг ўзи бизга юборган балони оғатга гирифтор этишга қодирдир.

— Ҳазрат, — деди қизишиб Василий, — мен олимақом черковимиз, жондан азиз юртимиз душманига қарши шунқорларим билан майдонга чиқмоқчиман.

— Бу мард юрак ноласи, — деди уни қувватлагандек амакиси князь Владимир. — Биз, отанг, раҳматли акам билан қачонлардир душманга қарши белни маҳкам боғлаб, Куликово майдонига чиққан эдик. Манави қўллар Мамай лашкарини тўзитган эди. Аммо икки йилдан сўнг омад биздан юз ўгириди. Тўхтамиш бизни ғафлатда қолдириб, Москвани босиб олди. Минглаб йигит-қизларни қул қилиб, шаҳарни ёндириди. Қайтар дунё экан, манфур Тўхтамишни Темур хонавайрон қилди. Уни Парвардигорнинг қиличи деб бежиз айтишмайди. Биз унга бас келолмаймиз.

— Шуми сиздан кутганим? — деди қизишиб Василий. — Гапингизга қараганда, мен қўлимни қовуштириб, Темур оқсоқнинг келишини кутишим керакми? Менга ёрдамга келаётган полкларга «Орқага қайтинглар. Мен сизларга қўмондан бўлолмайман», — дейишим керакми?

— Ундей эмас, жиян, — деди мулойим оҳангда Владимир, — кучларни тўпла, мудофаага шай тургин, лекин ҳужумкор бўлма. Энг муҳими, жасур князь Кирдяпага ота мерос мулкини қайтар. Шунда у ўз дружинаси билан сенга кўксини қалқон қилгай.

— Жуда тўғри, — қувватлади уни митрополит Киприан, — Нижний Новгород унинг ота мероси. Бу иш худога мақбул.

Князь Василий жаҳл билан амакисига тикилди.

— Йўқ, зинҳор! Москва ҳеч қачон қўлига кирган мулкни эгасига қайтармайди. Шундай бўлган, шундан кейин ҳам шундай қолажак. Сиз ҳам, ҳазрат, мени бу йўлдан қайтаролмайсиз. Симеон Кирдяпя ҳеч қачон Нижний Новгородга, Суздалга эгалик қилмайди. Бу менинг, буюк князнинг сўзи!!!

Митрополит Киприан ажабланиб, князь Владимирига саволомуз тикилди. У эса жиянининг қайсарлигидан ранжиб, чукур хўрсинди.

«Сичқон сифмас инига, ғалвир боғлар думига», деб бежиз айтишмаган. Ҳавфли душман дарвозанг остида турганида яна ўз ичингдан ёв ортиришинг нимаси! Душманни дўст қилиш ўрнига! Тағин кими денг. Симеон Кирдяпани!

Нижний Новгород Кирдяпанинг отаси — Суздал князи Дмитрий Константиновичга қарашли эди. У вафотидан бироз олдин ўғли Симеонга уни хатлаб берган эди. Бу қарорини тасдиқлаш учун Симеонни Олтин Ўрдага ёрлик олишга юборди. Дмитрийнинг укаси — Городец князи Борис ҳам Ўрдага бориб, хондан ана шу шаҳарга эгалик ёрлигини беришни сўради. Борис катта пора эвазига Олтин Ўрда хонидан ёрлиқни олди. Симеон эса нажот истаб Москвага, опаси Евдокиянинг эри Дмитрий Донской ҳузурига келди. Москванинг буюк князи Дмитрий қайнисининг илтимосини бажариб, Борисга қарши қўшин тортди. Борис ўз мулки Городецга қочиб, Нижний Новгородни Симеон эгаллади. Аммо орадан бир йил ўтар-ўтмас Борис яна Олтин Ўрдага бориб, хон амалдорларини кўлга ола бошлади. Ниҳоят ярим йил пойтахт Барқу Саройдаги оворагарчиликлардан сўнг Нижний Новгородга князлик ёрлигини ўз номига ёздиришга муваффақ бўлди. Симеон яна қувфинга учради. Бу вақтда Дмитрий Донской ўлган, опаси Евдокия унга ёр-

дамга ожиз эди. Симеонни Борис амалдорлари ҳибсга олишди. Жасур князь дўстлари ёрдамида қамоқдан қочиб, Олтин Ўрдага бош уриб келди. Аммо Тўхтамиш уни кишангага солди. Москванинг буюк князи Василий Дмитриевич билан катта иттифоқни яхшилаб, Темурга қарши кураш учун Тўхтамиш Борисга ёзилган ёрлиқни йиртиб, Нижний Новгород ва Суздал князликларини Москвага топширди. Тўхтамиш ва Москва ўртасидаги шартномага кўра Симеон Кирдяпа умрининг охиригача Ўрдада банди бўлиб қолиши керак эди. Аммо топқир ва тадбиркор Симеон Кирдяпа Барқу-Саройдан сирли равишда ғойиб бўлибди.

— Князь Владимир!

Василийнинг амирона хитоби кекса князни хаёл гирдобидан чиқарди.

— Сенга, баҳодир амаки, Москва мудофаасига раҳбарликни юклайман. Биз жангда ҳалок бўлсанк Москва тақдирига ўзинг масъулсан. Мен қўшин тўплашга киришаман.

— Ибодат қил, бўтам, ибодат! — ҳайқирди Киприан. — Ёлғиз Парвардигоргина бизни Темурбек балосидан қутқаргай! Зотан Тўхтамишдай саркардани яксон қилган ёвга дош беришга қодир эмассан, князь! Ундан кўра Владимирга чопар юбор. Мўъжизакор Биби Марям хочини келтиришсин.

— Тўғри, тўғри!

— Ҳақ ғапни айтди ҳазрат!

Боярлар хитобидан Василийнинг юзи тундлашди. Йўқ, у ҳеч қачон отаси Дмитрий Донскойдек жасур ва қатъий бўлолмаса керак.

* * *

Темурбек лашкари Волгадан кечиб ўтганда самода ғалати ўзгариш юз берди. Ҳар кун кечқурун ва

эрта тонгда мағриб томонда қизил шафақ күрина бошлади. Рұс руҳонийлари буни фалокат тимсоли дея солномага битишиди.

Улкан лашкар Дон қирғоқлари бўйлаб юраркан, аҳоли ўзини ўрмонга урди. Москва ваҳимада ибодатга тушди. Буюк князь Василий Дмитриевич эса Ока қирғоғида қўшин тўплаш билан овора. Князь Симеон Кирдяпа эса ўзига содик дружинаси билан Москвага юришга тараддуд кўрмоқда. Мушкул вазифа бу. Москвани князь Владимир — Куликово жанги қаҳрамони, Дмитрий Донской саркардаси ҳимоя қиласиди. У билан беллашиш мушкул.

Князь хаёлга чўмиб ўтирганда ҳузурига эски таниши — татар мингбошиси Айтак ташриф буюрди.

Симеон уни илтифот билан қаршилади. Айтак Олтин Ўрдадан қочганда унга ғоят ҳолис хизмат кўрсатган эди.

— Мушкулингни осон қилгали келдим, князь, — деди у, — мен Қутлуғ Темурхонга сени гапириб, ундан таклиф олиб келдим. Отлан!

— Қаёққа? — ажабланиб сўради князь.

— Темурбек ҳузурига борамиз. Соҳибқирон остонасига бош уриб борсанг, ҳимматидан бебаҳра қолмайсан. Мени ҳам кейин қуруқ қўймассан-а, лаббай?

Симеон сұхбат борасида Айтакнинг Темурбек лашкарбошиси Қутлуғ Темурхон туманида мингбoshi бўлиб хизматга олинганини билди. Ундан барчанинг оғзида турган ҳукмдор Темурбек таърифини эшилди.

— Дружинанг, қурол-яроғларинг шу жойда қолсин, — деди Айтак, — сен менинг ҳимоямда кетасан, князь!

Симеон унга ишонди. Индамай отига ўтириб, бу синашта одам орқасидан эргашди.

Сосна, Дон қирғоқлари бўйлаб бир неча чақирим майдон лашкар билан гавжум. Чодирлар, чайлалар, ертўлалар беҳисоб, бир-бирига туташиб кетган. Ўрмон ичкарига қараб кесиб ташланган. Узоқда ёндирилган Ельц шахри харобалари тутамоқда. Пода-пода қўйлар, йилқи уюрлари, туялар. Жой-жойларда кичик-кичик бозорчалар. Ўзаро савдо-сотиқ бормоқда. Беҳисоб гулханлар атрофида навкарлар давра қуришган.

Симеон ҳали ҳеч кўрмаган жангчиларга, уларнинг либослари, қуролларига қизиқиш билан қараб борарди. Осиёлик жангчиларда у ўзига номаълум қурол — ўтсочар мушкетларни, ўзига таниш тўп-тўғанғларни кўрди. Қиличларнинг турлари ҳам уни ҳайратга солди. Дамашқ, Исфахон пўлатидан ясалган. Тошни ҳам кесишига қодир қиличлар.

Ниҳоят улар кўзлаган манзил яқинлашди. Темурбек чодири яққол кўзга ташланди. Тўртбурчак чодирнинг эни юз қадамча, баландлиги уч найза, кўшк шаклидаги ўрта қисми кўк рангли ва одам танаси йўғонлигидаги ўн икки дона олтин устунда турибди. Чодир деворларида катта-кичик ёкут, забаржад ва гавҳарлар порлаб нур таратмоқда. Қимматбаҳо гиламлар кўзни қамаштиради.

Айтак қўлидаги кумуш пайсини кўрган барлос begi қўлини кўксига қўйиб, ичкарига чорлади.

Симеон оёқларига юргурган қалтироқни босиб чодир ичига қадам босди.

Чордана қуриб кўрпачаларда ўтирган кишилар олдида хонтахталар. Уларда турли ноз-неъматлар уюлган. Барваста қоматли бек қўли билан пардани очди. Симеон билан Айтак чодир тўрига қадам босишиди. Бу жой ҳашамати билан кўзни қамаштиради.

— Тиз чўк, — секин шивирлади Айтак. Симеон қаршисида турган, ўтирган кишилар орасида Темур-

бек борлигини тушунди. Тиз чўкиб, бошини қуий солди. Айтак нималарни дир князга шипшиди.

— Темурбек арзингни тинглашга тайёр.

Икки навкар келиб Айтакни, кейин эса князни кўрпачаларга ўтқазди. Ёшгина фулом қўлида обдаста кўтариб, қулларига сув қуиди. Бошқаси эса сочиқ тутди.

Симеон олтин лаганлардаги қовурилган гўштлар, кумуш қадаҳларда жилоланган шароблар, ҳали ҳеч кўзи тушмаган мевалар, ғаройиб таомларни кўраркан, беихтиёр «Минг бир кеча» ҳикояларини эслали. Ҳа, у Хорун-ар-Рашид ҳузурида. Атрофда содик вазир Жаъфар, мулозимлар. У тўш кўрмоқда.

— Соҳибқирон дастурхонга қаранглар демоқда, князь.

Симеон Айтакнинг товушидан ўзига келди. Себин бошини кўтариб, ундан нигоҳини узмай, тўрдаги кўрпачада ёстиқقا ёнбошлаган кишига қаради. Ҳа, у бутун Оврупо, Осиёда донғи кетган, Русни даҳшатга солган Темурбек. Гавдаси келишган, пешонаси очиқ, елкалари кенг, оқиш юзида оч қизил ранг жилоланган. Узун соқоли ўзига ярашган. Овози жарангдор.

— Бу қадаҳни Темурбек соғлиғига ичишинг лозим, князь, — деди Айтак тилмочлик қилиб.

— Жоқу, — деди Темурбек ўша жарангдор товушда, — меҳмонга ўткиридан каттасига қуйиб бер.

Дастурхон амири бўлиб ўтирган туманбоши Жоқу кумуш қадаҳни Айтакка узатди.

— Қоидага кўра ҳаммасини ич, князь, томчиси ҳам қолмасин. Соҳибқирон саломатлиги учун қадаҳ кўтарган одам шундай қилмоғи лозим.

Симеон таги чуқур бундай катта қадаҳда сира ичмаган бўлса ҳам уни дадил қўлига олди. Бу синов. Ундан шараф билан ўтмоғи лозим.

— Баракалла, князь, — Айтак газак қилишга имо қилди, — атрофингда шаҳзода ва саркардалар ўтирганини унутма.

Кутлуғ Темурхон ниманидир гапирди. Сұхбатдошлар кулишди. Симеон овқатдан тотиниб бўлгач, сочиққа артинди.

— Сўйла арзингни, — деди Айтак Темурбек ишорасини англаб.

Симеон ўзини енгил сезди. У мусулмонлар ода-тидаги чуқур маънони англади. Аввал таом, кейин калом. Мехмон ким бўлишидан қатъи назар, ҳурмат-иззат қилинади. Христианлар ўрганса, на-муна олса арзигулик нарсалар кўп экан.

Князни яна бир ҳолат таажжубга солди. Темурбек рус княzlари, бояру руҳонийлар таърифлагандек ёвуз Юлиан, қонхўр Диоклетиан, одамхўр Максимилианга сира ўхшамайди. У ҳозир қаршисида даҳшатли, важоҳатли жаҳонгир эмас, балки урушларда умри ўтиб, оқу қорани таниган буюк жангчини, меҳмондўст мезбонни кўрди. Бировларнинг арз-долини тинглашга эринмас дилкаш одамни ҳис қилди.

Князь бошидан ўтганларни гапирди, Тўхтамишхон ва Москва князидан адолат истаб, кечирган уқубатларини сўйлади. Айтак унинг сўзларини таржима қилди.

Темурбек ўйга чўмганча бу навқирон рус баҳодиригининг дарбадарлик, омадсизлик, мағлубият ва жудоликларга тўла ҳаёти қиссасини тингларкан, беихтиёр ўтиб кетган, энди қайтмас ёшлигини эслади. Бегубор ёшлик! Кучга, ғайратга, шижоат ва умидга бой бебаҳо ёшлик! Эвоҳ, энди у сира қайтмайди!

Симеон нимаси баландир унга тўнғич ўғли Жаҳонгирни, 29 ёшида оламдан ўтган суюкли Ўлжойдан кўрган биринчи фарзандини ёдига солди.

У ҳам қачонлардир тожу таҳт учун курашда ҳукмдорлардан паноҳ ва нажот истаган, кимларгадир ишонган, кўп панд еган.

— Масковда не гаплар ҳозир, ўғлим? — деди Темурбек мулойим оҳангда.

Симеон унинг шафқат ва хайриҳоҳлик билан қилаётган сұхбатидан тоғдек күтарилиған күнгли билан ҳеч нарсаны яширмай, бор ҳақиқатни айтди. Москва ваҳимага тушган. Буюк князь Василий Дмитриевич жангга тараддуд кўриш учун аскар йиғмоқчи бўллаяпти. Аммо мулоғимлари, боярлар кайфияти тушкун. Митрополит Киприан ҳаммани ибодатга унダメоқда. Владимирдан Биби Маряннинг мўъжиза-кор иконасини Москвага келтириб, черковларда ёшу қари ибодат қилмоқда. Куну тун худога нола қилиб, бошга келган оғат — Темурбек балосидан кутқариши сўрашмоқда. Буюк княздан тортиб барча Москва аҳли — фуқароси черковларда нола қилмоқда.

— Насронийлар энди худони эслашибди-да, — кулди Темурбек, — хўш, менинг ҳақимда нима дейишмоқда?

— Айтишга тилим бормайди, улуғ Соҳибқирон, — деди очиқ кўнгил билан Симеон.

Мир Саид Барака ёнида чўкка тушиб, пирнинг хизматида ҳозири нозир турган ўрта ёшлиардаги дарвеш луқма ташлади:

— Аммо биз биламиз буни. Аллоҳнинг шамшири, Соҳибқирони азим Темурбекни москваликлар қадимги Румо ҳукмдорлари бўлмиш ёвуз Юлиан, Диоклетиан, Максимилианларга қиёс этишмоқда.

— Ҳа, — бош иргади Симеон, — яна кўп бемаъни афсоналар ҳам айтишмоқда. Улар ҳам сизга аён бўлса керак?

— Ҳа, — деди даракчилар бошлиғи мағрур. — Малики раҳим, аввалу охир, арши азим, самовату ярат-

гувчиси Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин! У ҳар нарсанни эшиитгувчиидир, ҳар нарсанни билгувчиидир, тавбаларни қабул қилгувчиидир, ҳиммати бениҳоя ҳалимдир, тўзимлидир. Аллоҳи азимга ҳамду санолар бўлсин!

— Ҳамду санолар бўлсин! — бараварига ҳайқириши уламолару амиру саркардалар.

Темурбек пойгакдаги унинг ҳар сўзини қоғозга тушираётган мирзога юзланди.

— Мен, Тангри қули Темур, буюрамен. Туманбоши Қутлуг Темур!

— Шу ердаман, Соҳибқирон!

— Даشتি Қипчоқдаги ҳукмронлигинги хайрли ишдан бошла. Князга унинг ота мерос мулкини қайтариб бер.

— Бош устига, Соҳибқирон.

— Сен, Русь князи, — деди Темурбек ўткир нигоҳини собиқ Нижний Новгород ва Суздал князи Симеон Кирдяпага қадаб, — сени хафа қилган Москвага менинг номимдан бор ва шаҳарни эгалла!

У нигоҳини яна Қутлугга қаратди:

— Мен сени Қипчоқ ерларига, Ёйиқ ва Дон соҳилларига ҳукмдор этиб тайинлаганимни унутмай, адолат билан иш юрит. Рости ва рустий!

— Куч адолатда!!!

— Яшасин адолатпарвар Соҳибқирон!

Қутлуг Темур ва Симеон таъзим ила чодирдан чиққач, Мир Сайд Барака ўрнидан турди:

— Соҳибқироннинг бугунги мурувватлари менга чорёрлардан бири — халифа Умар жаннатмакон ҳазратлари давридаги бир воқеани эслатди. Шаҳар ҳокимиidan зулм кўрган насронийлардан бири халифа Умардан нажот излаб Ироққа келади. Йўлда чанқаб бир кулбага қадам босади. Ичкарида бир чол лой қориб, гувала ясаётган экан. У қўзада сув

тутиб, насроний чанқогини қондиргач, унинг арз-додини тинглайди. Сўнг халифанинг вақтини олмай, ўзи унинг ҳожатини чиқаришини айтади. Гувалага хат битиб, насронийга беради. Уни шахсан шаҳар ҳокимиға элтишни уқтиради. Насроний ҳайрон бўлиб, унинг айтганини қиласди. Ҳоким гуваладаги хатни ўқиб, тиз чўкади. Гувалани юз-кўзига суртиб, халифа амри вожиблиги ни аъёнларига маълум қиласди. Шудақиқадан бошлиб насроний ҳоким қилиб тайинлангани ва ўзи шаҳардан бадарға этилганини айтади. Насроний шундагина лой қорган чол аслида халифа Умар эканлигидан воқиф бўлади.

— Аллоҳнинг карами кенг!

— Аллоҳнинг шамшири Темурбекка ҳамду санолар бўлсин!

Темурбек сафдошлиарининг шодон қийқириқлари тингач, қўлларини кўтарди:

— Эй ғафур, эй раҳим, эй жалол, эй карим, менинг гуноҳларимни ўз фазлу караминг ила кечиргин! Мұхаммад алайҳиссалом ва унинг жами саҳобаларига Тангри таолонинг саловатлари бўлсин!

— Омин! — бараварига фотиҳага қўл кўтаришди саркардалар, амиру уламолар.

Мир Сайд Барака хушовоз билан тиловат бошлади.

БЕШИНЧИ ИҚЛИМ МАМЛАКАТИ

— Бу рус ерида ҳеч барака кўрмаймиз, — деди амир Шайх Нуриддин. Ташқарида уч кундан бери шивалаб ёғаётган ёмғирдан безор бўлган амир Шоҳ Малик ҳам тасдиқ ишорасида бош ирғади.

— Қуруқ ўрмондан бўлак ҳеч вақоси йўқ, — тўнғиллади Шоҳруҳ мирзо.

Чодиргоҳда тўпланган саркардалар Темурбек чеҳрасига тикилганча унинг гапларини пойлашди.

— Барқу Саройда олган ўлжаларингиз етти пуштингизга етиб ортади, — кулди Соҳибқирон, — ёки адашдимми, Азизиддин?

Амир Азизиддин хандон ташлаб кулди:

— Бандасида қанча кўп давлат бўлса кўзига шунча кам кўринур, Соҳибқирон. Аммо яна бир мулоҳаза каминани ўйлантиради. Йигит моли йўлда.

Саркардалар даврасида жонланишни кўрган Темурбек дўстига хайриҳоҳ боқди.

— Ичимдагини топдинг, Азиз. Биз орқага қайтамиз. Она шаҳар Самарқандга!

— Офарин!

— Башорат қилдингиз!

Темурбек ҳамду саноларни тўхтатиб қўл кўтарди:

— Келгуси режамизни пишитайлик, биродарлар. Қани, айтинг ўз мулоҳазаларингизни!

Туманбоши амир Хўжа Юсуф жонланиб ҳайқирди:

— Жанубга юрамиз, Соҳибқирон. Ўша ёқда бизга бой ўлжалар маҳтал.

— Бу совуқ рус тупроғи, изғирин шимол ўлкаси жонга тегди. Жанубга юрамиз, — қувватлади Шайх Нуриддин.

— Агар аниқроқ айтилса-чи, — деди қувлик билан Шоҳ Малик, — айнан жанубнинг қай ўлкасига?

— Бу фақат Соҳибқиронга аёндур...

— Бу падари бузрукворим қўлга киритадиган бешинчи иқлим мамлакати бўлади, — деди одатда камган Мироншоҳ.

Темурбек ҳайрат ила ўғлига саволомуз тикилди. Мироншоҳдан ҳам бамаъни фикр чиқадиган кун бор экан-ку! Балки Парвардигорнинг ўзи унинг кўнглига согландир?

— Ҳиндистон!

Бу хитоб Темурбекнинг суюкли набираси Пирмуҳаммад Мирзодан чиқди.

Соҳибқирон алланечук меҳр ила унга боқди. Бу ўша, бетакрор, суюкли, қадрдон вафодори, дўсти, унугилмас ёстиқдоши, кўз очиб кўрган биринчи ёри Ўлжой кўзлари!

Темурбекнинг чеҳрасида поёнсиз муҳаббат жилваланди.

— Ҳиндистонни забт этсангиз, — давом этди Пирмуҳаммад, — унинг олтину зеб-жавоҳирлари сизни олам султони этгай!

— Ишоолло! Ишоолло!

— Ҳақ гап. Фаришталар омин десин!

Темурбек меҳрли кўзларини набирасидан узмай хаёлга чўмди. Нақадар ўхшаш! Ўлжой ҳам унинг дилидагини топарди. Унинг набираси ҳам кўнглидаги гапни айтди. Олтинда куч кўп. Аммо унинг ўзигина дунёга ҳоким бўлиш учун етарли эмас.

— Ҳинд олтини белга қувват, кўзга нур ва лашкарга мадор бўлғай, — дея гапига якун ясади Пирмуҳаммад.

— Ижозат берсангиз, мен ҳам ожиз мулоҳазаларимни баён этсан.

Темурбек уламолар қаторида ўтирган Мавлонозодага қизиқсиниб қаради.

— Сўйланг, Мавлонозода. Анчадан буён оташ маърузангизга муштоқмиз.

— Кези келганда, гапнинг ўрни бўлганда отангни ҳам аяма, дейишган машойихлар. Пирмуҳаммад Мирзо олтин хусусида билдирган фикрларига андак раддиям бор. Фақат олtingина жаҳонга ҳоким эмас. Лидия шоҳи Крез ҳақида эшитгансиз. Улкан хазинаси билан донғи кетган шоҳ эди. Олтинлари минглаб туяга юқ бўларди. Оқибати не бўлди? Эрон шоҳи Куруш уни енгиб, бутун давлатини ўлжа қилди.

Бағдод халифаси Мұтасим-чи? Хулагухон пойтахтига яқынлашғанда олтінлари күмилгап ҳовузлари-ю хазинадаги лак-лак тиллалари устида ўтириб не күрди? Оқибатда нобакор мүғул хони барчасини форат этиб, халифани ит азобида ўлимга дучор этди.

Алалхусус, камина мозийдан келтирған мисол билан шул фикрни айтгайман. Олтинга эътиқод күйган, инсоғ-диёнатни унуган Парвардигор қаҳрига учрагай.

— Қиссадан ҳисса не?

Амир Рустамнинг саволига Мавлонозода табасум ила жавоб қилди:

— Қиссадан ҳисса шулки, Соҳибқиронимиз салоҳияти, лашкари тажрибаси ва сиз каби ботир баҳодирлари кучи ҳар қандай олтіндан құдратлидир.

— Офарин, Мавлонозода!

Уламолар ўртасида жонланиш бошланди. Улар бирин-кетин Амир Темур құдратини күрсатған воқеаларни завқ-шавқ ила ҳикоя қила бошлашди. Буларнинг орасида машхури Парвардигорнинг Соҳибқиронга инояти ҳақидаги ҳазрати Убайдулло воқеаси эди. Бир куни масжиддаги йиғинда у: «Темур қонхұр түрк, у күп одамни қириб ташлади. Унинг шаһниңға дуо ўқиб бўлмайди!» деб баралла айтади. Шундан сўнг ҳазрат кечаси ғалати туш кўриб, кўрқиб кетади. Эртасига Темурбекнинг қабулига қириб, унга бу тушини ҳикоя қилади. Ҳазрат тушида пайғамбаримиз Мұҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламни ва унинг ёнида ўтирган Темурбекни кўрибди. Убайдулло пайғамбаримизга уч марта таъзим қилиб салом беради. Лекин пайғамбаримиз унга қиё ҳам боқмай, саломига алик ҳам олмайди. Бундан ғоят талваса ва изтиробга тушған Убайдулло чуқур дард ила нола қилади:

— Эй, расулуллоҳ! Мен сенинг шариатинг хизматчисиман. Темурбек эса күп одамни қириб юбор-

ган қонхүр. Лекин сен унга қараб, менга аҳамият ҳам бермайсан!

Пайғамбаримиз ана шундай нолага жавобан Убайдуллого чехрасини қаратади:

— Ҳа, филҳақиқат, Темурбекнинг амри билан кўп одамлар ҳалок бўлди. Лекин у ўзининг бу гуноҳини менинг авлодларимга бўлган ҳурмат-эҳтироми билан ювди. Шунинг учун, шубҳасиз, халқ бундай ҳокимни дуо қилиши шарт.

Ҳазрат Убайдулло шундай дея Темурбекдан кечирим сўради ва унинг оташин муҳлиси ва ҳурматли пирларидан бирига айланди.

Уламолар шайх Зайниддин Абу Бакр Тойбодий билан боғлиқ воқеани ҳам чукур қониқиш ила эслашди.

Хуросоннинг Ҳарируд дарёси соҳилидаги қишлоқлардан бирида яшовчи шайх Зайниддин 1381 йили олдига келган Темурбек элчилари арзини эшишиб, жуда қалтис гап айтади:

— Агар мен Темурбекка керак бўлсам, ўзи олдимга келсин.

Элчилар ғоят ажабланиб, хавотирлик билан унинг жавобини Соҳибқиронга етказишиди. Аммо Амир Темур шайхнинг бундай бетгачопар жавобидан ғазабланмади. Мулозимлари ҳамроҳлигига шайх ҳузурига борди. Одоб ила унинг олдида тиз чўкди. Донги бутун ислом оламига кетган Соҳибқироннинг камтарлиги, уламоларга бўлган ҳурмат-эътиборидан ғоят таъсирланган шайх Зайниддин унинг елкасига қўлини қўйди.

Уламолар ва олиму фузалоларнинг ўз шаънига айтган мақтовлари ва ҳамду санолари қўнглини ёқимли қитиқласа ҳам Темурбек саркардалари олдида бундай гапларга чек қўйишни лозим топиб, оҳиста сўз бошлади:

— Аҳли уламо! Энди андак Тангри қули Темур сўзини эшигинг. Фан ва унинг машҳур кишилари

ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келгандар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишга менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суиистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳаммадан кўра сизларга аёндир. Шулар ҳақида маълумот берсангиз, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўлурди.

Уламолар Соҳибқироннинг бу даъватига жавобан тезда юртдаги адолатсизликлар ҳақида унга маълумотлар келтира бошлайдилар.

Биринчи шикоят Самарқанд шаҳрининг бош мироби устидан тушади, у сув тақсимлашда бойларга ён босиб, ўз вазифасини суиистеъмол қилган. Камбағалларга пора эвазигагина сув очган.

Темурбек гувоҳларни чақиради. Айловни саййидлар ҳам тасдиқлашади.

— Олиб боринг! — ҳукм чиқаради Темурбек.

Бош мироб жаллодга топширилиб, боши танасидан жудо этилади.

Темурбек ҷодиргоҳидаги ўша ёмғирли кунда Ҳиндистонга юришга боғлиқ ҳарбий кенгаш бир қарорга келди. Бешинчи иқлим мамлакати Соҳибқирон қўшини томонидан забт этилмоғи лозим.

ТАҲЛИКАЛИ ҚУРОЛ

Ҳиротдан Кобулгача чўзилган Fўр ўлкасида Мовароуннаҳр сарбозларига қароқчилар ҳужум қилиб, икки юз эллик кишини ўлдиргани ҳақида-ги хабар Темурбекни ғоят ҳаяжонга солди. Дарак-чилар маълумотларига кўра қароқчиларнинг бошлиғи ўлка подшоҳи Абдол Гилзойй экан. Яна шуниси маълум бўлди, уларда даҳшатли бир қурол бор экан.

Ошпичоқ шаклида ясалган оғир бу қурол талвор экан. Гилзоийлар қўлидаги талвор жуда хавфли, унинг кескин ва оғирлигидан зарба еган киши иккинчи оёққа туролмайди. Бу хабарлардаги ҳақиқат Ферузобод остонасидаги жангда ошкор бўлди. Мовароуннаҳр лашкарида моҳир найзабозлар бўлгани учун Темурбек уларни илгарига юборди. Ўзи ҳам қўлига узун найза олди.

Гилзоийлар қўшини доира шаклини олган эди. Темурбек улар устига от қўйганида кутилмаган ҳол юз берди.

Темурбек рўпарасига келган сарбозга найзасини тўғрилаганда у бир нарсани унга отди. У совутга тегиб ерга жаранглаб тушди. Темурбек найзаси унга санчилди. Шу вақт у отлиқлари бирин-кетин от устидан мункиб ерга ағдарилаётганини кўрди. Гилзоийлар ниманидир отлиқларга отиб, уларни от устидан ерга ағдарар эди. Талвор дегани ўроқ шаклидаги бир ҳалқа бўлиб, ҳалқанинг бир чеккасидан ингичка занжир боғланган. Занжирнинг бир уни гилзоийнинг қўлида, яна бир уни отлиқлар томон отилиб, улар баданига санчилмоқда. Сўнгра у гилзоий ўз қўлидаги занжирни тортиб, отлиқларни ерга ағдариб ҳалок қилмоқда. Талвор бир зарба билан одамни икки нимта қилмоқда. Бундай қуролга Темурбек ҳали

сира дуч келмаган эди. У дарҳол лашкарга орқага қайтишга имо қилди. У тушундикি, агар совути бўлмаганда муқаррар отдан ағдариilar эди. Мана энди 250 сарбозининг битта қолмай ҳалок бўлгани сири очилди. Лашкарга зудлик билан темир либос кийдириш лозим.

Гилзоийлар майдонни тарк этаётган рақибларини хотиржам кузатиб, доира шаклидаги сафларини бузмай, жойларида мағрур туришар эди.

Темурбек машварат чақириб, хатарлик талвор занжирли ҳалқаларни ишдан чиқариш учун қандай чора кўриш ҳақида фикр сўради. Биринчи бўлиб сўзни Латиф мингбоши олди:

— Нима учун бизда боруд бўла туриб душманнинг талвор ва ҳалқасидан андиша қиласиз? Фикримча, уларнинг оёқлари остида борудни портлатиш керак.

Саркардалар ажабланиб, бу қирқ ёшлардаги тажрибали мингбоши таклифидан ажабланишди. Шу вақтгача боруд — пороҳдан деворларни ағдаришда фойдаланиб келишмоқда. Аммо жангда ундан сира фойдаланишмаган. Латиф мингбоши уларнинг фикрини тушуниб чарм ҳалтага боруд солди, унга пилик ўрнатиб ўт ёқди. Сўнг душман тараф деб тахмин қилинган жойга отди. Мудҳиш бир овоз атрофни тутди. Портлаш тўлқини ҳар қандай одамни ерга ағдариши мумкинлиги аён бўлди.

Чарм ҳалталар ҳозирланиб, бари боруд билан тўлдирилди. Кеч тушмасдан душман устига бостириш хусусида келишилди.

Сарбозлар пиликларга ўт туташтириб, гилзоийлар томон улоқтира бошлишди. Баъзи ҳолда портлаш кутилмаганда рўй бериб, лашкарга зарар етказди. Аммо борудли ҳалталар гилзоийлар сафини бузиб, улар ўртасида даҳшат уйғотди. Доира шакли-

даги сафлари тўзиди. Ана шунда уларнинг заиф томонлари билиниб қолди. Отлиқлари йўқлиги ҳам уларга панд берди. Темурбек отлиқлари ҳамласи бошланганда, найза ва қиличлар ишга тушганда душман аскарлари қочишни бошлади.

Ферузобод қалъаси мудофаачилари қаршилиги синдирилди. Ёўр подшоҳи кўча жангларида яраланиб, асирга олинди.

Темур шаҳар халқи қаршиликсиз таслим бўлса уларга афвнома эълон қилишини билдиргандан сўнг уруш тугади.

Абдол Гилзой ўзини дадил тутиб Темурбекка, унинг саволларига қўрқмай жавоб бера бошлади:

— Сарбозларингни ўлдирганмен. Агар сен бугунги урушда ўт ишлатмаганингда, бутун сарбозларингни ўлдириб ташлардим, сенинг кесилган бошинг шу соатда кўз олдимда турган бўлар эди.

— Нима учун сарбозларимни ўлдирединг?

— Мен Амир Темур деб жаҳонга шуҳрати кетган одамнинг сарбозларини ўлдирганимда қандай лаззат ҳис қилишимни ўйлаб, уларни ўлдиредим.

— Сен, Абдол Гилзой, шерюрак киши бўлсанг ҳам қисқа ўйлар экансан. Бугун устингдан ғалаба қозондим. Шаҳарни қатлиом қилмадим. Аҳоли молларини таламадим. Ҳалқ жонига, молига, номусига тегилмасин, эҳтиром қилинсин, дея амр қилдим.

Ёўр подшосининг юзида нафрат ва таҳқир акс этди.

— Бу гапларни ўз шон-шуҳратинг учун айтаяпсан. Агар сен халқимга шафқат қилмаганингда шаҳардаги гилзоийлар шу кечадаёқ барча сарбозларингни қириб ташлар эди.

Темурбек мажруҳ ҳолда бўлса ҳам унга дадил гапираётган кишига ичидан таҳсин ўқиб, босик ҳолда суҳбатни давом эттириди:

— Сен, подшоҳ, шариат амрига хилоф тарзда икки юз эллик нафар аскарларимни бегуноҳ ўлдирганинг, давлатлар орасидаги қўшничилик ва уруш қонунларига қарши жаллодлик қилганинг учун яна бир марта ўлиминг тасдиқланади. Сенинг устингдан шундай хукм чиқарилишига қарамай, баъзи шартларимни қабул қилсанг, ўлимдан ҳалос бўласан.

— Қандай шартлар? — деди масхараомуз Fўр подшоҳи.

— Ҳар йили хирож тўлаб турасен. Бундан кейин хорижий ишларда менга итоат қиласен. Гилзоий қўшинига менда хизмат қилишига ижозат берасен.

— Шартларингни қабул қилмаймен. Тезроқ мени ўлимга буюравер.

— Тузукроқ ўйлаб кўришинг учун эрта тонгтча мұхлат берамен.

Абдол Гилзоий қатъий жавоб қилди:

— Менга минг йил мұхлат берсанг ҳам шартларингни қабул қилолмайман. Мени ўлдирсанг, билиб қўй, бу мамлакатда шундай тоифалар борки, улар менинг учун сендан ўч олиб, бутун қўшинингни еб юборадилар. Бу мамлакат халқидан қочиб қутула олмайсан.

— Танангга яхши ўйлаб кўр. Эртагача фурсат.

Fўр подшосини олиб чиқишгач, Темурбек машварат чақирди. Унда жанг якунлари мұҳокама қилиниб, ўзини кўрсатган лашкарбошилар тақдирланди. Латиф мингбоши амир рутбасига кўтарилди. Уруш вақтида чарм ҳалта ўрнига кўзачага боруд солиб палахмонда уни душманга отган сарбоз юзбошиликка кўтарилди. Унинг кашфиёти лашкарда кенг қўлланышга қарор қилинди. Fўр подшосининг тақдиди хусусида ҳам фикрлар тингланди.

— Уни душмандан дўстга айлантиromoқ мақбул, — деди ҳарбий масалалар бўйича вазир Маҳмуд Шаҳобиддин.

Насриддин Аромир ҳам бу таклифни маъқуллади. Эртасига Абдол Гилзойй яна ўз қарорида қатъий тургани маълум бўлди.

— Такроран айтаман. Мен сенга хирож тўламайман. Итоат ҳам қилмайман.

Ғўр подшоси ўз ўлимини бўйнига олган ҳолда сўзлаши саркардалар ўртасида унга ҳурмат уйғотди. Темурбек буни яхши тушунди.

— Унда мен сенга дўстлик шартномасини таклиф қиласмен.

Ғўр подшоси унга ҳайрат ила тикилди.

— Қандай дўстлик?

— Яқин орада мен Ҳиндистон сари юрамен. Менга сенга ўхшаш ботир ҳукмдорнинг шерюрак жангчилари керак. Уларни ўз қўшиним сафига олмоқчи мен.

— Агар дўстликни таклиф қиласанг, уни мамнуният билан қабул қиласмен. Сен чиндан ҳам улуғ жаҳонгир ва олиҳиммат инсон сифатида мени мафтун қилдинг. Биз, афғонлар, дўстлик нималигини яхши биламиз. Ана шу дўстликни исбот қилишинг учун асирга тушган йигитларимни озод қиласан.

— Бу шартингни қабул қиласмен. Лекин менинг ҳам бир шартим бор. Сарбозларингга амр қиласанг, менинг аскарларимга ҳалқа ташламоқни ўргатсинлар.

Абдол Гилзойй чеҳрасида ўйинқароқ табассум кўринди:

— Сен ҳам ўз аскарларингга амр берсанг, боруд ясаш ва ишлатиш усуllibарини менинг аскарларимга ўргатишин.

Саркардалар Ғўр подшосининг бундай таклифидан гаранг бўлиб қолишиди. Муқаррар ўлимдан халос бўлган одам яна ўз шартини айтишга ҳам журъат қилди.

Темурбек унга тасдиқ ишорасида бош ирғади. Фўр қўшинидек жанговар қўшин иттифоқчи бўлар экан, икки таҳликали қурол бирлашар экан, бунинг нимаси ёмон? Соҳибқирон ҳақ. У қудратли душманни содиқ иттифоқчига айлантирди. Олдиндаги урушларда Фўр подшоси лашкари уларга жуда асқатади. Кейинги воқеалар эса Соҳибқироннинг фикрлари нақадар буюк эканлигини исботлайди.

СИРЛИ ШИФОКОР

Хурросон юртини тарқ этиб кетаётган қўшин кутилмаган фалокатга йўлиқди. Авангорда бораётган отлиқлар бир неча гурӯҳ одамларга тўқнаш келди. Улар айғоқчи ё қароқчи тўдалари эмас, балки қочқинлар экан. Уларнинг кўрқинчли важоҳатларидан ҳам хабарлари даҳшатли эди. Хурмуз, Амора, Монанд, Сайф, Сурӯ ноҳияларида вабо тарқалиди.

Темурбекнинг буйруғи билан қўшин юришини тезлаштириб, касаллик минтақасини четлаб ўта бошлади. Аммо Форс ўлкаси ғолиб Мовароуннаҳр лашкарини вабо балосига дучор қилди. «Дори Абжард» мавзесида ҳордиққа тўхтаган сарбозларда касаллик аломатлари пайдо бўлди. Уларда бош оғрифи ва иситма кучайди.

Темурбек беморларни шу жойда қолдириб, сөгларини тезроқ бу мавzedан олиб чиқиш хусусида кўмонлонларга кўрсатмалар бергач, ўзида ҳам ноҳуш аломат сезди.

— Вабонинг давоси ҳозиргача кашф қилинмаган, — леган эди табиблар сардори, — унга йўлиқканлар ўлади ёки ўзича тузалиб кетади. Бундайлар камдан-кам учрайди.

Намозшомдан сўнг кечқурунги таомга ўтирган Темурбек қўққисдан вужудида совуқ титроқ сезди. Кўп

ўтмай у иситмага айланди. Биш оғриғи кучайди. Табиб унга гиёхлардан тайёрланган дорини ичирди. Сүнг тошларни қиздириб, бир тоғорага қўйди. Темурбекнинг бошига қалин нарсалар ташлаб тошга сув сепди. Кўтарилиган буғ бошланаётган дарднинг олдини олиши лозим эди. Бир муддат терлагандан сўнг беморга яна шу ҳолат — буғга димланиш тақрорланди.

Иситма анча пасайгач, Темурбек уйқуга кетди. Саҳарда уйғонгандан эса яна иситма ва биш оғриғи бошланди.

— Вабога йўлиқдимми, эй табиб?

Темурбекнинг бу саволига табиб жавоб бермади. Бошини қўйи солди.

— Мен, Тангри қули Темур, ўлимдан қўрқмаймен. Аллоҳ таоло «ҳар бир жон ўлимни тотғусидир», деб хабар берганини тасдиқлаймен. Дунёга келган пайғамбарлар, подшолар ўлди, мен ҳам бир куни ўламен. Фақат майдонда ўлмадим, деб афсусланамен.

Табиб қўрқув ичра бошини кўтарди. Секин шивирлади:

— Сизнинг касалингиз ҳам сарбозлардаги навдан дур.

Темурбек ҳолсизланиб, кўзларини юмди. У куни кечагина хасталикка учраган беморларни «Дори Абжарл»да ташлаб, вабодан сақланмоқ учун чора кўрган эди. Бугун эса ўзи ҳам шу дардга мубтало бўлиб ўтирибди. Энди ўзи ҳам ўша сарбозлар каби шу жойда қолиши ва лашкарини Самарқандга зудлик билан жўнатиши даркор. Унинг бу фикрини эшигтан лашкарбошилар даҳшатга тушишди. Улар ўзлари сифинган ва чин дилдан содиқ бўлган саркардаларисиз ҳаётларини сира тасаввур қила олмас эдилар.

Учинчи кун Темурбек қўлтиғига чиққан шиш товланиб, қаттиқ иситма берди. Унинг танасидан чиқа-

ётган ҳароратга табиблар ҳам дош беролмадилар. Ҳаётида биринчи бор Темурбек ўзини билолмай алахлай бошлади. У ўзини гоҳ туғилган қўрғончасида, гоҳ Самарқандда ва гоҳ Балхда кўрар эди. Вафот этган ота-онаси, опаси, жангларда ҳалок бўлган сафдошлари кўз олдида жонланар ва унга нималарни дир гапиришар эди. У биринчи севгилиси Ўлжойнинг дард тўла илтижоли кўзларини кўрди.

Темурбек қўлтиғи тагидаги бўртманинг оғриғидан кўзини очди. Оғриқ шундай кучли эдики, шу кунгача у қилич-у найза, гурзи зарбида ҳам бундай оғриқни ҳис қилмаган эди.

Наҳотки паймонам тўлган бўлса? Ҳали олдинда қилинмаган қандай ишлар турибди? Наҳот шундоқ ўлиб кетаверса, ҳамма банда қатори? Ахир у оддий одам эмас, Соҳибқирон-ку! Шунча йиллардан бери уни пойлаб келаётган ажал уни шундоқ олиб кеталими?

Темурбек ҳолсизланиб, яна кўзларини юмди. У унсиз Аллоҳга илтижо қилиб, ўзига яна умр беришни, халқи учун, юрти учун, дорулсалтнатни учун эзгу ва савоб ишлар қиласхагини айтарди. У дилидагиларни яратгувчига баён қилган сари оғриқ кучсизлана бошлади. Қулоғига кимнингдир «Ёрилди, ёрилди» деган хитоби эшитилгандек бўлди. Қандайдир мўйсафиднинг товуши эшитилди. У қўлидаги косани оғзига яқинлаштирганини сезди.

— Ич буни, Темурбек! Дардинг шифо топғай.

Бу товуш унга ғоят таниш эди.

— Хизр бува!

Сесканиб кўзини очди. Қархисида чиндан ҳам бир чол ўтиради.

— Шишингиз тарқалди, амирим. Энди, иншооллоҳ, кучга кирасиз.

Кимнингдир ўша таниш овози яна қулоқларида янгради:

— Бу чолнинг асалидан ол. Дардинг шифо топади, Темурбек!

Ўша, ўша! Ҳайқириб юборгиси келди. Хизр алайхиссалом! Иккинчи бор унга йўлиқаяпти.

Чол ўзи билан олиб келган кўзани унинг олдига кўйиб, чиқиб кетганини ҳам сезмади. Кўзада чиндан ҳам асал борлигини кўриб, ҳайрати яна ошди. Тушими ё ўнгими?

У гуломини чорлаб, ўзига асал едириб қўйишни буюрди. Асал чунонам тотли, гул анқийди. Танасига сингтан сари қўлларида қувват сеза бошлади.

— Чол қани? — сўради Темурбек руҳи енгиллашиб.

— Қанақа чол? — ажабланди гулом. — Ҳузурингизга табиблардан бўлак ҳеч ким кирмади.

Шубҳасиз, бу Хизр бува! Яна тақдир гаройиботига дуч келмоқда. Ажабо, олдинда уни яна қандай ажойиботлар кутмоқда экан?

— Ҳиндистон! — эшитилди жавоб тариқасила яна ўша таниш, халоскор товуш.

ПАТАНДАГИ ХАТАР

Амир Темур лашкари Патан жилғасига етганда күн тоғ орқасига ўтган бўлса ҳам атроф ёруғ эди. Икки тарафдаги баланд тоғларнинг этаги нишоб эмас, жилғага аста-аста пасайиб келган. Қайси тарафга қаралмасин, тоғлар, бирор томондан ўтиб кетадиган сўқмоқ йўл кўринмайди.

Темурбек тоғ этагидаги баландликка чодирини тикишни буюрди. Бутун лашкарни ҳам баландликдан жой эгаллашини тайинлади. Қоронги тушганда барча тунги уйқуга чўмди. Фақат Темурбекнинг кўзига уйқу келмас эди. Мана, ниҳоят у бешинчи иқлим

мамлакати — Ҳиндистон сари сафар бошлади. Юз йигирма минг кишилик қўшин унга пухта тайёрланди. Улардан йигирма минги Fўр подшосининг жангари аффонларидан — талворли гилзорийлардан иборат. Юз йигирма минг лашкарни боқиш ва таъминлашнинг ўзи бўлмайди. У Самарқанддан жўнаш вақтида Аллоҳга мурожаатини эслади:

— Эй Аллоҳим! Ўзингга маълум, мен қилич, найза ва ўлимдан қўрқмаймен. Эр одамнинг ётоги уруш майдони бўлганини шараф деб биламен. Ироданг билан ўлмасдан саломат келсам, сенга ибодат қилмоқ учун бу шаҳарда улуғ масжид бино қиласмен.

Гуриллаган бир овоздан Темурбек дарҳол оёққа турди. Чодирдан ташқарида турган соқчилар сергак атрофга қулоқ осганлар. Осмонда момақалдироқ гумбурлаб, чақмоқ чақди.

— Карнай-сурнайлар чалинсин, — деди Темурбек уларга, — отлар ва сарбозлар тоғ этагидаги баландликка чиқишин!

Давомли момақалдироқ ва чақмоқлар бу кечада баҳор ёмғири келишидан дарак берарди. Темурбекнинг кўнглида безовталик уйғонди.

Шивалаб ёға бошлаган ёмғир катта сел бўлиб лашкарни босиши мумкин. Бу сел улар кирган жилға орқали дашти Патанга кириб тўпланса катта ҳовуз ташкил қилиб, кўл сувида лашкарни ғарқ қилиш хавфи бор. Чиндан ҳам пайдо бўлган сел оқими лашкар турган жилғага қўшила бошлади. Сув тобора юқорилаб бормоқда. Аммо лашкар бахтига ёмғир қуймасдан от-аскарлар баландликка кўтарилиб олинган эди. Ой нурида дарёга айланиб қолган Патан жилғаси ажиб бир манзара ташкил қилган эди. Тонготарга яқин ёмғир тўхтаб, булутлар тарқай бошлади. Энди қўшин аҳволини аниқлаш имкони туғилди. Талафотлар йўқ. Аммо кўпгина сафар анжомлари сув тагида

қолган. Уларнинг орасида Темурнинг кўчма масжиди ҳам бор эди.

Патандаги ёмғир шуни кўрсатдики, баҳор мавсумида қароргоҳни чуқурликларда қурмаслик керак.

Лашкар йўлга тушди. Хайбар довонидан ошиб, Патанлар яшайдиган қишлоққа етишли. Кенг кўкракли, соchlари сариқ, кўзлари кўк одамларнинг ҳар бири қилич осган. Патан жамоаси минтақа атрофидаги қабилаларга сира ўхшамас экан.

Даракчилардан бири келтирган хабар Темурбекни ҳайратга солди.

— Бу одамлар оқсоқоли уларнинг аждодлари осмондан тушиб, шу ерда муқим туриб қолишганини айтди. Гаплари жиддий. Исботлари ҳам бор эмиш, улуғ амир.

Темурбек жиддий тусда даракчига боқди.

— Ўша оқсоқолнинг олдига бошла бизни. Оқсоқолнинг уйи узоқ эмас эди.

Темурбек суюкли набираси Улуғбек ва танмаҳрамлари билан шинамгина ҳовлига кирди. Унинг келишидан огоҳлантирилган оқсоқол каттагина меҳмонхонасини уларга шайлаб қўйган.

Темурбек барваста қомат, соч-соқоллари оқарган бўлса ҳам кўзлари йигитларни кидек чақнаб турган оқсоқолга синчков нигоҳини тикди. Бу одамни бошқалардан ажратиб турадиган сифатларни ахтарди. Дастурхонда анвойи мевалар.

— Келишингиз боиси менга аён, — деди оқсоқол ёқимли табассум билан, — биз билан бошқа аҳоли ўртасида қандай фарқ борлигига қизиқмоқдасиз, Соҳибқирон.

У соғ форсча гапирди. Сўнг туркча сўзида давом этди.

— Мен қаршимда сайёralар паноҳидаги — ҳар саккиз асрда бир дунёга келувчи инсонни кўрмоқдамен.

Оқсоқол нигоҳини Улубекка қаратди:

— Бу бола пешонасида эса юлдузлар жилваланмокда. У мунахжимлик илмида соҳибқирон бўлади.

Темурбекнинг оқсоқолнинг гапларига қизиқиши кучайди.

— Буларни қаердан биласен, эй муҳтарам зот? Форсий-туркий тилни билишинг-чи?

— Қадимда олис сайёрадан учиб келган бобокалонларимизда келажакни билиш, фикрни уқиш ва масофага узатиш қобилиятлари бўлган.

Ерлашиб бу жойда турғунланиб кетишгандан сўнг асрлар ўтгач, бундай фазилатлар йўқола борди. Биз бобокалонларимиздан айрим илмларни сақлаб қолганимиз.

— Масалан, нимани?

— Ёмғир ёғдиришни, Соҳибқирон.

— Қани, шу ҳунарингни ҳозир, ҳаво очиқлигига кўрсата оласанми?

Оқсоқол ёнида қўл қовуштириб турган хизматкори қулоғига ниманидир шипшиди. У ҳам нималарнидир деди.

— Таомдан сўнг намойиш қиласмен.

Темурбек дастурхонга тортилаётган таомлар у ёқтирадиганлар эканини кўрди. Мана, тойчоқ гўштидан тайёрланган тандир кабоб. Қимиз. Суюқ увра. Турли гиёҳу дориворлар солинган шўрва. Оқсоқол унинг диди ва майлини фикр уқиш қобилияти или пайқаган.

Фотиҳадан сўнг оқсоқол уларни бир хонага бошлиди. Унда турли ғаройиб ҳайкаллар қад ростлаган. Хона тўрида ипак мато ёпилган тошни кўришди.

Оқсоқол ўзича нималарнидир пичирлаб тошни кўтарди.

— Ҳозир ёмғир ёғади, Соҳибқирон.

У тошни ҳовли саҳнига қўйиб, матони кўтарди.
Ундан аллақандай нур тараларди. Кўп ўтмай ҳаво бу-
лутланиб чақмоқ чақнади. Момақалдироқ янгради.

Темурбек шаррос қуйиб берган ёмғирга қараб ўйга
чўмди.

— Эй улуғ киши, — деди оқсоқолга эҳтиром билан, — энди ёмғирни тўхтатинг.

Оқсоқол бош эгиб ҳовлига чиқди. Аста қўлидаги
матони тошга ёпиб, ичкарига кирди. Яна нималар-
нидир пичирлаб уни жойига қўйди.

Улуғбек билан Темурбек қизиқиш ила ташқарига
нигоҳларини тикишди. Ёмғир тўхтай бошлади. Ҳаво
очилиб кетди.

— Бу не сир-саноат?

Оқсоқол яна таъзим ичра жавоб қайтарди:

— Саволингизга савол, Соҳибқирон. Сиз қай та-
риқа ва қандай қилиб Ҳофизи Қуръон бўлдингиз?
Кейингиси. Минг йил аввал араб қавмини ҳеч ким
билмаган. Пайғамбаримиз дунёга келди-ю, уларни
дунё таниди. Икки аср илгари мўгул кимлигини ба-
шарият билмади. Чингизхон келди-ю, дунё титради.
Юз йил аввал Кеш билан Самарқанд ҳақида дунё
бехабар эди. Сиз салтанатга келдингизу дунё таниди
уларни. Сабаб?

— Чунки бобом юлдузлар қирони соҳиб-ул-
қирон! — беихтиёр хитоб этди Улуғбек ва кўзлари
оқсоқолга тўқнашиб жимиб қолди.

— Араблар ҳам, мўғуллар ҳам тарих саҳнасидан
тушиб кетди, шаҳзодам. Бирон асрдан сўнг уларни
ҳеч ким танимайдиган бўлади. Аммо Соҳибқирон
юлдузи сўнмайди. Унинг салтанати довруғи асрдан
асрга кўчаверади.

Чунки бобонгиз самовият олами билан биз каби
богланган.

Шунинг учун унинг нури сира сўнмайди.

ФОЙИБДАН КЕЛГАН ОВОЗ

Офтоб қиёмига келганды Луни қалъаси күринди. Бу қалъа ҳам Маратх каби бир тепа устига қурилган эди. Иккисини ҳам бир меъмор яратгани аниқ. Уни забт этиш ҳам худди аввалгисидек анча машаққат туғдириши ва күп вақт олишини Темурбек яхши тушунди. У қалъани қамал қилишга лашкаридаги энг ёш мингбоши Сайд Ваққосни йўллади. Ўзи асосий қўшин билан олға юриш учун қулай йўл излашга Fўr подшоси йигитларини юборди.

Қалъа мудофаачиларини чалғитиш учун барча чоралар кўрилди. Бунда асосий оғирлик Сайд Ваққос зиммасига тушди. Ўн саккиз баҳорини қаршилаган бу қўмондон Темурбек режасини жон қулоғи билан эшилти.

— Ўғлим, — деди Темурбек унга меҳрли нигоҳини тикиб, — сен Шоҳрухнинг укаси сифатида чинакам шаҳзода эканлигингни кўрсатадиган фурсат келди. Лашкинг билан бу қалъани қуршаб оласен. То мендан фармон келмагунча жойингдан жилмайсен.

Чодир ичига кириб келган Fўr подшоси уларнинг сұхбатини бўлди.

— Қулай ўтиш жойи топилди, — деди Абдол Гилзойи аҳборот тарзида, — сарбозларингизнинг бир қисми қалъанинг шарқ тарафига ўтди.

— Жуда соз, — деди Темурбек қарсак чалиб. Хос соқчилар бошлиғи ҳозир бўлгач, унга қўмондонларни чодирга чақиришни буюрди. Амирлар, туманбoshiлар зудлик ила машваратга тўпланишди. Саломаликлардан сўнг Темурбек сафдошларига бирма-бир кўз югуртди. Амир Азизиддин ҳамон ўша-ўша жойини эгаллаб ўтирибди. Ҳамма турганда ҳам у ўтиришга ҳақли. Бу ҳукуқдан у қанча йиллар давомида фойдаланиб келди. Амир Шоҳ Малик, Шайх Нурид-

дин, Мұхаммад Озод, Жоқу барлос — ҳамма синалған саркардалар унинг сўзига маҳтал.

Ўз-ўзидан гуурп ва юксак масъулият туйғуси унинг қалбини қитиқлаб ўтди. У аста ўз режасини баён қила бошлади. Луни қалъаси қамалига бир қисм лашкар қолдирилди. Қолганлар яна йўлда давом этади. Аммо душман буни билмаслиги даркор. Шундай қилиш лозимки, гўё барча қўшин қамал ишлари билан банд. Чодирларнинг бари шу ерда қолади. Қалъа кутволи Кортор анойи одам эмас. Уни чалғитиш қийин. Шунинг учун дарҳол қалъа деворлари остига нақаб ковлаш ишлари бошлансан. Бунда барча қўшин иштироки таъминлансан. Хўш, кимда қандай таклиф бор?

Саркардалар бир-бирларига маъноли қараб қўйиши. Уларни ҳозир қўпроқ бир нарса қизиқтирадар эди. Хўш, Луни қалъаси қамали ва уни забт этишга қолдириладиган қўшинга ким тайинланади? Қайси донгдор туманбоши ё амир? Юксак ишонч қуши кимнинг елкасига қўнаркан? Барчани ана шу савол ҳаяжонга соларди. Амир Мұхаммад Озод, Шайх Нуридин, Рустам, Жаҳоншоҳ, Аллоҳдод, Шайх Мұхаммад Ику Темур, Султон Ҳусайн Баҳодир, Фиёсiddин Тархон каби донгдор туманбоши саркардаларнинг ҳар бири ўзларини шундай шарафга лойик, лея интиқиб Соҳибқирон қарорини кутишмоқда.

— Бу ерда ким қолади? — деди шаҳзода Халил Султон ёнида ўтирган Шоҳруҳ Мирзога нигоҳ ташлаб. Одатда Темурбек катта қўшинга қўмондонликни ўғиллари ёки набираларига топширишини барча биларди.

— Бугун мен туманбоши унвонига кўтарган Сайд Ваққос, — деди Темур.

Чодирга сукут, ҳайрат сукути чўкди. Ўн саккиз ёшли бу йигит қачонлардир ҳалок бўлган Темурбекнинг эски сафдошининг ўғли эканлиги ва уни

Соҳибқирон ўз фарзандидек ардоқлашини саркардалар билишади. Аммо шундоқ ёши улуғ ва тажрибали қўмондонлар турганида унинг танлангани ажабтовур ҳол эди.

— Ўғлим, — деди гапида давом этиб Темурбек шодон чехра Саид Ваққосга қаратса, — агар қалъя олинмай ортга қайтганинг хабарини эшитсан, оғринаман, хафа бўламан. Шуни ёдда яхши тут.

— Хўп бўлади, ота! Юзингизни ерга қаратмайман. Уялмайсиз мендан!

Машварат тунда қалъани тарқ этишга қарор қилиб, ҳамма чодирдан чиқиб кетгач, Темурбек имоси билан Саид Ваққос жойида тўхтади.

— Рақибинг хавфли одам, ўғлим. У ҳинд лашкарбошилари ўртасида ўзининг жасурлиги ва айёрлиги билан таниқли экан.

Яна шуни билгилки, қалъага ёрдам учун ташқаридан мадад келиб қолиши мумкин.

— Ота, — хитоб қилди Саид Ваққос, — хотиржам бўлинг. Ўғлингиздан халқ қандай мардоналик кутган бўлса, ўшани амалга ошираман. Еру кўкдан келган душман билан урушмоққа ҳозирман.

Темурбек уни бағрига босди.

— Отанг мени ўлимдан сақлаб, ўзи ҳалок бўлди. Унинг хотираси ва ҳурмати учун сени фарзандим дедим. Ота сифатида айттурмен. Бу жангл минтақасида сенинг ўлганинг хабари келса у бағримни оғритмайди. Аммо кўрқоқлик қилганинг хусусидаги хабар менинг қаддимни букади.

Саид Ваққос ёшли кўзларини унга қаратди:

— Ундан кўра шаҳид ўлганим бўлсин, ота. Қадингиз букилмайди.

У чиқиб кетгач, Темурбек кўрпачага ёнбошлади. Кўзларини бир зум юмганида қулогига ғойибдан товуш келди:

— Темур! Ўғлингни сүнгги марта кўрдинг. Энди сира кўрмайсан.

ИЛОН ҚАЛЪА СОҚЧИЛАРИ

Маратх ва Луни қалъалари баландликка қурилган бўлса Жумба-Илон қалъа эса бир жилгада экан.

Мовароуннаҳр лашкари қалъа остонасида ҳали ҳеч кўрилмаган манзарага дуч келди. Ҳисор устида эркаклар эмас, хотинлар юрибди. Қўлларида эса на қилич, на найза. Улар пастдаги сарбозларга нималарнидир қичқиришади. Фарфона, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкентнинг қизиққон йигитлари эса уларга жавобан қийқириқлар қилишади. Кўркам ва жозибали ҳинди қизу жувонларнинг нималар деяётганини тушуниш қийин.

Қалъанинг атрофида сувсиз бир хандақ. Кўприги бузиб ташланган.

Темурбек бу манзарави кўриб бир қарорга келди. Дарҳол шотилар тайёрлашга киришилсин. Қалъа атрофида чодирлар тикилсин.

Ҳамма ишга киришиб кетди. Сарбозлардан тортиб мингбошиларгача ўзларича қулишар, аҳён-аҳён ҳисор устига қараб қўйишарди. Қоронғи туша бошлиди. Хотинлар ҳам кўздан ғойиб бўлди.

Душман қаерда ўзи? Наҳот у ҳисорда юрган аёллар? Эҳтиёт чорасидан чодирлар атрофига ўтлар ёқилмади. Хуфтон намозини ўқиган Темурбек истироҳат учун чодирига кирди. Уйкуси келмади. Совутларини кийиб, белига қиличини боғлади. Лашкар аҳволидан хабар олиш учун ташқарига чиқди. Тун. Соқчилар сергак юришибди. Ўрдugoҳ томон юриб бораркан, орқасидан келаётган танмаҳраму хос навкарлари ҳам сергак эканлигидан мамнун бўлди.

Ўрдugoҳ жануби тарафидан қандайдир товуш келди. Ҳайбатли чинқириқ ўрдugoҳ ичидан эшитилди. Ке-

йин чинқириқлар күпайиб, дод-фарёдларга қүшилиб кетди. Кейин юзбошиларнинг «Ҳазир бўлинглар», мингбошиларнинг эса «Ўтлар ёқилсин!» деган буйруқлари янгради.

— Илонлар, илонлар!

Ҳар ёқдан ўрмалаб келаётган илонлар машъала нурида кўзга ташланди. Темурнинг соқчилари ўзлари томон ҳамлага ҳозирланган илонларни кўришди. Қиличлар ишга тушди. Илонлар чор атроф ёруғида орқага қочишга тушишди. Юзлаб газандалар чопиб ташланди.

Барча энди илонларни бошлаб келган душманлар келишини кутиб, туни билан мижжа қоқишимади. Кўпчилик қатори Темурбек ҳам ухлай олмади. У ҳаммадан ҳам кўпроқ найча илон заҳрини ўз тажрибасида синаб кўрган эди. Илон чаққан сарбозларнинг дод-фарёдлари ҳам қулоқقا чалинмоқда. Табиблар илонларнинг заҳарини олишмоқда. Бу заҳар беморларга даво бўлади. Бош табиб Насриддин Умар шундай дейди.

Тонг отганда тайёрланган нарвонлар деворларга тиркалди. Ҳужум бошланди. Ҳисор устидаги хотинлар кўринмади.

Сарбозлар қатори Темурбек ҳам қалъа ичига тушди. Ҳисор билан ўтиладиган уйлар орасида бўш майдон кўринди. Қалъа ичидаги саккиз жойда мавжуд бундай бўш майдон нимага хизмат қиласди? Бўш майдонда чаёнлар кўринди. Улар ўрмалар, деворга чиқолмай пастга думалашарди. Чаёнзор майдоннинг бошқа тарафида хотинлар кўринди. Сарбозлар ичидаги таржимон уларга гап отди. Ўзаро гаплашишди. Маълум бўлишича, қалъада эркаклар йўқ, хотинлар Вишну худосига сифинадиган Браhma жамоатига мансуб. Илонларни улар қўйиб юборишган. Газандалар ҳисор билан ўтиладиган майдонда ўрмалашмоқда.

Хотинлар хитобидан сүнг илонлар ҳужумга ўтиб, бир неча сарбозларни чақишиди.

Темурбек амри билан порох-боруд солингган күзачалар илонлар устига отила бошланди. Хотинлар фарёд солиб таслим бўлишларини билдиришиди. Портлашлар илонларни парчалабгина қолмай хотинларга ҳам даҳшат солган эди. Асирга тушган ҳинди хотинлар бу қалъани шу кунгача ҳеч ким ололмаганини айтиб, илонлар қалъанинг асосий соқчилари эканлиги ва улар шу мақсадда қалъада боқилганини маълум қилишиди.

Темурбек лашкари улар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишиди. Браhma аёллари шўх сарбозларга энди душман кўзи билан эмас, балки аёл кўзи билан қарашди.

СИРЛИ ШАРОБ

Лашкар ҳеч қаерда қаршиликка учрамай, Квита сultonлиги ҳудудига етди. Йўл-йўлакай учраган қавмлар мусулмон бўлгани учун Мовароуннаҳр қўшини йўлига ғов бўлмади. Квита сultonни Темурбекни ўз қасрига таклиф қилди. Сulton Абдуллоҳ Воли ал-Мулк соч-соқоли оқарган, улуғ ёшдаги одам эди. Қуюқ зиёфатдан сүнг у сафар мақсадини англағач, бош чайқади:

— Эй улуғвор амир, бу сафардан воз қечсангиз яхши. Биламан, Ҳиндистонни забт этишга қодирсиз, лекин йўлингизни тўсадиган бир бало борки, уни енгиш мушкул.

— Қандай бало экан у?

— Вабо.

— Мен Форсда унга учраганмен. Ҳинд вабосидан ҳам қўрқмаймен.

— Такрор айтаман, улуғ амир. Ҳиндистон вабоси ўз халқига таъсир қилмайди. Мусофир кишиларга юқади.

Темурбек бош чайқаб, фикри ва аҳди қатыйй эканлигини билдириди. Султондан Деҳлига бориш йўлларини сўради.

— Мултон йўлидан борасиз. Ҳиндистон Мултондан кейин бошланади.

Чиндан ҳам лашкар бу жойга етганида Темурбек султон гапларидағи ҳақиқатни англади. Жангал ичидағи Мултон замини турли қўкатлар билан қопланган. Бу шаҳардаги уйлар худди Озарбойжондаги Боерга ўхшаб, бир-биридан узоқ курилган. Мултон султони Темурбек истиқболига пешвоз чиқиб, унга иззат-хурматини кўрсатиб, кечки таомга таклиф қилди.

— Деҳлига боргунча йўлингиз устида учта буюк қалъя учрайди, — деди Султон, — Маратх, Луни, Жамна. Уларни эгалласангиз, Деҳлига қадам қўйдим деяверинг.

— Уларни четлаб ўтса бўлмайдими?

— Йўқ. Шимолда ботқоқликлар, жанубда жангаллар йўл бермайди.

Уларнинг сұхбатлари узоқ ва давомли бўлди. Султон меҳмонхонасидаги тўшакка ёнбошлаган. Темурбекнинг кўзига уйқу келмади. У султондан олинган зарур ахборот ҳақида бош қотирар эди. Бирдан кулоғига синган дараҳтнинг овози келди. У қўлига қиличини олиб, ташқарига чиқди. Том устида турган соқчилар ҳам тўхтамаётган овозлардан ҳайратда. Ҳаво очиқ, осмонда юлдузлар чараклаб турибди. Шамол ё бўрондан асар йўқ. Боғдан ажиб ҳидлар таралмоқда. Кўкатлар, дориворлар ҳиди. Шуниси қизиқ эдики, мезбонларнинг биронтаси уйғонмаган.

— Илонлар! — ҳайқирди соқчилар. Боғ заминида мингларча илонлар ғимирлар, уларнинг бир-

бирларига тўқнашишларидан ўша овозлар чиқар эди.

Саҳар шабадаси эсгунга қадар илонлар ҳаракати давом этди. Сўнг улар секин-секин жўнаб кета бошлидилар. Бу воқеага соқчилар шовқинидан уйғонган Мултон султони изоҳ берди:

— Бу жойларда ҳар кун кечаси илонлар айланиб юришади, ҳашаротларни ейишади, катталари кичкина илонларни ҳам ея беришади. Уларга ҳеч ким халал бермаса ҳужум қилишмайди. Шаҳарда ҳеч ким кечаси ташқарига чиқмайди. Илонлар уй ичига киришмайди.

— Демак, ҳар куни барча уйларда илон ўйини бўлар экан-да?

— Балли, улуғ амир. Сиз ҳали йўлда жангалларда бундан ҳам қизиқ томошаларни кўрасиз.

Темурбек Мултондан жўнаб жангалзорларга етишганда дараҳтлар устида чинқираётган мингларча маймунларни кўришди.

— Бу маймунлар орасида одамхўрлари ҳам бор.

Лашкар беш кун йўл босса ҳам жангалларнинг кети кўринмади. Маймунлардан бўлак бу жойларда бирон жонзот учрамади. Жангол олтинчи куни тугаб, олдинда ботқоқликлар кўринди. Улардан ўтиш ҳам лашкарнинг тинкасини қуритди. Сарбозлар чарчоқ нималигини билмай, сафларида бардош билан кетаётган кекса ҳукмдорларига ҳурмат билан қараб, ундан ўrnak олиб, олға босардилар. Нихоят, Маратх қалъаси кўзга ташланди. Қалъа олди қуруқлик. Аммо унинг шимол ва жануб тарафи ботқоқликлар.

Лашкарга тўхташга амр этилди. Чор атрофда беҳисоб чодирлар қад кўтара бошлиди.

Темурбек чодирига лашкарбошиларни чақирди. Узоқ йиллардан бери у билан беҳисоб жангу жадал-

ларда бирга бўлган сафдошларига бирма-бир разм ташлаб, аста сўз бошлади:

— Бу кунгача биз урушган ўлкаларда филни учратмаганмиз. Энди эса мухолифларимизнинг асосий қуроли бўлган бу маҳлукларга дуч келамиз. Фил шундай ҳайвонки, ҳўқиз бўлиб шохи йўқ, от бўлиб туёғи йўқ, кўкат ейдиган ҳайвон. Сузмоққа шохи, тепмоққа туёғи бўлмаган бу ҳайвондан қўрқмаслик керак. Филни урушга лойиқ нарсаси йўқ, фақат жуссанси катта, хартуми узун. Бир қилич зарби ила хартумини кесиб ташлаш ё жароҳатлаш мумкин. Урилган қилич ёки найза билан филнинг қорни ёрилади. Шунинг учун сарбозларингизга фил билан урушмоқ усуулларини ўргатиб қўясизлар. Яна шуни айтиш лозимки, сарбозларимиз филни оёқлари остига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлсинлар. Кучли қиличбозларимиз бир зарба билан филнинг тиззасини ишдан чиқаришлари мумкин. Сарбозларга яна шуни ҳам билдириб қўйиш лозимки, улар ишлатиб юрган тепувчи отлар, шохи билан сузуви хўқизлар филдан ҳам хатарли. Фил устига кажава ортиб, унинг ичидаги неча нафар ўқчилар ҳам бўлади. Булар сизларга қараб келар экан, уларнинг хавфи арава устида келиб турган ўқчилар хатаридан озроқ. Чунки араваний йўқотмоқдан филни йўқотиш осондир. Хусусан, сиз каби Темир кийинган кишилар ҳеч қўрқмаса ҳам бўлади.

Темурбек унинг гапларини дикқат билан тинглаётган Fўр подшоси Абдол Гилзоийга нигоҳини қаратди:

— Сенинг талворли сарбозларинг бу фил урушида бошқалардан кўра яхши иш қила олади.

Лашкарбошилар эрталабдан машққа тушиши. Маратх қалъаси атрофи жанг майдонини эслатар эди. Темурбек одат бўйича қалъа бошлиғи — кутвол Алар

ширга элчи юбориб, таслим бўлишни таклиф қилди. Рад жавоби олингач, қалъани қамал қилиш ишлари бошланди. Баланд тоққа қурилган қалъа деворларини портлатиш учун нақаб қазиш лозим. Аммо қалъа мудофаачилари яқинлашган сарбозларга тош ёғдира бошлади. Бу манзарани кўриб турган Fўр подшоси Темурбекка юзланди:

— Тоғнинг тепасига сарбозларни тошдан сақлаш учун бир неча жойга уй ёпиб бериш керак. Улар уйни паноҳ қилиб, нақаб кавлашлари мумкин.

Бу фикрда жон бор эди. Сарбозлар тундан фойдаланиб керакли нарсаларни тепага чиқариб қўйишиди. Сўнг қалъа атрофида бир неча бурж кура бошлашди. Бутун кўриниш бурж солаётган каби кўрсатилиб уй ичидан нақаб кавланиши пардаланди. Бу ҳийлани қалъадагилар сезмай, асосий диққатларини бурж кураётган бинокорларга қаратиб, уларга манжанакўлардан тош ёғдира бошлашди. Баъзи уйлар бир томони бузилди. Сарбозлар уларни кечаси билан тузатиб, яна баландроқ қилиб қўйишар эди. Тонг отгандан сўнг улар пастга тушишар эди. Бу вақтларда эса Шер Баҳром Марвозий бошлиқ муҳандислар икки тарафдан нақаб қазиш ишларини бажаришар эди. Сарбозлар бурж ичидаги нақабдан чиққан тупроқларни кечаси пастга олиб тушириб, душман назаридан йўқ қиласарди.

Бир куни Темурбек буржалардан бирининг устига оқ байроқ ташлаттирди. Сўнг унинг устига чиқиб, қалъа кутволини чақирди. Кутвол кўриниб, у билан кўзлари тўқнашди.

— Сени бир ботир киши деб биламен. Шунинг учун сенга таслим бўлишни таклиф қиламен. Икки тарафдан қон тўкилмасин десанг таслим бўл. Сенга олий мансаб бериб, дўстимга айлантирамен.

Кутвол қаҳқаҳа отиб кулди:

— Агар таслим бўлмасам-чи?

— Қалъани олганимдан кейин сени темир қафас-
га солиб ўтда күйдирисен.

Кутвол Алашир яна қаҳқаҳа отиб қулди:

— Эй Темур Кўрагон! Биз ҳиндилар ўлганимиз-
дан кейин руҳимиз жаннатга кўчсин дея күйдирис-
ламиз. Агар бирон киши тирик күйдириса жаннат-
да мартабаси янада зиёда бўлади.

Кутвол ва унинг аскарлари астойдил жангга тай-
ёрликларини билиш қийин эмас эди. Қамалнинг
қирқинчи куни муҳандис Шер Баҳром нақаблар тай-
ёрлиги ҳақида ахборот бергач, Темурбек эрта тонг
 билан порох тўлдирилган нақабларнинг пилигига ўт
 олдиришни буюрди.

Портлаш шу қадар кучли бўлдики, худди зилзи-
ладек атроф гумбурлаб ларзага келди. Қалъанинг
икки девори қулаб тушди. Ҳиндилар умрларида би-
ринчи марта порохга дуч келганларидан довдираб
қолишли. Портлаш уларнинг эс-хушларини олиб
кўйди.

Мовароуннаҳр лашкари қалъага шиддатли
хужум бошлади. Ҳиндилар даста-даста бўлиб тас-
лим бўлишили. Алашир ҳам асирга олинди. Уни те-
мир қафасга солиб тахланган ўт ғарами устига
кўйишили.

— Сен чиндан ҳам мард ва жасур киши экан-
сен, — деди Темурбек, — истагинг бўйича ўтда куя-
сен. Шафқат сўрамайсанми?

— Эй Темур Кўрагон! Биз ҳиндилар оқибат куя-
миз. Тирик күйдирисам нирванада баланд мартаба-
га кўтарилиман.

— Сен чиндан ҳам жаннатингда юксак мартабага
лойиқсен. Ўтни ёқинг!

Шамол эсиб тургани учун ўт тезда аланга ола
бошлади. Аммо кўп ўтмай бирдан момақалдироқ гул-
дираб, шаррос ёмғир қуя бошлади. Ўт ўчди.

Бу Аллоҳ иродаси эмасмикан, деган фикр Темурбекда уйғонди. Унинг ёдига Лидия подшоҳи Крез билан бўлган воқеа тушди. Уни асир олган форслар катта ўтин ғарами устига чиқаришиб, тагидан ўт кўйишади. Ривоятга кўра, Крез худога нола қилиб, ибодатлари ва кўп эҳсонлари эвазига уни ўлимдан халос этишни сўраган. Шунда жала қуйиб ўтни ўчиради. Даҳшатга тушган Форс подшоҳи Куруш Крезни озод қилибгина қолмай, уни ўз мулозимлари қаторига олади. Бу воқеа бундан бир минг етти юз йилча муқаддам бўлиб ўтган, лекин тарих саҳифасига муҳрланиб қолган. Бугун ҳам шундай сирли воқеа кўз ўнгидаги содир бўлди.

Темурбек ўз ҳаётидаги бундай сирли жумбоқларга кўнишиб кетган бўлса ҳам, бугунги ҳодиса унга ғалати таъсир қилди. Бу, шубҳасиз, доимо уни қўллаб-қувватлаб келаётган Аллоҳнинг унга ишораси. Бўлмаса эсиб турган шамол бирдан тўхтаб, жала қуйиб берадими?

— Аллаширни қафасдан озод қилиб, қалъага қамаб қўйинг.

У мингга яқин аскарни қалъада қолдириб, Луни қалъаси томон юришга амр қилди.

ЭДИҚУДНИНГ ФОЯСИ

Князь Симеон Кирдяпа довруқли амирлашкар Эдиқуднинг ҳар бир сўзини қоғозга ҳафсала ила ёзарди. Буғдойранг, ўрта бўй, миқти гавдали Эдиқуд эса шахсий мирзосига айланган Симеонга муҳим хатни ёздиаркан, беихтиёр дунё ишларидаги ғалати жумбоқлар, тақдир ўйини ва қисмат занжирни ҳақида ўйлаб қолди. Ўйламай ҳам бўладими? Бундан йигирма икки йил муқаддам у, 25 баҳорни қаршилаган манғит зодагони — Қумкент қалъаси ҳокими Кут-

лүг Қабонинг ўғли Эдиқуд Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темурбек хизматига кирди. Ўша, унугли мас 1377 йилда машхур Ўрусхон набираси Қутлуғ Темур ҳам у билан бирга эди. Улар Темурбек саройида Тўхтамишни ҳам кўришди. Уч йигит ўзаро дўстлашиб, Соҳибқирон қўшинида хизмат қила бошлишди. Ўша, шиддатли ёшликнинг суронли давридаги жангларда улар бой тажриба орттириб, амир унвонини олишиди.

Тўхтамиш дўстлари Эдиқуд ва Қутлуғ Темурдан Олтин Ўрда тахтини эгаллаш учун курашда ёрдам сўради. Улар рози бўлиб, Тўхтамишнинг ҳарбий юришларида қатнашишиди. У Оқ Ўрда ва Олтин Ўрда тахтини эгаллаганда эса чин юракдан қувонишди.

Амир Тўхтамиш эса хон бўлиб олгач, дўстлари амир Эдиқуд билан амир Қутлуғ Темурга тегишли ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмади. Бу кўрнамакликдан фазабланган амирлар Тўхтамишхон саройини тарқ этишиди. Улар яна Амир Темур ҳузурига қайтишиди.

Ўзларига кўп меҳрибонлик ва муруват кўрсатган Соҳибқиронга астойдил хизмат қилишди. Собиқ дўстлари — эндиликда эса ашаддий душманлари бўлмиш Тўхтамишга қарши юришларда Темурбек тарафида турган ҳолда чинакамига жанг қилишди. Кейин эса Соҳибқирон фатвосини олган ҳолда ўз баҳт ва омадларини синаш учун Олтин Ўрда тахти учун кураш бошланди. Тўхтамиш ва унинг ўғиллари билан 15 марта жанг қилиб, охири ғалаба қозонишди. Қутлуғ Темурхон ниҳоят Олтин Ўрда хони, Эдиқуд эса унинг содиқ амирлашқари бўлди.

— Ёзинг, князъ, ёзинг, — деди Эдиқуд Симеон Кирдяпага мулойим боқиб, — шундоқ ёзингки, Литванинг буюк князи қўйнига қандоқ илонни солганини билиб олсин.

Кумуш тахтда савлат тўкиб ўтирган Қутлуғ Темурхон бош ирғаб, амирлашкар фикрларини тасдиқлади. У хонликнинг барча ишларини бежиз дўсти измига топширмаган. Чунки довруқли Эдиқуд ақли ўткир, қалби сахий, ўта зийрак ва фаросатли. Амирлашкар зуқко табиати, олиму фузалолардан тортиб фақир кишиларгача барча тоифа вакиллари билан тез тил топишли. Базму зиёфатларнинг эса тенги йўқ амини у!

Эдиқуднинг йигирма ўели бор. Дўсти шундай сер-фарзанд. Улар ҳозир Олтин Ўрдага қарашли вилоятларда ҳоким — ноиблик қилишмоқда.

— Бу хатни, — деди Қутлуғ Темур Эдиқудга маъноли нигоҳ ташлаб, — шахсан князнинг ўзи Литвага элтиб, Витовтга топширсин.

— Ҳа, — маъқуллади Эдиқуд ва Симеонни кетишга ишора қилди. Князь чиқиб кетгач, хонга нигоҳини қаратди:

— Менда бир ажиб ғоя бор, дўстим.

— Қулоғим сенда, дўстим, — деди қизиқсиниб Қутлуғ Темурхон.

ЛИТВА КНЯЗИНИНГ ХОМХАЁЛИ

Тожу тахти ва қўшинидан ажраган Тўхтамиш паноҳ истаб Литвага келди. У бу ерда аскар тўплаб яна Олтин Ўрда тахтини эгаллашни орзу қилган эди.

Литванинг буюк князи Витовт уни иззат-икром билан кутиб олди. Қуюқ зиёфатдан сўнг Витовт асл мақсадига кўчди:

— Тўхтамишхон! Мушкул аҳволдалигинг менга маълум. Аммо мен сента, омадингга ишонаман.

— Раҳмат, буюк князь. Мен ҳам сенинг марҳаматинг ва мурувватингга ишонаман. Менга лашкар бер.

Витовт шароб тўла қадаҳни унга узатди:

— Ич буни, Тўхтамиш. Сұхбатимиз узоқ бўлади.
Зиёфат охирида Витовт Тўхтамишга князь Симеон Кирдяпанинг Кутлуг Темурдан келтирган хатини кўрсатди.

— Бу фоний дунё ишлари қизиқ, — деб ёзилган эди унда, — бугун хон бўлсам, эртага қочоқ бир кимса бўлишим мумкин. Ҳозирча бой бўлсам, эртага балки гадо бўлурмен. Бугун дўстларим кўп бўлса, эртага шунча душманларим пайдо бўлур. Тўхтамиш иккимиз учун ҳам бегона киши. Алалхусус, у менинг ёвуз душманим. Уни менинг илкимга топшириш.

Князь Витовт савол назари билан Тўхтамишга бокди. Унинг ранги оқариб, кўзлари бежо ўйнаб кетди.

— Кўрқма, хон. Мен унга шундай жавоб жўнатдим. Мана, эшишт: мен зинҳор Тўхтамишонни сенга тутиб бермайман. Аксинча, сен билан, эй Темур Кутлуг, мардлар майдонида куч синашаман.

Тўхтамиш сакраб ўрнидан турди. Витовтнинг олдига тиз чўкиб нола қилди:

— Парвардигор ҳаққи, бу саховатингни унутмайман. Зинҳор! Айт, улуғ князь, нима билан яхшилигингни қайтарай?

Тўхтамиш қимматбаҳо тошлар билан безатилган қиличини унинг олдига қўйди.

— Қиличинг ўзингга буюрсин, хон, — кулди Витовт, — мен сенга ўз шартимни айттурман. Менга Москва князлиги ва бутун рус ерларига ҳукмронликни инъом этурсен. Эвазига сенга Олтин Ўрда тахтини қайтариб олиб берурмен.

— Розиман, буюк князь!

Литва князи урушга астойдил тайёрланди. У Олтин Ўрда ҳукмдори Кутлуг Темурга қарши кураш байроғига рус князларидан ташқари урушқоқ немис рицарлари, поляклар, татарлар, волохлар, подолянларни ҳам тўплади.

Витовт Кестутович ўточар қуролларига ҳам катта умид боғлади. У бой уруш тажрибасига эга Тўхтамишнинг ҳарбий маҳоратидан ҳам унумли фойдаланди. Витовтнинг христиан байроби остида мусулмонларга қарши жанг қилиш учун 74 донгдор рус князлари ҳам ўз дружиналари билан етиб келишди. 1380 йилги машҳур Куликово жангидаги ўзини кўрсатган рус баҳодирлари ҳам улар сафида эди.

1399 йили Ворскла дарёси соҳилида Кутлуғ Темур Витовтнинг улкан қўшини билан тўқнашди. Ўточар замбараклар, ўтсоchar мушкетлар билан қуролланган, сараланган урушқоқ немис рицарлари, ляхлар, поляк шляхтичлари, рус дружиналари ўзларининг салобати билан юракларга ғулғула соларди. Тўхтамишнинг отлиқлари ҳам жангга шай ҳолда хужумга ишора кутарди. Амир Темур қўшинида узоқ йиллар қилган хизмати давомида кўплаб қонли жангларни кўравериб кўзи пишиб кетган Кутлуғ Темур кучлар teng эмаслигини тушунди. Вақтдан ютиш мақсадида у Эдиқуд чизган режага кўра душман билан музокаралар бошлади. Кўмак кучи келгунча мағрур Литва князини чалғитиб туриш лозим.

Витовт юборган элчиларни Кутлуғ Темур иззатикром билан кутиб олди.

— Буюк князь номларини тангаларда ёздираман, — деди у элчиларга, — уларни Олтин Ўрда хонлигига оталиқ қилишларини илтимос қиласман.

Литва элчиларидан бу гапни эшитган Витовт мағурланиб кетди. Қароргоҳида базм бошлаб, ҳеч қандай жанг-жадалсиз эришган ғалабасини нишонлади.

Ана шу вақтда Эдиқуд бошчилигидаги кўмакчи кучлар етиб келди. Кутлуғ фафлатда қолган Литва қўшини орқасидан кутилмаган зарба берди. Жанг кечгача шиддат билан давом этди.

Витовт душман тарафда ҳам түфандыр борлигиди билмаган эди. Унинг замбаракларига қарши жавоб ўти очилганда, рицарлар сафи тўзиб кетганда гина у ўз хатосини англади.

Ворскла дарёси соҳилидаги жангда Киев, Брянск, Смоленск, Рильск, Бельск, Полоцк каби 74 донгдор рус княzlари, боярлар ва воеводалар ҳалок бўлишди. Улар орасида Куликово жангига қаҳрамонларидан князь Андрей Полоцкий ва князь Дмитрий Трубчевский ҳам бор эди.

Буюк князь Витовт билан Тўхтамиш эса душман таъқибидан аранг қочиб кутулишди. Қутлуғ эса душман изидан қувиб, Киев князлигига бостириб кирди. Рус шаҳарларининг онаси бўлган Киев қаршилик кўрсатишга ожизлигини сезиб, бошига келган оғатдан қимматбаҳо совфалар билан кутулишни ўйлади.

Довруқли Эдикуд Киев князидан уч минг олтин рубл товон олгач, орқага қайтишга буйруқ берди.

МУСУЛМОН БЎЛГАН ҲИНДЛАР

Бир манзилгоҳда Темурбек ҳузурига ҳинд қавмларига мансуб бир неча киши арзга келганини эшиди. Тилмочни чақириб, улар билан суҳбатлашди.

— Улуғ амир! — деди басавлат бир оқсоқол. — Биз Деҳлини забт қилмоқчи эканингизни эшитиб, бутун жамоамиз билан хизматингизга келдик.

Темурбек таажжуб ила ҳинд жамоалари бошликлари бўлган оқсоқолга тикилди.

— Сизлар ҳинд бўла туриб, ўз диндошларингизга қарши қурол кўтариб нима учун менга ёрдам бермоқчисиз?

— Биз ҳинд бўлсак ҳам бошқа ҳиндулар назарида ифлос-нажасмиз. Бизни одам қатори кўришмайди. Нафрат билан қарашади. Ҳиндулар наздида нажас деб

аталиш очлик билан ўлишга тенг. Бизлар умр бўйи бошқаларнинг дастурхонидан ортиб қолган сўнгакларни кемириб ўтамиз. Ҳиндлар бизни ҳаммоллик, фаррош, таҳоратхоналарни тозалаш каби ишлардан бошқасига олишмайди. Эшидикки, сизнинг динингизда бундай айирмачилик йўқ. Мусулмонларнинг ҳаммаси баробар экан. Шунинг учун биз ҳақирлар мусулмон динига ўтиб, дўстингизга дўст, душманнингизга душман бўймоқчимиз.

— Сизлар пария табақасидан экансизлар-да, —деди Темурбек.

— Ҳа, улуғ амир.

Темурбек уларга хайриҳоҳ боқди. Оддий, хўрланган ҳалқ ундан адолат истаб келмоқда. Демак, унинг шиори — «Куч адолатда» дунё бўйлаб тарқалмоқда.

— Мусулмон бўлишларинг табрикка лойиқ. Барча қатори тенг ҳуқуқли бўласизлар. Қизларингизни ҳар қандай мусулмон қавмига чиқаргандарингиз каби улардан қиз олишларингиз ҳам мумкин. Қай ишни хоҳласангизлар эркин қиласверасиз. Хотинларингиз маҳр билан никоҳланади. Талоқ бўлганида улар нафақасини олаверади. Оч қолишмайди.

Оқсоқоллар бир-бирларига қараб қўйишди.

— Биз, — деди улардан яна бир улуғи, — ўз ихтиёrimiz билан мусулмон бўймоққа ҳозирмиз. Лекин шу ўринда бир илтимосимиз бор. Биз мусулмон бўлганимиздан кейин ҳиндлар бола-чақаларимизга озор беришлари мумкин. Шунинг учун мусулмонликка ўтганимиздан кейин бола-чақаларимизни мусулмон ўлкасида истиқомат қилишлари учун ер ажратиб берсангиз.

— Бу илтимосингизни, албатта, бажарамен.

Ўша куни «пария» табақасига мансуб минглаб ҳиндлар Темурбек ажратган уламолар иштирокида ислом динини қабул қилишди. Улар турли вазифа-

лар ва ишларга тайинланиб, Темурбек қўшини сафларини тўлдириди.

Деҳли йўлидаги яна бир манзилда Темурбек ҳузурига мажусийлар вакиллари ҳам келиб, ўз арзларини баён қилишди. Яздо қасабига мансуб бу одамлар Темурбекни Эрон ҳукмдорларига ўхшатиб шаҳаншоҳ сифатида улуғладилар. Улар Эрондан турли сабабларга кўра ҳайдалиб, Ҳиндистонга қелиб қолишган. Ўз ватанларидан айирилганларига икки аср ўтган бўлса ҳам форс тилини унумтмай, шу тилда гаплашишар экан. Асосий машғулотлари деҳқончилик ва чорвачилик.

— Бизни баъзилар нажас деб нафрат қиласилар. Йўқ, бизлар аҳли китобларданмиз. Куръони Каримда хабар берилгандурки, китоби бор қавмлар нажас эмасдур. Бизнинг китобимиз эса энг қадимги «Занд»-дир.

Темурбекнинг ёдига устози Абдулла Кутбнинг мадрасада ўқиганларида турли динлар хусусида айтганлари ёдига тушди. Зардуштийларнинг эса бундан қарийб икки минг йил муқаддам яратган «Авесто» китобида «Занд» атамаси учрайди. Ўшанда Эронда зардуштийлик кенг тарқалиб, давлат динига айланган. Ёруғлик ва эзгулик раҳнамоси Ахурамазда ҳамда ёвузлик ва жаҳолат рамзи Ахримон ҳақидаги ҳикоятлар зўр ҳикматга эгалигини Абдулла Кутб, уларга, мадраса талабаларига тушунириб, «Авесто» асли Хоразмда вужудга келганига ишора қилган эди.

— Биз бутга чўқинмаймиз, бутхонамиз ҳам йўқ. Якка ва ягона худога ибодат қиласимиз.

— Ўтга сифинмоқ ҳам бутга сифинмоқ билан бирдек эмасми?

— Биз оташпараст эмасмиз. Аммо ўт покиза нарсадир. Шунинг учун ўтни эҳтиром қиласимиз. Улуғ амир, биздаги табақа тарихи хусусида бир оғиз сўз.

Эрондаги табақалар худди Ҳиндистондагидек бир неча табақага бўлинади. Биринчи табақа уламолар, иккинчиси уруш кишилари — сипоҳийлардир. Учинчи табақа эса ишчилардир. Тўртинчиси эса деҳқонлардир. Лекин Эронда «пария» табақаси йўқ.

— Сизлар ҳиндлар каби ўлганларни куйдирасизларми?

— Йўқ, бизлар ўликларни даҳмаларга элтиб қўямиз. Уларнинг суякларини йигиб остадонларга қўямиз. Биз сувни ҳам, ерни ҳам палид қилмаймиз.

— Ўз юртларингиз Кирмон-Яздуга қайтишни хоҳлайсизми?

— Йўқ, улуғ амир. Биз у жойга борсак, тириклигимиз ўтмайди. Гадойлик қилиб кун кечиришдан орланамиз. Очликдан ўлсак ҳам бир кишига қўл узатмаймиз. Бугун сиз Эрон шаҳаншоҳисиз, бизларни эҳтиром қилганингиздан хурсандмиз. Илойим умрингиз узоқ бўлсин. Биз юртимизга қайтишни хоҳламаймиз. Шу ер энди бизнинг ватандур.

ЛУНИ КУТВОЛИНИНГ ҲИЙЛАСИ

Қамал ишлари кўнгилдагидек бораётган бўлса ҳам Саид Ваққоснинг кўнгли безовта эди. Ўрдugoҳ соқчиларидан икки киши йўқолгани бежиз эмас. Душман уларнинг режасини пайқаган бўлиши мумкин. Темурбек қалъа кутволи Кортор тажрибали ва маккор саркарда деб бекорга уни огоҳлантирган.

Саид Ваққос Шер Баҳром Марвазий шогирдлари — муҳандисларнинг нақаб ишлари тугаб қолгани ва эртага қалъа деворларидан бирини портлатиш мумкинлигини айтгандан сўнг кўнгли анча таскин топди. У эртагаёқ ҳужумни бошлишга қарор қилди. Шу фикр ила ўрдugoҳда ёстиқقا бош қўйди. У қанча миз-

ғиганини билмади. Карнай-сурнайлар овози, гумбурлаган товушлардан сапчиб ўрнидан турди.

Ташқарига чиққанда ўрдugoҳ тарафга бостириб келаётган ваҳший филларни кўриб, шошиб қолди.

Жангалдан ўтаётган филларни қўрқитиш учун чалинган карнайлар акс натижа бериб, филларнинг йўналишини ўрдugoҳ тарафга ўзгартирган эди.

Атроф олатасир бўлиб кетди. Чодирларни янчиб ўкириб келаётган филлар даҳшатли эди. Уларнинг оёқлари остида қолган сарбозларнинг фарёди оламни тутди. Ўнбоши-ю юзбошилар ҳам аскарлар қатори гангиб кетди. Филлар бошқа тарафдан яна орқага қайтиб, саросимани кучайтирди. Қалъадан эса фурсатни фанимат билган Кортор жангчилари қўлларида машъала кўтарган ҳолда ҳужум бошладилар.

Сайд Ваққоснинг сарбозлари сон жиҳатидан кўп душман билан жанг бошладилар. Икки тараф ҳам жон-жаҳди билан олишар эди.

Сайд Ваққос аскарлар авлодидан бўлгани учун атрофини қуршовга олган йигирма ҳинд билан жанг қиласар, жароҳатларига қарамай рўпарасида пайдо бўлган душманни ер тишлатар эди. Бир қўлида болта, иккинчисида қилич.

Кортор жангчилари бундай баҳодирга ҳали дуч келишмагани учун бир навкар қандай қилиб ўн аскарни қисқа фурсатда ер тишлатишига тан бермай иложлари йўқ эди.

Сайд Ваққос оғир яраланиб, болтаси қўлидан тушди. У ўнг қўлидаги қиличи билан рақибининг бўйнига соганида орқасидан найза санчилди. Унинг сарбозлари ўз қўмондонларини асир олиб кетаётган ҳиндларни кўришди. Қаттиқ жанг қилиб, уни қутқаришга интилишди. Лекин кучлар teng эмас эди. Fўр подшосининг жангари афғонлари ҳам қанчалик кўп душманни ўлдиришса-да, куршов доираси тобора

кичрайиб борарди. Уларнинг таҳликали қуроли — талвон юзлаб ҳиндларни ер тишлатса ҳам вазият ҳиндлар фойдасига ўзгармоқда эди.

Сайд Баққос ҳушига келганда ўзини қалъя ичиди — кутвол Кортор қархисида кўрди. Паҳлавон қомат, шоп мўйловли, қирқ ёшлардаги кутвол унга тантанали нигоҳ ташлади:

— Ўзингизга келдингизми, амирзодам?

Унинг ишораси билан табиб ҳинд Сайд Баққос жароҳатларига малҳам кўя бошлади.

— Бугун азиз меҳмоним бўласиз. Ҳозирча дам олинг.

Кортор ўзининг хос хонасига кириб, қўлига қофоз олди. У Деҳли султонига ўзи қозонган ғалабасини ёзиб, қўлига тушган Амир Темур ўғлиниң жароҳатлари оғир бўлса ҳам соғайиши мумкинлиги ва ундан унумли фойдаланиш хусусидаги фикрларини баён қилди.

— Бу мактубни зудлик билан Деҳлига элт, — деди у мулозимига.

— Бош устига, ҳазратим.

Кортор чуқур ўйга чўмди. Тақдир инъом этган бундай совға ҳаётда бир бўлади.

БРАХМАННИНГ БАШОРАТИ

1398 йил 17 декабрда Мовароуннаҳр лашкари Деҳли қархисида саф торти. Ўнг кўлда амирзода Пир Муҳаммад, амирзода Сулаймоншоҳ баҳодир ва ўзга амирлар; чап кўлда амирзода султон Ҳусайн баҳодир, амирзода Ҳалил Султон, Жаҳоншоҳ ва бошқа амирлар; манғлойда амирзода Рустам, амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳ Малик, Аллоҳдод туришди. Темурбекнинг ўзи эса лашкар қалбидаги туриб шаҳар

деворлари олдида сафланган ҳинд қүшинини назардан ўтказмоқда. Унда аниқ ахборот бор.

Султон Маҳмуд ва унинг бош қўмондони Маллухон ўн минг отлиқ, йигирма минг пиёда, бир юз йигирма занжир жангчи филлар бўлиб, уларнинг устига ёғоч кажавалар ўрнатилган, ҳар бир фил устидаги кажавада бир неча камонбоз. Фил қаторлари орасидан «ёнар кўзалар» отувчи раъдандозлар ва кўп мартаба сакраб учувчи — темир учли узун портловчи ўқ отувчилар ўрин олган.

Темурбек рақибнинг энг хавфлиси филлар эканини яхши билгани учун зарур чораларни олдиндан кўриб қўйган эди. Унинг амри билан филлар хужуми кутилаётган чизиқ бўйлаб чуқур хандақлар қазилди, похол ортилган юзлаб туялар шай этилган бўлиб, уларнинг юкларига ўт қўйилгач, филларга қарши солиш мўлжалланган. Филларнинг туялардан кўрқишини унга айтишган эди. Бундан ташқари, у темирчиларга ўткир тиғли учбурчак шаклидаги темир санчқилар ясаттирдики, улар қандай ҳолатда ҳавога отилишидан қатъи назар, ерга тушгач, бир қирраси албатта тикка туриб қоларди. Отликлар эса уларни филлар келиши тахминланган йўлларга қадаб чиқишган.

Темурбек ишораси билан лашкар олдида мавлоно Носириддин Умар жойнамозини тупроқ устига солди.

Темурбек отдан тушиб, икки ракат намоз ўқиб, Аллоҳ даргоҳидан зафар тилади. Сарбозлар ва лашкарбошилар пайғамбар ёшидаги саркардаларига эҳтиром ила қараб, унинг амрини кутардилар. Ҳар бирлари Аллоҳ иноятига сазовор Соҳибқирон учун жонларини фидо этишга шай туришар эди.

Жанг Темурбек режаси қанчалик тўғри бўлганини дастлабки соатдаёқ кўрсатди. Филлар ёнаёт-

ган туялар зарбидан, ердаги санчқилар оғриғидан бўкириб, ҳинд лашкари сафини янчиб кета бошлади. Сарбозлар, филлар бир-бирларига аралашиб кетишиди. Ўткир қилич зарби ва найзалар одамлару филларни йиқитар, филбонларнинг фарёди, жанговар наъралар бир-бирини босиб кетарди. Темурбекнинг набираси Пир Мұхаммад қиличи билан филга ҳужум қилганидан руҳланган Халил Султон ҳам яқинлашган филнинг хартумини шамшири билан кесиб ташлади. Султон Маҳмуд ва Маллухон жанг бой берилганини кўриб, қочишга тушиб, шаҳар дарвозасига от қўйишиди. Улар Деҳлини ичкаридан мудофаа қилишни ўйлашди. Улар билан жангдан қочган захира қўшин ҳам пойтахтга беркинишиди.

Оқшом тушганда жанг тўхтади. Тор-мор бўлган ҳиндларнинг кўпи асирга тушди, қочди. Жанг сурони тингач, Темурбек шаҳар дарвозасига етишган бўлса ҳам лашкарга дам беришга амр берди. Энди душман ҳовридан тушди. Бели синди.

У Лаби ҳавзи хос деб аталадиган мавзеда чодирини тикдирди. Ҳузурига саркардаларини чақириб, машварат ўтказганидан сўнг тун зулматига чўккан Деҳлини кўргани отланди. Ҳисор устида ҳинд соқчилари. Шоп мўйловли, темир қалпоқ кийган.

Темурбек хос навкарлари билан эртага забт этилишга маҳкум шаҳар ҳақида ўй суриб турганда ҳисор устидан ўқ учиб унга яқин жойга тушди. Саркарданнинг завқи жўшиб, ёнидаги соқчидан камонни олди. Ўзига ўқ отган ҳисордаги ҳинд аскарини мўлжалга олди. Устози Самир Тархон ўгитларини эслаб, ёйни тортиб юборди. Тепадаги соқчининг фарёди эшитилди. Ўқ унинг юзига теккан эди.

— Офарин, бува!

Халил Султон Темурбекка ҳавас билан қаради. Шу вақт ҳисор устидан хитоб янгради:

— Амир Темур!

Ҳисор устида аргувоний кийинган бир киши кўринди:

— Темур!

У ниманидир гапира бошлади. Темурбек ёнида ҳозир бўлган тилмоч унинг сўзларини таржима қилди. Деҳли аҳлининг мўътабар оқсоқоли, насли-насаби юқори бўлган бу зот брахман бўлиб, ҳиндлардан ташқари мусулмон уламолари ўртасида ҳам баобрўли. Унинг гаплари мазмунини айнан келтирса шундоқ:

— Темур! Деҳли қамалини тўхтатиб, орқангга қайт, бўлмаса қаҳримга учрайсан. Умринг қисқаради. Агар шаҳарга кирмай урушни тўхтатсанг, йигрма бир йил яшайсан. Ҳозир 63 ёшдасан. Сўзимга қулоқ солмай шаҳарга уруш билан кирсанг, атиги етти йил умринг қолади.

Темурбек ёнида турган уламо Носируддин Умарга юзланди:

— Брахман нима демоқда ўзӣ?

— Эй, улуғ амир! Сиз бундоқ сўзларга аҳамият берадиган одам эмассиз-ку!

Темурбекнинг чеҳраси бир зум паришон тус олди. Кейин унинг ўрнини қатъият эгаллади.

— Эй, брахман! Билгилки, ўлим менинг эски ошнам, бир-биримизга улфат бўлиб қолганмиз. Йигитлигимдан ажал гоҳ олдимда, гоҳ ёнимда юради. Агар сен мени қўрқитмоқчи бўлсанг ўлимдан ҳам даҳшатлироқ сўз топ.

— Менинг сўзларим ҳақиқат, — жавоб қилди брахман, — сен қайтиб кетмасанг, ёқимсиз хабар эшитасан.

— У қандай хабар бўлади?

— Ўғлингнинг ўлими тўғрисида.

Носируддин Умар ташвиш ичра Темурбекка тикилди. Аммо унинг чеҳрасида ҳеч нима акс этмади. Бўғиқ товушда жавоб эшилтиди:

— Жанг майдонидаги барча аскарларимнинг оталари бор. Дунёда биргина ўғлим оталик бўлиб қолган эмас. Агар унинг ўлими ҳақидаги хабари келса, мен бошқа оталар ўғилларининг ўлим хабарини эшилтгани каби эшилаверамен.

Ҳисордан брахман хабари келди:

— Сенга айтадиган бошқа сўзим йўқ.

Вақт ярим кечадан оғди. Ўрдugoҳда жимжитлик. Темурбек тўшакда ёстиққа бош қўйди. Лекин қўзларига уйқу келмасди. Брахманинг гаплари заҳри билинмоқда эди. Саид Ваққосдан дарак йўқлигидан кўнгли безовта эди. Брахманинг сўzlари эса ундағи хавотирни кучайтирди. Бирдан ер остидан гумбурлаган товуш эшилтилди. Зилзила бошланди.

Шаҳардан ваҳимали қичқириқлар ва фарёдлар эшилтилди. Чўчиб уйғонган сарбозларда ҳам ваҳима. Шу вақт Темурбекнинг кўксидан бир нидо отилиб чиқди:

— Кўрқманглар, йигитлар! Мен сизлар биланмен.

Сарбозлар ўзларининг падари бузрукворлари бўлиб қолган йўлбошчиларини кўриб, тинчлана бошлашди. Улар ҳисор устида гапирган брахманинг дўқларини эшитишгани учун улар зилзилани шу сехргар брахман чақирган деб ўйлашган эди. Ажабо, Соҳибқирон «Кўрқманглар!» деганидан сўнг бирдан зилзила тўхтади. Энди улар ўз йўлбошчиларининг сехри брахманнидан ҳам сира қолишмаслигини англашди.

— Соҳиб-ул-қирон!

— Соҳиб-ул-қирон!

Лашкарнинг мағрур олқишлиари чор-атрофни тутиб кетди.

Темурбек чодирига кириб кетаркан, лашкарнинг шодон қийқириқлари сира тинмас эди.

— Адолат шамшири!

— Шариатпеноҳ!

Деҳли деворлари тагларидан қазилаётган нақабларга порох тўлдираётган Шер Баҳром Йигитларининг ҳам руҳи баланд. Тонг отгунча ишлар битади.

Бир ишора билан тош деворлар портлайди. Шаҳар тақдири ҳал қилинади.

Чодирда эса уларнинг раҳнамоси ҳордиқ олмоқда. У лашкарини ўйлади. Шунинг учун ҳам уни барча навкар падарибузруквор дейди.

ҚОН ЮТГАН ОТА

Тонг саҳарда Темурбек Деҳлига ҳужумни бошлиди. Олдинги сафга у маҳсус тайёрланган бўлинма — четин сарбозларини қўйди. Улар ўлимни писанд қилмайдиган, ҳар қандай оғриқ-азобларга чидамли кишилар эди. Уларнинг қўллари ҳам шундай чидамли эдики, қайноқ сувга солинса ҳам сесканс мас эди. Четин сарбозлари каби аччиғи тез, лекин соддадил одамлар руҳини яхши тушунган Темурбек уларни оғир вазиятларда биринчи бўлиб ишга солар эди.

Четинлардан кейин шаҳарга Fўр ўлкаси афлонлари — қаллобандоз сарбозлар — даҳшатли талвор эгалари кириши лозим эди. Аммо вазият бошқача тус олди.

Қалъа деворлари тагига қўйилган порох портлагач, шаҳарга кирган четинлар қаршиларида совут кийган ҳиндларни кўрдилар. Зирҳ, қуфтон кийган ҳиндларга четин сарбозлари қиличлари кор қилмас эди. Fўр сарбозларининг талворлари темир либосларга тегиб сирғаниб тушар эди.

Пешинга яқинлашса ҳам сарбозлар шаҳар марказига кира олишмади. Уларга қарши филлар ташланди. Сарбозлар улардан қўрқмаса ҳам, барибир филлар улардан кўпларини янчиб ташлади. Жанг чўзилиб кетмоқда эди. Кечга яқин ишғол этилган маррада Темурбек машварат чақирди. У саркардаларига вазиятни тушунтирди. Фурсатни қўлдан бермасликка ундинади.

— Энди ўзим шаҳар марказига йўл очамен. Агар жасадим шаҳар кўчаларининг бирида қолса ҳам Дехлини олишингиз керак. Сарбозларга айтинг. Шаҳарни олганларидан кейин уни уч кун талашлари мумкин. Эркакларни қул, хотин-қизларни чўри қила берсинлар.

Саркардалар ўртасида жонланишни кўрган Темур уларга яна ўз ваъдасини такрорлади.

Чодирда ёлғиз қолган Темурбек қўлига Қуръони Каримни олди. Одатда мушкул вазиятда у доимо Қуръонга мурожаат қиласа эди.

— Инно фатаҳно лака фатҳан мубино, — ўқиди у ва чеҳраси ёришди. Бу оятда «Биз сенга катта ва улуғ фатҳ-кушойиш беражакмиз», дейилган.

Темурбек ниҳоят шодлигидан ўзини тутолмай ташқарига чиқди ва унга югуриб келаётган мингбoshi Латифни кўрди. У ҳаллослаб келгач:

— Жанубий дарвозадан ҳинд филлари келмоқда, — дея хабар қилди.

— Филлар ўтдан кўркишини биласизлар. Борудни ишга солинг.

Кейин ёнида ҳозир бўлган Fўр подшоси Абдол Гилзоийга буюрди:

— Йигитларингни ишга соладиган қулай фурсат келди. Филлар хартумини кесишга моҳирларни жангга ташла. Ўқчиларнинг бари филларни нишонга олсин.

Улар душман кўксига қадалган ўқ каби шаҳар ичига кириб бориши. Ҳиндлар бир ўзи ўн аскарни ўлдиришга қодир ажал селига бардош бера олмади.

Жануб дарвозаси эгалланиб, Темурбек лашкари шаҳар ичига кириб кела бошлади.

Темурбек болтасининг сопи қўлидан чиқиб, ерга тушди. У ҳайрон бўлиб чироғ ёруғида қуруқшаб қолган қонларнинг қалинлигидан болта сопи сирғаниб тушганини кўрди. Ўзига назар солди. Қонли ҳовузга тушгандек совутлари буткул қонга фарқ бўлган. Уруш суронлари энди эшитилмас эди. Фақат сарбозларнинг, ўлжа олаётган навкарларнинг шодон ва ваҳший хитоблари, хотин-қизлар фарёдигина эшитилар эди.

Чодирда эса Темурбекнинг ҳузурига қаймоқ солинган косани келтирган ғулом бирдан қусиб юборди. Уни хижолатдан чиқариш учун саркарда оҳиста деди:

— Майли, ўғлим. Хижолат бўлма. Биз, уруш кишилари қон ва жароҳатларга кўникиб қолганмиз. Косани олиб кет, бошқасини беришсин.

Ғулом ўрнидан қимирламай яна қайд қилди. Шу вақт чодирга кирган амир Азизиддин бу ҳолни кўриб, бош чайқади:

— Сарбозларимиз ҳам қусуқ касалига учрабди. Табибларнинг сўзларига қараганда бу вабо белгиси экан.

Темурбекнинг ёдига Квита сultonи Абдуллоҳ Воли ал-Мулкнинг огоҳлантирувчи гаплари келди:

— Дехлини фатҳ қилиш учун борганлар вабога учраб, қайтиб кетишга мажбур бўлганлар. Бу касаллик Дехли аҳолисига таъсирсиз. Аммо четдан келганларга фалокатдир.

— Сарбозлар, — деди Азизиддин, — юриб туриб ё хизматда бирдан қусишимоқда. Икки соат ичидаги ҳолдан тойиб, ҳаракатдан қолмоқдалар. Табиблар айтишича, икки кун ичидаги бир пўст, бир сўнгак бўлиб

қоларкан. Күз косаси чуқурлашади, оғзи қуриб, құл-оёқлари қораяди.

— Асиrlарда касаллар борми?

— Ҳа. Улардан бир неча кишида шундай аломаттар күринди.

Темурбек бир қарорга келиши керак эди. Вабо тар-қаган жойдан тезроқ чиқиб кетилса лашкар омон қолади.

— Брахманни олиб келишди, — соқчилар бошлиғи шундай ахборот берди. Ҳукмдорнинг ишораси билан ташқарига чиқиб брахманни чақирди.

— Исминг нима?

Башоратчи брахман ўзини хотиржам тутиб, жавоб қилди:

— Гони Хурта.

Тилмоч бу исм маъносини шарҳлади:

— Муқаддас ўт дегани бу.

Темурбек брахманга қизиқиб разм солди. Ўрта ёш, соқоллари қора. Озғин. Ўзига ишонган.

— Етти йил умрим қолганини қайдан биласен?

— Эй, амир, сен менинг сўзларимдан кўрқдингми?

— Сен мени қандай ирода ва ақидага эга эканлигимни: ўлимдан қўрқмаслигимни, урушдаги жасурлигимни билганингда бу каби беҳуда гапни айтмасдинг.

— Эй, амир, сен уруш майдонида ўлмайсан. Билки, шу иқлимда ҳаммага маълумки, брахманлар умр бўйи нафсини ўлдириб, ҳайвоний, ҳавоий ҳаваслардан пархез қилишади. Брахман ваъз қилган усулдан чиқмай юрган бўлса, у одам келажакни кўра оладиган истеъоддога молик бўлади.

— Хўш, — деди истеҳзо ичра Темурбек, — ўзинг келажагингни қандай кўрасен? Қай тариқа ўласен?

Брахман бу даҳшатли сўроқ эканлигини англади.

— Кўз, — деди брахман ўзини хотиржам тутиб, — ҳар нарсани кўради, лекин ўз вужудини кўролмайди.

— Эй, брахман, бу жавобинг менга ёқди. Ниҳоят зўр нуқтани топдинг. Сен озодсан.

Брахман таъзим бажо айлаб, чиқиб кетди.

Ташқарида эса йифи-нолалар эшитилди. Нима гаплигини аниқлаб келган соқчилар бошлиғи хабар берди:

— Янги мусулмон бўлган париялар сиз бу ердан кетсангиз ҳиндлар бизни ўлдиришади. Шунинг учун бизларни ҳам ўзингиз билан олиб кетинг, деб йиғлашмоқда.

Темурбек амир Азизиддинга юзланди:

— Квита сultonига капитар орқали нома жўнатилсин. Мусулмон бўлган пария ҳалқини Ҳиндистондаги мусулмонлар яшайдиган иқлиmlарга ерлаштиrsин. Уларнинг эркин ва озод яшавлари чоралари кўрилсин.

Чодирга кириб келган Жоқу барлос шодон хитоб қилди:

— Хазинадаги жавоҳиру олтин-кумушлар икки минг хачирга юқ бўлади, Соҳибқирон!

— Йиғиб-йиғиб подага топширди, дегандек сulton Маҳмуд хазинаси бизга насиб қилган экан, — кулди Темурбек ва жиддий тортиб қўшимча қилди. — Бу насиба салтанатимиздаги ободончилигимизга сарфлангай. Биринчи навбатда Самарқандга, кейин эса Шаҳрисабзга!

Саркардалар чиқиб кетгач, Темурбек кўрпачага ёнбошлаб чуқур ўйга чўмди. Брахманнинг башорати ёдига тушди. Унга ишонилса, умридан атиги етти йил Қолибди. Демак, шошилиш лозим. Салтанат юмушлари кўп. Рум, Хитой сафарлари...

— Шум хабар келтирдим, Соҳибқирон.

Темурбек чўчиб чодирда пайдо бўлган маҳфий даракчиси — дарвешни кўрди.

— Ўғлингиз Саид Ваққос ўлдирилди.

КУТВОЛНИНГ ТАКЛИФИ

Саид Ваққос ёнига келган табибга саволомуз тикилди.

— Огоҳ бўлинг, амирзодам. Сизга тузоқ тайёрланган.

Бу огоҳлантиришдан унинг чўккан кўнгли кўтарилиди. Демак, отасининг кўз-кулоқлари қалъада ҳам бор. У ёлғиз эмас. Жароҳатлари ҳам битиб қолди.

Табиб унга малҳам қўйиб чиқиб кетгунча меҳрли кўзларини ундан узмади.

Пешинга яқин Кортор уни ўзининг муҳташам емакхонасига чақирди. Анвойи таомлар. Шароблар қўйилган.

Саид Ваққос умида бирон марта шаробни оғзиға олмаган. Кутволнинг қутқуси билан кўзачадаги шаробни бўшатишига тўғри келди.

Хонага раққосалар, бир-биридан гўзал ҳинд қизлари кириб келишди. Ёқимли куйлар шўх ашулаларга уланди.

— Ҳаёт қандай ширин ва гўзал, — деди шаробдан ширақайф Кортор, — қизларга қаранг. Улар хизматнингизга мунтазир.

Саид Ваққоснинг ёдига Темурбекнинг ўгитлари тушди. У мишиштага берилиб кетган ўғли Мироншоҳга шундай деган эди:

— Ҳар бир ҳукумат бошидаги сultonга тикилиб турган бир оғат бордир. У оғат эса ялқовлик ва танпарварликдир. Ҳар бир ҳукумат бошида турувчи сulton-подшоҳлар бу оғатга мубтало бўлса, у бир огоҳ кишининг қўлида мағлуб бўлмоғи шак-шубҳасиз-

дир. Мен қирқ ёшимдан шу кунгача шароб ичмадим. Беш вақт намозни узрсиз хато қилмадим. Агар сен ҳам ўзингга топширилган мамлакатларни доимий ҳолда яхши идора қилмоқчи бўлсанг, айш-ишрат, ялқовликни ўзингга ҳаром деб билгайсен. Агар бир коса шаробни лабингга тегизиб, бир кечани чиройли хотинлар билан ўтказар экансен, эртаси куни ишдан чиқасен, ўша куни масъулиятингда бўлган давлат ишининг уддасидан чиқа олмайсен. Кечаси ичган шаробинг эртаси бўшаштириб, хуморга солади. Яна сенда гўзалларга рағбат пайдо бўлади. Ундан кейин кунларинг шароб ичмоқ, гўзаллар билан алоқада ўтади. Ҳалокатга учраб, йўқ бўлиб кетган сultonларнинг барчалари шароб ичмоқ, гўзаллар сухбатида кун ке-чирмоқ билан маҳв бўлғанлар. Мисол учун, бир деҳқоннинг ёки бир темирчининг ўз ишидан синганини эшигтганмисен? У умрининг охиригача доимо деҳқон ёки темирчилигича қолади. Тирикчилиги бўлган ишини ҳеч ким унинг қўлидан тортиб ололмайди. Нима учун деганда, деҳқон ҳам, темирчи ҳам ҳаргиз шароб билан, гўзаллар ишрати билан банд бўлган кишилар эмасдир. Бундай нарсаларга сарф қиладиган бўш вақтлари ҳам йўқдир. Шуни ҳам билиб қўймоғинг керакки, душманинг ҳар қанча шароб ичиб, гўзалларга мойил бўлса, бу сенинг манфаатинг.

Сайд Ваққос Корторнинг устма-уст шароб тўла косаларни бўшатишини кўриб, Темурбек ўгитлари маъносини обдан чақарди.

— Ичинг, амирзодам, ичинг. Балки, бу умрингиздаги сўнгги косадир. Ҳа-ха!

Сайд Ваққос беихтиёр косадаги шаробни бўшатганини ҳам сезмай қолди. Боши айланиб, танасида қандайдир лаззат сезди. Ҳаёт чиндан ҳам гўзal.

Раққоса қизлардан бири Кортор ишораси билан унинг олдига келиб, Сайд Ваққоснинг соchlаридан

силади ва пешонасидан ўпди. Ундан тараляётган хушбўй ҳид ва тароват амирзоданинг мастилигини кучайтириди.

Ҳаётга бир марта келасан. Егин, ичгин, севгин. Ҳаммаси ўткинчи...

Кортор яна ичди. Оғзига хурмо солиб чайнади.

— Амирзодам, — деди у қўзларини сузиб, — мен султондан мактуб олдим.

У яна ўзига шароб қўйди.

— Агар сиз, — деди у косани бўшатаркан, — отангизга хат ёзиб, уни Ҳиндистондан чиқиб кетишини илтимос қиласангиз, биз сизни озод қиласиз.

Сайд Ваққос бирдан ҳушёр тортди. Кўз олдида Темурнинг важоҳатли чеҳраси намоён бўлди.

— Йўқ, — деди у кескин.

— Бўлмаса, ўласиз. Мен терингизга сомон тиқаман. Ҳа-ҳа-ҳа!

— Йўқ, — деди Сайд Ваққос, — отам билан ҳазиллашманг. У мен учун сиздан даҳшатли ўч олади.

Кортор яна шароб кўтарди.

— Аммо сиз ўласиз, амирзодам. Мана шу гўзаллар, ширин таомлардан бебаҳра қоласиз. Ўланг, яхшилаб ўланг.

Сайд Ваққос кўнглида кечайётган кучли ғалаёндан ўзи ҳам ҳайрон эди. Гўзал аёллар рақси эса авжика эди.

* * *

Темурбек махфий даракчи ахборотини тинглаб бўлгач, оҳиста сўради:

— Қатл олдида Сайд Ваққос нима деди?

— У сиз озод қиласан Алаширни айтиб, агар у шафқат қиласа, Сиз унга марҳамат қилишингизни эслатди. Аммо Кортор сиздан қўрқмаслигини айтди...

- Кейин-чи, кейин...
- Кортор Темур Кўрагондек буюк зотнинг ўғли юрагини сууриб олган саркарда сифатида тарихда қолиш истагини билдириди.
- Ўғлим фарёд қилмадими?
- Йўқ. Фақат қўкрагини ёришаётганда бир нидо эшитилди. Юрагини сууришгач, жимиб қолди.

Шум хабар бир зумда барчага тарқади. Темурга таъзия билдирган саркарда-ю амирларга қаратада у қисқа фармон берди:

— Улар ҳали мен, Тангри қули Темур қасос бо бида ким эканимни билишмас экан. Сайд Ваққос қўкрагини ёриб, юрагини суурган, ўн минг сарбозим қонини тўккан қотилнинг додини беришга сўз берамен. Эртага бомдод намозидан сўнг Луни қалъасига от қўямиз.

Лашкар Деҳлидан йўлга чиққандан сўнг тўрт кун ўтгач, вабо балосидан қутулди. Маълум бўлдики, вабо марказдан тарқалар экан.

Луни қалъасига етишганда Темурбекнинг кўзи қалъа буржидаги ичига сомон тиқиб қўйилган жасадга тушди. Кутвол Кортор ўзи каби бир қўмондон ва бунинг устига шаҳзодалик мақомидаги Сайд Ваққосни ўлдириган бўлса ҳам дафн қилган деб ўйлаган эди.

Қалъадан кимнингдир хитоби эшитилди. Тилмоч Темурбекка уни таржима қилди.

— Кутвол Кортор бу ерда тўхтаманглар, акс ҳолда Темур Кўрагоннинг ҳам терисига сомон тиқиб, ўғлининг ёнига осиб қўяман, демоқда.

Темурбек индамади. Қўмондонлар бошланиб кетган ёмғир остида чодирлар тиклаш билан банд. Ҳамма қамал ишлари худди Деҳлидагидек бўлишини билади.

Қамалнинг ўттизинчи куни Луни қалъасининг девори портлатилиб, лашкар ичкарига қуюндеқ ёпи-

рилди. Унинг биринчи сафида Темурбек борарди. Марказда мудофаачилар сафидан шоп мўйловли, узун бурун лашкарбоши баланд овозда:

— Темур! — дея ҳайқирди.

— Кортор! — деди Темурбек у сари от сураркан. У мажруҳ ўнг қўлида қилич, чап қўлида болта ушлаган.

Кортор у билан тўқнаш келди. Икки томон ўз саркардалари жангини беихтиёр кузатиб қолишиди. Ҳиндлар қирчиллама қирқ ёшдаги қўмондонлари Кортор қандай моҳир қиличбоз эканлигини яхши билишарди. Мовароуннаҳр лашкари эса пайғамбар ёшидаги ўз падари бузрукворларининг Соҳибқирон бўлгани учун хотиржам эдилар.

Корторнинг кучли зарбасидан Темурбекнинг ўнг қўлидаги қилич учиб кетди. Ҳамма нафаси ичига тушиб, бу фаройиб олишувни кузатарди. Кортор тантана билан ғалабасига ишончи комил ҳолда қўлидаги қиличини янги зарбга ҳозирлади.

Темурбекнинг ёдига устози Самир Тархон ўгити келди:

— Душман майдонда рақибнинг ўнг қўлини ишдан чиқарса, у қандай баҳодир бўлса ҳам оқиз бўлиб қолади, амирзодам. Шунинг учун чап қўлни ишлатишни яхши билинг.

Темурбекнинг чап қўлидаги болтаси Корторнинг ҳамласини қайтарди. Бу кутилмаган ҳолдан кутвол отда чайқалиб кетди. Кейинги болта зарби унинг беллига тушди. Қимирламай қолган Корторни бир оёғидан ушлаган Темурбек уни ерга судради. Уларга йўл бўшатган сарбозларга у тилмочни чақиришни буюрди. Тилмоч ёнида ҳозир бўлди.

— Мен ўғлим ва сарбозларим қасоси учун бошингни кесиб, терингга сомон тиқамен.

Корторнинг қўzlари очиқ, лекин сўздан қолган эди. Темурбекнинг мақсади ақл маркази ва кўриш

нуқталари ишлаб турган душманига ўлмасидан аввал қасос ҳукмини англашиб эди.

Темурбек бир зарб билан унинг калласини учирив юборди. Кортор томиридан фавворадек отилган қон унинг лабларига сачради.

— Мен онтимга риоя этдим.

— Ал-қасосу мин ал ҳақ! — деди кимдир.

Сайд Баққос жасади эҳтиром ила дағн этилиб, қабр устига күк гумбаз қурилди.

ҚАСД ҚИЛГАН ПАСТ БҮЛАДИ

Ҳиндистон султони Маҳмуд қўшинини Деҳлиostonасида енгиб, Самарқандга зафар билан қайтган Темурбек қўшини жуда катта ўлжадан ниҳоят мамнун эди.

Соҳибқироннинг шахсий улуши бўлган олтинкумуш, гавҳару ёқуту дурлар йигирма филга юк бўлли. Амирлар, саркардалар, туманбоши-ю мингбошилар, юзбошию ўнбошидан тортиб сипоҳу навкаргача ўлжаларидан хурсанд ҳолда Темурга ҳамду санолар ўқишлоқда.

Соҳибқиронни ғалаба билан табриклаганлар қаторида Олтин Ўрданинг собиқ хони Тўхтамиш ҳам бор. Темурбек унинг тавба-тазаррусини қабул қилиб бу қочоқ хонга яна мурувват кўрсатганидан саркардалар ғоят ҳайратланишди. Уларнинг юзларидаги норозиликни кўрган Темурбек изоҳ берди:

— Ҳузуримизга бош уриб келган Аллоҳнинг ҳар бир бандасига ким бўлишидан қатъи назар, марҳаматимиз дарвозаси очикдур. Даргоҳимдан ҳеч ким ноумид кетмагай, иншооллоҳ!

Кейин бошини эгиб турган Тўхтамишга қараб оҳиста қўшиб қўйди:

— Қасд қилган паст бўлади.

Саркардалар ана шу олдиларида қисиқ күzlарини ерга тиккан собиқ хон туфайли Қундузчада, Терек соҳилида ҳалок бўлган юзлаб зобитларни, минглаб навкарларини эслаганча Соҳибқирон сўзларидаги ҳақиқатни англашди. Қасд қилған паст бўлади. Тўхтамиш шундай паст. Темур эса ҳиммати билан баланд, улуғвордир.

Тўхтамиш туз ҳақини унугиб, ўзига паноҳ, бошпана, амал, мансаб берган одамига қилич кўтарди. Бир эмас, уч марта. Шунда ҳам уни кечириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди.

Тўхтамиш тезда ўзини ўнглаб, янги сафарга отланди. 1400 йили Олтин Ўрда хони Қутлуг Темурнинг ўлгани ва унинг ўрнига амир Эдиқуд Темурхоннинг фарзанди Шодибекни таҳтга ўтқазгани ҳақидаги хабарни эшишиб, қулай фурсатни ғанимат дея Волга сари от қўйди.

Довруқли Эдиқуд лашкари уни бу гал тор-мор қилди. Тўхтамиш ўзини тоҳ Литвага, тоҳ Сибирга уриб куч тўплай бошлади. Унинг элчиси Қораҳожи Мовароуннаҳрга жўнаб, Ўтрор шаҳрида турган Темурга учради. Соҳибқирон ана шунда ҳам яна марҳаматини баланд тутиб, Тўхтамишга Олтин Ўрда таҳтини олишга ёрдам беришини айтди.

Аммо довруқли Эдиқуд улоқни илиб кетган эди. 1406 йилда унинг навкарлари Сибирда қочоқ хонни тутиб, бошини танасидан жудо қилишган эди. Шу тариқа йигирма йил давомида катта давлатга бош бўлган, остонасида Москва, Киев, Рязань, Тверь князлари ер ўпган, номи 17 шаҳарда зарб этилган тангалаarda муҳрланган Тўхтамишхон ҳаётига фожиали якун ясалди.

Қасд қилған паст бўлади. Соҳибқирон шундай башорат қилған эди.

Довруқли Эдиқуд эса туз ҳақини унумтай дўсти Қутлуг Темурхон вафот қилганда ҳеч иккиланмай

бенараз ҳолда унинг ўғли Шодибекни тахтга ўтқазди. Унга ихлос ва садоқат билан хизмат қила бошлайди.

Эдиқуднинг обрўси, баланд мавқеи ҳамда саркардалар ўртасидаги ҳурматини кўролмаган Шодибек унга ғайирлик қила бошлайди. Очиқдан-очиқ уни йўқотиш пайига тушади.

Эдиқуд билан Шодибек тарафдорлари ўртасидаги жанг амирлашкар ғалабаси билан тугайди. Қасд қилган Шодибек паст бўлиб, қочишга мажбур бўлади.

Довруқли Эдиқуд Олтин Ўрда тахтига Шодибекнинг ўғли Пўлатбекни ўтқазади. Унинг номидан мамлакатни мустаҳкамлаш, итоатдан чиқаётган рус князларини тобе қилишга киришади.

Тўхтамишнинг ўғилларини ўз паноҳига олиб, уларга ёрдам кўрсатган Москванинг буюк князи Василий Дмитриевич эса қайсарлик қилади. Моҳир дипломат, айёр сиёsatчи ва тадбиркор саркарда Эдиқуд Амир Темур хизматида ортирган бой тажрибасига суяниб, Москвага қарши зимдан иш кўра бошлайди.

1409 йили Эдиқуд бошчилигидаги юз минглик пиёда-отлиқ қўшин тўсатдан Москва остонасида кўринди.Faflatda қолган князъ Василий Дмитриевич куч тўплаш баҳонасида худди 1395 йилдаги каби пойттахтдан қочди. Шаҳар мудофаасини унинг амакиси Владимир Андреевич ўз қўлига олди.

Амир Эдиқуд Москвани курсовга олиб, уни озиқ-овқатдан маҳрум қилди ва ён-атрофдаги ерларни талай бошлади. Ростов, Дмитров, Серпухов, Нижний обдан вайрон қилинди. Эдиқуд Коломенск қишлоғига қароргоҳини қўчириб, курсов ҳалқасини торайтира бошлади.

Москвада талваса ва ваҳима кучайди. Шаҳарнинг камбағаллари «Душмандан олдин ўзимиз», дея бой-

лар, савдогарлар омборини талай бошлади. Боярларнинг ҳоли анча аянчли эди.

Қамалнинг учинчи куни Эдиқуднинг хузурига Пўлатхондан чопар келиб, пойтахтга Тўхтамиш ўғиллари қўшини яқинлашганини хабар қилди.

Кўпни кўрган Эдиқуд довдираб қолмади. У Москвага элчи жўнатиб, З минг олтин товон тўлашса қамални тўхтатишини билдириди. Ўлимни бўйнига олиб қўйган Москва боярлари зўр қувонч билан рози бўлиб, дарҳол олтинларни тўплашиди.

Довруқли Эдиқуд катта ўлжа билан Олтин Ўрда пойтахти томон йўл олди. Ўлжалар, асиirlар жуда улкан карвонни ҳосил қилди. Ҳар бир жангчига 40—50 асир рус тўғри келди.

Эҳтиёткор Эдиқуд олдиндан юборган айғоқчилар пойтахт қўлдан кетгани ва Тўхтамиш ўғли тахтга минганини хабар қилди. Амирлашкар айғоқчилари душман кучи ҳам устунлигини билдиришди.

Довруқли Эдиқуд лашкарига Идил (Волга) ва Ёйиқ (Урал) дарёлари оралиғида ўзи ташкил қилган улус томон юришни буюрди. Бу улус Нўғой хонлигини ташкил қилди. Унда Эдиқуд, кейин унинг йигирма ўғли узоқ йиллар ҳукмронлик қилишди.

Довруқли амир Эдиқуд 1419 йилда Тўхтамиш ўғиллари Каримберди ва Қодирберди қўшинлари билан жангда ҳалок бўлади. Амир Темур лашкарбoshиларидан бири, манғит уруғидан чиққан амир Эдиқуднинг фожиали ўлеми ҳақида тарихчилар шундай ёзишган: «Шундай қилиб, улкан ирода, қудрат ва жасорат эгаси, шунингдек, тадбиркор ва маккор, Олтин Ўрдани сиёсий тадбирлар ва куч билан қайта тикламоқчи бўлган Эдиқуднинг ҳаёти охирига етди».

Бирин-кетин тахтни эгаллаган Тўхтамиш ўғилларининг ҳукмронлиги ҳам узоқча бормади. 1395

йили Амир Темурбек берган зарбадан умуртқа пофонаси синган Олтин Ўрда таназзулга юз тутиб, Астрабахан, Қозон, Крим хонликларига бўлиниб кетди.

ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ УСТУНЛАРИ

Бу дарвеш ўзининг ёқимли чехраси ва ширали товуши билан кишини ўзига беихтиёр жалб қиласди.

Темурбек ўзининг оромгоҳида ёнбошлаб ётганча унинг ҳикоясини зўр диққат билан тингларди.

— Яшиндек тез ва шиддаткор дегин. Яшиндек...

— Ҳа, Соҳибқирон. Султон Боязидни шундай деб аташади. Лўндасига айтсан, Йилдирим Боязид.

Темурбек хуфя ишлар бўйича сардор бекларидан бири бўлмиш дарвеш либосидаги бу жанговар зобитнинг ахбороти аниқ эканига имони комил эди.

— Мен унинг тўғрисида ҳамма нарсани билишим, ҳар қадамидан огоҳ бўлишим зарур, бек.

— Бош устига, Соҳибқирон. Қулингиз Боязид қўшини ва султон атрофидаги мулозимлар ўртасида ўз одамларига эгадур.

— Мамнунмен хизматингдан, бек. Бундай бағоят зарур юмушингга зарни аяма. Яқин орада...

Темурбек гапини чала қолдириб, сукутга чўмди. Ҳали эрта мақсадни очишга. Фақат ишоранинг ўзи ҳозир кифоя.

— Ўша жанг тафсилотларини яна бир бор такрорла-чи...

Хуфя ишлар сардори Темурни нима қизиқтира-ётгани ва нима безовта этаётганини яхши тушунган эди. У Соҳибқиронда Боязидга нисбатан қандайдир рашк ёки ғайирик уйғонганини сезди.

Темурбек уни тинглар ва ўйлар эди. Кимнинг ҳарбий тажрибаси устун? Боязид ундан анча ёш бўлса ҳам

кўп муҳораба кўрган. Отаси, усмонли турклар ҳукмдори Султон Муроднинг беҳисоб жангларида бевосита иштирок қилган. У ўзини, айниқса, Косово майдонидаги серблар билан бўлган ҳал қилувчи жангда баҳодир ва саркарда сифатида кўрсатган. Серб баҳодири Милош Обилич шиддат ила янчарлар ҳалқасини ёриб ўтиб, жангни кузатаётган султон Муродга найза санчиб ўлдирганда Боязид довдираб қолмади. Бош қўмондонликни ўз кўлига олиб, серблар устидан порлоқ ғала ба қозонди. Отаси қони тўкилган гиламни қўз олдида доим туришини буюриб, қотил Милошни топиб, ундан ўч олишга қасам ичди. Яккама-якка жангда уни, граф Лазарони ўлдирди. Ўн йил ичida Булғория, Македония, Фессалияни босиб олди. Юнонистонда машхур Аргос шаҳрини ер билан текислаб ташлади. Унинг саркардалик маҳорати 1396 йилда Дунай дарёси соҳилидаги Никопол шаҳри остонасидаги жангда рўй-рост намоён бўлди.

Оврупо юрагида Боязид бутун христиан дунёсининг сараланган қўшинига тўқнаш келди. Рим папасининг байроби остида венгерлар, немислар, французлар, поляклардан иборат юз минглик лашкар тўпланиб, Венгрия қироли Сигизмунд унга бош бўлди. Француз рицарларига маршал Бусико, немис рицарларига шаҳзода Фридрих Гогенцоллерн бош бўлиб, уларнинг бари Оврупода донғи кетган баҳодирлар, қиличбоз, мерғанлар эди. Уларнинг руҳини кўтариш учун Рим папаси ўзининг оташин маддоҳлари — поп ва монахларни юборди. Жуда мукаммал ва тўла-тўқис қуролланган рицарлар гердайиб, агар осмон узилиб тушса ҳам найзаларимиз билан кўтариб қоламиз, дейишиди. Чиндан ҳам уларнинг найзалари, баланд туғлари қуюқ темир ўрмонни эслатарди. Аммо бу ўрмонни Боязид янчарлари бузиб ташлади. Даҳшатли жангда христиан баҳодирлари

қанчалик жасорат кўрсатмасин, турклар шиддатига дош беролмади. Граф Наваррский ва 24 шаҳзода асирикка олинди. Биргина Наваррский учун Франция қироли 200 минг олтин дукат товон тўлаган эди.

Оврупо ларзага келди. Синалган баҳодирлар, салоҳияти баланд саркардалар мағлуб! Қирол Сигизмунд аранг қочиб қутулди. Энди ким шавкатли турк султонига рўпара келишга журъат этади?

Боязид эса кўхна Рим империясининг меросхўри Византияга қўшин сурди. Бу қачонлардир жаҳонни титратган, Цезарь, Помпей, Диоклетиан каби саркардалари билан машҳур Рим фарзанди Византия даҳшатга тушди. Пойтахти Константинопол турклар томонидан қуршов ҳалқасига олинди. Император Мануил Боязидга хирож тўлаш ва пойтахтда мусулмонларга эркинлик беришга ваъда қилди. Вақтинчалик битим тузилди.

Босфор қирғоғида иккита масжид, қаландархона қад кўтарди. Улар ёнида турк савдогарлари учун катта бозор очилди. Турклар қуруқлик ва денгиз томонидан Константинополни қуршаб олишди.

Император Мануил фурсатдан фойдаланиб, Оврупо подшолари ҳузурига сафар қилди. Боязидга қарши курашиб учун ёрдам сўради. Англия, Франция, Испания ҳукмдорлари уни зиёфат қилдилар-у, ёрдам масаласидаги гапни четга сурдилар. Французлар 600 ришардан иборат ашаддий христиан фидойиларини юборди, аммо улар туркларни яқиндан кўргач, жангга юраклари дов бермади. Москва князи Василий эса христиан оламининг эҳромига ҳоли қудрат ёрдам учун митрополит Киприан бош бир неча рус князларини талайгина кумуш хазина билан жўнатди.

Византия ҳукмдори яна Оврупо бўйлаб садақа, ёрдам сўраб, ҳукмдорлар остонасига бош урмоқда.

Аммо ким яшиндек тез ва шиддаткор Боязидга қарши бора олади?

— Шунинг учун ҳам Оврупонинг умиди ёлғиз сизда, Соҳибқирон!

Темурбек бирдан сергак тортди. Мана гап қаерда! Инглиз қироли Карлнинг унга мактуб йўллагани бежиз эмас. Венеция, Генуя, Испания ҳукмдорларининг одамлари атрофида изғиб қолганининг боиси ҳам шунда!

— Боязид Фарбда, сиз эса Шарқда мусулмон оламининг устунисиз, Соҳибқирон!

Темурбек дарвеш либосидаги бекнинг чеҳрасида фахрли завқ ўқиди.

— Афсуски, бу олам икки подшога торга ўхшайди, бек.

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒДА

Махфий даракчилар хабарлари бир-биридан ташвишли эди.

— Боязид Гуржистон, Арманистон ва Бағдодни ўз мулки деб ҳисоблаяпти.

— Маҳаллий ҳукмдорларни Сизга қарши оёқлантирмоқда.

— Гуржистон князи Малик Георгий исён кўтарди!

— Миср султони Фараж атрофида Боязид одamlари иш кўрмоқда.

— Боязид ашаддий душманингиз қорақуюнлилар сардори Қора Юсуфга илтифот кўрсатиб, унга олтин ва аскар берди.

Амирлар, беклар ва саркардалар кенгашида Темур сафдошлари мулоҳазаларини диққат билан эшишиб, узоқ тунлар миясида пишигандай режасини баён қилди.

1400 йил баҳорида улкан қүшин Гуржистон сар-ҳадига яқинлашди. Князь Георгий урушга яхши тараддуд күргани маълум бўлди. Москванинг буюк князи Василий Дмитриевич юборган қурол-аслаҳалар билан қуролланган жасур грузинлар қиличбозликда ҳам, мерғанлиқда ҳам Мовароуннаҳр баҳодирларидан сира қолишмасди. Кичик тўдалар кутилмаган жойлардан хужум қилиб қоларди. Князь Георгий ҳеч тутқич бермай, ён-атрофда изғиб юрарди. Темурбек дастлаб ишни музокаралардан бошлади:

— Ё исломни қабул қиласизлар, ёки барчангизни қириб ташлаймиз. Ҳеч кимга шафқат қилинмайди.

Георгий рад жавобини берди. Шафқатсиз уруш ҳарачатлари давомида қальалар бирин-кетин забт этилди. Ниҳоят Тифлис ҳам ғолибларга таслим бўлди. Қаттиқ қаршилик кўрсатган грузинларга шафқат қилинмади. Арманлар ҳам шундай қирғинга учради. Темурга иттифоқчи бўлган Ширвоншоҳ Иброҳим озарбайжонлар номидан унга олтин чодир тиктириди.

Грузин, арманларнинг бўйнига итоат ҳалқасини солган лашкар Қорабоғда қўр тўқди.

Соҳибқирон бу тоғли Қорабоғни биринчи марта лашкаргоҳ қилиши эмас. У Кавказда ҳар гал бўлганида бу бебаҳо, хушманзара ва майсага бой жойда дам оларди. Қорабоғнинг кенг далаларида энди отлар қатори Ҳиндистондан келтирилган филлар ҳам ўтлашади. Бутун қиши бўйи кўкаламзор қиёфада яшнаб турувчи Қорабоғда беҳисоб чодирлар қал ростлади.

Темур шу жойда ҳинд сафаридан ҳали тўла дам олишга улгурмаган қўшинига ҳордиқ бериб, қишлишга қарор қилди.

Ҳа, лашкар бундай дамга ҳақлидир. У кўз олдига юриш машаққатларини келтирди. Набираси Пирмуҳаммад Ҳирот йўли билан бориб Мўлтонни ишғол қилди. Асосий қўшинига бош бўлган Темурбек эса

Балх орқали Ҳиндикушнинг қорли чўққилари бўйича кетди. Изғирин совуқлар, тоғлиқларнинг пистирмалардан тўсатдан ҳужумларини қайтариш, чўққилардан ошиб тушишлар...

Темурбек ўрнидан туриб кетди. У анчадан бери битаётган «Таржимаи ҳол»ига қўйидаги фикрларни туширди:

«Подшоҳларнинг шуҳрати уларнинг ўз фуқароларига раҳмдиллигидадир. Қуръонда ҳам айтилганки, подшоҳ бирор гуноҳкорнинг гуноҳини кечирса, бу билан фуқаросига раҳм қилган бўлади. Менning барча ишларимда ана шундай подшолар менга ибрат бўлди. Мен яна эшитганманки, агар Парвардигор бирор кимсани улуғлаган бўлиб, бу одам барча қилмишларида ҳаққоният ва адолат билан иш тутиб, ўз фуқаросига раҳм-шафқатли бўлса, унинг қудрати янада ортади деб. Мабодо у подшо адолатсизлик ва шафқатсизлик йўлига оғадиган бўлса, тезда унинг қудрати ҳам синади...»

— Соҳибқирон! Суюнчи беринг, суюнчи!

Темурбек хаёлини йиғишириб, бемаҳалда ҳузурига келиб, унинг оромини бузишга ҳақли бўлган ягона киши — Азизиддинни кўрди.

— Эвара кўрдинг, дўстим, эвара!

Темурбек дўстини қучоқлади. Шунда олтмиш йиллик қадрдони, болалаги тимсоли бўлган амирнинг соchlари қировдек оқариб кетганига илк бор эътибор берди.

У олтин дастали Исфаҳон қиличини унга тутди.

Шу вақт ташқарида ногоралар чалиниб, карнай-сурнайлар садоси янгради.

— Нима гап ўзи?

— Эваранг дунёга келгани шарафига бу, дўстим! Бутун қўшин оёққа туриб, қувончингга ҳамдам бўлмоқда.

Темурнинг қалбини аллақандайдир ёқимли нарса қитиқлаб ўтди. Ҳаяжонланиб, елкасига түнини ташлаганча ташқарига йўл олди.

Атрофда гулханлар порламоқда. Фала-ғовур, кулиги ва шодон хитоблар эшитилмоқда. Майсалар устуга тўшалган юпқа қор атрофда ажиб манзара кашф этган.

Ҳа, қўшин унга ҳамдам. Шодлигини ўз шодлигидек қабул қилмоқда. Уларга ҳеч ким ярим тунда ўрнидан туришни, уни кутлашни буюрмаган. Демак, бундай қўшин билан дунёни забт этиш мумкин. Ҳеч қандай душмандан қўрқиш йўқ. Бундай садоқатли лашкар билан ҳар қандай саркарда ҳар қанча фахрланса арзийди. Демак, уни Аллоҳнинг шамшири деб бежиз улуғлашмайди.

Бу фикрдан унинг илҳоми жўшиб кетди ва «Таржимаи ҳол»ига қуйидагиларни битди:

«Парвардигор таоло биринчи инсон — Одам Атони яратганида, малойиклар у яратган биринчи мавжудотидан норози бўлиб, Аллоҳ таолонинг бу иши яхшиликка олиб келмайди, деб қайғурғанлар. Малойиклар худо яратган одам, шубҳасиз, ўзи кабиларни алдайди, берган ваъдаларини бажармайди, уларни ўлдиради ва ўзининг разил қилмишлари билан Аллоҳни инсонни яратганидан афсуслантиради, деб Парвардигорни ишонтиromoқчи бўлдилар. Аллоҳ таоло малойикларга жавоб бериб айтдики, инсон жаҳолат кўрсатишини аввалдан билиб, унинг чорасини кўриб қўйганлиги ва инсониятни яратиш билан улар орасидаги жинояткорларга керакли жазони берувчи қилични ҳам юборишни назарда тутганлигини айтди. Бу ҳикоятнинг маъносини яхшилаб ўйлаб ва мағзини чақиб кўрганимдан кейин Парвардигор гуноҳла-ри учун жазо берувчи қилич деб ўзи яратган одамия-тининг ҳокимларини назарда тутган деб тушундим...»

Темурбек енгил нафас олиб ёзишдан тұхтади. Ахир мұхрига күч — адолатда деган сүзларни нега үйдірган? Шубҳасиз, бу Парвардигорнинг инояти.

Тонг отиши биланоқ Темурбекнинг чодирига на-моздан сүңг звара билан табриклагани мулозимла-ри, саркардалар, уламолар кела бошлади. Ҳар ким ўз ҳолиша ҳукмдорға муносиб совға-тухфаларини кел-тиради.

Уларни Темурбек номидан мұхрдор амир Шоҳ Малик қабул қилди. Жарчи ҳар бир қутловчи но-мини баралла айтганда Темур ичкарида гилам ор-тидаги тирқишдан уни күрарди.

Соҳибқирон улар билан боғлиқ жанглар, воқеа-ларни құз олдига келтирарди. Синалган жанговар сафдошларини зимдан кузатаркан, у бўлғуси катта юриш улар учун ҳам жиддий синов эканлигини ўйла-ли. Шунинг учун ҳам қурултой чақириш ва унда бўлғуси сафар тафсилотларини мұхокама қилиш за-рур.

Боязид билан мұхораба жуда жиддий ва қалтис иш. У бутун давлат тақдирини ҳал қилади.

ЙИЛДИРИМ БОЯЗИД

Темурбек звара кўрганлиги шарафига катта тўй тантаналарини бошлашга амр қылганидан сүңг чо-дирида маҳфий даракчиларни қабул қилди. Улар Бо-язид шахси, турмуши, мулозимлари, халқа муносабати тўғрисида ахборот беришди.

— У жуда ақлли, тадбиркор ва уста сиёсатчи, — деди даракчилардан бири, — мен халқ ўртасида султон ҳақида юрган кўп ҳикояларни эшийтдим. Бир куни Бурса шаҳри қозиси Боязидни жавобгар си-фатида маҳкамасига чақирибди. Гап шундаки, бева қолган Бестина исмли юнон аёли қозига султон

устидан шикоят қилибди. Богининг бир қисмини султон ўз боғига қўшиб юборган экан. Қози олдида Боязид оддий фуқаро сингари тик турган, даъвогар аёл эса ўтирган. Қози Аллоҳ олдида барча мусулмонлар тенглигини айтиб, айбдор ким бўлишидан қатъи назар, шариат бўйича жазоланишини айтади. Беванинг ерини қайтариш, унга жарима тўлаш ҳақида Боязид ҳукм чиқаради. Султон эса бу ҳукмни ижро қиласади. Бу воқеа қозининг эмас, балки Боязиднинг обрўсини ошириб, халқа машҳур қилди. Авом унга ишонади, унинг учун жонини ҳам аямайди.

— Бир куни, — деди иккинчи даракчи, — султон порахўрликда қўлга тушган қозиларни жазолаш учун уларни бир уйга қамайди. Уларни тириклайн ёқиб юборишни буюради. Аммо халқ бунга йўл қўймайди. Ўзинг доимо шариат қоидаларига риоя қиласанми? Турмушингда айбларга, нопок ишларга йўл қўймайсанми? Аввал ўзингга боқ, танангга ўйлаб кўр, — дейишади. Боязид уларнинг бу гапларидан сўнг қозиларни кечиради.

— Боязид масжидлар қуради, мусулмонларга ғамхўр. Саройига машҳур алломаларни тўплаган. Уламолар билан кентгашиб туради.

Темурбек беихтиёр ўзининг «Таржимаи ҳол»ига битган сатрларни эслади:

«Мен, — деб ёзган эди у, — доимо саййидларга эҳтиром билан қаардим. Уламо ва шайхларни эъзозлардим. Бу кишилар ҳар доим менинг мажлисимда иштирок этардилар. Уларнинг дин масалалари юзасидан айтганларини мен дикқат билан тинглаб олардим ва аниқ бажаардим. Шунинг учун менга нисбатан халқнинг меҳри баланд эди ва ҳамма мендан миннатдор эди. Мазкур шахсларга муносабатимда подшоҳ Кустантиннинг воқеаси менга ибрат бўлди.

Бу адолатли подшо бир кун лашкар йиғиб, Рай подшоҳи томон юриш қилган. Ўз лашкари билан бунинг мамлакатига келаётсиб, Кустантин ногоҳ Рай подшоҳининг мажлисида саййидлар, уламолар ва шайхлар ҳозир эканлиги ҳақида эшигади. Буни билганидан сўнг Кустантин Рай салтанатини забт этишдан воз кечади ва лашкари билан тезда ортига қайтади. Ортига қайтганинг сабабини сарой аъёнлари ва лашкарбошиларига тушунтириб, Самовий деган донишманднинг китобида подшолар мажлисида диний арбобларнинг ҳозир бўлиши муҳим нарса эканлигини уқтиради. Ўша китобда айтилишича, агар подшонинг мажлисида диний арбоблар ҳозир бўлса, бу подшони ҳеч ким енголмайди, дейилган».

Демак, Боязидни ҳам енгиш мушкул эканлиги аниқ.

— Боязид сизнинг ерларингизга ҳам кўз тикмоқда, — деди даракчи. — У сизга тегишли вилоятларга нома юбориб, хирож талаб қилди.

— Нима? — Темурбек ғазабини босиб, даракчига нигоҳини тикди. — Демак, мен унинг қарамогида эканман-да?!

— Боязид мулозимлари Миср султони марҳум Барқуқнинг сиз ҳақингизда айтган гапларини тез-тез эслаб туришади. «Темур — бу чўл қюони. Атрофни бузиб, янчиб ўтади-ю, кетади. Боязид эса шу ерда муқим туради».

Сиз ҳинд сафариға кетганингизда эса Барқуқ кулиб шундай деган: «Чўлоқ тулки жуфтакни ростлаб қолди».

Темурбек ичидан босиб келаётган ғазаб алангасини ўчириб бўлмаслигини сезди. Ларьнати Барқуқ! У ўзи ҳинд сафаридан аввал Мисрга аллома Сова бошлиқ элчиларни юборган ва Барқуқдан итоат талаб қилган эди. Шунда Миср султони Боязидни паноҳ

тутиб, элчиларнинг талабини рад қилди. Аллома Сувани эса қатл этди. Ҳа, бу унинг юрагида турибди. Аллома қони интиқом талаб қиласди.

— Боязид ашаддий душманингиз Қора Юсуфни ўзига яқинлаштириб, шаҳзода Сулаймон қўшинига сардор қилиб тайинлади.

Қора Юсуф! Етти йилдан бери Кавказ ўлкасида «қора кўз» қабиласи сардори, Қоракуюнлилар хона-дони соҳиби бўлмиш бу туркман унинг оёқлари остида ўралашиб юрибди. Темурбек кетиши билан унинг отлиқлари бу жойда пайдо бўлиб, ҳоким бўлиб олишади. Қора Юсуф билан кўп тўқнашувлар кўнгилсиз тугади. Гоҳ Миср, гоҳ Боязид паноҳида у Темурбек ерларига ҳужум қиласди. Қора Юсуф гўё тақдири азал юборган балодек унга нимадандир ишорат беради. Вақти келиб у оламдан ўтгач, шундай Қора Юсуфлар унинг давлатини, умр бўйи урушиб қўлга киригтан ерларини парчалаб ташлашмасмикан?

Даракчиларга рухсат берилгач, Темурбек мирзо-сини чақирди:

— Айтадиганларимни қофозга тушир. Мен Боязидга мактуб битамен. Ёз, мирзо, ёз.

Темурбек ўйга чўмиб, Боязидга айтадиган гапларини яна такрор дилидан ўtkаза бошлади:

— Сенинг олий зотинг барчага аён. Шундай одам билиб, ўйлаб иш тутмоғи лозим.

Христианларга қарши урушларинг ва порлоқ ғалабаларинг бизга маълум. Биз бу урушларингда сенга халал бермадик. Аллоҳдан ғалаба тиладик. Эндиликда эса жуда кибрланиб кетибсан. Ҳукмингни жиловдан чиқариб шундай фармонлар беряпсанки, улар яхшиликка олиб келмайди. Ўз тинчинг ва оромингни бузиб, бошингга фалокатлар ортиряпсан.

Мирзо унинг айтганларини оҳиста қофозга тушираркан, Темурбек миясига қуюлиб келаётган фикр-

лар оқимидан керагини айтишга интилди. Бу фикрлар албатта унинг таржимаи ҳолидан ўрин олади.

— Мен ўзимни Аллоҳнинг ердаги энг биринчи итоаткор бандаси деб билдим ва унинг ёки пайғамбарининг амрисиз бирор ишга қўл урмадим. Парвардигорнинг амрисиз ерда яшаётган ҳалқларнинг биронтасига зиён етказмадим. Олий мартабадагиларга ҳам, фуқарога ҳам бирдек хайрият қилишга интилдим. Мен ҳеч қачон бировнинг мулкига эга бўлишга интилмадим ва шунингдек, ҳеч қачон кўпроқ бойлик ортиришга ҳам ҳаракат қилмадим. Мен ҳеч қачон бировга ҳасад билан қарамадим. Бу борада амир Ҳусайн билан бўлган воқеа менга ибрат бўлди: ўз фуқароларининг мол-мулкига нисбатан очкўзлиги пировардида уни ҳалокатга олиб келди...

Темур «Қизим, сенга гапираётибман, келиним, сен ҳам эшит» қабилида мактубни тамомлади. Боязидни у билан муносабати шундай бўлса охири баҳайр бўлмаслигини уқтирди. Қора Юсуфни унинг илкига топширишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Боязиддан жавоб ҳам ўзини узоқ куттирмади. Унинг мазмуни ҳақоратга тўлган эди.

Йилдирим Боязид тинч муроса кўпригини ёндириб, уруш оловини ёқишга азму қарор қилгани энди аниқ бўлди.

ЯШИН ВА ТЕМИР

Эвара тўйи тантаналаридан сўнг Темурбек фармони билан қурултой чақирилди.

Тажрибали лашкарбошилар бирин-кетин ўз мулоҳазаларини айта бошладилар. Кўпчилик янги юришга қарши. Ҳиндистон сафари, грузин, арманларни итоатга келтириш учун жанглардан ҳориган лашкарга камида икки йил дам бериш керак.

Саркардалар яна бир нозик масалага Соҳибқи-
рон диққатини қаратдилар. Боязид мусулмон. Турк-
лар қон-қариндош. Уларга қарши жанг қандай изоҳ-
ланади?

Темурбек сабр-тоқат ила сафдошларини, тажри-
бали амирлари, бек, туманбошиларини тинглади.
Кейин ўзи уларга қаратса оташин нутқ сўзлади:

— Лашкар чарчаган. Тўғри. Сизлар ҳам толиққан-
сиз, — деди у маърузасини якунлаб, — аммо душман
ҳам тараддуд кўраётганини биласизми? Миср билан
Боязид битим қилиб, улкан қўшин тўпламоқда. Биз
уларнинг кучайишига йўл кўймаймиз.

Сизларга хушхабар айтай. Набирам Муҳаммад
Мирзо карвони эртага етиб келади. Сизларга, лаш-
карга ўтган йил билан яна етти йил олдинга маош
тўлаймен.

Темурбек саркардалари ўртасида жонланиш кўриб
дадиллашди:

— Ҳаммангизга энди мукофотлар топшираман.
Шоҳ Малик!

Муҳрдор амир ўрнидан қўзғалди.

— Ҳиндистон ўлжаларидан лашкарга ҳам муко-
фот ажратилсин.

Маош ҳақидаги хабар қўшинга яшин тезлигига
тарқалди. Кўтарики руҳ барчани қамради. Бу лаш-
кар энди ўз ҳукмдори учун ҳар қандай ёвга қарши
боришга тайёр эди.

Муҳаммад Султон карвони Самарқанддан янги
зарб этилган кумуш танталарни олиб келди. Сипоҳ-
лар, навқарларнинг чўнтаклари тангага тўлди. Минг-
лаб қўйлар, отлар сўйилиб, катта базм бошланди.

Қорабоғга жойлардан янги лашкарлар кела бош-
лади. Уларнинг сони тўрт юз мингдан ошиб кетди.
Жанговар руҳи баланд қўшин султон Боязид тупро-
ғига қадам босди. Сивас, Алеппо, Дамашқ, Бағдол

уларнинг зарбига дош беролмай қулади. Зафар қуч-
ган лашкар 1402 йил баҳорида Анқара ёнида Боя-
зиднинг асосий қўшинига дуч келди.

Ҳали ҳеч мағлубият аламини кўрмаган Боязид
дushmanни хотиржам қаршилади. У Темурбекни мут-
лақ менсимаслигини кўрсатиш учун минглаб лочин-
лари ва този итлари билан ов уюштириди.

Темурбек рақиби туғдирган ажойиб имкониятдан
усталик билан фойдаланиб, лашкарни қулай жанг-
вар мэрраларга жойлади. Баҳайбат филларини олдинга
ўтказиб, дushman қўшинига даҳшат солди. Филлар
устида ўточар қуролли мерганлар ўтириди. Тўфангоз-
лар эса ўз мэрраларида араваларга ўтирганча ҳужум-
га ишорани кутишди.

Миллиондан ортиқ пиёда ва отлиқ қонли жанг-
ни кутарди. Қачонлардир машҳур Рим императори
Помпей Босфор подшоси Митридат билан жанг қил-
ган тоғ ёнбағрида икки лашкар беаёв олишувга та-
раддуд кўра бошлади. Боязид лашкаридаги зарбдор
кучни ўзининг куёви серб қироли Стефан Лазар
ўғли қўмондонлигидаги кучлар ташкил қилган
бўлиб, унда Оврупонинг машҳур рицарлари, ёл-
ланма отлиқлар кўпчиликни ташкил қилган. Кас-
би-кори уруш бўлган бу рицарлар бой ўлжа илин-
жида ёввойи саҳройи жангчиларга калондимоғ на-
зар ташлаб туришар эди.

Темур жанг бошлашга имо қилиб, ўзи чодирига
кириб кетди. Дарвеш қўшин сафидан чиқиб, Темур-
бек номидан лашкарни жангга чорлади.

— Фозийлар! — деди дарвеш. — Шуни билингки,
мунахжимлар осмонда қонли юлдуз ёғдусида Аллоҳ-
нинг шамшири Темурбек исми шарифларини кўриш-
ди. Зафар сизларга йўлдош! Олға, фозийлар!

Филлар оғир қадамлар ташлаб турклар тарафга юра
бошлади. Тўфанглар гумбурлади.

Темур чодирида гүё ҳеч нарса сезмагандек шатранж ўйнай бошлади.

— Қани, юриш сендан, Азиз!

Амир Азизиддин ҳам ўйинга берилиб, жанг суронларини сезмасди. У шуни яхши билардик, Боязид сафидаги лашкарбошиларнинг энг зўрлари Темурга сотилган. Ҳинд ўлжасидаги жавоҳирлар энди ўз кучини кўрсатади.

Чиндан ҳам шундай бўлди. Жанг айни қизиган маҳалда Темурнинг асосий қўшини орқага чекина бошлаб, пистирмага душманни яқинлаштириди.

Боязид лашкаридаги рицарлар аввалдан тайёрланган тузоқقا тушдилар. Ана шунда турк қўшинининг бир қисми Темур тарафига қочиб ўтди.

Боязид таянчи — сараланган рицарлар, серблардан иборат зарбдор куч қўмондони Стефан Лазар ўғли тажрибали саркарда кўзи билан Темур лашкари устунлигини, ҳарбий тактика жиҳатидан ғоят қўли ба-ландлигини сезди. Стефан гарчанд бир қисм қўшин хиёнати бўлмаса ҳам Осиё лашкари обдан пухта тараддуд кўргани, саркардалари маҳорати туфайли ба-рибир ғолиб бўлиши муқаррарлигига тан берди. У бу жангда Оврупо ҳарбий санъати Темур санъати олдида ожизлигини ҳам ҳис этди. У ётиб қолгунча отиб қол қабилида иш тутиб, сербларни ҳужумга ундади. Қайноғасини ҳимоя қилиш учун жон-жаҳди билан жанг қилди. Боязид қўшини иккига ажраб, тумтарақай чекина бошлади. Султоннинг атрофида атиги ўн минг кишилик янчарларгина қолди, холос.

Боязид отдан йиқилиб тушди. Уни безгак касали ўз хуружига олди.

Чодирда эса Темурбек шатранж ўйини билан овора эди.

— Шоҳ! — деди у тантана билан Азизга. — Сен мотсан, дўстим!

Шу вақт чодирга султон Маҳмудхон кириб келди. Бутун давлат ҳукмдори — Мовароуннаҳр хони бўлган саркарда Темурнинг олдига бўйнига арқон тушган султон Боязидни олиб кирди.

— Қабул қил совғамни, Темурбек!

Яшиндек тез ва шиддаткор Боязид кўзларини ерга тикди.

— Аллоҳнинг иродаси шундай экан, султон, — деди Темур, — буни қарангки, Парвардигори олам ярим дунёни мен, оқсоққа, қолганини эса сен шапкўрга инъом этган эди. Аммо иккимиз ҳам қодири Расул олдида қандай аянчли ва ожиз бандамиз!

Оврупо рицарларининг кушандаси, қирол ва императорларни даҳшатга солиб, неча-неча донгдор ҳукмдорлар бўйнига итоат ҳалқасини осган яшиндек тез ва шиддаткор, музaffer султон Боязид Темурбек олдида бошини қуи солди.

ИСЛОМНИНГ БАҒРИ КЕНГ

Ислом динини қабул қилган серб маликаси Мария Оливерани унинг олдига олиб киришганида Темурбек унинг ҳусни тароватига тан берди.

Мария унинг олдида тиз чўкмоқчи бўлганида Темурбек бунга йўл қўймади.

— Исломнинг бағри кенг, малика. Биз аёлларни жаннат остонаси деб биламиз. Ўрнингиздан туринг. Биз сизни султон Боязид қароргоҳига юборурмиз. Эрингиз билан қўша қаринг.

Темурбекнинг имоси билан унинг танмаҳрамлари бир йигитни сафдан чиқариши.

Мария уни дарҳол таниди. Бу йигит собиқ олмон рицари, мусулмонликни қабул қилган Юнус фа-

ранг эди. Бавариялик зодагон ўғли Иоханнес Шильтбергер эди.

— Юнус сизнинг ихтиёриңгизда бўлади, малика.

Улар чиқиб кетишгач, Темурбек ўйга чўмди. Султон Боязиднинг севимли рафиқаси Мария унга бундан етти йил муқаддам дуч келган рус канизаги Людмилани эслатди. У ниҳоятда гўзал қиз бўлиб, Олтин Ўрда хони Тўхтамишга аталган экан. Рязань князи хушомад тарзида уни Тўхтамишга тухфа қилган, лекин тақдир ўзгача ҳукм чиқарган экан.

Людмила зодагон руснинг қизи эди. Ўқимишли, зийрак ва меҳрибон.

Темурбек кўзларини юмди. Ўша рус қизи унинг хотирасидан сира ўчмаган. У билан ўтказган куну тунлари ҳамон ёдида. Ундан доимо гул ва қайин ҳиди уфуриб турар эди. Ҳозир Марияни кўриб тураркан, бу аёл нимаси билан турк султони Боязиднинг энг севимли рафиқаси даражасига кўтарилгани сири унга аён бўлди. Ўша рус қизи ҳам уни шундай севимли рафиқаси бўлиши, Сароймulk хоним ёнида кичик малика даражасини олиши мумкин эди. Аммо бешафқат ўлим уни ўзи билан бирга олиб кетди. Ўлим! У қанча-қанча сафдошларини сафдан чиқарди. Лекин у унга, Темурбекка, Соҳибқиронга шу кунга қадар шафқат қилиб келмоқда. Нима учун? Ва нега? У гоҳо ўзи билан ўзи гаплашар экан, тақдиридаги ажойибот-гаройиботлар ҳақида ўйлар эди. Наҳот у Аллоҳнинг қиличи? Ислом қалқони? Ахир у оддий бир банда — Тангри қули Темур-ку? У ҳам инсон. Ота. Бобо. Нега унга тақдир етти иқлим ҳукмдори бўлишдек оғир вазифани юклади? Ана шу иқлимлар отаси бўлишдек шарафли ишни топширди? Беихтиёр ёдига шайх Шамсуддин, Амир Саид Кулол башорат-

лари тушди. Етти иқлим ҳукмдори! Соҳибқирон! Кўз олдидан отаси Амир Тарағай, онаси Такина бегим, Ўлжой ўтди. Ўша бетакрор болалик, ўтли ёшлиқ қани энди? Нима уни доимо янги-янги сафарларга ундаиди? Бошқа қарияларга ўхшаб нега давру даврон сурмайди? Ахир ҳозир унинг довруғи Мағрибдан Машриққача етган. Шунча жанг жадаллардан сўнг у ахир осойишта кексалик гаштини суришга ҳақли эмасми?

Шундай хаёллари билан кўзларини уйқу элитаеттганини сезди. Бу ҳам қарилек аломати эмасми?

Темурбек аста ёстиққа бош қўйди. Кўзларини қандайдир булат босди. Олис-олислардан унга қандайдир товуш келди:

— Эй, Темур! Брахманнинг башорати тўғри. Фурсат ғанимат.

У сесканиб кўзини очди. Чодирда осойишталик. Атроф тинч. Ҳеч қандай шовқин-сурон йўқ. Қандайдир бир туйғу уни ташқарига етаклади. Ташқарида аскарлар пешин таоми учун ҳозирлик кўришмоқда. Қўй гўштидан кабоб тайёрланмоқда. Паловнинг ҳиди анқимоқда.

У бир қўйнинг танасини ўтда пишираётган навкарларидан бири олдида тўхтади. Ёқимли ҳиддан иштаҳаси очилди. Навкар узатган ўтқир пичоқни олиб, қизариб пишган гўштидан қирқиб оғзига солди. Қандай мазали!

Танмаҳрамлар имоси билан хизматгўйлар лаганга солинган сарпанжани келтиришиди. Кимdir каллапочча. Кимлардир ҳасип... Яна, яна бошқаларни...

Темурбек улардан тотиниб чуқур хўрсинди. Ёдига устози Самир Тархон тушди. Улар машқлардан сўнг чўпонлар ўтовида янги сўйилган қўй гўштидан тайёрланган тандир кабобларни тановул қилишганда устоз икки-уч тишламдан сўнг қўлини артар ва унга, Темурга, иштаҳа билан гўшtlар-

ни паққос тушираётган ўсмирга ҳавас билан қараб қўярди.

Қани энди унда ўшандай иштача бўлса? Бир-икки луқмада тўяди-қўяди. Қизиқ, инсонга беҳисоб бойликнинг нима кераги бор? Ўзи билан гўрига олиб кетолмайди-ку?

У бу фикрларни, ўзи қаламга тушираётган таржимаи ҳолида албаттa авлодларига етказади.

Яна бир ғоя унинг миясига шиддат берди. У ўтиз йилдан бери отдан тушмай, улкан салтанатни идора қилмоқда. Чингизхон маслаҳатчиси эса дунёни отда туриб забт қилса бўлади, лекин отдан тушмай уни бошқариб бўлмайди, деган эди. Бекор гап. У, Тангри қули Темур, етти иқлимини отдан тушмай идора қилиб келмоқда ва келаверади.

ЎФИЛ БЎЛГАН ҚИРОЛ

Узоқ турклар ўлкасидан элчиларнинг қайтгани ҳақидаги хабар бутун Мадридни ҳаяжонга солди. Герцоглардан тортиб граф, барон, маркизларгача барча зодагонлар уйларидаги суҳбат мавзуси ҳам ўша бир йил муқаддам қирол томонидан олис турклар элига, машҳур султон Боязид ҳузурига юборилган элчилар эди. У қандай хабарлар келтирди?

Ҳаммага ана шуниси қизиқ эди. Кастилия ва Леон қироли Генрих III дон Энрико ҳам ошиқич равиша барча ишлару маросимларни йигиштириб, элчини қабул қилди.

Ўз саройидан бўлак жойни кўрмаган, ҳали ҳеч қандай жангу жадалларда шамширини синамаган қиролнинг бутун вужуди қулоқقا айланган. Эндиғина 24 баҳорни қаршилаётган ёш ҳукмдор бутун Оврупони даҳшатга солган яшиндек тез ва шиддаткор Йилдирим Боязиднинг ҳалокати ҳақида эшит-

ган, шунинг учун ҳам Боязид қароргоҳида туриб Аңқара жангини ўз кўзи билан кўрган элчисининг ҳикоясига жуда муштоқ эди.

Элчи бир тиззасини букиб, рисоладаги таъзимни бажо келтиргач, орқадаги мулозимлари устига шойи ёпилган аллақандай патнисларни қирол тахти олдига қўйдилар.

— Авваламбор, зоти олийларига, — деди элчи тантанавор оҳангда, — Темурбек тухфаларини топшириш шарафига мұяссар бўлганимдан баҳтиёрман.

Шундай дея элчи кумуш патнислар устидаги шойи пардани олди. Атроф гавҳару жавоҳирлар, ёқуту забаржадларнинг сехри жилосидан ёришиб кетди. Олтинкумуш тангалар тўлдирилган қутичалар, қимматбаҳо заргарлик буюмлари, дасталарига дурлар тақиған ханжарлар, ажойиб Шарқ матоларидан ишланган буюмлар ёш қиролни ҳанг манг қилиб қўйди.

— Темурбек сиз, зоти олийларини ўз фарзандларидек кўришларини айтдилар...

Генрих III дон Энрико қархисида товланиб ётган бойликка маҳлиё бўлганча элчининг сўзлари маъносини ҳам илғамади. Аммо унинг ёнида турган мулозими камергер Рюи Гонзалес де Клавихо сергак тортиди.

— Бу дегани, зоти олийлари, — дея шипшиди у қиролга, — Темурбек сизни ўзига тобе, вассал ҳукмдор деб билишга ишора.

Генрих III ажабланиб камергерга саволомуз тикилди.

— Бундан икки юз йилча муқаддам, зоти олийлари, — гапида давом этди камергер, — татар хони Чингизхон Хоразм ҳукмдорини «ўғлим» деб атагани учун икки ўртада уруш чиққан эди. Хоразмшоҳ Муҳаммад ўзини ҳақоратланган ҳисоблаб, Чингизхон элчиларини ўлдириган.

— Кейин эса, — бирдан гапга қўшилди элчи, —
Хоразмшоҳ ҳам, давлати ҳам яксон бўлди.

— Ҳа, — деди ажабланиб ўзини Шарқ бўйича билимдон ҳисобловчи Рюи Гонзалес де Клавихо, — тарихда сабоқ бўлувчи воқеалар тез-тез такрорланиб туради.

Пойгакда товланиб турган бойликлардан кўзини узолмаган қирол қулиб юборди.

— Азизим Гонзалес, қани энди сени ҳам Темурбекдай бадавлат одам ўғлим деса, йўқ деярмидинг? Шундай давлатга эга ҳукмдор отага бола бўлишнинг нимаси ёмон?

— Башорат этдингиз, зоти олийлари, — деди жонланиб элчи, — агар камергер жаноблари ўз кўзлари билан Темурбек юртини кўрганларида эди, буткул ўзга тасаввурга эга бўлурдилар. Минг бор эшитгандан бир бор кўрган маъқул.

Генрих III дон Энрико тахтдан тушиб, патнисдаги жавоҳирларни завқ ила қўлидан қўлига ола бошлиди.

— Ҳақ гап бу, Гонзалес. Биласанми, элчи ҳам башоратгўй экан. Сен, Гонзалес, мени ўғли деб атаган «падари бузукворимиз» Темурбек ҳузурига жўнайсан.

Қирол тахтига ўтириб, элчига амирона нигоҳини қаратди.

— Қани энди, денгизчи Синбоднинг ўн икки саёҳатидан ҳам қизикроқ саргузаштларингизни эшистайлик, муҳтарам элчи! Сен эса, Гонзалес, диққат билан гапни бўлмай қулоқ ос. Эрта-индин жўнайсан ўша жойларга!

Элчи камергерга ғолибона назар ташлаб, ҳикоясини бошлиди:

— Каминангиз Боязид қароргоҳида туриб бутун жангни кузатди. Ричард шерюрак мисоли ботир хрис-

тиан рицарлари турклар сафида Темурбек қўшинига қарши жанг қилишди. Аммо уларнинг кўпчилиги мардона ҳалок бўлишди, қолганлари асирга олинди.

— Боязидни темир қафасга солиб Самарқандга жўнатишгани ростми? — сўради қирол.

— Йўқ, зоти олийлари. Воқеа шундай бўлган...

Темур чодирига асирга олинган Боязидни олиб келганда у рақибининг ҳолатидан қувониб чапак чалмади. Ҳолдан тойган, сўниқ чехра Боязиднинг ҳолига ачинди.

— Соҳиби карамнинг ишлари бизга қоронғи экан, султон, — деди Темурбек. — Ярим жаҳонни у менга, оқсоққа инъом этган бўлса, ярмисини сенга ҳадя қилган эди. Аммо иккимиз ҳам Тангри олдida нақадар ожиз кимсалармиз.

Яқиндагина Темурбекка ҳақоратли номалар ёзиб: «Сен чўлоққа фуурни ким қўйибди», «Чўл тулкиси», «Таги паст йўлбарс», деб чиранган Боязидни иззат-икром билан алоҳида чодирга жойлашди, ўғли Мусани ҳам ёнида қолдиришди. Бошига тушган мусибатдан хасталанган ва умуман руҳи синган турк султони отда юролмай қолгани учун унга маҳсус тахтиравон — эгар ҳозирлаб беришди. Султон Боязид ана шу эгар — тахтиравонда Самарқандга қайтиш йўлида вафот этди. У ўлими олдидан сўнгти иродасини баён қилди:

— Оиламга озор етказма. Шаҳримни вайрон этма.

Темурбек кўзида ёш билан унинг васиятини бајаришга ваъда берди. Буни қарангки, Темурбек мағлуб бўлган султоннинг аёллари — бутун ҳарамни озод этди. Султоннинг мотам маросимларини ўтказиша ҳам қатнашди. Боязидни ўз пойтахти Бурсада дағн этишди. Темурбек Боязиднинг тахтига унинг ўртанча ўғли Мусани ўтқазиб, орқасига қайтди. Биз, элчиларни, Боязид ҳузуридаги бошқа Оврупо вакил-

лари қатори иззат-икром билан сийлади, ўз тұхфаларини улашды, зоти олийлари.

— Император Мануилнинг дуо-илтижолари қабул бўлиб, Византия турк балосидан халос бўлди, — қиссадан ҳисса ясади қирол. — Буни қарангки, христиан дунёсига келган мусулмонлар қиёфасидаги балони Темурбек сиймосидаги мусулмонлар даф қилди. Во ажаб!

— Ажабланманг, зоти олийлари. Бундан етти йил муқаддам Темурбек қўшини Волга бўйидан Москвага яқинлашганда худди Византия императори Мануилга ўхшаб Москва буюк князи Василий Дмитриевич черковга беркиниб иконага сифинган. Зодагон боярлардан тортиб оддий фуқарогача — барча черковларда ибодат қилишган. Темурбекдан қутулишнинг бирдан-бир чораси — ибодат қилиш, деган ўшанды митрополит Киприан. Москва обдан, чин дилдан ибодат қилди ва балодан қутулди.

Камергер Рюи Гонзалес де Клавихо шундай дея элчига мағрур қараб қўйди.

— Балки авлиё Иоанн Темурбек қиёфасида оламга келиб бизларга назар ташлаётгандир, жаноблар, — деди Генрих III дон Энрико ўйга чўмиб. — Зотан ёввойи, саҳройи Осиёда Темурбекдай мард, олиҳиммат ва муруватли ҳукмдор бўлишига сира ақлим бовар қилмайди.

— Каромат қилдингиз, тақсири олам!

— Испан тупроғида етти асрдан бери арабу маврлар ҳукмронлиги давом этиб келмоқда. Балки, биз ҳам авлиё Иоанн иноят этса, еримизни бу келгинди араблардан халос этармиз. Бундай муқаддас иш йўлида мен Темурбекнигина эмас ва балки иблисни ҳам ўзимга, талаб этса, падари бузруквор этишга тайёрман!

Кастилия ва Леон қироли Генрих III дон Энрико камергерига нигоҳини қадаб сўзида давом этди:

— Рюи Гонзалес де Клавихо! Биз сизни Темурбек хузурига элчи қилиб жүнатишга азму қарор этурмиз.

— Худо ёр бўлсин!

— Барчамиз Тангрига ибодат қилиб, чин христиан юрагидан сизнинг сафарингизга омад тилаб қолурмиз.

ҚОРАБОҒДАГИ МОТАМ

Муҳаммад Султон қўмондонлигидаги тўрт туман Кичик Осиёнинг ғарбий сарҳадлари гача етиб борди. Бутун христиан оламини ларзага солган усмонли турклар хоқонлиги эндиликда Темурбек измига ўтди.

Худди шу ғарбда, Боязидга қарашли ерларнинг чегарасида мағрур Смирна қалъаси қад ростлаб турарди. Қалъанинг бир томони денгиз билан туташ бўлиб, унда кемалар ва қатор қайиқлар тизилган.

Бобосидек шиддаткор Муҳаммад Султон бу қалъани олишга жазм қилди.

Иоаннитлар тариқатига мансуб Родос рицарлари қароргоҳи бўлган Смирнанинг ҳукмдори жасур Вильгельм де-Мине эди.

Муҳаммад Султон элчиси унга хирож тўлаш ва Темурбекнинг Катта байроғини қалъа устига ўрнатишни таклиф қилди:

— Акс ҳолда жанг қиласиз, — деди элчи, — биз кўпчиликмиз. Бекорга қон тўкилишини истамаймиз.

Вильгельм атрофида турган рицарларга қараб кўз уриштиргач, кескин жавоб қилди:

— Урушсак урушаверамиз. Биз, авлиё Иоанн жангчилари ҳеч Муҳаммад умматларига бош эгмаймиз.

Муҳаммад Султон бобоси каби тадбиркор эканлигини қўшинга яна бир бор кўрсатди. У шошилмай қалъани чор атрофдан ўраб олиш ва денгиздан ажратиб қўйишни буюрди.

Бир ҳафтадан сўнг Смирна қалъаси мудофаачилари ўзлари учун нажот йўли бўлган денгиз тарафидан тошлардан қад кўтартган тўғонни кўришиди.

Оврупо рицарлари жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатиш ва қуршовдан чиқишига интилишиди. Қамалнинг ўн иккинчи куни Вильгельм тариқат гроссмейстерига ёрдам сўраб одам юборди. Ўт очар мушкетлар, замбараклар ва рицарларнинг кескир қиличлари ҳам қалъани сақлаб қололмаслигига унинг кўзи етган эди.

Ҳар тарафдан узун осма нарвонлардан қўтарилиб, қалъадаги рицарлар билан жанг қилаётган Мовароуннаҳр баҳодирлари зарбига дош беролмаган мудофаачилар ўн учинчи кун кечаси денгизга ёриб ўтдилар. Қирғоқда уларни Иоаннитлар тариқати гроссмейстри юборган кемалар кутарди.

Қалъада Темурбек байроби ҳилпиради. Тез орада бу ерда Оврупо бой шаҳарлари Лесбос, Хиосдан савдогарлар таъзимга келишиб, қимматли совға-саломлар келтиришиди.

Муҳаммад Султон улар сафида Генуя савдогарларини ҳам кўрди. Кўп ўтмай Византия императори Мануил юборган элчи ҳам унинг олдида тиз чўкди. Император ҳар йили турк султони Боязидга тўлайдиган хирожни энди Темурбекка тўлашини билдирган элчи олтин тўла халталарни унинг олдига қўйди. Муҳаммад Султон элчининг эҳтиром ила узатган номасини ўқиб эшиитиришга буюрди.

Савдогарлар, мингбоши-ю юзбошилар, жангларда суюги қотган баҳодирлар машхур Румо подшоҳининг миннатдорчилик билдирилган номасини зўр диққат билан эшиитдилар.

— Христиан олами, — деди элчи чуқур таъзим ила, — Темурбекнинг буюк хизматларини минбайдунутмайди.

Мұҳаммад Султон шу жойда бобоси юборған чопарни ҳам қабул қилди. Темурбек валиаҳд набирастига тездан Самарқандга қайтишни буюрган эди.

* * *

Ғаламислиги ва ўзбошимчалиғи билан Темурбекнинг ғазабини қўэфатган грузин князлари, товламачи арман ҳукмдорлари Кичик Осиёдан қайтган қўшин қаҳрига учради. Гуржистон ва Арманистонни яна бир бор қиличдан ўтказган Темур ўзининг Кавказдаги доимий масакани Қорабоққа кўр тўкди. Амиру беклар, мингбoshi-ю ўнбоши ва оддий сипоҳ — навкаргача байрам кайфиятида эди. Гўзал тоғли дараларда дошқозонлар қайнайди. Юзлаб кўйлар сўйилиб, ғолиблар базми авжига.

Бой ўлжалар олган қўшин руҳи баланд. Ҳукмдор қайга чорласа ўша жойга от суришга тайёр.

Темурбек ўзини баҳтиёр сезарди. Энди у тўла маънода жаҳонгир бўлди. Ашаддий рақиби майдондан кетди.

Энди бир ўзи ислом оламининг ягона устуни!

У баҳтиёр, мамнун сафдошларига боқади. Уламолар суҳбатини берилиб тинглайди.

Барча Соҳибқироннинг уламолар ўртасига қизиқ масалалар қўйиши ва уларни кўпинча мот қилиб хузурланишини билади.

Темурбек уламолар суҳбатида илм фозиллари устидан ғалабасини ҳар қандай ҳарбий зафардан устун қўйишини ҳам билишади. Қайси эл, қайси юртни олмасин, ўша жойларнинг энг зўр уламолари, олиму санъаткорларини ўзига чорлаб суҳбат қилишни одат қилган Темурбек саркардаларига ҳам уларни ҳурмат қилишни буюргани маълум.

Гулханлар порлаб, куй-қўшиқлар бир-бирига уланган кунларнинг бирида шум хабар етиб келди.

Тахт вориси, валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон йўлда касалга чалиниб, Қораҳисорнинг шарқидаги учинчи довонда жон таслим қилибди. Умрининг 29 баҳорида — 1403 йил оламдан ўтибди!

Байрам мотамга айланди. Темурбек бошига тушган мусибатга ҳамдам бўлиш учун биринчилар қатори Мир Сайд Барака унинг чодирига етиб келди.

Темурбек ёшли кўзларини артмай пири ҳузурига чиқди.

— Чироғимдан айрилдим, пирим, — деди у изтироб ичра.

Мир Сайд Барака бошидаги салласини ечиб ҳўнграб йиглади.

Темурбек пирини бағрига босиб, унга қўшилиб йиглади.

Саркардалар, қўшин бошлиқлари, навкарлар бу икки буюк одамни оддий бандалар қатори биринчи бор кўришар эди.

Ҳеч ким ўзини тийиб туролмай кўз ёшларини артишар эди.

Фарзанд доғи нималигини англамайдиган зот борми, ўзи?

Темурбек ҳам ҳамма қатори оддий banda экан. У ҳам одам. Ота. Бобо. Ана шу лаҳзаларда лашкар нима учун ўзларининг буюк ҳукмдорларининг «Мен, Тангри қули Темур» дея амру фармонларида яширган ҳикмат маънисига етишишди.

МУКОФОТ ВА ЖАЗО

1404 йилда Темурбек Самарқандга етти йил давом этган юришдан сўнг қайтишга фармон берди.

Суюкли набирасининг йили ўтиб, Муҳаммад Султоннинг онаси Суюк бека ўғлининг жасадини вақтинча дағн этилган авлиё Ҳайдар мозоридан Самарқандга олиб кетишга ижозат берди.

Порлоқ ғалабадан сүнг бошига тушган мусибат Темурбекка оғир таъсир қилған бўлса ҳам, у ўзини оддий инсон — банданинг ҳис-туйгуларидан юқори тутиб, ҳукмдорлик вазифасини бажариши лозимлигини тушунарди.

Голиб қўшинни, саркардаларни тақдирлаши, табрик учун келган одамларни, турли эллар элчилари ни қабул қилиш лозим. Кимларгadir илтифот, баъзиларга қаҳр сочиши керак. Ҳукмдорлик бурчи, таомили шундай.

Бутун Мовароуннаҳр унинг пойқадамини кутмоқда. Самарқанд донғи бутун ислом оламига кетган голибга мунтазир. Темурбек Зарафшон водийсига келгандан лашкарга тўхташни буюрди. У узоқ давом этган сафарда шиддатли жанг жадалларда ўзини кўрсатган оддий навкарлардан тортиб мингбошию туманбошиларгача муносиб мукофотини олиб, сўнг пойтахтга қадам қўйишни истади. Ҳудди шу водийнинг кенг бағрида ҳарбий ўлжаларни тақсимлашни буюрди.

Зарафшон бўйига юзлаб филлар, минглаб туялар карвони етиб келди. Уларда олтин-кумушлар, жавоҳирларга тўла сандиқлар кўзга ташланар эди.

Катта байрамга тараддул қизиб кетди. Навкарлар, зобитлар, мингбоши, турли унвондаги бек-амирлар кўтаринки кайфиятда.

— Ҳеч ким ўлжадан, мукофотдан бенасиб қолмасин.

Соҳибқирон буйруғига кўра оддий пиёда, сувори ўнбоши, ўнбоши эса юзбоши ва улар ўз навбатида мингбошиликка кўтариладиган бўлди. Оти жангда нобуд бўлган отлиқقا бир эмас, балки ўн тулпор совға қилинди. Икки отини йўқотганга йигирма, тўрт отини йўқотган қирқта тулпор олди. Айрим юзбоши ва мингбошилар бутун пода-пода йилқиларга эга бўлишди. Зотан ўлжа ҳам беҳисоб эди.

Лашкар шу кунга қадар бундай катта ўлжа олмagan эди. Турк султонларининг узоқ йиллар давомида тўплаган беҳисоб олтин-кумушлари, жавоҳирларидан иборат хазинаси, Гуржистон, Арманистон ҳукмдорларининг қимматбаҳо тожлари, Султон Боязиднинг муҳташам тахти, қўйма олтин, ёмбилар шулар жумласидан эди. Ҳар бир сипоҳ, навкар, ўнбоши ва кўшин бошлиқлари хизматларига яраша ўз улушлари, мукофотларини олишди. Энг катта ўлжа Самарқанд саййидларига тантанали топширилди. Бу бутун мусулмон оламида муқаддас ҳисобланган халифа Усмон Куръони эди. VII асрда учинчи халифа бўлган Усмоннинг фармони билан ёзилган Каломи Шариф безатилган фил устига маҳсус сандиқда Мир Сайд Барака бош саййидлар ҳузурига жўнатилди.

Мукофотлардан сўнг вазирлар ҳисоботи тингланниб, ўлжалар тақсимоти бошланди.

Шаҳзодалар Темурбекка жавоҳирлар билан безатилган тожларни туҳфа қилишди. Жаҳонгирга муносаб совға — филга ортилган султон Боязиднинг муҳташам тахти бўлди.

Темурбек ғолиб қўшини олдига қудратли ҳукмдорга хос дабдабали либосда тож кийган ҳолда чиқди. Ҳар бир саркарда, сипоҳ, сувори ўз улушкини олишини кузатди. Олтин, кумуш, тақинчоқлар, дуруғавҳарларни улардан аямади. Зеро улар ундан ўз жонларини аямай жанг қилишган.

Ғолиб лашкарга Темурбек бутун сафар давомида йиғилиб қолган бир неча йилги маошини ҳам тўлашга амр қилди.

- Темурбек яшасин!
- Соҳибқирон марҳамати чексиз!
- Саховатда Ҳотам Той!

Темурбек ана шу байрамда ўз қаҳрини ҳам на мойиш қилди. Маҳфий даракчилари маълумотига

кўра, Самарқанд ҳокими порахўрлиги маълум бўлди. Барчанинг кўз ўнгидаги суд уни ўлимга маҳкум этди. Ҳокимга ҳомийлик қилиб юрган олий насаб амалдор Темурбек олдида тиз чўқди:

— Дўстимнинг гуноҳидан ўтинг, Соҳибқирон. Қанча хуни бўлса, шунча олтин тўлай. Фақат бир қошиқ қонидан кечинг.

Темурбек сергак тортиб раис-нақибларига қаради.

— Олиб боринг! — деди қатъий.

Самарқанд ҳокими қатори ўртага тушган амалдор ҳам дорга тортилди.

Куч — адолатда! Темурбек шиори ана шундай ва унга доимо бекаму кўст амал қилинади.

Соҳибқирон оддий фуқародан тортиб ҳокиму бекларга ҳам бирдек муомала қиласди. Чунки у юрт отаси. Марҳаматда ҳам, қаҳрда ҳам бирдек.

Халқ ана шунинг гувоҳи бўлди. Мукофот ва ўлжа тақсимотидан сўнг катта базм бошланди.

Минглаб қозонларда гўшт қайнайди. Баковуллар қўллари қўлларига тегмай хизмат қилишади. Кабоб-пазлар, новвойлар иши ҳам авжида. Улкан қўшинга тоғ-тоғ гўшт, нон етказишнинг ўзи бўладими?

Ҳеч нарса аялмасин! Барча майшат қилсин! Тўйгучича!

Махсус мулозимлар Темурбекнинг ана шундай фармонини олишган. Подшонинг амри вожиб!

Чодирларда беклар, ялангликда сипоҳлар базми авжида. Ғалаба мадҳини созандаю хонандалар куйлайди. Раққосалар хиром айлайди.

Темурбек содиқ барлос беклари, хос навкарлари курсовида бепоён қароргоҳини кўздан кечиради. У қўшинидаги барча саркардалар, мингбоши, юзбошлиларни шахсан билади. Вақтида улар билан суҳбатлашишга ҳам вақт топади. Темурбекнинг нигоҳини чодирлардан бири олдида шўх қийқириқлар жалб этди.

Даврада ёшгина йигитлар кураш тушмоқда. Ат-рофдаги томошабинлар иккига бўлиниб полвонларни руҳлантиришади. Мана, мўйлаби эндиғина сабза урган йигит рақибининг елкасини ерга тегизди.

Темурбек завқ ва ҳавас билан ғолиб йигитга нигоҳ ташлади. У томошабинларнинг қийқириқлари садоси остида даврадан чиқди. Кўзлари ҳукмдорга тўқнаш келди.

— Исминг нима, ўғлим? — деди у мулойим оҳангда қаршисида тиз чўккан полвонга.

— Темур! — деди ғуурланиб полвон ўрнидан туриб.

— Темур!!! — ҳайқиришди йигитлар.

Соҳибқироннинг қалбини қайноқ бир нарса қитиқлаб ўтди.

— Ўнбошинг ким?

— Темур!

Ўнбоши икки қадам олға чиқиб, таъзим бажо қилди.

— Юзбошинг-чи?

— Темур!

Темурбекнинг чеҳрасида табассум барқ урди. Қизиқ, қўшинида яна қанча Темурлар бор экан-а? Бунинг сабаби недур?

— Кўрдингми, — деди секин Азизиддин, — лашкар сени қанча севади. Лашкар ўз фарзандларини сенинг номинг билан атаган.

Темурбек дўстининг чеҳрасидан ифтихор ва муҳаббат уқди. Камтар, камсуқум дўсти одатда мақтовга тоби йўқ эди.

— Ғолибга кимхоб тўн ёпинг.

Шундай дея Темурбек олтин тўла халтачани полвоннинг олдига ташлади.

— Яшасин Темур!

Бу кучли хитоб унгами ёки полвонга!

— Ислом шамшири, шариатпанаңга оғарин!
— Яшасин жаҳонгири миз Темур!
Темурбек ўтган ҳар бир чодирдан шундай хитоблар янгра дид.

Ҳа, бундай құшин билан бутун жаҳонни олиш мүмкін. Искандар Зулқарнайн оёғи етмаган жойларга ҳам бориш мүмкін. Имени бут, әзтиқоди зўр, жанговар тажриба кўник масига бой бу қўшин зарбига ҳеч бир лашкар дош беролмайди.

Қизиқ, энди ғолиб Темурбек қўшини қай томонга от сураркин? Бу жумбоққа жавобни ислом оламидан ташқари Оврупо ҳукмдорлари ҳам зўр диққат билан кутишар эди.

БАХТИЁР ЖАҲОНГИР

«Мен Темурбекни бир урушдан қайтиб келишига гувоҳ эдим. Кўзим тушган ҳамон бу кишини дунёning энг ботир кишиси эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Мен яқин тарихий даврлар орасида Темурбек каби қудратда, саховатда, давлатда мукаммал бир подшоҳнинг дунёга келганини тахмин қилолмайман... Испания элчиларига Темурбекнинг қимматбаҳо ҳадялари йигирма хачирга юк бўлди. Ҳадялар орасида жуда гўзал масиҳий қизлар ҳам бор эди».

Султония епископи Жоан II нинг Париж миллий кутубхонасида сақланыётган хотираномасидан.

Кастилия қироли Генрих III камергери Рюи Гонзалес де Клавихо Темурбек юртида кўрган-кечирганларини кундалик дафтарида қайд этиш билан машғул.

Пойтахтга келганидан бери унга кўрсатилаётган иззат-икромдан хурсанд. «Минг бир кеча» эртакла-

ридагидек ажойиб дунёда юргандек сезади ўзини. У кўрган Оврупо ҳукмдорлари саройи, Англия, Франция қироллари кошоналарининг биронтаси ҳам Самарқанд ҳашамати олдида ип эшолмайди. Ана шу шаҳарда у зиммасига юкланган масъул вазифани ниҳоят чукур ҳис этди. У оддий қирол элчиси эмас ва балки бутун христиан оламининг Темурбек юртидағи фавқулодда ва муҳтор элчиси, разведкачиси ҳамдир. Темурбек мамлакати иқтисоди, турмуши, маданияти, ҳарбий-сиёсий салоҳияти ҳақида аниқ ва мукаммал тасаввурга эга бўлиши лозим. У, Клавихо, христиан дунёсини Темурбек қиличидаги ярқираган ислом қудратидан огоҳ қилмоғи даркор. Бу қудрат боиси нима? Қандай қилиб бу осиёлик амирзода оламшумул шон-шуҳратга эришди? Бу мўъжизами ё тасодиф?

Клавихо ана шу саволларга жавоб излаб, бари билган-аниқлаганларини қоғозга тушира бошлади.

Темурбек ўз юрти фуқароларини ўн икки тоифага бўлган. Энг юқори табақалардан биринчи ўринда пайғамбар авлодлари саййидлар, шайхлар ва бошқа уламолар.

Иккинчисида эса олимлар, илм-фан намояндалари, мударрис ва мактабдорлар туради. Муаррихлар ва мунажжимлар ҳам шу ўринга мансубдир. Ҳунарманлар, савдо-тижорат аҳли ҳам фахрий тоифага киритилган.

Клавихони ҳарбийлар ана шу тоифалардан кейинги ўринга қўйилгани ҳайратга солди. Оврупода саркарда, зобитлар қироллар биринчи ўринга қўйган синфга мансуб. Темурбекдек буюк саркарда эса биринчи ўринга уламолар ва олимларни қўйибди! Демак, фуқароларнинг руҳияти, ахлоқи, зътиқоди ва тафаккур доираси билан машғул уламолар, аҳли илм фозиллари фаолияти муҳим ва

улар давлат эътибори марказида бўлиши лозим. Темурбек илм-фан соҳибларига ҳазина эшигини кенг очганидан ташқари, уларга ғоят марҳаматли. Клавихони мулозимлардан эшиттан ҳикоя ниҳоятда ҳайратга солди.

Испания элчисини юртдаги тартиб, осойишталик, фаровонлик ҳайратга солди. Солиқлар деҳқон ҳосилининг ўн фоизидан сал ошади. Бўш ерни ўзлаштирганлар хирождан икки йилга озод қилинади. Клавихо дафтарига Самарқанд таърифини ёза бошлади:

«Бу ер ҳамма нарсага бой: ғалла ҳам, шароб ҳам, мева-чева ҳам, паррандалар ҳам, ҳар хил гўшт ҳам мўл-кўл. Бу ернинг қўйлари йирик-йирик, думбалари катта бўлади. Думбаси 20 фунт келадиган қўйлар бор. Бунчалик оғир юкни одам қўлда зўрға қўтара олади. Қўйлар кўп ва арzonдир. Бошқа моллар ҳам арzon. Ғалла жуда ҳам арzon, шоли эса ошиб-тошиб ётади. Бу шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар шундай тўкин-сочинки, ҳайрон қолмаслик мумкин эмас. Ана шундай бойликлари учун ҳам Самарқанд деб аталади. Унинг ҳақиқий исми Семизкент бўлиб, бадавлат қишлоқ деган маънони беради, негаки уларда семиз дегани катта, бой, тўла деган маънони билдиради, кент эса қишлоқдир. Ана шундан Самарқанд деган ном келиб чиқсан».

Клавихо ўйга чўмди: Темурбек юртида ҳунармандларга ғамхўрлик катта. Бозорларда нарх-наво, савдо-сотиқ устидан назорат ўрнатилган. Харидор ҳақига хиёнат қилганлар, ўғрилар қаттиқ жазога тортилади. Умуман, Темурбек юртида ўғрилик, қароқчилик йўқ. Карвон савдоси бехатар. Карвонсаройлар кўп. Ҳар бир шаҳарда масжид, мадраса, мактаблар давлат ҳимоясида. Гадойчилик шармандали ҳол ҳисобланади. Майиб-мажруҳлар, ногиронлар давлат ҳисобидан таъ-

минланади. Дарвешлар, қаландарлар учун маҳсус манзилгоҳлар қурилган.

Клавихо Темурбек давлатида мансабдорлар танланиши ва хислатларига эътиборни қаратди.

Темурбек саройида барча ишларни девон ҳал қиласи. Девонбеги умумдавлат ишларини бошқаради. Тўрт вазир эса ўзларига белгиланган соҳаларга жавобгар. Вазир ҳаётий тажрибаси бой, руҳан покиза, илтифотли ва инсонпарвар бўлиши лозим. Хушомадгўй, лўттибоз, лаганбардор, фийбатчи одамлар бундай мансабга сира яқинлаштирилмайди. Ҳар бир амалдорга номзод зотига, насабига қараб эмас, балки ишчанлиги, қобилияти ва истеъдодига кўра тайинланади.

Клавихо алоҳида диққатини Темурбек лашкарига қаратди. Лашкар ҳали Оврупога номаълум тартиб-қоидалар мажмуаси — Тузукларга кўра идора этилади. Тузуклар оврупоча тилга кўра устав дегани. Шунга кўра қўшин ҳаракат қиласи. Бу ҳарбий устав — Тузукларга кўра қўшин уруш вақтида мажбурий ҳарбий хизмат ҳисобидан тўлдирилади, тинчлик вақтида фақат кўнгиллилар олинади. Икки-уч хонадондан тўла қуролланган отлиқ олинади. Қўшин ўнлик, юзлик, минглик ва ўн мингликларга бўлиниади. Қўшинга маош тўлаш тартиби ҳам диққатга лойиқ. Оддий сипоҳий ёки навкар маоши бир тулпор қийматига teng. Баҳодир — капрал — уч тулпор, ўнбоши — сержант ўн тулпор қийматига teng маош олади. Шуниси қизиқки, бу маош миқдори бозордаги нарх-навога, яъни кундалик харид моллари нархига кўра ошиб-пасайиб туради. Юзбоши — капитан ихтиёрида юз отлиқ маоши, мингбоши — полковник минг тулпор қийматига teng ҳақ олган ҳолда захирасига яна қўшимча маблағ бўлади. Туманбоши — генерал уруш вақтида аҳолидан озиқ-

овқат харид қилиши учун катта миқдорда маблағға әгадир.

Темурбек лашкирининг бошланғич бўғини ўнликлар уставга кўра сайлов асосида ўнбошиларни сайлайди. Ўнбошилар эса ўз навбатида зобитларни, яъни юзбошиларни сайлайди. Шу тариқа зобитлар корпуси эркин асосда жасур, аскарлар ўртасида обрўли командирлардан ташкил топади. Ҳолбуки, Оврупо қироллари қўшинида офицерлар асосан насл-насаби, зоти: дворянлигига кўра тайинланади, оддий фуқаро бундай унвонга яқинлаштирилмайди.

Темурбекнинг олий офицерлари — мингбоши, туманбошилар тайинланиши тартиби ҳам Клавихонинг эътиборини ўзига жалб қилди. Бу мансабга шахсан Темурбек ташаббускор, ҳарб илмида ўзини кўрсатган, ҳийла-найранглар ишлатишга уста, душманга пистирма, тузоқ қўйиш, рақиб қўшини сафига парокандалик солишни биладиган, ўрни келгандага душман саркардаларини турли йўллар билан ўзига оғдира оладиган тадбиркор ҳарбийлар қўйилади. Оврупода эса олий зот герцог, граф, баронлардан ташқари ҳеч ким бундай катта қўшин қўмон-донлигига қўйилмаслигини ўйлаб Клавихонинг фикри тиниқлашди. Мана, гап қаёқда! Устав — мана шу Темурбек зафарларининг қалитидир.

* * *

Камергер Рюи Гонзалес де Клавихо қофоздан бош кўтариб, ўзига яқинлашган тилмочни кўрди.

— Соҳибқирон чорляяптилар...

Клавихо мулозимларини оёққа турғазди. Демак, Темурбек Самарқандга келибди.

У девонбеги вакили билан ҳукмдор саройига ҳаяжонланиб қадам босди. Вакил унга қабул маро-

симиини яхши тушунтирган бўлса ҳам у тиззаларига юурган қалтироқни боса олмади.

Кудратли Кастилия ва Леон ҳукмдори қирол Генрих III нинг муҳтор элчиси, олий насаб дворян авлодига мансуб камергер Рюи Гонзалес де Клавихо уч марта ўнг тиззасини букиб, қўлларини кўксига қўйиб, Темурбекка таъзим бажо айлади. Шундан сўнг мулозимлар уни қўлтиғидан олиб, икки тиззасини ерга чўктиришди.

— Ўғлим қиролнинг аҳволлари қандай? — Клавихо мулойим оҳангда гап бошлаган кишига ҳайрат, қўрқув ва қизиқиш аралаш нигоҳини қаратди. Мана шу муҳташам тахтда ўтириб унга тапирган киши бутун Европани ҳайратга соглан афсонавий Темурбек!

Клавихо жарангдор оҳангда айтилган сўзлар маъносига етди. Темурбек испан қиролини «ўғлим» деб атади. Бу демак, Генрих III унга тобе, қарам, васссал дегани. Не илож! Буни тан олмай иложи йўқ. Қирол ҳам шунга рози бўлиб унга ваколат берган.

Клавихо жавоб тариқасида қиролнинг саломатлигини айтиб, унинг номаси ва совфа-саломларини топширди. Темурбек тахтда виқор билан ўтирганча қаршисида тиз чўкиб турган элчидан нигоҳини узиб, вазирларига шодон хитоб қилди:

— Қаранглар, мана, ўғлим — Испания қиролининг менга юборган элчиларини қўрингиз! У, Испания қироли, дунёнинг энг четида туради ва бутун фаранг подшоҳларининг энг буюгидир. Улар, фаранглар, ҳақиқатан улуғ ҳалқирлар.

Темурбекнинг кўзида поёнсиз фаҳр ва ғуур порлади. Мана, ниҳоят оламнинг энг чеккасидаги эллар ҳам унга тобелик билдиримоқда. Олтинчи иқлим ҳам уники. Шайх Шамсуддин Кулол башорати амалга ошмоқда. У олтинчи иқлим мамлакатларининг ҳукм-

дори! Демак, жангу жадалларда кечган умри беҳуда эмас. Тўкилган қони, майиб оёқ, қўли, чеккан заҳматлари самарааси бу!

— Ўғлим, — деди у мулойим элчига боқиб, — мен ҳам Испания подшоҳига ўзимнинг эҳтиромимни кўрсатмак истаймен.

Бу илтифот испан қироли совғаларини таомилга кўра уч қундан кейин эмас, балки шу заҳотиёқ кўриш ва сарой аҳлига тарқатишдан бошланди. Клавихони Чин хоқони ва Бобил ҳукмдори элчилари ёнига ўтқазишиди.

Темурбек Чин хоқони элчисига қаҳрли нигоҳини қаратди.

— Ўзини Само фарзанди деб атаган Чин хоқони элчисини кўринг. Биласизлар, у нима деди?

Мулозимлар Соҳибқироннинг ўзини ғазабдан зўрга босиб турганини сезишиди.

— Мен, Тангри қули Темур, олти иқлим ҳукмдори Чин хоқонига ҳар йили хирож тўлашим керак эмиш. Даъвосини кўринг!

Саркардалар ўртасида ғала-ғовурлар кўтарилиди. Мингбошию туман бошлиқлари, амиру беклар юзларида таажжуб ўйнади. Сичқоннинг ўлгиси келса мушук билан ўйнашади, деб бекорга айтишмаган.

— Элчига ўлим йўқ, дейдилар. Бўлмаса, бундай бўлмагур гаплари учун бу хитойни дорга тортган бўлардим.

Темурбек элчиларга қараб бирдан чеҳраси ўзгарди. Савол аломати ила девонбегига боқди. У дарҳол мулозимларга шипшиди.

Рюи Гонзалес де Клавихо Чин хоқони элчисидан пастда ўтирганидан Темурбекнинг жаҳли чиққанини улар тушунишиди.

Клавихони юқори, фахрий ўринга ўтқазишиди.

— Ўёлим, Испания подшоҳи элчиларига кимхоб түн!

Клавихо ўзига кўрсатилган мурувват ва қимматбаҳо либосга эмас, балки яширин мақсадига эришганидан баҳтиёр эди. Темурбекнинг жанговар ва зарбдор кучи Оврупога эмас, балки Хитойга от суради.

Бой ҳарбий тажриба, малака ва маҳоратга эга, мукаммал қуролланган ва ҳозир Самарқанд атрофига шай турган бу хавфли қўшин агар Оврупога йўл олса борми? Парвардигорнинг ўзи бу ишни даф қилмоқда.

ЙЎЛБАРС БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Бу хабар бутун Мовароуннаҳр бўйлаб қанот қоқди.

Темурбек ҳазрат Аҳмад Яссавий қабрларини зиёрат қиласмиш!

Ислом оламида ғоят табаррук зот сифатида ҳурматга эга Яссавийга Соҳибқирон алоҳида ихлос билан қарашини барча билади. Ўн йил муқаддам мелодий 1394 йилда Яссавий қабрига Темурбек амри билан улуғвор мақбара қурилган эди. Зиёратчиларга мўлжалланган улкан дошқозон ҳам амир томонидан тортиқ қилинди. Олтмиш пақир сув кетадиган бу дошқозонни уста Абдулазиз қўйган эди.

Самарқандга барча шаҳару қишлоқлардан юзлаб зиёратчилар йиғила бошлиши. Дарвешлар, қаландарлар, баҳодиру саркардалардан иборат карвон йўлга чиққанида эса уларнинг узунлиги икки чақиримдан ошиб кетди. Темурбек оддий фуқаро либосида бир қўлида ҳасса ушлаб, оёқяланг карвон марказида борарди. Унинг ёнида Нақшбандий та-

риқати пири Мир Саид Барака, кўп йиллик устози сафдош бўлиб кетмоқда.

Йўл узоқ ва машақатли. Карвон чўлу биёбондан ўтиб, Сирдарёдан кечиши ва Тошкентдан Туркистонга бурилиши керак. Зиёратчилар юки йўқ.

Карвон олдида озиқ-овқатлар ортилган карвонлар бормоқда.

Соҳибқирон ҳаммасини олдиндан ўйлаб, зиёратнинг кўнгилли ўтиши учун барча чораларни кўриб қўйган.

Йўл-йўлакай тунги манзилгоҳларда Темурбек шахсан ўзи зиёратчилар аҳволидан хабар олмоқда. Қандай камчилик бор? Ким нимага муҳтоҷ?

Минглаб зиёратчилар одми кийинган, ҳамма қатори тенг қудратли жаҳонгирнинг бундай марҳаматидан кўнгиллари тоғдек кўтарилиди.

— Кимни Темурбек билан қиёслаш мумкин?

— Амиралмуслим Хорун-ар-Рашидни! У ҳам кечалари фуқародек ўлкани кезган, оддий одамлар ҳаётини ўрганганди.

Улар Темурбекни улуғлашади. Унинг ёшлиги, жанговар ишлари ҳақида достонлар айтишади.

Темурбек қулоғига чалинаётган бундай ҳамду санолар қандоқ ёқимли бўлмасин, олдинда турган муммоловарни ўйлади. Ҳукмдор сира хотиржамликка берилиши мумкин эмас. Дўстларига қараганда ғанимлар кўп.

Мункиллаб қолган пири Мир Саид Барака эса унга Яссавий ҳикматларидан сўйлайди. Ривоятлар келтиради.

Хожа Аҳмад Яссавий 1103 йилда Сайрамда дунёга келган. Отаси шайх Иброҳим Ибн Маҳмуд, волидаси Қорасоч бўлган.

— Ҳазрат волидалари қорнида ётганларида ғоийидан товуш эшитадилар, — Мир Саид Барака тас-

бек ўгирганча Темурбекка тикилди. — Зикр айт, лебди ўша товуш ва ҳазратнинг мурғак вужудида титроқ сезибди.

— Мен сени ўғил қилдим, — дебдилар пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом.— Тўрт асрдан сўнг меңинг издошим бўлиб ҳалқни ҳақиқат йўлига давват этурсан. Ўн тўрт минг мужтаҳид эса сенга ихлос ила хизмат этур...

Ҳалқ ўртасида кенг тарқалган ривоятга кўра, Мұхаммад алайҳиссалом вафотларидан олдин умматларини тўплаб, уларга шундай дебдилар:

— Мен бандаликни бажо келтирияпман, энди омонат — ислом рамзини ким қабул қилиб олиб, менинг ғояларимни давом эттиради?

Шунда умматлар орасидан Арслонбоб чиқибди. Унинг хоҳиш-истагини эшиштан пайғамбаримиз Аллоҳ билан маслаҳатлашиш учун унинг олдига кетиб, Тангрининг розилиги билан омонатни — хурмо данагини Арслонбобга топширган эканлар.

Орадан 477 йил ўтгач Арслонбоб етти ёшга тўлган Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳазратларини чўлда учратиб қоладилар.

— Омонатимни беринг, буважон, — дейдилар ҳазрат. Арслонбоб Тангрига шукроналар айтиб ҳазрат босган изни ўпадилар ва омонатни унга эҳтиром билан топширадилар.

Темурбек эҳтиром ила пир ҳикоясини тинглайди. Тобора чехраси ёришиб боради. Самарқанд муқаддас қадамжо! Чунки бу ерда муқаддас Усмон Куръони турибди.

Ахир бу унинг эзгу орзузи эмас эдими?

Устоз пир яна уни «шариатпаноҳ» деб атади. Авлиё пир оғзидан бундай таърифни эшишиш нақадар улуғ баҳт!

Туркистан сарқадида уларни иззат-икром билан қарши олишди. Зиёратчилар Яссавий қабри узра қад ростлаган мақбарани күриб, Соҳибқирон ҳимматига таҳсин ўқишиди. Улар Темурбек Ҳиндистондан келтирган қимматбаҳо нефрит тошини ҳазрат Яссавий қабрида порлаб турганидан ҳайратланишиди.

Қуръон тиловатлари, қаландарлар зикри, маддоҳлар маърузалари билан ўтган кунлар давомида Темурбек Яссавий ҳикматларини кўп эшилди. 63 ёшидан умрини хилватда ўтказган шайх битган мисралар мағзини чақди. Нега ҳазрат 63 ёшга тўлганида қолган умрини ўтказиш учун ер остига тушгани ҳақида айтганлари унга қаттиқ таъсир қилди:

*Бешак билинг, бу дунё барча элдин ўтаро,
Инномагил молингга, бир кун қўлдин кетаро.
Ота-она, қариндош қаён кетди, фикр қил,
Тўрт аёғлиқ чўбин от бир кун сенга етаро.
Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.
Аҳли аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайдур йўлдош.
Мардона бўл, гариб бош, умринг елдек ўтаро.
Кул Ҳожа Аҳмад, тоат қил, умринг билмам неча йил,
Аслинг билсанг обу гил, яна гилга кетаро.*

Бой садақа, эҳсонлар тақдим этилгач, зиёратчилар орқага қайтишиди. Ёшлигида берган ваъдасини бажарганидан енгил тортиб, ўзини бардам ва қувноқ сезган Темурбек йўлда баҳодирларига шикор қилишга рухсат берди.

У беихтиёр ўша узоқ, бетакрор ёшлик йилларида эришган биринчи ғалабаси — Балхни олганини эслади. Ўшанда навкарлари зиёратчилар либосида шаҳарга яқинлашиб, кейин яна ҳарбийларга айланниб, шитоб ила Балхни эгаллашган эди. Ҳозир эса

ўша ҳарбий ҳийлани эслаб ёшлиги қўзғади. Баҳодирларга хос кийиниб, қурол-аслаҳаларини тақди. Арғумоққа миниб лочинлар, ов итлари билан Сирдарё қирғоқларига етиб келди. Далаларда беданалар сероб, париллаб учади. Қамишзорларда эса битмас-туғанмас парранда-ю йиртқичлар, ўрдак, какликлар мўл-кўл.

Энди зиёратчилар овқати ранг-баранг, мазали. Бедана кабоб, каклик қиймаси-ю барра гўшт шўрва, паловхон тўра...

Чўпонлардан бири қамишорда йўлбарс оралаб, атрофни безовта қилаётганини айтди. Бу гап Темурбекда ёшлиқ шижоатини қўзғади.

— Ўша йўлбарсни ўзим овлаймен.

Саркардалар етмишдан ошган Соҳибқироннинг бу аҳидан завқланиб кетишиди. Юзлаб баҳодирлар унинг амрини бажариб, қамишзорга ёпирилишиди.

Темурбек қўлида оғир найзаси билан рақибни кутди. Йўлбарс бўкириб қамишорда кўрингач, Соҳибқироннинг кўзлари билан тўқнашди.

— Аллоҳу акбар!

Найза энди сапчишга ҳозирланган йўлбарсни ерга михлаб қўйди.

— Офарин, Соҳибқирон!

Темурбек худди ёнгинасида унга билдиrmай яширинча уни қўриқлаган баҳодирга ўқрайиб қаради.

— Қандай журъат этдинг?

Баҳодир ундан вафодор кўзларини узмай дадил жавоб қилди:

— Қалбим амри билан, Соҳибқирон!

Темурбекнинг қалби товланиб кетди. Дил — дилдан сув ичади. Баҳодир юзбоши ёки мингбоши буйруғи билан эмас, ўз юраги, истаги билан шундай қилди.

— Исминг? — сўради энди юмшаб.

— Темур! — ғуур ва фахр ила жавоб қилди баҳодир.

Темурбек ҳаяжонини яширолмай, қўлини йигитнинг елкасига ташлади.

— Үнбошига айт. Сени хос навкарларим қаторига юборсин.

— Бош устига, Соҳибқирон!

— Энди бўлса, йўлбарснинг терисини шил, ўғлим.

Бутун карвон ҳукмдор ўлдирган йўлбарс терисини томоша қилди. Саркардалар табриги ёғилиб кетди. Зобиту мингбошилар қўлининг зарби йигитларни кидан қолишмайдиган Соҳибқиронга ўз таҳсин-оғаринларини айтишиди.

СОҲИБҚИРОННИНГ СЎНГГИ ЖУМБОФИ

Сароймулк хоним бу гал эрининг чехрасида қандайдир сўлғинликни кўрди. Кечагина Конигилда хорижий элчилар шарафига берилган зиёфат чоғида ҳам Соҳибқирон негадир ўйчан эди. Гарчанд меҳмонлар олдида ўзини бахтиёр ва шодон қиёфада кўрсатса-да, у ҳозир юзида яққол сезилиб турган паришонлик изларини Сароймулк хоним назаридан яширолмади. Ўттиз беш йиллик турмуши давомида у Темурбекни обдан ўрганганд. Эрини қандайдир чуқур ташвиш ё муаммо эзаётганини кўнгли сезиб турибди.

— Бир мушкулотга салкам эллик йилдан буён жавоб тополмайдурмен, бегим, — шундай дея Темур хотинига меҳр тўла нигоҳини тикди.

— Бул не мушкулот, Сиз — ҳазратим, етти иқлим ҳукмдори, ечолмайдурсиз?

— Мен Тангри қули Темур ҳам оддий бандамен, бегим.

Сароймулк хонимнинг чеҳрасида таажжуб акс этди. Темурбек эса бу нурли сиймодан меҳр ила дардли нигоҳини узолмай, сўзида давом қилди:

— Эллик йилча муқалдам содир бўлғон бил воқеа ҳамон кўз ўнгимладур. Байни кечагидек, шикорга қизиқиб кетиб, йўлдан адашиб қолғон эрдим. Аксига қаттиқ ёмғир қуйиб берса бўлурми? Бир вақт йироқдаги тепаликка кўзим тушди. Ушал ёққа отимни қамчиладим. Яқин борсам, анинг атрофида ўтовлар бор экан. Мен ана шу қамиш ўтовлардан бирига кирмоққа жазм этдим. Мезбонлар хушнуд ва самимий кишилар эркан. Дастурхон атрофида алар бирлан анча муддат суҳбат қурдик. Бул меҳрибон одамларга кимлигимни, бошимдан ўтгонларни сўзлаб бердим. Алар сўзларимни бафоят диққат или тингладилар. Кетар чоғимда эрса кишилардан бири шундай деди:

— Келажак пардаси ортидин, амир, сенга мадад кутилаётир. Пайғамбар авлодлари ҳаётингни ўз муборак паноҳларига олмиш, ул зотнинг ноибларидан бири сенинг ноибинг ва йўлдошинг бўлгай. Бироқ у киши кимлигини фақат ўлиминг олдида билгайсан, холос.

Темурбек кейинги гапларини алоҳида ургу билан айтди:

— Ул кишини ўлимим олдидангина билишимни алар қайдин сезгандурлар, бегим. Зотан, ўzlари ким эрдилар? Шуни билолмай доғдамен.

Сароймулк хоним эрига ажабланиб боқди. Оқ шоҳи кўйлаги, ёқут ва гавҳарлар билан безатилган тиллақоши, сутдек оқиш юзлари ва тимқора шаҳло кўзлари билан «Минг бир кеча»даги Шаҳризодани эслатувчи бу малак ақл-фаросатда ҳам Шаҳризодадан сира қолишмас эди. Соҳибқирон унинг лабларидан учтан ҳар бир сўзни инжу мисоли қадрлаши ҳам шундан.

— Ҳазратим, эсингиздаму, яна бир айтғон ажо-йиботингиз?

— Ҳизр алайҳиссаломни күрғонимми?

— Йўқ, ҳазратим. Мен жаннатмакон шайх Зайниддин Абу Бакр Тойбодийнинг сизга сўзлаган башоратларини эслатадурмен...

Темурнинг хаёл кўзгусидан ҳув ўша, узоқ ва бетакрор ёшлигига шайхдан олган фотиҳаси ва туҳфалари ўтди. Абу Бакр Тойбодий унинг белига камар боғлаб, бошига қулоқчин кийгизиб, кўзига «rosti — rusti» сўзлари ёзилган узукни тутқазиб, шундай леган эди:

— Ер юзинда бир одам борким, жамики ишларингда қўллагай, сени пайғамбарнинг ноиби, деб атагай. Алҳол сен ани кўра олмоғинг мумкин эмас, лекин шундоғ пайт келадурким, аниңг ўзи сенга баҳт тўла назар бирлан қарагай.

Соҳибқирон бутун ҳаётини, қўрган-кечирғанларини, ўзи билган, таниган кишиларни, пиру шайхлар, сайду уламолар — барча-барчасини кўз ўнгидан ўтказаркан, шайх башорат қилган зотни улар ичидан топишга уринарди. Уни доимо қўллаб келган, унга баҳт тўла назар билан қараган ким ўзи? Етмиш ёшга яқинлашган умри давомида қанчадан-қанча тақдир синовларидан эсон-омон чиқишида пушти-паноҳ бўлган зотни эслаши даркор. Таассуфки, ул киши фақат кароматли шайх Абу Бакрга аён эди, холос!

— Сиз менинг бир мушкулотимга иккинчисини қўшиб, лолу ҳайрон этмоқдадурсиз, бегим!

— Эсламоққа урининг, ҳазратим.

Сароймулк хоним яна қўшимча қилди:

— Сизни ҳамиша қўллаб келган пирларингиз, азиз-авлиёлар бисёрлар, Соҳибқирон! Башарти ўшал зотни топа олсангиз, қолғон жамики мушкулотингиз ўз-ўзидан ечилур, шояд...

Темурбекнинг бирдан чеҳраси ёришиб кетди.
Мана, жумбоқ қалити!

У беихтиёр хотинини қучоқлаб, бағрига босди.
Тимқора соchlарига бошини қўйиб энтиқди. Сарой-
мулк хонимдан уни маст қилувчи ўша бўй, ўттиз
беш йилдан бери вужудига аллақандай тароват баҳш
этувчи сеҳрли тўлқин таралади. Ҳеч қандай нозанин
уни ўзига бу қадар ром этолмаган асло!..

Кўзлари... Бу жоду кўзларда у яна кимнингдир
нигоҳини кўрмаяптими? Шошма, шошма, ахир. Бу
Камолойнинг нигоҳи эмасми? Камолой! Амир Қа-
зозонхоннинг набираси, кўз очиб кўрган биринчи
хотини! Тўнғич ўғли Жаҳонгирнинг онаси унга қараб
турибди-ку, ахир! Ё Раб!

— Яна не гап, ҳазратим?

Сароймулк хонимнинг мурожаати Темурбекни
хәёл оғушидан чиқарди.

— Тақдиримда битилган ажойиботлардан ўзим
лолмен, — деди у ўйчан ҳолда. — Баъзан етти ухлаб
тушимга кирмайдургон воқеалар юз берадур. Бун-
дин икки йил муқаддам шайх Кутбул Орифин Сад-
ридин Арзабилийнинг ҳузурига бориб, покиза ҳаёти
билан маълум бир авлиёга хизмат қилишни истар-
дим, дея ундан шундай кишини кўрсатишни сўра-
дим. Шайх менга Шаҳлон тоғига боришимни масла-
ҳат берди. Ул ерда қоядин чиқаётган бир булоқни
топишим керак экан. Мен ул ерда сабр айлаб Кутб-
ни кутмоғим, сўнг анга хизмат қилмоғим лозим эрди.
Ул зот келиб, таҳорат қилиб, намоз ўқир экан. Фил-
ҳақиқат, тонг саҳарда булоқ бошига бир одам келиб
таҳорат қилди-да, намоз ўқий бошлади. Мен ёнига
бордим, кейин бетига қарасам — во ажабо! — бу
ўзимнинг мироҳўрим эркан. Бу одам уч кун бадали-
да булоқ бошига келиб, таҳорат қилиб намоз ўқиди.
Учинчи куни мени қийнаётган шубҳадан халос

бўлмоқ умидида ул киши билан сўйлашишга журъат этдим.

— Сайийл Али ота! Мен сени хизматкорларим орасида энг ношуди деб билур эрдим, мана энди мартабанг шунчалик олий эканини кўриб турибмен. Бул шарафли мартабага қандай эришдинг?

— Салтанатнинг бошланишида, — деди у саволимга жавоб тариқасида, — «Қутб ул-ақтоб» сенга ёрдам беришни менга буюриб эрди. Мен анинг амрини адо этурмен.

Шул гаплардан сўнг мирохўрим иккимиз таҳорат қилдик. Кейин Сайийл Али ота имом бўлди. Мен андан орқароқда туриб намоз ўқидик. Бул намоз менга ниҳоятда буюк сурур бағишлади. Сўнгра Қутб менга деди:

— Сен Аллоҳнинг меҳмонисан. Шул боис меҳмондўстлик юзасидан Парвардигор жамики тилагингни бажо келтиргай.

Бағоят хурсанд бўлиб, андин иймонимнинг тасдифини сўрадим. Қутб жавоб айлади:

— Иймон Расууллоҳга тегишлидир. У бир шаҳар бўлиб, ташқарисидагилар «Ло илоҳа илло Аллоҳ» дейдилар. Анинг ичидагилар эса «Илло Аллоҳу ла илаҳа» дейдилар. Бу шаҳарнинг номи «Боб алабвоб»дур. Бул шундай маконки, унда яшовчи банда ушбу калимаи тайибани ўқийдур: «Лаа илаҳа иллоллоҳу Мұхаммадур Расулиллоҳ».

Шундан сўнг Қутб яна бир ракат намоз ўқиди. Мен ҳам анга қўшилиб турдим. Бир маҳал, навбатдаги саждадин кейин, бошимни кўтариб қарасам, Қутб ҳаёт калитини топшируб, охират бўйтонига мурожаат этибдур. Мен бундан қаттиқ ғамнок бўлиб, шайх Садриддиннинг ҳузурига қайтиб келдим ва сафарда кечирғанларимни унга батафсил сўйлаб бердим. Ул менга деди:

— Ҳокимият фақат Аллоҳнинг ердаги ноиби Қутбга тегишилдиур: у «Қутб ул-ақтоб»нинг буйруғи ила буюк амирни қўллаб турадур. Қутб ўлгандан сўнг эса ҳокимият анинг қўлига ўтар. Султон Боязиднинг салтанатини Худонинг бир бандаси қўллаб турурди. У ғойиб бўлди ва эмди анинг салтанати сенга ўтади.

Бу мўътабар қариянинг сўzlаридан мен шундай бир мулоҳазага келдим. Эндиликда шуҳратим ва қудратим энг баланд чўққига чиқмиш. Менинг ҳам бошимга шундай кун келмоғи мумкин. Ҳар ҳолда мендин кейин ўрнимга одил подшо ўлтирса, деб ўйладим.

Темурбекнинг бу сўzlаридан Сароймулк хоним юраги увишиб кетди. Наҳот у севган ва бутун умр ардоқлаган одами қариликни бўйнига олса? Ўлимни ўйлаб қолса? Сон-саноқсиз жанг жадалларда ажал отига қамчи урган Соҳибқиронга нима бўлди ўзи?

— Мен ҳам инсонмен, Тангри қули Темурмен, — деди Соҳибқирон гўё унинг фикрини ўқигандай.

— Йўқ, сиз Темурбексиз!

Сароймулк хоним қалбидан отилиб чиққан бу нило Амир Темурни сергаклантириди. Ҳа, у ҳақ. Соҳибқирон ҳеч қандай оддий инсон бўлолмайди. Бунга унинг ҳаққи йўқ. У ҳеч қачон инсон сифатида йиғлаши, дардлашиши, ғам-ғусса ё паришонхотирликка берилиши мумкин эмас. Аллоҳнинг ўзи унинг пешонасига шуни битган, ўзини етти иқлим ҳукмдори сифатида тутишини буюрган!

— Боязид ила муҳораба бошлиғон кунда, — дея Темур хотинига меҳр ила бокди, — миямни ўлим ҳақидаги худди шундай фикрлар чулғай бошлади, хоним. Ўлсам мендин кейин салтанатимни ким бошқаради? Ўғилларимдан қай бири валиаҳдликка лойикроқ, деган ташвишлар қалбимни қамраб, изтироб чектиради.

Сароймулк хоним қалбидა яна нимадир узилгандек бўлганини сезди. Ўлим! У Темурсиз ҳаётини ҳеч тасаввур қила олмас эди. Соҳибқироннинг ўлишини, бир кунмас бир кун жон таслим қилиши мумкинлигини ҳеч қачон ақлига сифдира олмаган. Темур бамисоли улкан бир чинор. Унинг соясида нафақат у — Сароймулк хоним, балки бутун салтанат осоийшта яшайди.

— Ўшал муҳорабанинг биринчи тунинда кўрдим Расулуллоҳни! Улкан бир дарахтнинг остинда ҳордиқ олаётган эрмишмен. У ўзининг йирик япроқлари ила мени қуёш нурларидан яширавмиш, анинг шохлари орасинда ҳар хил қушлар чирқиллашиб, ҳашаротлар ўрмалашармиш. Аларнинг бири менга соябон бўлғон шул дарахтнинг меваларидан баҳраманд эрмиш. Мен ҳам анинг меваларидин татиб кўрдим. Лекин анинг айримлари ширин бўлиб, айримлари нордон эди. Шул уйқумда бир сирли овозни эшиздим. Гўё мен кўрғон дарахт авлодларим эрмиш...

— Дарахт сенинг ўзинг, анинг шох ва япроқлари — сенинг авлодларинг, анинг мевасини еғон Қуш ва ҳашаротлар эса неъматингдин баҳраманд бўлаётган халқлардур, — деди ўша нидо!

Сароймулк хонимнинг вужудига титроқ югурди. Эрининг бу гаплари ҳозиргина миясида чақнаган фикрга мос тушгани уни даҳшатга солди.

Темурбек авваллари ҳам қўрган тушлари ва уларнинг оқибатлари ҳақида гапирган эди.

— Бир куни, — деган эди Темур унга, — тушимда атрофимни даҳшатли жинлар, тўнғизлар, бадбашара эркак ва аёллар, йиртқич ҳайвонлар ва қушлар ўраб турганмиш. Чўчиб уйғондим ва дарҳол пирим Зайнуддин Абу Бакр Тойбодийга мактуб ёздим. Шайх жавоб айлади:

«— Тушингда кўргонинг даҳшатли маҳлуклар — сен қилғон ёмонликлардур, тезда тавба-тазарру қилиб, гуноҳларингни ювгил».

Пирим айтганларини дарҳол бажаришга киришдим. Орадин кўп ўтмай яна бошқа туш кўрдим. Бу гал гўзал боғда дам олаётган эмишмен. Ул ерда рангбаранг хушбўй гуллар, сархил мевали дараҳтлар бўлиб, боғнинг ўртасидаги анҳор тўлиб оқар, қаердантур майин мусиқа оҳанглари эшитиларди. Бу тушибимга пирим шундай таъриф берди:

— Расулуллоҳ шундай таърифлағон эрдиларки, ҳар бир кишининг елкасида шайтон туриб, одамни ёмон ишларга бошлаб туради. Сен ёмон қилмишларингга тавба қилиб, ўз шайтонингдин устун келғонсен. Ҳар бир мўмин ўз тавбаси ва яхши қилмишлари туфайли Аллоҳнинг мадади бирлан, ўз шайтонини енгиб турмоғи даркор.

Сароймулк хоним эрининг яна бир иқорини ҳам унинг ўз оғзидан эшигтан. Бу султон Боязид билан жанг арафасидаги кунлардан бирида кечган эди.

— Мен ўзимни Расулуллоҳ ҳукмига топшириб, — деган эди Темур, — намоз ўқидим-да, уйқуга кетдим. Тушимда бир саҳрова эрмишмен. Атрофимда тумонат одам. Йироқдин ёфду кўринди, мен у сари интилдим. Йўлда уч тўп қулга кўзим тушди ва парво қилмай ўтиб кетдим. Бир вақт олдинда кетаётган беш кишига етиб олдим. Ногоҳ қаттиқ бўрон кўтарилди. Алардин бири бу бўрон Расулуллоҳ осмонга меъроҳ қилаётганини англатишини айтди. Мен яқинлашиб келдим ва баҳтимга Расулуллоҳга рўбару келиб, таъзим қилдим. Беш кишининг бирида гурзи бор эди, Мұҳаммад алайҳис-саломнинг амри илиа у кишининг қўлидан қуролини олдим. Тушимда Расулуллоҳни кўриб, анинг иноятига мұяссар бўлғонимдин хурсанд бўлиб уйғондим. Шул кун тонгдаёқ султон Боязид бирлан жангни бошлаб,

қўлимга оқ байроқни олиб, анинг бутун лашкарини саросимага солиб тарқатиб юбордим.

Сароймулк хоним эрига нигоҳини тиккан, унинг гапларини бутун вужуди ила тингларкан, кўз ўнгида у билан ўтган ўттиз беш йиллик турмушидаги воқеалар бирма-бир жонланарди. Аллоҳ танлаган, Расулulloҳ назари тушган Темурбек билан уни боғлаган сирли ришталар нақадар пишиқ эркан?

Ҳа, у севимли бегидан фарзанд кўрмади. Оҳ, нақадар оғир, тубсиз, на чеки, на охири бор армон унда! У ўзидағи бор оналик меҳрини, юрагида тўпланиб қолган улкан аёллик муҳаббатини ўзи севган ва ардоқлаган ёрининг фарзанду набираларига бахшида этди. Хеш-ақраболарининг фарзанду набираларига!

Нечук хомуш тортди гўзал кўзларинг, эй Қозонхон қизи!? Ахир бу ҳам Аллоҳ иродаси эмасми? Тақдири азал, қисмат дафтари, Соҳибқирон ечолмай ётган жумбоқ қалити ана шунда ётгандир балки?

— Нечук хомуш тортдингиз, хоним?

Темурбекнинг ташвишли хитоби хаёл гирдобига чўккан Сароймулк хонимни сергаклантирди. Қаёқдандир, олис-олислардан бир нидо эшитилгандай туюлди назарida:

— Сен Соҳибқироннинг сўнгти дақиқада ёдлайдиган, кўрадиғон, қўлида жон таслим этадиган магисан!

Темурбек хотинининг чеҳрасида бир зум самовий нурни кўргандек бўлди. Сароймулк хоним ичидан босиб келаётган фарёдини, кўзларига қуюлиб, ташқарига отилишга тайёр кўз ўшларини яшириш учун ўзини Темурбекнинг қучогига отди. Нақадар даҳшат!? Демак, Темурбекнинг паймонаси тўлганга ўхшайди. Эвоҳ, энди усиз, салтанат юлдузи, пушти-паноҳи ва суюкли ёри Темурбексиз у қандоқ яшайди бу дунёда?

Сароймулк хоним Амир Темурнинг кўкрагидан бош кўтарганда кўз ёшлари қуриган, гўзал чеҳраси осоийшта эди. Аммо зийрак Соҳибқирон бу осоийшта чеҳрада яширган мунгни қалбан ҳис этди. Қарийб қирқ йиллик турмуши давомида у хотинини жуда яхши ўрганган эди. Чеҳрасидаги ҳар бир жилва, нигоҳидаги ҳар бир ифода унга фоят таниш, гарчанд у хоҳ ботиний, хоҳ зоҳирий бўлсин! Чунки унинг дили бунинг дилидан сув ичган. Дилидаги ҳар бир тўлқин қалбидаги дарду қувонч — бир-бирига кўзгудагидек равшан.

— Мушкулотларим ила дилингизни хуфтон қилғонга ўхшайдурмен, хоним.

— Сира ҳам, улуғ амир, — деди Сароймулк хоним одатдаги табассум ила, — етти иқлим ҳукмдорининг ҳар сўзи мисоли гавҳар. Пурҳикмат ҳикояларингиз хаёлимни андак қочирмиш чоғим. Ёстиқдошимнинг мушкулоти менинг ҳам мушкулотим эрмасми, ҳазрат?

Шундай дея Бибихоним қизариб кетган ёноқларини яшириш учун нигоҳини ерга қаратди. Темур узун ва бақувват қўллари билан унинг елкасидан ўзига тортди. Бибихоним унга сира ёлғон гапирмаган. Мана, аёлнинг вужуди титраяпти. Ҳу, ўша узоқ 1370 йилнинг унутилмас оқшомида, уни никоҳга олган кечасидек. Вафодори, садоқатда тенги йўқ ёстиқдоши ҳеч қачон унинг юзига тик боқмаган. Соҳибқироннинг тақдирни хусусида ортиқча ташвишига не ҳожат? Токи ёнида ана шу бош хотини — Бибихоним, қалби саройи, кўнгли мулки, дил тўри хоними бор экан, у билан бирга шу ҳаводан нафас олар экан, давлат қуши салтанат тахтидан зинҳор учиб кетмагай! Салтанатнинг барча фуқаролари тилида ҳусну таровати ила достон амиру беклар, вазиру саркардалар ўртасида ақлу заковати или донг таратган Сароймулк хоним бор экан, етти иқлимга нур сочиб турган давлат қуёши сира сўнмагай!

Ўша сирли овоз, фойибдан келган хабардан қалби тилка-пора аёл худди ҳозир эридан ажралиб қолаётгандек вужуди қалқиб кетди. Бу тожу тахт, бу давлат, шон-шуҳрати мангу бу салтанат — ҳамма-ҳаммасини у ҳозир жонидан азиз Темурбекнинг умрини сақлаш учун қурбон қилишга тайёр эди.

— Сизга не бўлди, хоним? — деда шивирлади Соҳибқирон.

— Ёшлик ёдга тушди, бегим...

Аммо Темурбек бу майнин товушда аллақандай зўракиликни қалбан туйди.

— Ниманидир мендан яширяпсиз чоғим, хоним...

Темурнинг сўзларида илтижо оҳангига бор эди. Йўқ, йўқ. Сароймулк хоним бу сирни унга зинҳор айтольмайди. Буюк муҳаббати, ҳурмати ҳақи эвазига ҳам. Аёл бутун маҳорати ва фавқулодда ирода кучи ила эрини чалғитишига уринди.

— Қачон сиздан биронта сир яширғонмен, улуғ амирим? — деди эркалланган оҳангда. — Сиз билмағон сир борми ўзи бу оламда, Соҳибқирон?

Темурбекнинг хотинига қадалган нигоҳидаги синчковликни майнин табассум эгаллади. Сароймулк хоним одатда одамларга таҳлика, гоҳида даҳшат, гоҳида эса меҳр-мурувват солгувчи эрининг юзига очиқ чехра ила боқди.

Соҳибқирон бирдан қўзлари чақнаб, қалби товланиб кетди. Унга ўша, башоратгўй сўзлар яна эшистилгандай бўлди. Унга ўша сирли, «баҳт тўла нигоҳ» боқиб турар эди. Фақат ўлим олдидағина унга кўринадиган, борлиғи ила намоён бўладиган сиймо қараб турарди.

Яна бир фикр уйғонди унда. Ахир у — Темурбек Кўрагон шу аёл туфайли тожу тахтга эришган ҳукмдор эмасми? Мана сенга тақдир жумбоғи!

Эр-хотин чеҳрасида қандайдир самовий бир нур жилваланди.

1404 йилнинг сентябрь тонги отмокда эди.

САМО ЎЕЛИНИНГ ДАЬВОСИ

Қадрдон устози Мир Саид Барака вафотидан чу-күр қайғуга чўмган Темурбек она шаҳри Кешда бир муддат ёлғизликда қолмоқни ихтиёр этди.

У баланд қояликда чодир тикириб, ўша жойда вазирлари ахборотларини тинглади. Девонбеги Чин хоқони — Хитой императори юборган янги элчининг келганини маълум қилди.

— Чорланг, ҳузуримга!

Қотмадан келган паканагина элчи Темурбекка ҳукмдори номасини топширди.

— Биз шуни билдикки, — ўқиди тилмоч Хитой императори номасини, — сен, Темурбек бизга қарши юриш ўйлабсан. Бекор иш бошлаяпсан. Чунки Хитойга бориш учун жуда кўп тўсиқлардан ўтишинг ларкор. Чексиз, ҳад-худудсиз чўлу биёбонлардан ке-чишинг керак. Хитойда, сен биласан, ўн икки минг шаҳар бор. Ҳар бирида ўн икки минг қўшин шай туради. Биз, эндиликда Чингизхон давридагидек но-чор хитойлар эмасмиз. Шунинг учун ҳам сенга яхши маслаҳат берамиз. Ҳавфли ишга қўл урма. Ҳатарли сўқмоққа йўл олма. Инон, сен мамлакатимизга ет-гунча шармандали тарзда ҳалок бўласан.

Темурбек элчига чодирдан чиқиши имо қилди. Ҳайрон бўлган элчи олдида Соҳибқирон дастрўмолини олиб пастта ташлади. Шу заҳоти атрофидаги барлос бекларию хос навкарлар баланд қоядан пастга қараб ўзларини ташладилар.

— Сен кўряпсанми, элчи, — деди Темурбек фахр ила, — одамлар ҳаётларини хатарга қўйсалар ҳам сира

иккиланишмади. Халқим садоқатини кўрдинг. Мана шуларнинг барини юртингга қайттач, ўзини, билмадим, не сабабдан Само ўғли деб атаган кимсага етказ. Унга яна айтгинки, мен Хонбалиқда баҳорда бўлиб, унинг фуқаролари садоқатини синааб кўрамен. Сенга бошқа жавобим йўқ. Хайр.

Хитой элчиси таъзим қилганча орқасига қайтди. Темурбек оғир қадамлар ташлаганча чодирига қайтди.

Хитой. Бу еттинчи иқлим мамлакати. Уни эгаллаш бутун орзусининг ушалиши демакдир. Бир олам икки подшога торлик қиласди. Бу унинг сўzlари.

Кенгашган тўн тор келмас. Гарчанд у Хитойга юришни хаёлида обдан пишитган ва бунга қатъиян аҳд этган бўлса ҳам курултой чақириши лозим. Кекса сафдошлари, амиру беклар фикрини ҳам олмоғи, уларнинг раъйига қарамоғи лозим.

Чодирда уни амир Азизиддин кутмоқда эди.

— Темур!

У дўстининг чеҳрасида ташвиш кўрди.

— Азиз, нима бўлди?

— Бир қўрқинч ҳол мени сенинг оромингни бузиб безовта қилишимга сабабдур.

— Айт, не ҳол? Биласан, ҳар мушкулингни осон қилишіга қодирмен.

— Биламен, дўстим, — чуқур хўрсинди Азизиддин, — аммо бу мушкулни ҳал қилсанг минбаъд сендан миннатдор бўлур эдим.

— Азиз! Наҳот сенинг хизматингни, мен учун не-не жангларда кўрсатган жасоратларингни унуган бўлсам?!

— Йўқ, биламен. Сен олижаноб, мурувват бобида тенги йўқ ҳукмдор ҳам инсонсен. Майли, қулоқ ос бўлмаса.

Дўст ачитиб гапиради. Сен доимо аччиқ ҳақиқатни хушомаддан афзал кўргансен.

Билки, савдо-тижорат аҳли, бозор, қисқаси, халқ урушга қарши. Хитой билан уруш оқибатидан барча хавотирда. Халқ ўртасида пайдо бўлган турли мишмишлар бекорга тарқамаган. Башоратгўйлар ҳам пайдо бўлибди.

— Хабарим бор, дўстим, — кулди Темурбек, — бир чақалоқ туғилиб, уч марта «Аллоҳу акбар» деб қичқирмагунча ўлмас эканман. Шундай гўдак туғилиб, уч марта қичқиргани ҳам тўғри.

— Мен эса бунинг устига шунга ўхшаш қўрқинч бир туш кўрдим, Темурбек. Шуни айтиб сени огоҳ айлагани келдим. Тушимда сен билан бир ғор олдиндан ўтибмиз. Сен сўрадинг: Ким бу ғорда яшайди? Ҳеч кимдан садо чиқмагач, менга қарадинг. Кейин мен шу ғорга кирибмен. Бир вақт қарасам, зулмат йўқолиб, гўзал манзилда турибмен. Зилол булоқ пастида оппоқ саллали ўн икки мулла ўтирибди. Чинор соясида эса оқ кийинган Юсуфдек хушрўй йигит тахтиравонда ўтирибди. У табассам ила мени қаршилади ва қўлимга бир қутича берди, шахсан Темурбекка топширишимни тайинлади. Кейин олдингда пайдо бўлиб, қутичани берибмен. Сен уни очиб, менга ҳайрон қарадинг. Мен қутичада атиги уч сўзни ўқидим. «Барчаси барбод бўлади». Ҷўчиб уйғондим. Тушимда сен саволомуз қараганингни эслаб ўйладим. Балки, Парвардигори оламнинг ўзи мени огоҳлантироқчи бўлгандир. Таъбиримча, оқ салла, оқ кийимли ўн икки мулла бу сен 12 тоифага бўлган давлатимиз. Тахтиравондаги йигит эса сенинг толеинг. У Хитой билан уруш барча давлатни хароб қилади, демоқчи менинг фикримча.

Азизиддин яна чуқур хўрсинди.

— Раҳмат, дўстим, — Темурбек тўлқинланиб ўрнидан турди. У кўрпачада хомуш ўтирганча ўйга чўмган Азизиддинга изтироб ила тикилди. Наҳот ҳаёт,

вақт шундай бешафқат? Алпқомат дўсти анча мункиллаб қолибди. Сочлари қировдек оппоқ. Қани, аввалги паҳлавон Азиз?

— Эртага Самарқанд сари кетурмен, Азиз. Ўша ерда бул тўғрида яна бафуржа гаплашамиз

— Йўқ, Соҳибқирон, — ўрнидан турди амир, — мен шу она шаҳримда қоламен. Беш-ўн кунлик қолган умримни тоат-ибодатда ўтказмоқчимен. Розиризолик тилагани ҳам келган эдим. Тузингга рози бўл, Соҳибқирон!

Темурбек қалқиб кетди. Тушими ё ўнги? Азиздан ажралиш? Ҳеч ақлга сиғмас аччиқ ҳақиқат!

— Наҳотки, мени ташлаб кетсанг, дўстим?

Азизиддин кўзлари ёшланиб, дўстини кучоқлади:

— Паймонам тўлаётганини бутун вужудим билан сезаяпман, Темур. Энди қўлим қилични аввалгидек тутолмайди, қадрдоним. Аммо сени ёлғиз қолдирмайман. Набирам ёнингда, менинг соямдек орқангдан юргай:

— У қайси набиранг? Нечук билмаймен?

— Эсингдами, овдаги йўлбарс. Набирам Темурни кўриб, хос навкарларинг қаторига қўшганинг?

— Ҳа, эсимда. Ўшанда унинг кўзлари негадир иссиқ кўринган эди. Энди билдим. Нақадар камтар ва камсуқумсан, дўстим!

— Рози бўл, Темур. Энди мен кетишим керак.

— Мингдан-минг розиман, дўстим. Ўзинг ҳам мендан рози бўл.

Азизиддин қўлинини кўксига қўйиб, таъзим қилди.

— Бил, Темур, хаёлим доимо сен билан. Ҳақингга дуолар қилиб, Тангридан умрингга умр қўшишини илтижо қиласмен. Хайр, омон бўл, бахтимизга!

Темурбек унинг ортидан хомуш термилиб қолди. Бирин-кетин эски қадрдонлари, йигитликдаги сафлошлари майдондан чиқиб кетмоқда. У эса ҳамон

шу ҳаёт деб атальшиш улкан майдонда от сурмоқда.
Азиз, Азизиддин! У билан бегубор болалиги, шидатли ёшлиги хайрлашдими, балки?

ҚИСМАТ

Хитой императорининг қазоси ҳақидаги хабарни келтирган мағфий ишлар сардори Темурбек чехрасида ўзгариш кўрмади.

— Қисмат! — деди у ўйчан.

Бу хабар унинг қарорини ўзгартирмаслигига сардорнинг ақли етди.

Курултой қатнашчилари Соҳибқироннинг сўзларини вазминлик билан эшилдилар.

— Биродарлар! Мана, тож кийганимдан бери қанча йиллар ўтди. Ўша узоқ давр ичидаги кўп гуноҳ ишлар ҳам қилдим. Хитойга юриш қилишимни сизларга маълум қилғаймен.

Темурбекнинг амри вожиб. Саркардалар бой ўлжа илинжида бир-бирларига мамнун боқишиади. Темурбек дегани зафар, бой ўлжа дегани.

Урушларда синалган, суяги жангларда қотган, катта малака ва тажрибали йигирма туман суворилар фармони олийга муентазир. Пиёда сипоҳийларнинг ҳам сон-саноғи йўқ.

Улкан қўшин жанговар ҳолда саркардалар буйруғига шай турибди. Мағфий кенгашларда сафар режаси ҳарбий жиҳатдан ишлаб чиқилган. Темурбекнинг набираси Халил Султон Мирзо ва Аҳмад Мирзо бошчилигидаги ўнг қанот қўшин Тошкент, Шоҳрухия ва Сайрамда қишлоғиди. Султон Ҳусайн Мирзо қўмондонлигидаги чап қанот қўшин эса Туркистон ва Сарбон шаҳарларида марра эгаллаб туради. Соҳибқирон эса марказий қўшин билан Оқсултонда жойлашади. Марказий қўшин туманларига тажрибали

саркарда, амирлар — Шоҳ Малик, Шайх Нуриддин ва Хўжа Юсуф бошчилик қилишади.

Шу режага мувофиқ лашкар 1404 йил 27 ноябрда Самарқанддан узоқ сафарга йўл олди.

Дастлаб юриш бехатар ва осойишта борди. Отлар илдам, аскарлар эса бардам кетишиди. Кечалари қозонлар қайнаб, гулханлар порлаб турди. Аммо Тошкент шимолига ўтишганда қаҳратон қишининг қаҳрли қиличи қинидан чиқди. Гарчанд лашкар қишки либосда бўлса ҳам, изғирин этни увиштириб, кайфиятни бузади. Лекин энг хатарлиси чўл бўрони эди. Очиқ чўлда қаттиқ совуқда, ерга қор тўшалган маҳалда у ғоят таҳликали. Бўрон бошланганда ҳаммаёқ оқ тусда, мағрибу машриқнинг фарқи қолмайди. Вақт ва макон тушунчаси йўқолади.

Кирғиз — қайсоқ чўлида кўшин ана шундай балонинг даракчиларига дуч келди. Бўрон кучайиб, изғирин қутурди. Бундай вақтда гулхан ҳам, иссиқ овқат ҳам бўлмайди. Аскарлар отлардан тушиб, ҳалқа ҳосил қилганча фурсат кутади.

Темурбек қўмондонлигидаги марказий қўшин кўп юришларда тажриба орттирган, қаҳратон совуқ, жазира маҳалла чиниққани учун ҳам унча катта талафот кўрмай Ўтрорга етиб келди.

Қусқи пўстинларга ўралиб, телпакларини бостириб кийиб олган аскарлар тезда чодирлар қуришди. Гулханлар машъалдай порлади.

Қўмондоннинг эътибори шахсий намунада эканлигини яхши билган Темурбек Ўтрор шаҳридаги аркка кириб, иссиқ уйда яшашни ўзига эп кўрмади. У чодирини қўр тўкилган лашкаргоҳнинг қоқ ўртасига тикирди. Ҳудди шу ўтов шаклидаги чодирда у Дасти Қипчоқдан келган элчини қабул қилди.

Москвада христиан динини қабул қилиб, чўқинтирилган Қорахожа Тўхтамишхоннинг ишончи мулозими эди. Дам Москва, дам Литва ҳукмдорларига малад сўраб, паноҳ излаётган собиқ Олтин Ўрда хони эндиликда сўнгги умидини Темурбекка тиккан. Қорахожа унинг номасини Ўтрорда Соҳибқиронга топширди.

— Довруқли Эдиқуд қандай? — сўради Темурбек ундан.

— У ҳозир Олтин Ўрданинг чинакам ҳукмдори. Кутлуғ Темур ўлганидан сўнг унинг ўғли Шодибекни таҳтга ўтқазган ҳам шу амирлашкар Эдиқуд.

— Анави князъ нима бўлди? — ниманидир эслаб бирдан сўради Темурбек. — Биздан паноҳ истаб ҳузуримизга бош уриб келган рус?

Қорахожа сергак тортиб, фикрини шиддат ила бир нуқтага жамлади. Ҳа, Соҳибқирон билади, хотираси зўр, ҳеч ким ва ҳеч нарсани ёдидан чиқармайди. Бу унга синов.

— Рус князи Симеон Кирдяпа Москвада уч йил муқаддам ўлди.

— Кутлуғ Темур ва Эдиқудга биз амр қилгандик ўша князни хурсанд қилишни. Мен унга Москвани тухфа этганмен. Фармонимни бажаришдими?

Қорахожа севинчини яширолмай, хитоб қилди:

— Йўқ, Соҳибқирон. Эдиқуднинг ўзи Москвани олмоқчи.

Элчи Темурбекни Олтин Ўрда хонига қайраш фурсати келганидан қувониб, сўзида давом этди:

— Кутлуғ Темур ва Эдиқуд фармонингизни унтиб, князни хор қилишди. Унга ёрдам беришмади. Бечора князъ ноилож Москва князига ўз ихтиёри билан бориб таслим бўлди ва хорликда ўлди.

Шайх Нуриддин Темурбекка қараб қўшимча қилди:

— Соҳибқирон! Бундай нонқўрликни жазосиз қолдириб бўлмайди. Ёдингиздами, бундан йигирма саккиз йил муқаддам Тўхтамиш, Эдикуд ва Кутлуғ Темур сиздан паноҳ истаб келишганида уларни иззатикром билан қаршилаганингиз? Уларга амир унвонини бердингиз. Силаб-сийпадингиз. Эвазига эса улар нонтузингизга тупуриб, кўрнамаклик қилишди.

Амир Шоҳмалик тасдиқ ишорасини қилиб бош иргади:

— Марҳаматингизни унутиб, амрингизга итоат этмаган нобакорлар оғир жазога мустаҳқидур, Соҳибқирон.

Темурбек нигоҳини элчига қаратди:

— Қораҳожа! Эшитдингми амирлар фикрини? Гарчанд Тўхтамиш уч бор хиёнат қилган бўлса-да, биз уни кечиргаймиз. Хонингга айт. Хитой сафаридан кейин биз унга Олтин Ўрда тахтини яна олиб берурмиз.

Элчи хурсандчилигидан ўзини Темурбек оёғига ташлаб, этигини ўтди.

— Муруватингиз бениҳоя улуғ, Соҳибқирон. Биз ўлгунимизча қулингизмиз, о тақсири олам! Адолат-паноҳ! Ислом шамшири!

Шайх Нуриддин ўзини кулгидан тия олмади:

— Сен насроний эканингни унудинг, Қораҳожа. Ахир, Москвада сени чўқинтиришгани ёдингдан қўтарилдими?

Элчи қизариб-бўзариб, букила-букила чиқиб кетгач, Темурбек ҳам хандон ташлаб кулди. Сўнг амirlарга юзланди:

— Лашкарнинг кайфияти нечук? Негадир шодон қаҳқаҳалар эшитилмаяпти?

Шайх Нуриддин амир Шоҳмаликка саволомуз тикилди. У эса «жавоб бер» дегандек амир Хўжа Юсуфга нигоҳини қадади.

— Барча совуқдан безор. Ўнбошилардан тортиб мингбошиларгача йўлга чиқмаслик дардида, Соҳибқирон.

Темурбек ўйга чўмди. Ҳа, улар ҳақиқатни айтишибди. Зотан, чиниққан лашкар нолиса, иш ҳақиқатан ҳам жиддий. Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас. Ортга йўл йўқ энди. Ўзга чора излаш лозим.

Амирлар зўр диққат билан ундан жавоб кутишмоқда.

Темурбек қарсак чалди. Ҳос навкарлар бошлиғи барлос беги ҳузурида қўл қовуштириди.

— Сартарошни чорланг. Бу ерга эмас, ўтов олдига.

Ҳайратга тушган амирларга жавоб тариқасида эса шундай деди:

— Лашкар совуқдан қўрқаяптими? Демак, қўрқмаслигига ибрат лозим. Соч-соқолимни очиқ ҳавода олдираман.

Остларига тўқим ташлаб, гулханга яқин ўтириб олган баҳодирлар шу қаҳратонда бошяланг ҳолда ўтовдан чиққан ҳукмдорларига ажабланиб қарашиди.

Сартарош совуқдан жунжикиб, аста ўз ишини бошлади.

Ўнбошидан мингбошига қадар бу қизиқ ҳолни кўргани келганлар ҳурмат ва эҳтиром ила Соҳибқиронга офаринлар ўқишиди.

Темурбек қўшин руҳи кўтарилганини сезди. Сартарош ишини тугатгандан сўнг мамнун ўрнидан турди. Шу вақт юзига ёқимсиз совуқ урилиб, бадани сесканди. Ҳеч кимга бу ҳолни сездирмай, ўтовга бардам қадамлар ташлаб кириб кетди. Бу не ҳол? Қарилкми? Ички титроқ бутун вужудига ўрмалаб, ранги ўзгара бошлади.

Темурбек қарсак чалиб, навкарбошини чақирди:

— Дарҳол малҳам келтир!

Балки бу титроқ шундан тарқалиб кетар.

Хос навкарлар юзбошиси әхтиром ила тутган ко-
саны бир-икки симирди. Аммо таъсирини сезмади.
Косани бўшатса-да, май кучи билинмади. Титроқ бош
оғриғига қўшилиб, дард кучая бошлади. Иситма қўта-
рилди. У фавқулодда ирода кучи билан қарсак урди.
Ҳозир бўлган юзбошига зўр-базўр буюрди:

— Бибихонимни чорланг!

Кейин эса кўрпачага чўзилганча ҳушидан кетди.

Темурбек ўзига келиб кўзини очганда ёнида Са-
роймулк хоним ва табиб мавлоно Фазлуллоҳ Табри-
зийни кўрди.

— Хайрият, — чуқур нафас олди Бибихоним, —
мавлоно, бутун умидимиз сиздан. Шафқатли Танг-
рим қўлларингиз билан шояд шифо юборса...

Мавлоно Фазлуллоҳ бошчилигидаги табиблар хил-
ма-хил муолажалар бошлиши.

— Қўшин ҳолимни билмасин, — деди секин Темурбек суюкли рафиқасига.

— Бош устига, бегим, — деди илтижоли кўзлари-
ни узмай Бибихоним.

Аммо шум хабар яшин тезлигида ўтовдан ўтовга
ўтган эди. Жой-жойларда беку амирлар хуфёна мас-
лаҳатлар қура бошладилар. Ўттиз беш йилдан бери
Темурбекнинг адолатли қўли остида димиқиб ёт-
ган фитна девлари ғимирлаб қолиши. Чўлу биё-
бонда адашиб ҳолдан тойган йўловчи йиқилишини
пойлаб атрофда изғиган қузғунлар мисоли саркар-
далар, амиру беклар, шаҳзодалару уларнинг ота-
лиқлари Соҳибқирон ўтови атрофида уймалашиб
қолиши.

Кунлар кетидан кунлар ўтса ҳам дард енгиллаш-
май баттар хуруж қила бошлади. Бемор тўшаги усти-
да куну тун мижжа қоқмай ўтирган Бибихонимнинг
эса умид шамчироғи ҳали сўнмаган эди. У Тангрига

тинмай илтижо қилиб, мўъжиза кутарди. Бу кеч ўша мўъжиза содир бўлди.

Темурбек қоқ ярим тунда чўчиб уйғонди. Қандайдир куч уни ўрнидан қўзғатди.

У елкасига тўнини ёпганича ўтовдан чиқди. Оёқлари уни қаёққадир олиб кета бошлади.

Ташқаридаги турган хос навкарлар ҳайратдан қотиб қолишди. Ҳукмдор бетоб эди-ку?

Кичик бир тепача устига чиққан Темурбек орқасидаги шарпага ўгирилди.

— Соҳибқирон!

У хос навкарлар ўнбошиси, дўсти Азизиддин на-
бираси Темурни таниди. Дўсти ҳақ. У чиндан ҳам
қоронғуда ҳам унинг сояси бўлибди.

— Қайтинг, Соҳибқирон!

Темурбек унинг товушида меҳрли илтижо сезди.
Бу Азиз сўзлари... Наҳот ҳаммаси барбод бўлса? Ўша
Азиз туши ўнгидан келган бўлса? Бугун ўзи алаҳсиб
кўрган туши ҳам даҳшат.

— Бу қандай гап, улуғ амир?

Бибихоним чўчиб уйғонгач, Соҳибқирон изидан
чопган эди.

— Қаҳратон қиши, изфиринли тунда касал ҳолин-
гиз билан бу ерда туришингизда не ҳикмат бор?

Темурбек орқага қайтиб, тўшакка ётгач, бу са-
волга оҳиста жавоб қилди:

— Кўрқинчли туш кўрибмен. Ҳар икки чеккаси
баланд қамишзор билан ўралган катта йўлда отимни
елдириб кетаётган эдим, тўсатдан йўл четидаги
қамишлар шитирлаб қолди, мен ўша томонга қара-
дим. Қарадиму ҳайратдан жиловни тортиб тўхтадим.
Қамишзордан падари бузрукворимиз шитоб ила чи-
қиб келар эдилар. Мен ҳайрат ичидан отдан тушиб,
ота истиқболларига югурдим. Аммо падари бузрук-
вор менга илтифот қилмай, олдимдан ўтиб бориб,

отимнинг эгар-жабдуқларини ечиб олдилар ва келгап йўлларига қайтиб, тўқайда ғойиб бўлдилар... Мен катта йўл устида гарангсираб ялангоч от ёнида турганим ҳолда уйғондим... Ҳушёр тортиб, аъзойи баданим титраб, қизиб кетаётган эди. Бу хосиятсиз тушдаҳшатидан ташқарига чиққанимни сезмай қолибман. Паймона тўлғонга ўхшайдир...

— Яхши ният қилинг, амирим, дард бошқа, ажал бошқа. Шукр, саломатлигингиз тузук, — дея тасалли берди кўзлари нам Бибихоним.

Зийрак Соҳибқирон рафиқаси кўзлари намланганини пайқади. Бу ёшлар йифига айланиб, кўнглини бузмаслиги учун оҳиста деди:

— Йифидан не фойда, хоним. Тақдирни табдил қила бўлмас. Шукр, тонг ҳам ёриша бошлади. Посбонга буюринг, амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳмалик ва амир Хўжа Юсуфлар эрталаб ҳузуримга кирсинлар.

Темурбек беҳол кўзларини юмди. У даҳшатли туши давомини айтмади. Бу тушида Амир Тарағайдан сўнг у Ўлжойни кўрди. Биринчи, кўз очиб кўрган, севган ёри унга ғамгин боқди.

— Бибихонимдан қаерим кам эди, бегим? Нега унга шоҳона масжид қурдингиз-у, менга ҳеч бир ёдгорлик қўймадингиз? Наҳотки шунга арзимасам?

Шундай дея Ўлжой ундан мунгли чехрасини ўғириб кета бошлади.

— Тўхта, Ўлжой! Кечир мени, гуноҳкор завжангни! Мен сенинг набирангга шу гуноҳим учун бутун тожу тахтимни қолдирғаймен.

Тобора ундан узоқлашиб кетган Ўлжойнинг ногласи эшитилди:

— Эвоҳ, энди кеч. Кеч!!!

Темурбек яна қичқирмоқчи бўлганида уйғониб кетди.

Энди киприклариға уйқу қўнмайди. Наҳот биринчи пири Шамсиддин Кулол янглиш башорат қилган бўлса? Ахир у унга етти иқдим подшоҳлигини ваъда қилган эди-ку?

Одамларнинг товуши Темурбекни хаёл гирдобидан чиқарди. Темурбек оёқ томонида пойгакда жой олган амиру бекларга кўзи тушди. Ҳол-аҳвол сўрашишгач, уларга сўнгги амрини баён қилишга бошлади:

— Маълумотингиз бўлғайким, Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди Пир Муҳаммад Мирзони валиаҳд этиб тайинлайдурмен, токи Самарқанд таҳти ва аркони давлат анинг ҳукми фармонида бўлғай. Мамлакат ва миллатнинг осойишталиги, қўшин салоҳиятининг мукаммаллиги, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар кўрсин. Бинобарин, сизлар ҳам итоат ва эҳтиром борасида унга байъат билдириб, салтанатни бошқаришга, эл-юртнинг тинчлиги, мусулмонларнинг осойишталиги учун ҳамжиҳат бўлиб кўмаклашмоғингиз лозим. Чунончи, сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифоқ билан қилган ишларингиз узоқ-яқиндаги дўст-душманларга кўриниб турсин, токи ўзаро низоларга ўрин қолмағай. Бильякс, ўзаро низолар вужудга келиб, барҳам топгай. Инчунун, менинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларим зоъега кетгай...

Амирлар, беклар ва юртнинг улуғлари, шу жойда ҳозир бўлган шаҳзодалар, маликалар ҳукмдорнинг бу васиятини мукаммал бажаришга қасамёд қилишгач, амир Шайх Нуриддин гап бошлади:

— Агар амри олий вужудга келса, Тошканд, Самарқанд ва Ҳиротга хабар юборсак, токи фарзанди дилбандларингиз — шаҳзодалар зудлик билан этиб келиб, жаноби олийларининг ҳусни таважжуҳларидан баҳраманд бўлиб, гавҳарфишон насиҳатларин-

гизни ихлос қулоғи билан тинглаб, итоат камарини белларига боғласалар фойдадан холи бўлмас эрди.

Темурбек аста кўзларини очиб, амирларга маъюс назар соларкан, аввал кўрсаткич бармоғини, кейин ўрта бармоғини қўшиб кўрсатди-да, қўлини тушиби, кўзларини юмиб олди. Амирлар Соҳибқироннинг имо-ишорасига тушунмай, Бибихонимга савол назари ила тикилишди. Гўё уларнинг фикрини ўқигандек Темурбек кўзларини очиб энтикканча оғиз жуфтлади:

— Вақт танг, бир ёки икки кунлик умр қолди. Афсус, уларни кўриш насиб бўлмади. Энди дийдор кўришмак қиёматга қолди.

Саркардалар, шаҳзода-ю беклар, барча қуролдошлар ҳайрат ичра Соҳибқироннинг ўлим арафасидаги иродаси ва жасоратига ич-ичларидан тасаннолар айтишди. Ўлим билан неча бор юзма-юз келган Темурбек ҳаётининг сўнгти дақиқаларида ҳам ҳукмдорлик мавқеини ушлай билгани ва доно васият қила олгани ҳамманинг ҳам иродасига хос эмас эди.

Темурбек кўзини очиб, бир ишора билан мулло Ҳайбатулланинг Куръондан сурга ўқишини илтимос қилди.

Амирлар ҳайратига ҳайрат қўшилди. Қудратли жаҳонгир мусулмон banda сифатида ҳам ўзининг улуғворлигини кўрсатди.

Куръоннинг сеҳрли суралари остида Темурбек жон таслим қилди. Шу тариқа, 1405 йил 18 февраль куни шом билан хуфтон намози ўртасида Мовароуннахр осмонининг порлоқ юлдузи сўнди. Солномачи Шарафиддин Али Яздий тарих саҳифаларида Соҳибқирон, буюк баҳт юлдузи соҳиби, ҳумоюн — шавкатли, камкори офтоб давлати турк — турк давлатининг қудратли қуёши ҳамда он ҳазрат — улуғвор шоҳ деб таърифлаган Амир Темур оламдан кўз юмди.

Унинг сўнгги сўзи «Ла илаҳа иллаллоҳу Мұҳаммаду Рәсүлүллоҳ» бўлди.

СОҲИБҚИРОН ШУҲРАТИ ЖАҲОН НАЗДИДА ГРАНД ТЕМУРБЕК

«Темурни Александр Македонский билан тенглаштириш керак. Бу таққослаш уларнинг ҳаёт йўллари ва эришган ютуқлари нуқтаи назаридангина эмас, балки уларнинг инсонийлиги, истило қилинган ерлари кўлами, жасурликлари ва уларнинг камсуқумликлари жиҳатидан ҳам ўхашлигидир.

Александр Македонский юонон ва форс маданиятининг юксак ривожланиши даврида вояга етган ва Темурга қараганда маърифан юқори эди. Аммо Темур ундан саркарда ва забт этилган мамлакатлар ва элларнинг истеъодли ҳукмдори бўлганлиги билан ҳам устундир. Александр майшатдан заифлашган халқларни ўзига бўйсундирган бўлса, Темур жанговар подшоҳликларни забт этди. Александр тахтда дунёга келди, Темур эса кулбада. Жаҳон саҳнасига чиқишдаги бу фарқдан қатъи назар, темирдек барқарорлик, фавқулодда ўз-ўзини бошқариш ва хушёрлик Темурни қудрат чўққисига кўтарди ва бу фазилатлар уни ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача тарк этмади».

Гаммер

Франция қироли Карл VI ва унинг сарой аъёнлари Узоқ Шарқ ўлкасидан Парижга келган руҳонийнинг ҳикоясини диққат ила тинглашди. Олис Султония архиепископи Жоан II номи тилларда достон Темурбекнинг элчиси сифатида Францияга келибди.

Мусулмон подшоҳининг элчиси христиан руҳонийси эканлиги ажабтовур бир ҳол эди. Унинг таржи-маи ҳоли ҳам сарой аъёнларини ғоят қизиқтириди. У Нахичевонда арманлар раҳнамоси бўлган. Султони-яда епископ бўлиб турганида Амир Темур аскарлари томонидан асир олинган.

Жоан II қирол ҳузурига кирганда ўзининг бошидан кечирганларини эринмай батафсил баён қилди. У завқ ичра ўзини қай тариқа Темур ҳузурига олиб киришгани ва у билан қандай суҳбат бўлганини ҳикоя қилди:

— Мен Темурбекка очиқ гапирдим. Уни қонхўр, жаллод деб атадим. Ўша вақтда жуда очиқсан, руҳсиз ва тушкун аҳволда эдим. Нима деяётганимни ҳам билмасдим.

Сарой аъёнлари бир-бирларига қараб, кулиб қўйишди. Бу руҳоний уларда ишонч туғдирмас эди. Гаплари ҳам ғалати, пойинтар. Аммо қирол уни зўр диққат ила эшитар эди.

— Мен ўлимни бўйнимга олиб шундай гапирдим. Аммо у гапларимга эътибор қилмай мени уч кун зиёфат қилишни мулозимларига буюрди. Уч кун амирлардан бирининг чодирида майшат қилдим. Сўнг мени унинг қароргоҳига олиб келишди.

— Мен қонхўр ва жаллодманми? — деб сўради.

Мен ўлимни бўйнимга олиб қўйганим учун унга ўз гапимни тасдиқладим. Аммо у пинагини бузмай менга ўз хизматига ўтишни таклиф қилди. Ва мен шунда Темурбекка тан бердим. Таклифига розилик билдиридим.

Архиепископ Самарқандда бўлгани, Темурбек саройи, оиласи билан мулоқот қилганларини эслади.

— Темурбекнинг бойлиги шу қадар кўпки, хоҳласа ер юзини олтин билан қоплай олади. Ўзининг

бир шарбатхонасининг кунлик харажати бир минг мисқол олтинга тенг.

Қирол Карл VI ўзининг бўм-бўш хазинасини эслаб, хўрсишиб қўйди.

Унга қарашли мамлакатларнинг кенглиги шунча каттаки, одам унинг шарқидан ғарбигача бир йил тинмай юрмоғи лозимдир. Шу қадар кенг масофа ичидаги ҳудудлари шаҳар билан шаҳар ораси, мамлакат билан мамлакатлар ораси, иқлим билан иқлим орасида тинчлик ўрнатилган. Мусофирлар, карвонлар учун комил хавфсизлик таъминланган. Агар қайси бир жойда бир карвон қароқчи ҳамласига учрар экан, ўша ўлканинг амири Темурбекнинг амри билан ўлимга ҳукм қилинади. Темурбекнинг илми ва тушунчаси бўйича бир ўлканинг амири ўғри-қароқчилар билан ўзаро тил топишмаса, катта йўл устидаги карвонга ёки бир мусофир кишиига хужум қилолмайди. Бу киши қудрат соҳиби бўлгани учун бу кунгача бўлган урушларнинг барчасида ғалаба қозонган. Ҳеч бир подшоҳ ёки қалъя бу кишига қарши туролган эмас. Темурбек хоҳласа бир миллион кишини урушга ҳозирлай олади. Унинг йилқисининг ўзи икки миллион туёқдир. Унинг туялари беҳисоб. Ҳиндистонни олганидан кейин унда юз занжир фил пайдо бўлди.

Сарой мулозимлари орасида унинг ҳикоясини ҳаммадан қўра кўпроқ маршал Бусико диққат ила тингларди. У бундан бир неча йил муқаддам Никополь остонасида турк сultonи Боязид билан жангда асирга олинган ва катта пул эвазига озодликка чиққани учун унга бу ҳикоя жуда қизиқ эди. Уни кўпроқ Боязид тақдиди қизиқтирап эди.

— Темурбек турк сultonи уни қандай ҳақорат қилганига қарамай унга шоҳларга хос ҳиммат кўрсатди. Пойтахтида яшашига рухсат берди. Зиёфатларида ёнига ўтқазиб, ундан иззат-икромини аямади.

— Темурбек чиндан ҳам аслзода — Гранд! — деди қирол ва оҳиста қўшиб қўйди: — Биз унга олтиндан ҳайкал ўрнатурмиз.

Архиепископ ҳам ниятини айтди:

— Мен Темурбек ҳақида рисола битамен. Уни Европа билиши керак.

Чиндан ҳам Темурбекка Оврупо халоскорига деган ҳайкал ўрнатилади. Жоан II хотираси ҳам ёзилади.

У ҳозирда Париж миллий кутубхонасида сақланмоқда.

БҮЮК РИЦАРЬ ЁНИДА

1396 йил. Олмония. Рицарь Ҳодфриднинг Бавариядаги кўхна қасрида аслзодалар базми қизимоқда. Ертўлаларда узоқ йиллардан бери сақланиб келаётган шароблар, қуюқ бовар пивоси ва бошқа ўткир ичимликлар меҳмонларнинг қулфи дилини очиб юборган.

Рицарь Ҳодфрид салб юришига олиниши олдидан дўстларига зиёфат уюштириб, бор бисотини тўкиб ташлаган. Тансиқ таомлар, анвойи ноз-неъматлар дастурхонга кетма-кет тортилиб турибди. Ҳамманинг кайфи чоғ. Олиҳиммат Ҳодфрид шарафига кўтарилаётган қадаҳларнинг кети узилмайди. Бутун Олмонияда ўзининг моҳир қиличбоз, чавандоз ва мерганлиги билан танилган Ҳодфридга барча ҳамду сано айтди. Бу рицарь муқаддас насроний динининг душмани, турк сultonи Боязидга қарши салб юришга даъват этган Рим папаси Бонифатсий IX нинг улуғ чақириғига биринчилардан бўлиб «лаббай» дея жавоб берди. Бинобарин, унинг зиёфатига узоқ-яқиндан кўплаб донгдор аслзодалар ташриф буюргани бежиз эмас.

— Империя сиз каби рицарлар ила ҳар қанча фахрланса арзиди, азизим Ҳенрих! — дея ўрнидан турди барон Шильтбергер.

— Мен шу қадаҳни музaffer сафаринг учун ичамен. Яшасин Ҳодфрид!

— Яшасин зафар! — бараварига ҳайқириши рицарлар қадаҳларини баланд кўтариб. Барон Шильтбергер Ҳодфрид билан қадаҳ уришириди:

— Ҳенрих, энди бир илтимосим бор,— Ҳодфрид қадаҳини бўшатиб, унга юзланди.

— Қулоғим сенда, Зигфрид.

— Ўғлим Иоҳаннес сен билан кетса...

Биласен, у балоғат ёшида. Жасорат кўрсатиб, қаҳрамон бўлмоқни истайдур, кун-тун салиб юришини ўйлади. Мен аниңг раъйини қайтаролмаймен.

Ҳодфрид отасининг сўзларини жон қулоғи билан тинглаётган ўсмирга, ҳавас ва ғурур тўла нигоҳини ундан узмаётган Иоҳаннесга синовчан боқди. Тийрак кўзларига, бақувват гавдасига тикилиб, бош ирғади:

— Мен кўзларингда ажид келажагингни кўраёттирмен, Иоҳаннес. Биз Шарқقا юрамиз, навқирон дўстим! Бу юришда сен менинг яроқбардорим бўласен.

— Раҳмат, азизим! — деди барон Шильтбергер тўлқинланиб. — Ўғлимни сенга, сени эса Парвардигорга топширдим.

Уларнинг суҳбатига диққат билан қулоқ солиб ўтирган рицарь Вилгельм де Мине ўрнидан турди.

— Қимматли барон, — деди у Шильтбергерга қараб, — ўғлингизнинг қўлинни сиқиб, унга рицарлик фотихасини бермоққа рухсат этгайсиз.

Вилгельм шундай деб, кумуш дастали ханжарини ўсмирга узатди:

— Дранг нах остең! Биз Шарқقا юрамиз! Малъун сарацинлар, Мұҳаммад умматларининг юрагига даҳшат соламиз!

Вилгельм бақувват қўлинни ўсмирнинг елкасига ташлади:

— Биз сен ила жанг майдонида ҳали кўп учрашамиз, Иоҳаннес! Шуни унумаки, сен шавкатли тевтон рицарлари авлодидансен. У номга зинҳор доф туширма! Омин!

Ўсмир рицарнинг ўгитларини ғоз қотганча тинглади. Ўшанда у ҳам, Вилгельм ҳам улар ҳақиқатан яна учрашишларини, бироқ бу учрашув олти йилдан сўнг буткул ўзгача вазиятда, олис юртда рўй беришини ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмаган эди.

Барон Шильбергер эса бу икки шавкатли рицарь унинг ўғлига кўрсатган эътибордан таъсириланиб кетиб, кўзларига ёш олди.

— Ой бориб омон қайтгил, ўғлим! — деди у қувончдан юзлари қизариб, кўзлари порлаётган ўғлининг пешонасидан ўпар экан, — тез кунларда яна дийдор кўришармиз деган умиддамен, бўталогим!

Бароннинг нитоҳида фарзандига нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат товланарди. Бу оқкўнгил олмон зодагони ўғлини олдинда тақдирнинг қандай даҳшатли ва ғаройиб синовлари кутаётганини билганда эди!!!

Шу тариқа, 1396 йилнинг куз фаслида Иоҳаннес Шильбергер муқаддас салиб юришига отланган Олмониянинг олти минг рицари сафидан ўрин олди.

ШАҲЗОДА МУСОНИНГ МУРУВВАТИ

Қадимги Рим империяси — Помпей, Цезар, Антоний, Август, Диокентиан юртининг меросхўри бўлган Византия эндиликда насроний дунёсининг шон-шавкати, фахри ва фуурига айланган эди. Шу табаррук заминни қамал қилишга журъат этган малъун туркларга қарши юришга Рим папасининг таклифи билан Можористон қироли Сигизмунд бош кўмондон қилиб тайинланди.

Сигизмунднинг олтмиш минг кишилик қўшини Дунай соҳилида қўр ташлади. Бутун Овруподан тўпланаётган саличилар худди шу жойда унга қўшила бошлашди. Кўхна Дунай ўз соҳилида бундай улкан лашкарни тарихда кўрмаган эди. Фарангистондан Маршал Бусико ва Бургундия герцогининг ўғли граф Наварра бошчилигида рицарлар, Польша, Италия, Испания, Богемия, Валахиядан 35 минг киши Можористон қироли лашкарига қўшилди. Олмон рицарларининг 6 минг кишилик қўшини ҳам Сигизмунд лашкари сафини тўлдирди. Шу тариқа Дунай соҳилида насронийларнинг юз минг кишилик лашкари жанговар тартибда қирол кўригидан ўтди.

— Худо учун! Авлиё Денис учун!

Шундай хитоблар ила рицарлар дарёни кечиб ўта бошлашди. Туркларнинг таянч қалъаси — Никопол шаҳри томон силжиётган қўшин сафида юзлаб поплар ва роҳиблар ҳам баралла ҳайқириб, лашкарга жўшқин руҳ беришар эди:

— Худо учун! Авлиё Георгий учун!

Шиддатли жанг узоқ давом этмади.

Мудофаада турган турклар рицарларнинг зарбига дош беролмай, шаҳар ичига чекинди, кўплари ҳалок бўлди ва асирга олинди. Рицарларнинг темир ҳалқаси шаҳарни қуршовга олди.

— Бутун Оврупонинг нигоҳи бизда, шавкатли рицарлар! — деб хитоб қилди қирол Сигизмунд. — Муқаддас Римга таҳдид солган усмонли туркларга кимлигимизни кўрсатиб қўймоқ фурсати етди, шунқорларим!

Рицарлар қамалдаги шаҳар остонасида дастлабки ғалаба шарафига зиёфат бошлашди.

— Магар осмон устимизга қулаб тушса ҳам ани найзаларингизу қалқонларимиз билан ушлаб қол-

моққа қодирмиз! — дея баралла ҳайқирди фаранг маршали Бусико.

Кайфи ошган рицарлар сафига Ходфриднинг йўғон овози алоҳида ажралиб турарди. Яроқбардор Иоҳаннес эса устозидан садоқатли нигоҳини узмай, унинг фармойишларини зудлик ила адо қиласарди.

— Дранг нах остең! Хайл Олмония!

Иоҳаннес бойлик, шон-шуҳрат ва шавкат учун жангга ошиқсан рицарларнинг ғалабасига ишонар, тез кунда ота қасрини кўришдан кўнгли тўқ эди. Бутун Оврупонинг фахри ва таянчи бўлган рицарлар қўшини мукаммал қуроллари, зирҳу совутлари ҳамда жанговар салобатлари билан ҳар қандай кишининг юрагига ғулфула ва қўрқув солади. Отликларнинг ўзлари ҳам, отлари ҳам бошдан-оёқ зирҳга бурканганки, унга қилич ҳам, гурзи ҳам ўтмайди.

Қамалнинг ўн бешинчи куни узоқдан турк лашкари кўринди. Урушга чанқоқ фаранг рицарлари асир туркларни чопиб ташлаб, қонга бўялган қиличларини кўтарганча ҳужумга отилишиди.

— Худо учун! Авлиё Георгий учун!

Рицарлар турк суворилари ва улар ортидан келаётган пиёда сипоҳларни қисқа фурсатда қириб ташлашди. Улкан ва шиддатли темир оқим орқа-ўнгга қарамай олға интиларди.

Тоғ ён бағрида эса рицарлар қаршисида турк сultonи Боязид Мурод ўғлининг асосий кучлари пайдо бўлди. Яшиндек тез ва шиддаткор Йилдирим Боязид Рум пойтахти Истамбул қамалини тўхтатиб, Никополга етиб келган эди. Жанг ниҳоятда кескин ва қонли бўлди. Турк янчарлари ва суворилари сафига серблар ҳам бор эди.

Иоҳаннес ўз устози ёнида жанг оловида, беаёв олишувда бевосита қатнашиб, уруш даҳшатини ҳам қалбан, ҳам жисмонан яққол ҳис этди. Ота қадр-

дона Ходфрид отдан гурсиллаб қулаганида эса жон-холатда қичқириб юборди. Аммо ўзи хушига келмай туриб, турк суворисининг сиртмоғи бўйнига тушди.

Султон Боязид бошчилигидаги турклар донгдор рицарларни тумтаракай қилиб қувганига, барон, маркиз, шаҳзода ва бошқа кўплаб аслзодаларни асир олганига ўсмир шахсан ўзи гувоҳ бўлди. Оврупо ҳукмдорларининг фарзандлари-ю қариндошлари бўлган ҳамда ўз жони учун товон тўлашга қодир бу асирлар сони 400 дан ошиқ эди. Минглаб оддий аскарларнинг эса саноғи йўқ. Ҳаётини сотиб олишга қодир бўлмаган мана шу асирлар қатори Иоҳаннес ҳам қатл майдонига келтирилди. Эгри шамширини яланғочлаб турган янчарлар битта арқонга боғланган асирларни бирма-бир қатл қила бошлишди. Навбат Иоҳаннесга ҳам етди? У бераҳм жаллодга юзланди:

— Алвидо, ота! Мехрибон волидам! Азиз сингилларим! — Гўё унинг қалб ноласи, ўсмир фарёдини худо эшигандек туюлди.

— Бу ахир болакай-ку? Султон фармонига кўра йигирма ёшга тўлмаган асирлар ҳаёти сақлаб қолижак!

Жаллод эгри шамширини пастга туширди. Иоҳаннес ёш тўла кўзларини ўз халоскорига тикиб, ичида худога шукроналар айтди. Унинг нажоткори шаҳзода Мусо Боязид ўғли эса ўсмирнинг елкасига қўл ташлади:

— Бул насроний ўғлон исломни қабул қиласур ва менинг маҳрамим бўладур.

ЯШИННИ ЮТГАН ТЕМИР

1396 йилнинг сентябри Олмон рицарининг яроқбардори Иоҳаннес Шильтбергер тақдирида туб бу-

рилиш ясади. У ислом динини қабул қилиб, мусулмонча исм олди. Энди уни султон саройида Юнус фарангি деб чақиришарди. Мусулмонликни қабул қилган серблар ҳам унинг қаторида хизмат қила бошлиашди.

Орадан йиллар ўтди. Лекин Никополдаги жанг — XIV асрнинг энг йирик муҳорабаси Юнус фарангининг ёдидан чиқмади. У жуда катта тарихий воқеа гувоҳи бўлганини яхши тушунарди. Аммо яна бир катта воқеага гувоҳ бўлиш, яъни XV асрнинг улкан жангига — султон Боязид билан Соҳибқирон Амир Темур ўртасида Анқара остонасидағи муҳорабада иштирок этмоқ ҳам тақдирида борлигини хаёлига сифдиролмас эди.

1402 йилнинг ёзида Юнус фарангига шаҳзода Мусонинг зарбдор қўшини таркибида Чибуқобод воҳаси томон йўл олди. Анқаранинг шимоли-шарқ тарафидаги бу воҳада қачонлардир Рим императори Помпей Шарқ ҳукмдори Митридат билан жанг қилган. Ана шу тарихий майдонда яна икки улкан лашкар бир-бири билан рўпара келди. Турклар қўшинининг сараланган серб жангчиларидан иборат ўнг қанотига султон Боязиднинг қайноғаси Стефан Лазаревич қўмондан бўлди. Сербларнинг аксарияти ўточар қуролларга ва катта ҳарбий тажрибага эга эди. Қўшиннинг сўл қанотига Боязиднинг ўғли шаҳзода Сулаймон Чалабий, марказга эса султон Боязиднинг ўзи қўмондонлик қилди. Марказнинг жанговар ўзаги мукаммал қуролланган шаҳзодалар Мусо, Исо ва Мустафонинг янчарларидан ташкил топди. Боязиднинг яна бир ўғли — Маҳмуд Чалабий захирадаги отлиқ қисмларга раҳбар эди.

Амир Темур лашкарига биринчи бўлиб серб отлиқлари ҳужум бошлиашди, Сулаймон Чалабий от-

лиқлари ҳам улар ортидан эргашди. Сербларнинг қўли баланд келиб, Амир Темур лашкарининг сўл қаноти чекина бошлади. Юнус фарангি шаҳзода Мусонинг яроқбардори сифатида барча қатори жанг қилди. У энди кучга тўлган, йигирма бир ёшли навқирон рицарь сифатида ўзини кўрсатиб, саркардани мамнун этди. Жанг эса тобора қизиб борарди. Миллионга яқин аскарлар ўзаро қилич чопар, найза санчишар эди. Анқара жанги халқлар жангига айланиб кетди. Турк, серб, татар, олмон, валах, ўзбек, қипчоқ, мўғул, гуржи, туркмандар — ҳамма-ҳаммаси икки томонда ҳаёт-мамот жангига кириб, жон бериб, жон олишар эди. Аср муҳорабаси Соҳибқироннинг буюк зафари билан якунланди. Жаҳон тарихчилари эса уни «Яшин (Йилдирим)ни ютган темир (Темур) жанги», деб баҳолашди.

«АМИР ТЕМУР – БҮЮК РИЦАРЬ!»

Тор-мор қилинган турк қўшини саркардалари ва султон Боязид ўз ўғиллари билан бирга асирга олинди. Шаҳзода Мусо ва унинг яроқбардори Юнус фарангি ҳам ўшалар қаторида эди.

Соҳибқирон ўз одатига кўра мардона жанг қилиб, асир тушгандарни афв этиб, озодликка қайтарди.

Юнус фарангি довруғи оламни тутган Амир Темурга зўр қизиқиш, ҳайрат ва чуқур эҳтиром ила боқарди. Бу навқирон нигоҳ Соҳибқирон назаридан четда қолмади. Юнус нимаси биландир бевакт, айни йигирма ёшида оламдан ўтиб, бағрини доғлаб кетган тўнғич ўғли Жаҳонгирни эслатди. Юнуснинг фаранги эканлиги бу қизиқишини янада оширди ва Соҳибқирон уни девонга тилмоч вазифасига тайинлади.

1402 йилнинг декабрида Амир Темур насроний рицарларининг Эгей денгизи соҳилидаги сўнгги таянчи Смирна қалъасини қамал қилди. Юнус фарангини элчининг тилмочи сифатида музокара учун қалъага юбориши. Муқаддас Юҳани мазҳаби рицарлари ҳимоясидаги Смирна қалъаси жуда мустаҳкам мудофаага эга бўлган. Яшиндек тез ва шиддаткор Йилдирим Боязид етти йил юриш қилганда ҳам уни ололмаган. Соҳибқирон элчиси амир Шоҳмалик ва Юнусни қалъанинг кутволи — коменданти ҳузурига олиб кириши.

Шоҳмалик Соҳибқироннинг сўзсиз таслим бўлиш хақидаги таклифини баланд овозда айтди. Рицарлар қуршовида турган кутвол тақаббурона унга назар ташлади. Аммо Юнус фарангининг соф олмон тилида, устига-устак, баварча лаҳжадаги таржимасидан сесканиб кетди. У шоҳона либосдаги тилмочга қаттиқ тикилди. Барча рицарлар ҳам унга ажабланиб қараб қолиши.

— Сиз кимдурсиз ўзи?

— Соҳибқирон Амир Темурнинг мулозими бўламен, тақсири олам!

Кутволнинг ҳайрати тобора ошиб борарди. Қандай қилиб бу ёввойи сарасинлар ичиде соф бавар лаҳжасида гапирувчи одам топилиб қолди?

Юнус фарангига ўзига она юртини эслатиб турувчи бу даргоҳда таниш чеҳраларни кўриб, ҳаяжонини яшиrolмади. Айиқса, кутвол ундаги туғённи жунбишга келтириб юборди.

— Дранг нах остең, Вилли амаки!

Кутвол титраб кетиб, тилмоч томонга икки қадам ташлади. Унинг белидаги камарга осиғлиқ кумуш дастали ханжарга қараганча лол қолди.

Вилгельм де Мине ўзи қачонлардир барон Шилтбергернинг ўғлига тухфа этган ханжарни таниган эди.

— Майн гот! Иоҳаннес? Биз сени аллақачон ўлиб кетган деб, черковга шам ёқғон эрдик-ку! Наҳотки бу сен бўлсанг?

Юнус фарангি ўзини зўрга босиб, бош ирғади. Ўртага тушган сукутни амир Шоҳмаликнинг жарангдор овози бузди:

— Юнус! Бу ватандошларингга олийҳиммат Соҳибқироннинг марҳаматидан юз ўғирмасликни яхшилаб тушунтири. Акс ҳолда қиличларимиз ишга тушса, нима бўлмоғи ўзингга аёндур.

Иоҳаннес бўғиқ овозда унинг сўзларини таржима қиласар экан, ўзидан ҳам самимий маслаҳат қўшиди:

— Таслим бўлсангиз, рицарлик номусига сира доғ туширмайдурсиз, Вилли амаки! Чин рицарь сўзини берамен! Амир Темур ростдан ҳам буюк зот ва буюк рицарь!

Рицарлар ўртасида шовқин-сурон кўтарилди. Бу осиёлик ёввойи қандай қилиб ўзини рицарь, деб атайди. Қандоқ ҳадди сиғди бу сарасиннинг шундай улуғ номни булғамоққа?

Вилгельм амирома овозда қўлини баланд кўтарди:

— Биродарлар! Қаршингизда чиндан ҳам аслзода олмон дворяни барон Иоҳаннес Шильтбергер турибди. Тақдир зайлар ила у, Никополь жангидин завол топмағон рицарь душман томонда туриб қолибдур.

Тинчиган рицарлар унга ажабланиб тикилиб турришарди.

— Ҳукмдорингга айт, Иоҳаннес! Биз сўнгги томчи қонимиз қолгунча олишурмиз. Сен ҳақиқий рицарлар қандоқ ҳалок бўлмоғини ўз кўзинг билан кўрасен, кейин буни халқимизга етказсанг ҳам ажаб эрмас! Кутвол, рицарларга қаратса хитоб қилди:

— Жаноблар! Аслзода барон Шильтбергер, биродаримизга эҳтиром кўрсатинг!

— Вилли амаки! Ўйлаб кўрингиз! — деди юрак-юракдан Юнус.

— Рицарлик сўзимиз битта ва шулдир! Алвидо, Иоҳаннес!

Шоҳмалик ва Юнус фарангти ғоз қотган рицарлар сафи орасидан ўтиб, қалъани тарқ этишди. Икки ҳафталик жанглардан кейин эса Смирна узра Соҳибқироннинг туғи ҳилпиради. Юнус фарангти Амир Темур девонида мирза, тилмоч ва алоҳида топшириқлар бўйича ишончли мулозим сифатида обрў қозонди.

Соҳибқироннинг нигоҳи одам танлашда сира янглишмаган. Юнус ҳам ўз навбатида бутун Оврупода машҳур бўлиб кетган бу Мовароуннаҳр ҳукмдорига меҳри тушиб қолганини юрак-юракдан сезарди. Собиқ олмон аслзодаси беш вақт намозни сира канда қилмай, атрофидаги амалдору саркардаларнинг эътиборига тушди. Испания, Англия, Византия элчиларини кутиб олиш ва улар билан музокаралар давомида Юнуснинг хизматлари шундай бўлдики, уни Соҳибқироннинг ўзи бир неча бор тақдирлари. У билан шаҳзодалардан Шоҳруҳ Мирзо айниқса кўп мулоқот қиласади. Амир Темурнинг бу кенжা ўғли художўй ва китобсевар бўлиб, Юнусдан олис ўлкалар ҳақида сўраб-суриштиришлан ҳеч эринмас эди. Юнус фарангти Соҳибқирон яратган боғлардаги зиёфатларда, тантанали маросимлар ва тўйларда Амир Темур ҳақида кўп ҳикоялар эшитарди. Мана, бугун Ўтрордаги базмда ҳам у Соҳибқирон амирлари даврасидаги гапларни диққат билан тингламоқда.

Саркардалар ўз ҳукмдорларининг оддий навкардек камтарлиги тўғрисида ҳикоя қилишарди.

Туманбоши Шайх Нуриддин барчани оғзига қаратган.

— Соҳибқирон ўта эҳтиёткорлиги ва мулоҳазакорлигига қарамасдан, Искандар Зулқарнайн каби таваккалчилигига қойилмен. Ҳинд сари юришини эслайсизларму? Кунлардан бирида Ганг дарёсининг қарши соҳилида ўн мингга яқин ҳинд пиёда ва отлиқ жанчилар турғонини эшитган бу зот бор-йўғи минг кишилик хос навкарлари бирлан дарёдин сузиб ўтиб, душманга ташланди, уларни тумтарақай қочиб қолмоққа мажбур этди.

Саркардалар бири олиб, бири қўйиб уч йиллик ва етти йиллик урушларда Амир Темур кўрсатган шахсий жасорати ҳақида гапира кетишиди. Юнус бу ҳикояларни диққат билан тинглар ва ўйлар эди. Бу гаплар хушомад ва лаганбардорлик эмаслигини Юнус фарангига яхши биларди. Шунинг учун ҳам у қалбидан ёқимли бир туйғудан энтиқди. У ана шундай ҳукмдорнинг мулозими.

Қарс икки кўлдан чиқади. Лашкарнинг муҳаббати ва садоқати бежиз эмас. Зотан, Соҳибқирон мард йигитлардан ташкил топган яхлит қўшинига отадек меҳрибон. Ҳақиқий ота. Чунки бундан 35 йил муқаддам Мовароуннаҳр озодликка чиқиб, эркин нафас ола бошлаганда ҳалқ ўша йили дунёга келган чақалоқларга мустақил ва ҳур давлатнинг асосчиси Темур номини берган эди. Ана ўша Темурлар бугун лашкарнинг асосини ташкил қилган.

Хитой сафари олдидан ҳам Соҳибқирон қўшин ғамини еб, кўп чора-тадбирлар кўрди. Энг катта қийинчилик лашкарни озиқ-овқат билан таъминлаб туриш эди. У бундан саккиз йил муқаддам чегара шаҳар Қорашарда аҳоли сонини ошириш ҳақида буйруқ бериб, 40 минг отта эга бўлган бир неча минг оилани кўчиртирди, уларга ўша ерда дәҳқончилик ва савдони ривожлантириш, қалъалар қуриш ва ило-

жи борича қўплаб озиқ-овқат захиралари ғамлаш ҳақида кўрсатма берди.

Хитойга элтувчи йўллар ҳақида кенг маълумот тўплади, тоғлар ва чўллардан ўтиш учун қулай шароитлар яратди. Сафар режаси ҳам пухта ишланган эди. Соҳибқирон Тошкентдан Қорашибарга ўнг қанот жангчиларини юборишни мўлжаллади. Улар Қашқар орқали Оқсув, Кучар ва Бунурга бориши ҳамда Қорашибарни қўлга киритиши лозим эди. Бу қўшин илғор қисм саналиб, Қорашибарни эгаллагач, асосий кучларни кутиб олиши белгиланди. Амир Темур оғир юқ ортилган аравалар билан Ўтрордан Фулжага, у ердан эса Юлдуз дарёси орқали Музтоғ қияликларининг жанубий қисмига йўл олиши керак эди. Лашкарга қулайлик яратиш ҳамда юриш учун, зарур нарсаларни харид қилиш учун йўлларидаги қишлоқ ерларига турли хил мол карвонига эга бўлган савдогарлар таклиф қилинди. Соҳибқирон улардан минглаб отлар, қурол-яроғ, умуман, юриш учун керакли барча жиҳозларни сотиб олиб, таъминланмаган жангчиларга улашди. Шу билан бирга мингбoshi-ю туманбошиларига жангчиларнинг аҳволи ҳақида аниқ маълумот тўплашни, иложи борича қўпроқ озиқ-овқат ва яроғ-аслаҳа олишни, юриш пайтида аскарлар ҳеч нарсадан қийналмасликлари учун барча шароит яратишни буюрди. Соҳибқирон қарийб эллик йиллик жангу жадалларда орттирган тажрибасига суюниб, бу юришни ташкил этишда бор маҳоратини ишга солди. У ҳатто қўшин орқасидан уруғлик дон ортилган минглаб аравалар боришини, кейинчалик қўшин қайтишида фойдаланиш мумкин бўлиши учун қулай ерларга дон экилишини ҳам назарда тутган эди. Бундан ташқари, қутилмаган шароитлар учун мингдан ортиқ урғочи түя лашкар орқасидан бориши, мушкул ҳолларда уларнинг сути-

дан озуқа сифатида фойдаланиш ҳисобга олинган эди.

Ўтрорга келишган кундан бошлаб ҳар оқшом Соҳибқирон амир лашкардан қўшиннинг аҳволи ва кайфиятини сўраб-сурштириб турарди.

— Мана, чинакам буюк рицарь! — дея баралла хитоб қилганини ҳам сезмай қолди.

Ўтрорда Амир Темур билан охирги кунгача бирга бўлиб, кўрган-кечиргандарини қайд этиб борди. Буюк ҳукмдор ҳақида кейин, насиб этса, юртига қайтганда катта асар ёзишини ният қилди.

Соҳибқирон вафотидан кейин Юнус Шоҳруҳ Мирзо билан Ҳиротда, сўнг эса Мирзо Улуғбек ҳузурида — Самарқандда, кейин Абу Бакр Мирзо хизматида бўлди.

Бавариянинг бу ажойиб ўғлони — Иоҳаннес Шильтбергер Соҳибқирон ва унинг ўғиллари ҳамда набиралари хизматида кўп умрини ўтказди. Ва ниҳоят унинг холис нияти амалга ошди. Иоҳаннес Шильтбергер она юрти — Баварияга қайтишга мұяссар бўлди. Ўттиз йиллик айрилиқдан сўнг ота-онаси, опа-сингиллари ва ёру биродарлари билан дийдор кўришди. Кейин эса Амир Темур ва унинг ҳарб санъати ҳақида хотиралар ёзди, Соҳибқирон номини бутун Оврупога танитди. Иоҳаннес Шильтбергер биринчи олмон темуршуноси сифатида тарихга кирди.

СОҲИБҚИРОН ФЛОТИ

(Темурбекнинг «Таржимаи ҳол»и форсча матни
«Мен, фотиҳ Темур» кўлёзмаси лавҳаларидан)

Амир Темур 1402 йилда Туркия султони Йилдирим Боязидни енгиб Смирна (Измир) қалъасини эгаллагач, денгизга йўл очган эди. У Шарқий Рим

империяси — Византия пойтахти — денгиз маликаси деб шуҳрат топган Константинополни забт этиш фикрига тушади. Шу хусусда у душмандан дўстига айлантирган султон Боязид билан суҳбатлашади. Ундан маслаҳат сўрайди. Ана шу ҳақида Темурнинг ўзи ёзиг қолдирган хотиralар Соҳибқироннинг юз йилдан сўнг «Буюк ипак йўли» таназзулга юз тутиши ва салтанат истиқболи денгиз йўлига чиқишига боғлиқлигини даҳога хос сезгирилиги билан англағанидан дарак беради.

Воқеалар баёни Темур тилидан, айни қўлёзманинг ўзидан айнан келтирилади.

Мен: «Бизантиум улуғ бандаргоҳ (порт) эмасми?» — деб сўрадим. Йилдирим Боязид: «Тўғри, улуғ бандаргоҳdir», — деди. Мен: «Бу бандаргоҳга киргандекемалар қайси йўл билан кирадилар?» — деб сўрадим. Йилдирим Боязид: «У кемалар Миср ва Фаранг мамлакатларидан кирадилар, лекин уларни киргизиш ёки киргизмасликка бизнинг қўлимиз етмайди», — деди.

Мен: «У кишиларни сизнинг мамлакатингизга келиб-кетадиган йўллари йўқми?» — деб сўрадим. Йилдирим Боязид мусбат жавоб бериб: «Бизантиум билан бизнинг мамлакат орасида қатнаб турган кемалар қайиқ навъидандур. У қайиқларга қўшин юклаб бўлмайди. Иккинчидан, Миср ва Фаранг мамлакатларидан Бизантиумга келиб кетадиган кемалар бизнинг соҳилларимизга яқинлашмайдилар», — деди.

Мен: «Бу мамлакатда кема ясамоқлиқ имкони йўқми?» — деб сўрадим. Йилдирим Боязид: «Икки навъ ёғоч лозим. Унинг бири баллут ёғочидир, бу бизларда йўқ, иккинчиси жангал санавбари (қарағайи)нинг ёғочи, кемаларнинг ўқ ёғочи шундан ясалади», — деди.

Мен: «Буларни бошқа ёғочлардан ясаш мумкин эмасми?» — деб сўрадим. Йилдирим Боязид: «Катта кемаларнинг ўқ ёғочини табриз ёғочларидан қилиш мумкин бўлса ҳам қаттиқроқ шамол келганда, унинг синиб кетиш хатари бор. Аммо жангол савнавбарининг ёғочи фаранг мамлакатларида кўп топилади, жуда чидамли бўлади. Ҳар қандай зўр шамолда эгилса ҳам синмайди. Табриз ёғочларидан кеманинг танасини ясаш мумкин, фақат уч ҳафтадан ортиқ сувда туришга чидамайди. Ўртасидан ёрилиб кетади. Баллут ёғочи эса, эллик йилгача сувда турса ҳам ҳеч нарса бўлмайди, жуда чидамлик», — деди.

Мен: «Эллик йил чидамаса ҳам қўшинни Бизантиумга етказа оладиган кема бўлса, қолганини фатҳдан кейин кўрамиз. Бунинг учун табриз ёғочидан ясалган кема ҳам бўлади. Чунки қўшиним дарё ичидаги ишининг ҳаммасини бир-икки кун ичидан тамомлай олади», — дедим. Йилдирим Боязид: «Мен сизнинг амрларингизга итоат қиласман. Буюрсангиз, бажараман», — деди.

Йилдирим Боязид билан суҳбатимиз шу ерга етганда Нахчевонда Султония катлакўзи Шомдан қайтиб келди, деб ҳабар беришди.

Катлакўз — (каталикос)нинг форсча лаъжасидир. Шарқ мамлакатларида масиҳий усқуфини (епископини) католикос дер эдилар. Мен уни фаранг подшоҳига элчи қилиб юборган эдим. Бу одам илгари Нахчевонда турар эди. Чингиз авлодларидан бири ўз пойтахтини Озарбайжондаги Султонияга кўчиришган эди. Ўша вақтдан тортиб катлакўз Султонияда туришга муқаррар бўлиб қолган. Мен Шомга келганда Султония катлакўзи ҳам Шомга келган эди. У ерда менга «Фаранг мамлакатлари билан тижорат

алоқа қылсангиз сизнинг юртингиз учун кўп фойдалик бўлар эди?» — деб арз этган эди.

Мен ундан: «Фарангилар мамлакати деб қайси ерларни айтасан?» деб сўрадим. Султония катлакўзи фарангилар мамлакати зулмат дарёси (Ўқунус Атлас)нинг соҳилларида яшайдилар», — деди. Мен ундан: «У мамлакат халқларининг қандай моллари бор?» — деб сўраганимда: «Фаранг қавмларининг ҳар жинс бизоатлари бордир. Хусусан моҳирлик билан чиннидан қилинган буюмлари Чин бизоатидан ҳам марғубдир», — деди.

Шомда фаранглар тилида сўзлайдиган ва уларнинг хатларини ёзиб-ўқийдиган кишилар кўп эди. Фарангилар тилида мактуб ёзилиб, ҳадялар билан юборилишига буюрдим ва Султония усқуфига бу мактубни ҳадялар билан олиб бормонини маъмур қилдим.

Мактуб мазмунида: Фаранг тужжорлари (савдо-гарлари) бизнинг мамлакатимизга молларини олиб келиб сотмоқлари мумкин бўлганидек, бизнинг савдогарлар ҳам сизларнинг мамлакатларингизга молларини олиб бориб сотсинлар, бу билан икки мамлакатнинг эҳтиёжотлари йўлга қўйилади деган эдим. Султония усқуфи мактубим билан ҳадяларимни фаранг подшоҳига етказиб бориб, унинг ёзган жавоби билан ҳадяларини олиб келган эди.

Султония усқуфи Румга етиб келганда мен Киликия йўли билан Бизантиумга бормоқ қасдида эдим ва кемалар ясатмоқчи эдим. Бу мақсаддан огоҳ бўлган усқуф менга: «Дунёнинг энг яхши кемалари Фарангда ясалади, лозим кўрсангиз, нақадар кема бўлса мис билан ясалмоғи мумкин. Фарангларда мис йўқ бўлгани учун у кўп қадрлидир: Ҳолбуки бизларда миснинг аҳамияти йўқ», — деди. Мен: «Фаранг подшоҳи нечта кема бера олади?» деб сўрадим. Султо-

ния усқуфи: «Фарангда шу қадар кема кўпки, бир минг дона талаб қилсангиз ҳам бера олади», деди. Мен бир минг кеманинг озлигидан баҳс этганимда Султония усқуфи шарҳ этиб: «Фаранг кемалари улуғ ҳажмдаги кемалардир. Ҳар бир кемага беш юз киши жойланади. Фаранг подшоҳи беш юз кема берганда ҳам сизнинг барча қўшинингизга кифоя қиласди», — деди.

Мен: «Фаранглар қайси нав мисдан фойдаланалилар?» — деб сўраганимда Султония усқуфи: «Ҳар қандай мис улар учун маъқулдир. Фаранглар мисни эритиб, ҳар бизоатларида ишлатиб, лозим нарсаларни ясадилар. Уларнинг кўп савдогарлари Шом, Рум бандарларидан мис олиб, ўз кемаларига юклаб Фарангистонга олиб кетадилар», — деди.

Султония усқуфининг маълумотига биноан, қўл остимдаги мамлакатларга, хусусан, Эрон ва тоғлик ўлкаларга — мис маъданлари бор юртларга эълон қилдим: «Ҳар ким мисни яхши нархи билан сотиб фойдаланмоқчи бўлса, Рум ёки Шомга юкласин», — деб хабардор қилдим.

Султония усқуфини иккинчи дафъа мактуб ва ҳадялар билан фаранг подшоҳи ҳузурига юбордим. Мактубнинг мазмунида: «Менинг қўл остимдаги ўлкаларда туганмас ҳолда мис моддалари бор. Нақалар талабларингиз бўлса, етказиб бермоққа қодирман. Унинг эвазига биринчи даражалик кемалардан беш юзтасини Рус бандаргоҳида менга етказиб беришларингизни кутаман. Кемаларнинг даржалари менга хизмат қилиб қолгудек бўлсалар, уларни яхши ойлик билан таъминлайман», — деб билдирган эдим.

Усқуфни йўлга согланимдан кейин ўзим Киликияга бориб, ундан Бизантиумга бормоқчи (Амир Темурнинг «Эрон» дегани Рай, Исфаҳон ва Қуш деган шаҳарлар. Ҳозирги пайтда бу шаҳарлар Сим-

нон, Домғон, Шоҳруд дейилади. Тоғли ўлкалар деб Озарбайжон, Курдистон, Кирмонарни кўзда тутган) бўлдим. Мен Бизантиум тўғрисида муҳим хабар ва маълумотларни тўплаб, Бизантиум билан Рум ўлкаси (Туркияning Осиё қисми)нинг орасидаги кенглиги олти юз ёки етти юз зироага етар-етмас (таксминан 450—525 метр) кенгликда воқеа бўлган бўғознинг чуқурлигини (қадим замонларда бу бўғоз хўқиз-сигирларни у томондан бу томонга олиб ўткизмоқ учун таъсис этилган эди. Чунки хўқиз-сигирлар сувда сузиб ўтар эди) аниқладим.

Босфор бўғози Истанбул билан Осиё орасида хўқиз-сигирларнинг ўтишига мўлжаллангани учун «Бос-озор», яъни хўқиз-сигир деб аталади.

Бу маълумотларга қараб: «Хўқиз-сигир ўтган гузоргоҳдан нима учун қўшинимни ўткизолмайман?» деб таажжуланар эдим. Бизантиумга жўнашимда Йилдирим Боязидни ҳам ўзим билан бирга олиб кетдим. Бунинг заминида икки нарса бор эди, бири, собиқ подшоҳни ўзимга ҳамсафар қилганимда унинг эътиборини сақлаган бўлсан, иккинчи тарафдан, Рум ҳалқининг менга қарши исён қўтаришларидан эҳтиёт учун қўлимда гаров ўрнида тутган бўлардим.

Сафаримиз дарё қўринган бир жойга борганда Бизантиум шаҳри гарб томондан кўринди. Шаҳар билан қўшиним турган жойдаги бўғознинг оралигини олти-етти юз зироа тахмин қилган эдим. Бўғознинг мен турган шарқ томони ҳам илгари вақтда Бизантиум қўлида бўлиб, ўша вақтдаги Рум салотинлари бу ерларни озод қилганини, бу кунда эса Бизантиумнинг шарқда бирор қарич ери бўлмаганлигини сўзлаб бердилар.

Мен асосий мақсад юзасидан Бизантиум шаҳрини кўргани борганимда куннинг тўртдан бир ҳиссаси ўтган эди. Офтоб (кун) менинг орқа тарафимдан

шаҳарга тушар эди. Шунинг учун икки минг ёки бир минг беш юз йилдан буён бойлигини йифиб ётган бу шаҳарни яққол кўриб турад эдим. Зотан мен, шаҳарни яхшироқ кўриш учун бир тепаликнинг устида эдим. Турган жойимдан шаҳарга кўз ташлаганимда, шаҳарнинг кенглигидан унинг охирини кўриб бўлмас эди. Шаҳарнинг ўртасида бир Халиж (қўлтиқ) кўринар эди. Уни «Олтиншоҳ» халижи дер эдилар. Халижда ҳам мингларча қайиқ шаҳар атрофидаги нақлиёт ишларини адо Қилиш билан машғул эди. Шаҳар кўчаларига олтиндан гулдаста қилиб кўйибдилар, уларнинг устига тушган қуёш аксидан кўзлар қамашарди. Бу олтин гулдасталарнинг ҳар бирини Бизантиумга ҳукмронлик қилган ҳар қайси подшоҳлар ҳар бири калисонинг (черковни) устига хослаб, ўз номига атаб қўйган, ё бир савмаа (монастыр) ясад олтин билан безатган экан. Бу биноларда мингларча таркидунё қилган эркак-хотинлар яшашаркан⁴, шу билан бирга ҳар бир калисо ёки савмаанинг ўзига хос хусусий вақфлари бўлиб, ўша вақфнинг даромади билан идора қилинаркан.

Баъзи савмааларнинг эркак ёки хотиндан иборат зоҳид-зоҳидалари умр бўйи шу калисо ёки савмаадан ташқарига чиқмасдан ўлганликлари учун унинг жасадини табаррук қилиб, ўша ерга кўмиб қўйишаркан. Шунинг учун ҳар бир савмаанинг ичида ўзига хос қабристон бўлади. Бизантиумнинг баъзи савмааларида ҳайвон гўшти ейилмаскан. Бу монастирларда бир юз йигирма ёшга кирган кишилар кўп топилади, деб сўзлашадилар.

Калисоларнинг бойлиги тўғрисида шундай дейдилар. Баъзи калисолар ичида уч харвор (бир эшак юки) мужавҳарот билан ясалган салиб (хоч) ёки қандил ва олтин қадаҳлар бўлар эмиш (диний маросимларни адо этиш вақтида муқаддас шароб қуялар

эмис, бу қадақ исмини Бизантиум — юон тили билан колус деб атайдилар).

Мен бу шаҳарни томоша қилиб юрган кунларимда маълумот берувчилардан баъзилари: «Агар сиз бу шаҳарни забт қилсангиз, фақат калисоларнинг ўзидан юз харвordan ортиқроқ олtingа молик бўласиз. Бундан ташқари, Бизантиумнинг аксар қасрларида ганж (хазина)лар бўлганидек, шаҳарнинг кўп оиласларида ҳам хусусий хазиналар бор. Бу хазиналарнинг купи маҳфий ҳолда сақланади. Дафина қилинган ерларнинг баъзиси қасрлар ичida бўлса, баъзилари ташқарисида бўлади, дер эдилар.

Ўша тепалик устида менга сўзлаган кишининг гапига қараганда, Бизантиум шаҳри аҳолиси икки табақа бўлармиш, бири — хўжайин, яна бири — гулом (хизматчи) экан. Хўжайин номлик кишилари умрида иш қилмасдан еб-ичиб, ухлаб, ўйин-кулги билан ҳаёт кечирар экан, ҳатто юзларини ҳам гуломлари ювиб қўяр эмиш. Иккинчи табақадаги хизматчилари қул — чўрилардан иборат бўлиб, отадан бола, онадан қизига қадар ҳаммаларига қуллик ворис бўлиб келар экан. Умрлари тугагунча хўжайнларининг хизматларида қарам бўлиб яшар эканлар. Шаҳарнинг бутун ҳаракатлари, тижорат ишларининг ҳаммасини қул-чўрилар бажарап эканлар.

Бир минг беш юз ёки икки минг йилдан буён ўз қўлларини сувга теккизмаган бундай хўжайнлар тоифасини ёғочдан қилинган инсон, деб тушуниши, уруш тўғрисида уларнинг қўлидан ҳеч иш келмаслигини сарбозларимдан бири гапиради ва бундайларнинг бирор минг нафарини асир олиб қўя қолишини айтди. Қул-чўрилар асрлар давомида озодликдан маҳрум бўлиб келганлар. Агар озод бўлишларини эшитсалар, муҳокама қилмасдан таслим бўладилар. Мана шу нуқтаи назардан қараганда Бизантиумнинг забти

жуда осон. Буни оғирлаштириб турган нарса — фақат атрофнинг дарё билан ўралганидир. Агар бир тарафи очиқ бўлганда ҳам унинг олиниши жуда осон бўлар эди, деб хулоса чиқардилар.

Мен тепалик устига, ёнимга Йилдирим Боязидни ҳам олдириб келдим. Ўша тепаликдан кўриниб турган Бизантиум шаҳрини кўрсатдим ва юқорида тўпланган маълумотларимга асосланиб унга айтдим: «Бизантиум шаҳрида хўжайин табақалари қўлларини ишга урмас, ҳарбий ишлардан узоқ эканлар. Қулчўрилар бўлса, озодликка муҳтоҷ бўлганлари учун таслим бўлишлари аниқ экан. Фақатгина шаҳар атрофини ўраб олган дарё мушкуллик туғдирап экан, холос. Сен буларга қўшни Рум мамлакатининг подшоҳи бўлатуриб, нима учун бу шаҳарни тасарруф қилишга ҳаракат қиласдинг?» — дедим.

Йилдирим Боязид: «Эй Амир, мен сизга бу масала тўғрисида бирмунча сўзларни илгари ҳам арз этиб ўтганман. Ҳозир унинг ташқарисида, шуни ҳам билдиримоқчи бўламанки, бу шаҳарнинг ичидаги хўжайин табақаларнинг урушолмаслигини биламан, лекин шаҳар бир неча давлатнинг қўшинлари томонидан мудофаа қилинади. Бу шаҳар бойлигининг кўплигидан улар хорижий мамлакатлардан бирмунча қўшин афродларини ижарага олиб келиб, шаҳарларини мудофаа қилдирадилар. Шаҳар қўшини (мудофаачилари) бир неча мамлакат ҳалқлари қўшилувидан ташкил топган», — деди. Мен: «Бу хорижий мамлакатга тобе қўшинлар нима исм билан юритилади?» — деб сўрадим.

Йилдирим Боязид: «Бу қўшиннинг ҳаммаси масиҳийлар, жумладан, Венезия исмида бир қўшин, ломбард аскарларидан яна бир қўшин ташкил топган бўлиб, Сувас сарбозлари номида яна бир қўшин ҳам бордир», — деди.

Мен бу мамлакатлар исмини олдин эшитмаганим учун уларни қайси ерлардан эканлигини сўрадим. Йилдирим Боязид ишорат бармоғи билан ғарб томонни кўрсатиб, «Бу тарафда, дарё йўли билан бир неча ҳафталик, қўриқ йўл билан бир неча ойлик узоқликда жойлашган мамлакатларнинг халқларидан, ижара муқобилликда аскар бўлиб келган. Уларга ким кўпроқ ойлик берса, ўша соҳиби номидан уришадилар. Уларнинг ичидаги ботирлик билан ном қозонган кишилар ҳам хийла бор. Демак, Бизантиум подшоҳининг Венез, Ломбард, Сувесликлардан ташкил топган қўшинлари бор», — деди.

Мен Йилдирим Боязид билан тепалик устида суҳбат қилиб турганимда Бизантиум ҳудудларига кашшоғлик учун юборилган қўмондоним Туқотнинг кемаларидан тутун кўтарилигини кўриб қолдим.

Йилдирим Боязид: «Эй Амир, сиз юборган кашшоғларнинг кемаларига ўт қўйилди, деб тасаввур қиласман. Бу ўт қўйишдан маълум бўладики, Бизантиум подшоҳи сизни бу ерга келганингиздан хабар топибди», — деди. Мен: «Кемаларнинг ўзи ўт олган бўлади», — дедим.

Йилдирим Боязид: «Йўқ, эй Амир, ўт сув юзидан сизнинг кемаларингизга туташган. Ана қаранг, кемаларингиз қайтмоқдалар», — деди.

Дарҳақиқат, Туқот қўмондонлигига синов учун юборилган кемалар қайтмоқда эдилар. Улардан икки агад кема, бошқалари каби орқасига қайтолмас эди, ўша кемадан тутун кўтарилиб турап эди.

Йилдирим Боязид: «Эй Амир, шубҳасиз, душманлар кемаларингизга ўт қўйишди», — деб такрорлади. Вақт пешин бўлиб қолган эди. Тепадан тушиб, ўз масжитимга бориб, намоз ўқидим. Масжитдан чиқаётганда ҳаяжон билан турган Туқотни кўрдим, ундан нималар бўлганини сўрадим.

Түқот жавоб берди: «Эй Амир, биз ҳеч қандай ҳодисага учрамай, илгарилаб бормоқда эдик, Исқалъ-алар ва шаҳарнинг қасрлари қаршисидан ўтиб, тўппаттўғри Олтиншоҳ халижининг оғзига етиб борганимизда бир кема чиқиб, бизга қараб келди. Бизга яқин келиб, дарёга нимадир — бир нарсани ташлади. Кейин кеманинг куракчилари курак уришни ўзгартириб орқаларига қайтиб кетди. Биз, дарёга ташланган «нима» тарафга бордик. Олдинда бораётган икки кемамизга ўт таъсир қилиб куиди. Мен, бу ўтни бошқа кемаларга ҳам таъсир қилмаслиги учун орқага қайтдим. Ўт тушган кемаларни ўчирмоқ учун қанча сув сочиб ҳаракат қилсак ҳам ўчириш имкони бўлмади. Сув сочилса ҳам ўчмаган ўтни умримда кўрмаган, эшитмаган эдим».

Түқотдан, ўт кетган кемалар нима бўлганини сўраган эдим. «Икки кемамиз сувни устида куиди, унинг устидаги кишиларимизни қутқазолмадик, ўлди», — деди.

Шундан сўнг «Йилдирим Боязид билан бир неча нафар маҳаллий кишиларни, ақл, дониш, соҳибларни ҳузуримга олиб келинглар!» — деб буюрдим. Улар ҳозир бўлгандан кейин ҳар бирларини ўз атрофимда ўтиришларига ер кўрсатдим. Сўнгра, икки адад кемамиз куйганини, сув сочиб ҳам ўчиролмаган ўтнинг асрорини сўрадим. Ҳаммадан аввал Йилдирим Боязид жавоб берди: «Эй Амир, бу ўт таркибини Бизантиум уламоларидан бири тузган. Икки минг икки юз йилдан буён Бизантиум шоҳларининг наздида қаттиқ бир сир-асрор ҳолинда сақланиб келади. Ҳар бир Бизантий подшоҳи вафотидан илгари тайинланган валиаҳдига ўша нусхани кўрсатиб, ундаги сиррий хуруфларни ўргатади. Таркиб қилиш асосларини таълим бергандан кейин бу асрорни ҳеч кимга билдириласлик учун аҳд қасамини олади.

Сўнгра, мендан кейин бу тахт сенга қолади, бу тахтни сақладиган икки омилнинг бири шу «ўт» нинг таркиби, бунинг билан дарё орқали сенга тажовуз қиласидиган душман кемаларини куйдириб ташлайсан. Иккincinnси бўлса, шаҳарга кириладиган ердаги дарёга тортиладиган занжирлардир. Борди-ю, бу таркибни қўлдан берса ё унинг асроридан ўзингдан бошқани огоҳ қилсанг, душманнинг сувда ўчмайдиган ўтни ясашга имкон топиши билан ўз тахт ва салтанатингни ярмини қўлдан берган бўласан. Ҳар вақт занжирларни сақлаб қололмас экансан, давлатнинг қолган ярмини ҳам қўлдан берган бўласан, деб васият қиласди», деди.

Мен: «Ундей бўлса, Муовияни Бизантиумни фатҳ қилдирмаган ҳам шу асрор экан-да», — дедим.

Йилдирим Боязид: «Мен Муовияга нима бўлганидан хабарим йўқ, аммо бир минг икки юз йилдан бўён ҳар ким Бизантиум шаҳрини тасарруф қилмоқни қасд этса унинг ушбу ўт билан занжирлар монелигига учраганини биламан», — деди.

Мен: «Бир минг икки юз йилдан бўён бу ўтнинг сири очилмаганига таажжуб қиласман», — дедим.

Мажлисдагилардан бири: «Бизантий подшоҳларининг қайси бири бўлмасин, тахтга ўтирасдан бурун бу асрордан ғофиллар. Ўша нусхада ёзилган хат билан тилини шаҳзоданинг ёшлигида ўргатиб қўйилади», — деди. Мен у одамдан: «У нусханинг хати каби тили ҳам бошқами?» деб сўрадим. У одам: «Бале, шаҳзодалар у нусхадан ғофил бўлгани ҳолда унинг хати билан тилини ўрганаверади. Эски подшоҳ ўлгандан кейин, хазинада сақланган нусхага ҳам эга бўлади. Ҳар вақт бу ўтни тайёрлаш лозим бўлса, ўша подшоҳнинг ўзигина ўчмайдиган ўтни ҳозирлайди», — деди.

Мен: «Фаразимча у ўт нусхасини подшоҳдан бўлак одам ўқиёлмаса ҳам унинг асбобларини ҳозирламоқ,

ясамоқ, ёндиromoқ учун ёрдамчи одамларга ҳожати тушади. Бу ҳолда унга қатнашган кишилар бу асрордан воқиф бўлиши мумкин бўлади-ку?»— дедим.

Султон Йилдирим Боязид жавоби шундай бўлади: «Ўтнинг моддаларини хос подшоҳнинг ўзи ҳозирлайди. Ҳозирланган ўтни ишлатиш учун бошқа кишиларга топширади», — деди.

Мажлис хийла узоқ давом этиб тарқалди. Сўнгра кун ботишидан илгарироқ бир вақтда Бизантиум шаҳрини кўздан кичирмоқ учун дарёнинг қирғонидаги тепанинг устига бордим. Офтоб ғарбда бўлгани учун қуёш нури кўзимга халал берар, шаҳарни кўролмас эдим. Аммо шимол, жануб тарафларини яхши кўриб турар эдим. Кўзим шаҳарни таъқиб этиб турса ҳам фикрим сувда ўчмас ўт билан машғулликла эди. Фикримнинг бормаган шаҳри, кўрмаган кўчаси, чиқмаган тоги қолмади. Бирдан ўз мамлакатимда сув билан ўчмайдиган ўт борлиги кўзимга кўриниб қолди. У эса Бодкубо (Боку)да эди. У ерда ёниб турган ўт башар ақл топгандан буён ёнмоқда эди. У ўт ҳам сув билан ўчмагани учун маҳаллий кишилар ўтнинг ҳароратига тоқат қилолмай яқин боролмас эди. Фақат улуғ ўтнинг чеккасида пайдо бўлган ўтларни тупроқ билан ўчиришарди. Ўчирилган ўт бир неча муддат ёнмаса ҳам ернинг остидаги хусусий манфазлари билан ўша жойга келиб улуғ ўтнинг таъсири ва шуъласи билан яна ёниб кетар эди.

Ҳамон-ҳамон ўша ўт ёниб турар, ўчмас, ҳеч ким ўчиролмаган ҳам эди. Инсонлар ўт билан таом пиширмоқни билмаган замонларда, ўтдан фойдаланмоқни шул Бодкубо (Боку) ўтида таомларини пишириб ёмакка одат қила бошлаган эканлар. Ўз қўл остимдаги Бодкубо ўтини хотирлаб туриб, Бизантиум шаҳрига назар ташладим. Бояғи фикримнинг охир-

ги қарори ўлароқ, «Бизантиум қулидаги сувда ўчмас ўт Бокудаги ўтнинг жумласидан экан, бу ҳам тупроқ билан ўчса керак!» деб хаёлимдан ўтказдим.

Мен ғурубдан кейин ҳам ўша тепаликда әдим. Шаҳарнинг чироқлари ёнмоқда әди. Шом намозининг вақти ўтмасин, деб тепадан пастга тушиб намоз ўқиганимдан кейин, бир луқма таом едим. Қўмондонларим келиб, кетганларидан сўнг ётмоққа ҳозирлик кўрдим. Бошимни ёстиққа қўйиб: «Бизантиумнинг ўтларини тупроқ билан ўчиролсак, унинг зўр сипоҳига чора топган ва унинг таъсиридан қутулган бўламиз», — деб ўз-ўзимга сўзлаб қўйдим.

Ўтни тупроқ билан ўчириш масаласи мени ниҳоятда қизиқтириб қўйгани учун кўз юммадим. Туқотни чақиртиридим. У келгандан кейин: «Сен эртага беш адад кема билан Бизантиум шаҳрини иктиофи учун яқинлашиб борасан. Ўзингни Олтиншоҳ халижига қасд қилган каби кўрсатасан. Кемаларингнинг ҳаммасига тупроқ юкланган бўлиши керак. Мен тепаликдан сизларни кўздан кечириб тураман», — деганимда Туқот ўртада бир англашилмовчилик бўлмасин деган гумон билан сўради: «Эй Амир, кемаларингда тупроқ бўлсин дедингизми?» — деб тажжуб билан мендан жавоб кутди.

Мен такроран: «Ҳа, кемаларда тупроқ бўлсин, — дедим ва тушунтиридим:— Сен, кемаларни йўлга солмасдан аввал кемалар ичини кўп миқдорда тупроққа тўлдириб оласан, Олтиншоҳ халижига борганингда, аввалги кемалар келиб, сенга ўт ташлайди. Сен ўтга яқин бориб, кишиларинг билан ўтга тупроқ сочасан. Чунки мен ўша ўтни тупроқ билан ўчса керак, деб ўйляяпман. Фақат кишилар билан жуда чаққон ҳаракат қилиб, оз вақтда кўп тупроқ сепиб, ўтни ўчирмоққа кириш», — дедим. Қўмондон Туқот: «Хўб, эй Амир, буюрганларингизни бажараман», — деди.

Эртасига эрталабдан кўшин учун лозим ишларимни тугатиб олиб, дарё ва шаҳарни яхши кўриб турадиган тепага бордим. Офтоб нури орқа тарафимда бўлгани учун дарё, шаҳар ва бошқа жойларни жуда яхши кўриб турагар эдим. Туқотнинг беш адад кемаси Олтиншоҳ халижининг оғзига етиб борди. Туқот менинг топшириқларимни жой-жойида ижро этмоқда ва ўзини халижга кирмоқчи қилиб кўрсатмоқда эди. Аввалги куни халиждан чиққан Бизантиум кемасининг суръат билан Туқот кемаларига томон келиб турганини кўрдим. У Туқотнинг кемаларига қаратиб, бир нимани отди. Отилган нарса дарё сувига тушиб, Туқотнинг кемалари сувга ташланган нарсага қараб бораверди. Яқин боргандарида ўт ёнди. Булар ҳам ёниб турган ўтга тупроқ сепа бошладилар. Тупроқ сепиш суръатини тезлаштириб, ўтнинг ҳудудидан ўтдилар. Туқотнинг кемаларидан бирига ўт туашган эди, унга ҳам тупроқ сепиб ўчирдилар. Туқотнинг кемалари менинг буйруғимга биноан, халижга кирмаслиги лозим эди. Уларнинг вазифалари фақат Бизантиум ўтларини тупроқ билан ўчиш-ўчмаслигини тажрибадан ўtkizmoқ эди. Тажрибамиз муваффақиятли натижа берди, беш адад кема соғсаломат қайтиб келди.

Мен у куни бир минг икки юз йиллик асрорни очолмаган бўлсам ҳам унинг Бодкубо (Боку) ўтининг жумласидан эканлигини билиб олдим, тупроқ билан ўчириш имкони борлигига ишондим.

Шу куни аср вақтида Йилдирим Боязиддан бир табрикнома олдим. Унда бундай мазмун бор эди: «Эй, Амир, сиз Бизантиум салтанатининг асрорини ва у султоннинг устунини бузмоқقا бир чора топсангиз Бизантиум шаҳри, қаср-боғлари, хазина ва жавоҳирлари сизники бўлади». Боязиднинг табрикномасидан бирор соат ўтгандан кейин кабутар воситаси

билинг бир хабар олдим. Унда шундай хабар берилган эди: «Рум мамлакатининг Мағнисия ўлкасининг амири Тугул Сорухон Сариқамиш курдлари ва Рум татарларининг тоифасидан ташкил қилинган бир қўшин менинг устимга ҳамла қўлмоқчи эканликлари» билдирилган эди. Мен бу хабардан таажжубланмадим. Одатан ташқаридан келган бир подшоҳ бир мамлакатни тасарруф қилиб, подшоҳини асир олгандан кейин, у ернинг эски амалдорларидан баъзилари исён қилишлари мумкин эди. Албатта, Рум иқдими каттадир. У ерда жуда кўп умаролар ҳам бор. Жумладан, у Сорухон — амири Сариқамиш, Рум татарларининг амири каби улуғ тоифалар устида турган умаролар кўпдир. Мағнисия амирининг одамлари кўп бўлмаса ҳам кўп давлатманд киши эди. Унинг боболари томонидан икки юз йиллик мансабдорлиги бор.

Мағнисия амирлигининг исёнига Йилдирим Боязиднинг ишорати ҳам бўлса керак, деган бир шубҳа туғилар эди. Балки бу туғённинг сабабкори Боязиднинг ўзидир. Қолган тоифа амирларига ҳам Мағнисия амири билан бирлашиб иш кўрмоқларини буюрган бўлса керак, деб гумон қилдим. Шунинг учун Йилдирим Боязидни чақиртириб келдим. Унга: «Сенинг далданг билан Мағнисия амири туғён қилиб, тўрт тоифа бирлашибди. Мен уларнинг жазоларини беришга боришимдан илгари сени шу ерда ўлим билан жазолаб кетаман», — дедим.

Йилдирим Боязид Мағнисия амирининг туғёнидан бутунлай бехабар эканлигини сўзлаб, қасам ичидан сўзини кувватлади ва бундай деди: «Тугул ёрдамга келиб мени қутқазолмаганидан кейин фурсатни ғанимат билиб, бутун Рум мамлакатига подшоҳ бўлмоқ хаёлига тушгандир. Нимага деганда Мағнисия умаролари ҳаммавақт Румга сulton бўлмоқ ор-

зусини дилларида сақлаб юрадилар. Аммо Усмон хонадони султонлари кудрат эгалари бўлганликлари учун у орзуларига етолмас эдилар. Бу кун эса, ўша хаёлларига бир йўл очилган каби сезгандирлар, Тугул Рум подшоҳи бўлмоқ учун туфён бошлаган бўлса керак», — деди.

Мен Боязиднинг сўзига эътиқод қилгандай кўриниб туриб, яна унинг устидан буюк бир текширув юргизмакни мўлжаллаб, унга айтдим: «Хўб, сўзинг тўғри бўлиб, Тугулни ташвиқот қилмаган бўлсанг, унга қаратиб бир амр ёзасан. Мактуб мазмунидаги қўшинни тарқатиб, менинг ҳузуримга келмоғини талаб қил ва менинг номимдан билдиргинки, агар қўшинини тарқатиб ҳузуримга келса, ўз мавқеи ва давлатини сақлаб қолади. Акс ҳолда, қилган исёни жазосини тортади». Йилдирим Боязид ўша ҳолда, ҳузуримда мактубни ёзиб, муҳрлаб менга берди. Мен уни Тугулга юбордим.

Тугул итоат қилиб, қўшинини тарқатиб юбориб ҳузуримга келиш ўрнига Рум ўлкасининг марказий қисмларига қараб жўнади. Унинг бу ҳаракати менинг олдимдаги катта бир хатарни кўрсатар эди. Чунки Тугул шу юришда Румнинг марказий қисмлари орқали Шомга улаштудек бўлса, бутун Рум мамлакатига подшоҳ бўлишидан ташқари менинг тоғлиқ — Догистон ва Ироқ ўлкаларига қайтиш ўйлимни ҳам тўсар эди. Шунинг учун ҳаммадан аввал мен бу фитнадан қутулмоғим керак эди. Ундан кейин, икки минг йиллик Бизантиум шаҳри қирғоқларига ўтмоғим лозим бўлар эди. Шу вазиятимда мени Тугул исёнини бутунлайн ўртадан кўтариб ташлаб, сўнгра бошқа ишларга назар солмоқдан ўзга чорам йўқ эди.

Мен Бизантиумни тасарруф қилиш тайёрлиги учун қурган ўрдugoҳимни йифиб, ўз ўйлимга жўна-

дим ва тезлик билан Тугулга етиб олишдан бошқа фикрға ўтмадим. Тез ҳаракат қилдим. Сафаримни биринчи оқшоми ўрдугоҳни назаримдан ўтказиб, бутун ахвол ва тартибларни ўз кўзимдан кечирганимдан кейин чодиримга келдим, истироҳат уйқусига кирдим. Бир туш кўрибманки, умримда бундай туш кўрган эмас эдим.

Тушимда кичиклигимдаги устозим Абдулло Кутбни кўрдим, хафа кўринди. Мен ундан хафалигининг сабаби фарзандларининг ҳаётий майшатлар, тириклиқдан сиқилганими, деган тахмин билан, «Фарзандларингизни доимий маош билан таъминлаган эдим, хизматчиларим бермабдими?» — деб сўрадим. Абдулло Кутб: «Сиз тайин қилган маошни етказмасликка журъат қилувчи йўқдир. Менинг хафалигим ундан эмас, сизнинг ўлимингиз учун», — деди. Мен ўзимни ўлимдан қочувчи ёки қўрқувчи одамлардан ҳисобламай: «Аллоҳ таолонинг амри қайси вақтда келса, ҳозир тураман, деб Самарқандда қабримни ҳам бино қилдириб қўйганман. Дунёга келувчининг ўлмайдигани борми, устоз?» — дедим. Абдулло Кутб чеҳрасини бузмай туриб: «Уч йилда ўласиз», — деди. Устозимдан бу сўзни эшитиш билан Деҳлидаги брахманинг етти йиллик хабарини санаб кўрдим. Дарҳақиқат, уч йил қолибди. Бунинг маъносини сўрамоқ учун қарасам устозим ғойиб бўлибди. Мен яна тушимда ойлар, йилларни ўтказдим. Уч йил ҳам ўтди. Ўзим кенг бир ҳужрада, ўрдугоҳ ўртасида эмишман, жануб уфқидан яқинроқ бир жойда қорамтириб бир хат кўринди. Аскар бошлиқларимдан бири бу хатни кўрсатиб туриб: «Бу деворни бир боши жобилқога борса, яна бир боши Хўтсан ўлкаларига улашиб кетади», — деди. Мен: «Садди Чин деган шуми?» деб сўраганимда: «Бале», деб жавоб берди. Мен ўз фикримни: «Садди Чин

дегани, нақадар маҳкам бўлса бўлсин, Исфаҳон, Дехли, Дамашқ ҳисорларидан маҳкам (роқ) бўлмаса керак. Мен ўша қалъаларни олдим. Чин деворидан ҳам ўтаман», — дедим.

Бу тушдан уйғондим. Намозни ўқиши билан дархол йўлни давом эттиromoқчи эдим. Бироқ ўрнимдан туролмадим. Яна мағосил (бўғинлар оғрифи) дардим тутдими, деб хаёлимдан кечди. Бироқ ўрнимдан туролмадим. Баданимнинг ҳеч бир жойида оғриқ йўқ эди. «Киши борми, келсинлар!» деб овоз чиқардим, лекин оғзимдан чиққан жумлалар тушунарлик эмас эди.

Овозимни эшитган фуломларим кирдилар. Мени тургизмоқ учун кўтардилар, оёқ узра туролмадим. Улардан икки киши бориб, ўрда табибини олиб келди. Табиб набз (томир уришини) тутди, тилимни кўрди, кўз-қобоқларни кўрди, сўнгра бошини қулоғимга яқин тутиб: «Эй Амир, сакта хасталигига учрабсиз, тўла шифолангунингизча жойингиздан қимиirlамайсиз», — деди.

Мен: «Бу ерда туришлик душманнинг ғалабасига сабаб бўлади. Мени тахтиравонга солиб йўлга тушинглар», демоқчи эдим, сўзлаёлмадим. Шу йўсун етти кеча-кундузни чодирда ўтказдим. Атрофимдаги кишилар мени ўлик хаёл қилган каби фаҳмладим. Уларнинг ўзаро гап-сўзлари қулоғимга чалинар, улар менинг ўлигимни Самарқандга етказиш хусусида кенгашар эдилар. Мен бу вақтда ўзимнинг ўлган жасадимни кигизга ўралган каби ҳис этар эдим. Шундай аҳвол билан бир кун саҳар вақтида кўзим очилди. Тонг ёриша бошлаган эди.

Мен кўрган тушимдан даҳшатланмадим. Фақат майдонда эмас, хотинлар каби бошим ёстиғда турганига афсус қилдим, чунки мендай бир майдон одамининг уй ичиди, тўшакда ётиб эмас, майдонда ўлмоғи лозим эди. Ўрда табибининг секингина қулоғимга шивирлаб: «Эй Амир, сактасиз», деб қўйи-

ши — иллатнинг хатар эканлигидан огоҳлантирас, бошқалар ҳам хабардор турсин, деган маъно чиқар эди. Буларнинг ҳаммаси менинг ўлимимга йўл очилиб қолганини билдираш эди.

Абдулло Қутбнинг сўзи билан Деҳли брахманининг сўзини солиштирганимда ҳам умрдан уч йил қолган бўлиб чиқар эди. Лекин Аллоҳ таолонинг Қуръони Каримдаги: «Ло ястафдимуни саатан ва лао ястаҳирун», деб берган хабари «Ҳар кимнинг вақти етгандан кейин, бир соат кейин бўлмағай» деган сўзини бекор қилас, фақат Аллоҳнинг тайин этган ажалига иймон келтирмоқ лозимдай эди. Аммо ҳаётининг бир дақиқаси қолган бўлса ҳам абадий яшайдиган одам каби ҳаётий вазифаларни ўз вақтида бажармоқ лозим деб тушундим. Шу асосга амал қилиб ўрнимдан турдим. Намозимни ўқидим. Мағнисия амирини қувлаб йўлга тушмоқ учун қўшин масъулларига амр бердим. Тезлик билан қўшин ҳаракатга кирди. Йилдирим Боязидни ҳар эҳтимолга қарши ўзим билан бирга олиб жўнадим. Мен, кеча-кундуз сарбозларимга истироҳат бермасдан Тугулни қувлайман, Тугул эса бир минтақада турмасди. Қайси бир ўлкага борсам, Тугул у ердан эндиғина чиқиб кетганини эшитар эдим.

Тугулнинг қадами қайси шаҳар, қишлоқقا етган бўлса, у минтақанинг бойликларини, қўй-молларини олиб кетган, отларини қўшин фойдасига мусодара қилганлигини кўтар эдим. Минтақа халқларининг ягона орзуси Тугулнинг танасиз бошини кўрмоқ эди.

Мен ўз қўмондонларим орқали «Бекорга ўлиб кетмасдан таслим бўлсалар ўз жонларини қутқазишадилар», деб эълон қилдим. Татарлар таслим бўлдилар. Аммо Сорухон, Сариқамишхон, Курд сарбозлари таслим бўлмадилар.

Шунинг учун биз офтоб ботгунча Тугул қўшинини нобуд қилиш учун урушмоқقا мажбур бўлдик. Уруш хотимасида Сорухон, Сариқамишхон ва Курд

сарбозларидан бирор киши тирик қолмади. Тугулнинг ўзи ҳам бир неча жойидан яраланиб, қўлга тушди.

Шу кунги урушда сарбозларимдан тўрт минг киши нобуд бўлди. Бунинг эвазига катта хатарни ўртадан кўтарган эдик. Агар Тугул нобуд бўлмай шу сарбозлари билан Озарбайжонга етиб бориб, у ернинг подшоҳига қўшилиб оладиган бўлганда йўқотиш мумкин бўлмаган бир кучли қувват вужудга келган бўлар эди.

Намози шомдан кейин Йилдирим Боязидни чодиримга чақиртиридим. У билан қилган сұхбатимда: «Сени мамлакатингда шу қадар ботир, урушқоқ, таслим бўлишга рози бўлмайдиган кишилар бўла туриб, сен нима учун булардан фойдаланмадинг? Агар булардан бир қўшин пухта ташкил қилганингда сени ҳеч ким мағлуб қилолмас эди», — дедим.

Йилдирим Боязид: «Инсон ҳар қандай неъматнинг қадрини у қўлдан кетганидан кейин билади. Мен ҳам ҳозир билдимки, бундай ботир кишилардан фойдаланса бўлар экан. Аммо фойдаланмабман», — деди.

Йилдирим Боязид билан яна бир оз сұхбатлашгандан кейин чодирга бормоғига ижозат бердим. Тугулни оғир мажруҳ бўлгани учун тахтиравонга солиб олиб келишди.

Ундан менга қарши исён қилмоқ учун Йилдирим Боязиддан буйруқ олган ёки олмаганини сўраганимда Тугул нафрат билан бундай деди: «Йилдирим Боязидда мардоналикка ярагудек бир нарса ўрнига қуруқ гулдураган исм бор, холос. Бундан бошқа бир хислати борлигини билмайман. Ўзини эр деб биладиган бир одам Йилдирим Боязид ноибларига эргашмайди», — деди.

Тугул бу сўзларни шундай бир жиддий айтдики, мен унинг сўзи рост деб ишондим. Йилдирим Боязиддан бир оз сұхбатлашгандан кейин чодирга бормоғига ижозат бердим. Тугул нафрат билан бундай деди: «Йилдирим Боязидда мардоналикка ярагудек бир нарса ўрнига қуруқ гулдураган исм бор, холос. Бундан бошқа бир хислати борлигини билмайман. Ўзини эр деб биладиган бир одам Йилдирим Боязид ноибларига эргашмайди», — деди.

Тугул бу сўзларни шундай бир жиддий айтдики, мен унинг сўзи рост деб ишондим. Йилдирим Боязид

зидга қарши гумоним билан унинг гапидан орала-рида яқин бир нарса йўқлигини билдим.

Мен унга: «Эй ботир киши, сен менга адоват қилган бир одамсан. Бугунги урушда минглаб аскаримнинг ўлимига сабаб бўлдинг, мен сени ботирлигинги назарда тутиб, сени ўлимга буюрмайман.

Агар сен мен билан дўст бўлиб қоладиган бўлсанг, Мағнисия салтанатини сенга қайтараман», — дедим. Аммо Тугул урушдаги захмлари таъсири билан учкундан кейин ўлди.

Патак бўғози оғзидағи урушда ўлганларнинг жасадини кўмдирмоқ, жароҳатланганларни даволамоқ учун беш кун туриб қолдим.

Патак бўғозидан ҳаракат қилмай туриб, Тугул тарафидан талангандан халқ молларини мумкин қадар ўз эгаларига қайтардим. Жумладан, Сутук ўлкасининг молларини тамом қайтариб берганимдан кейин йўлга тушдим.

Диёрбакр йўлида Йилдирим Боязид хасталиги сабабли сафарда юролмаслигидан менга хабар бердилар. Мен уни: «Муҳофазат остида Диёрбакрда қолсин?» — деб амр бердим. Шу муносабат билан Йилдирим Боязиддан форсий тилда ёзилган бир нома келди. У ўзининг мактубида: «Хаста бўлиб қолдим. Балки шу хасталик билан тез фурсатда ўлиб кетишм мумкин.

Одатан, эски замонлардан буён ҳар бир асир бўлған подшоҳ асоратда ўлган. Агар мени касаллик ўлдирмаса, асорат ўлдиргусидир. Эй, улуғвор Амир, менинг ўлимим билан Усмон хонадони салтанатининг инқирозига рози бўлмассиз. Мен ўлим арафасида эканман, сиздан биргина илтимосим бор. Бизнинг асрлар бўйи ёниб келган чироғимиз ўчиб қолмаслиги учун ўғлимни ўрнимга тайин қилсангиз, мен сизга қатъий сўз бераманки, у сизга вафодор бўлиб қолгай, ҳаргиз сизга исён қилмагай», — деб ёзган эди.

Хасталигим сабабли ҳузуримга келмоқдан маъзур бўлган Йилдирим Боязиднинг номасига жавобан: «Ўғлингни менга хирож тўлаб туриш шарти билан подшоҳ қиласман. Бошқа шартларингга муводиқдурманс», — дедим.

Мен Озарбайжонга етмай туриб, Йилдирим Боязид «ўлди» деб хабари етди. Ўзи ўлмай туриб, жасадини боболарининг ёнига қўйилиши учун мендан розилик олинглар, деб васият қилган экан. Мен унинг бу талабига иккинчи дафъа розилик бердим.

Қиши фасли яқинлашиб қолди. Озарбайжон билан Рум ўлкаларида қишнинг совуғи қаттиқ бўлгани учун Бизантиумни фатҳ этмоқ нияти билан қўшинни орқага (тарбга) қайтариш имкони йўқ эди. Аскарий кишилар билан шиддатли совуқда қўшин тортиб бўлмайди. Тездан Мовароуннаҳрга қайтиб, қиши ўз ватанимда ўтказиб, баҳор фасли бошланиши билан Бизантиумга ҳаракат қилишни ўйладим. Унда фаранг подшоҳидан олган кемаларим ҳам етиб келиб қолар эди.

Рум бандаргоҳида ясалаётган кемалар ҳам у вақтга қадар битиб қолар эди. Қўлимда Бизантиумни тасарруф қилмоққа етарлик кемалар мавжуд бўлган бўлар эди.

* * *

Афсуски, Соҳибқирон режаси амалга ошмади. У ўйлаган ҳарбий-денгиз флоти ташкил топмади. Соҳибқироннинг 1405 йил февралида Хитой сафаридағи ўлими бу режанинг белига тепди. Агар ўшанда флот тузилганда Мовароуннаҳр тарихи буткул ўзгача тус олармиди? Бу тарих жумбогидир.

МУНДАРИЖА

Тақризчидан	3
Юлдуз шуыллари. А. Оринов	4
Мұқаддима	5
Фаройиб түш	8
Болалик сабоқлари	12
Жудолик ситами	16
Мактабдорнинг башорати	20
Хофиз Темур	21
Сеҳрли нарвон	22
Ота фатъоси	26
Үлим билан юзма-юз	32
Биринчи ғалаба	35
Чўлда бўлган олишув	40
Уч юз биринчи навкар	41
Қилич ва туз	47
Муросага яширинган ҳийла	50
Озодлик ва адолат йўлида	53
Маглубиятга айланган ғалаба	59
Байрамда тўкилган қон	60
Узилган ришта	64
Сароймулк ҳоним	67
Темурбекнинг гояси	69
Ўнинчи рамазон тунида	71
Қароқчилар жазоси	73
Форс дисиридаги учрашувлар	81
Фозил шаҳар одамлари	85
Ўзга тоғлар заҳри	91
Муруват ва хиёнат	100
Тошкентдаги маслаҳат	108
Волга бўйидати базм	112
Уламолар қурутойи	118
Кул остидаги чут	127
Сўнгти жанг	132
Темурбекка сиғинган князъ	138
Бешинчи иқлим мамлакати	150
Таҳликали курол	156
Сирли шифокор	161
Патандаги хатар	164
Фойибдан келган овоз	169
Илон қатъя соқилари	172
Сирли шароб	174
Эдиқуддининг гояси	180

Литва киизининг хомхаёли	182
Мусулмон бўлган ҳиндлар	185
Луни кутволининг ҳийласи	188
Брахманинг башорати	190
Кон ютган ота	195
Кутволнинг тақлифи	200
Қасд қилган паст бўлади	205
Ислом оламининг устунлари	209
Тоғли Қорабогда	212
Йилдирим Боязид	216
Яшин ва Темир	220
Исломнинг бағри кенг	224
Ўғил бўлган қирол	227
Қорабогдаги мотам	232
Мукофот ва жазо	235
Бахтиер жаҳонгир	240
Йўлбарс билан юзма-юз	247
Соҳибқироннинг сўнгги жумбоги	252
Само ўғлининг даъвоси	263
Қисмат	267
Соҳибқирон шуҳрати жаҳон наздида	277
Гранд Темурбек	277
Буюк рицарь ёнида	280
Шаҳзода Мусонинг мурувати	282
Яшинни ютган темир	285
«Амир Темур — буюк рицарь»	287
Соҳибқирон флоти	293

«ART FLEX»

*нашиёти яқинда қуйидаги китобларни нашрдан
чиқаради:*

**Ҳ.Содиқов. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ.
Тарихий эссе.**

**Ҳ.Содиқов. РАСМЛАРДА ТАРИХИЙ ЛАВҲА-
ЛАР (ўзбек, рус ва инглиз тилларида).**

Ганжавий Низомий. ИҚБОЛНОМА. Достон.

«ART FLEX»

нашиётининг қўлингиздаги ва бошқа нашрларини улгуржи хариð қилишингиз мумкин.

*Мурожаат учун
тел./факс (371) 144 04 93, 104 68 07,
360 97 53*

Адабий-бадиий нашир
Ҳамдам Жўраевич Содиков

**АМИР ТЕМУР ҲАЁТИДАГИ
ФАРОЙИБОТЛАР**

(Тарихий бадиалар)

Мұхаррир *Жонибек Субҳон (Жониқұл Сувонқұлов)*

Мусаввир *Жавлон Умарбеков*

Дизайнер *Алишер Фозилов*

Компьютерда тайёрловчи *Лейля Абкеримова*

Мусаҳид *Маъсуда Йўлдошева*

ИБ № 25

Босишига 02. 03. 2007 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108^{1/12}.
Таймс гарнитураси. Офсет усулида босилди. 20.0 шартли босма
тобоқ. Адади 5000 нусха. 46-2007 рақамли буюртма.
76 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

ART FLEX нашриёти, 2007 й.
100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

«Тошкент тезкор босмахонаси» МЧЖда чоп этилди.
100200. Тошкент. Радиальная тор кўчаси, 10.